

Uzbekiston Fozulchilari

1994

7—8

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ ЖУРНАЛИ

Бош муҳаррир:

Ўткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Тоҳир МАЛИК

(*Масъул котиб*)

Мурод МАНСУР

(*Наср бўлими мудири*)

Омон МУХТОР

(*Бош муҳаррир ўринбосари*)

Икром ОТАМУРОД

(*Назм бўлими мудири*)

Нуруллоҳ Муҳаммад РАУФҲОН

(*Мерос ва қадрият бўлими мудири*)

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ

(*Мақоланавислик бўлими мудири*)

63-ЙИЛ ЧИҚИШИ

МУАССИС:

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ



- «Ўзбек иши»га яна бир назар
- «Десантчи»ларнинг ғайриинсоний қилмишлари
- Қамокда ким «қонун» чиқаради?
- «Нахот, адолат манзили... ўлим бўлса?!»

Муқованинг биринчи бетига ёзувчи Одил Ёқубовнинг «Адолат манзили» романига О. Восихонов ишлаган расм.

ЖАМОАТ КЕНГАШИ: Неъмат АМИНОВ, Саид АХМАД, Бўрибой АХМЕДОВ, Эркин ВОХИДОВ, Кодиржон ИБРОҲИМОВ, Хуршид ДАВРОН, Мирзо КЕНЖАБЕК, Салоҳиддин МАМАЖОНОВ, Мурод Муҳаммад ДҮСТ, Тўлан НИЗОМ, Умарали НОРМАТОВ, Эркин САМАНДАР, Жуманазар САЛАЕВ, Хайриддин СУЛТОНОВ, Ўлмас УМАРБЕКОВ, Носир ФОЗИЛОВ, Шуқур ХОЛМИРЗАЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Бобоҳон ШАРИПОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Ҳамид ҒУЛОМ, Раҳмон ҚҮЧҚОРОВ.

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» № 7—8, 1994 й.

Одил Ёқубов

АДОЛАТ МАНЗИЛИ

Роман

1

Бибисора момо Бетеран¹ чолни кутавериб, кўзи илинган экан, бир маҳал эшик қўнғироғининг овози қулоғига чалинди. Момо чўчиб уйфондию «ҳозир-ҳозир», деганича ўша томонга пилдиради. Лекин йўлакка чиқиб қараса, эшик эмас, телефон экан. Худди ёв қувгандай бетиним, асабий жиринглаяпти.

«Маржонойдир?!»

Бибисора момо ногирон юраги орқасига тортиб, телефон ёнидаги курсига ҳолсизгина чўкди. Момонинг юраги янглишмагани: бир неча дақиқа давом этган ғув-ғувдан кейин олисдан, чамаси, момо туғилиб вояга етган Маржонтов овулидан қизининг юракка ғулув солувчи ҳаяжонли, титроқ овози эшитилди:

— Моможон, ўзингизмисиз, моможон?!

— Мен, болам, мен момонг.

— Ассалом, моможон. Эсонмисиз-омонмисиз, Ветеран бобомлар...

— Бобонг-да омон... Ўзинг қалайсан, болажоним? Набирам эсон-омон юриптими?

— Невараларингиз, Лочинжонингиз — ҳаммаси эсон...

— Эса... нега йиғлайсан? Омонлиқма, болам? — деди момо, аллақандай хатарли туйғудан юраги ҳамон безиллаб. Момонинг оналик меҳрига йўғрилган сўзлари сим орқали минг қақирим наридаги қизининг юрагига бориб етди чоғи, Маржоной:

¹ Ветеран, демоқчи.

— Куёвингиз Суюн акам... Суюн акамлар,— дедию жимиб қолди. Қизининг ўпкаси тўлиб, ўзи билан ўзи олишаётганини сезган момо:

— Куёвимга не бўлди? — деди жеркинқираб.— Оврип қолдима?

— Оғриси ҳам майли эди, моможон... Опкетишди. Бибисора момо тушунмади.

— Ким опкетди? Қайга опкетди?

— Моможон,— зорланди Маржоной.— Буни телефонда айтиб бўлмайди. Тухмат ҳаммаси. Айланай, моможон. Бир кетинглар. Ветеран бобомлар билан бир кеп кетмасаларинг... биз ҳаммамиз буёқда... онасидан айрилган бўтадай бўзлаб қолдик, моможон!..

Момонинг миясида: «Қамап қўйипма?» — деган савол чақмоқдай чақнадию суяк-суякларигача зирқираб кетди. «Қамалган, қамалмаса... қизалоғи Маржоной уясига илон тушган чумчуқдай чирқирайма?»

— Не бўлди? Очиғини айт, болам?

— Очиғини айтсам... ёмон! Жуда ёмон! Тезроқ келинг, тезроқ келинлар, моможон!

— Борамиз, болам, борамиз.

— Ветеран бобомлар ҳам келсинлар.

— Хўп, хўп, болам. Бетеран бобонгни-да олдимға солиб оппараман...

Маржоной яна бир нима демоқчи эди, бироқ телефон ғувғув қилдию Маржонойнинг овози худди ожиз полапоннинг овозидай чирқиллаганича узилди-қолди.

Бибисора момо хаста оёқларини аранг судраб, меҳмонхонага ўтди. Тўрт хонали катта уй, уй эмас, қаср, гўё сув қуйгандай, гўё ўлик чиққан хонадондай жимжит. Момо бир кун аввал ёмон туш кўриб уйғонган, кундузи эса, кун бўйи чап кўзи учиб, кўнгли ғаш бўлиб юрганди. Тушида, ё қудратиндан, эшик тақ-тақ тақиллармиш. Момо чиқса... остонада кўз очиб кўрган, суйишасуйиша қовушган марҳум эри Мамат мерган турган эмиш. Тўппа-тўғри Маржонтовдан тушиб келганмиш. Эгнида қора чакмон, бошида қоракўл телпак, қўлида жинғил сопли қамчи, сулув мўйловини дикрайтириб:

— Ҳа, бибим! — дермиш кўзлари ғазабдан чақнаб.— Маржонтовнинг кўм-кўк яйловларини эсингдан чиғариб, Боботовдай дархон элди тарк этиб, худо ўзи қовуштирган эрингди унутиб, бошингди олиб кетганингда топган жойинг шул бўлдима? Ё манов олтин буюмларга сотилдингма? Бул зебу зийнатларга учдингма? Ундан кўра Маржонтовдаги булоқлардинг салқин сувин симириб, ўтовингди безаб, қимиз шопириб ўтирғанинг минг марта яхши эмасма, бибим?

— Оғажон! — дермиш момо зорланиб.— Агар сиз қирчиллаган қирқ ёшингизда Маржонтовдан йиқилиб, шўрлик бибингизди зор-зор йиғлатиб, тилаб олган қизимизди тирик етим қилиб, бу ёлғон дунёдан кўз юлмаганингизда... мен бадбахт

Боботовдан кетармидимов? Икки кўзим икки булоқ, йиғлай-йиғлай, иккови-да қуриди. Сиз ненибиласиз, оғажон?

— Билмасам... мен ёмондан кўнглингди узиб топган... анов Бетеранинг қайда? — дермиш Мерган, қўлидаги қамчисини ғижимлаб.

Момо аллақандай талмовсираб:

— Қўйинг, ул шўрлик чолди! — деб ёлворармиш.— Ул-да Оллонинг мўмин бандаси. Не қилай, агар сиз «Бойчибор»ингизда товдан-товга учаман деб, дарага йиқилиб...

— Дарага жиқилсам-да ўлмаганман! — дермиш Мамат мерган. У чап кўзини қисиб, ғалати кулармиш.— Сени синамоқ ниятида шундай қилган эдим! Агар бу сўзинг рост бўлса, агар мендан кўнглингди узмаган бўлсанг... жур, кеттик Маржонтовга! Суюкли қизим Маржонхойнинг ўтовиди улкан тўй! Тез етиб борайки! Ёшлиқда суйишиб-суйишиб ўйнаб юрган яйловларди кезиб, ўлан айтиб, элдинг дуосини олайки!..

Момо кўрсатгич бармоғини лабига босармиш:

— Ҳай, оғажон! Бетеран эшитмасин. Мен ҳозир, ҳозир! — дермиш момо куймаланиб, дермиш-у, қувончдан юраги ҳапқириб... уйғониб кетармиш!

Момо ётоқхонага секин мўралади. Чироқ ўчиқ, лекин ҳовлидаги симёғочлардан тушган шуъладан хона ёп-ёруғ. Ёнма-ён қўйилган залворли, кенг каравотларнинг бири ҳануз бўш. Эрталаб қайси бир мактабга учрашувга кетган Бетеран (момо уни қачон шундай деб чақира бошлаганини ўзи ҳам билмайди!) ҳануз қайтмабди.

Бибисора момо ҳамон юраги гурс-гурс уриб, аста курсидан турди-да, бир-бир босиб, меҳмонхонага чиқди. Меҳмонхона ғира-шира. Ҳовлидан тушган шуъла хонанинг ўнг ва чап томонларини қоплаган қимматбаҳо сервантларда, жавонлардаги китобларнинг заррин жилдларида, бутун деворни эгаллаган ва ёқасидан этагигача орден-медал қадалган суратларда акс этиб, уйни ажиб бир жилвага тўлдирган.

Момо дераза рўпарасидаги диванга чўкди, сўнг, тирсақларини тиззасига, қўлларини иягига тираб, оғир, бесарамжон хаёлга толди.

Момони, айниқса, ҳайратга солган нарса — кеча тушида кўрган марҳум эри Мамат мерган — тирик мерганнинг ўзгинаси эди! Сўзлариям, кўзлариям, жаҳли чиққанда дикрайиб кетадиган мўйловиям, келишган келбатию қийғир қарашлариям, ҳамма-ҳаммаси момо суйиб қовушган Мамат мерганнинг ўзгинаси! Мерган — илоё жойи жаннатда бўлғай, қирққа кирмасданоқ тоғдан учиб, оламдан ўтган, Бибисора момо эса беш-олти яшар қизчаси — ҳозиргина бўтадай бўзлаб сим қоққан суюкли Маржонхойни бағрига босганича, чирқиллаб қолаверган эди!..

Ё қудратингдан! Тушда ҳам шунчалик ўхшайдими одам? Ҳатто ҳамон қулоғида жаранглаб турган ўктам, шиддатли овози ҳам тирик Мерганнинг овози...

Момонинг юрагига ғулув солган нарса шу бўлдики, кеча кўрган туши билан ҳозирги телефонда эшитгани шум хабар

ўртасида мудҳиш ва сирли бир алоқа бор эди!.. «Суюкли қизим Маржонойнинг уйида улкан тўй», деди Мамат мерган тушида. Ҳа, унинг бу сўзлари ҳам, Маржонойнинг ҳозирги фарёди ҳам бежиз эмас! Маржонойнинг бошига оғир савдо тушиптики, раҳматлик, руҳи бесарамжон, момонинг тушига кириб юрипти!..

Бибисора момо, ҳарчанд уринмасин, аллақачон ёдидан чиқа бошлаган мудҳиш манзаралар, чеккан уқубатлар, дарду ҳасратлар эсига тушаверди, тушаверди. Шафқатсиз фожеа куни Мамат мерган Маржонтов этагида бўладиган катта улоққа отланди. У маҳалда ҳали ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган Бибисора, қўлида Маржоной, уни анча ергача кузатиб қўйди, сўнг, худди бугунгидай ўзини кўярга жой тополмай, юраги ўйнайверди, ўйнайверди. Ахийри, шомга яқин Маржонтов томондан бир қора тўзон кўринди. Йўқ, бу одатда улоқдан жўр кийқириқ билан қайтадиган улоқчилар тўдаси эмас, мотам сукунатига чўмган улкан оломон эди! Оломон яқинроқ келгач, кўш от устида оқ кигизга ўраб-чирмалган бир нарса кўринди. Юрак ўлгур сезар экан! Ҳамма балони сезар экан юрак ўлгур: оқ кигизга ўралган — Мамат мерганнинг суяги экан!

Эртасига бутун Маржонтов Мамат мерганни — унинг тулпори билан ёнма-ён, — улоқни олган «Бойчибор» камида ўттиз газ келадиган жардан сакрайман деб, бўйни узилган экан! — дафн этишди...

Бибисора эгнига кўк кийиб бир йил аза тутди, кейин бир йилдаёқ қариб мункайиб қолган қайнона, қайнотаси билан розирзолашиб, хўжалик марказига кўчиб ўтди. Унинг бахтига хўжаликда гилам цехи очилган эди. Бибисора шу цехга ишга кирди. У Мамат мергандан кейин бошқа эр қилмайман, деб онт ичган, ундан қолган ёдгорим — Маржонойни оқ ювиб, оқ тараб катта қилсам-у, яхши жойга бериб, бу дунёдан тинчгина ўтсам, у дунёда Мерган билан учрашганда юзим оқ, жисмим пок бўлса, деб ўйлаган эди. Шу боисдан, не-не жойлардан келган қанчадан-қанча совчиларни қайтарган эди. Йўқ, мен қиламан ўттиз, тангри қилар тўққиз, деганлари рост экан. Тақдирдан қочиб қутулиб бўлмас экан.

Мерган оламдан ўтганининг учинчи ё тўртинчи йили қишлоқда мана шу «Ветеран» пайдо бўлди.

Ветеран асли маржонтовлик бўлиб, урушда доврўқ қозонган, ўзиям ўша мавридда бутун вилоятни ёт деб ётқизиб, тур деб турғизиб юрган отга минармонлардан эди. Гилам цехида у билан учрашув бўлди.

Бибисора бу даврада гилам цехининг пешқадам чеварларидан эди, шу боис, ветеранга гулдаста тутқазиш шарафи ҳам унга топширилди. Учрашувдан аввал «ветеран-ветеран», деб доврўқ солишганда Бибисора уни ошини ошаб, ёшини яшаб битган бир қария деб ўйлаган эди. Саҳнага чиқиб қараса... бўй-басти келишган, тоғни урса талқон қиладиган, устига устак, шўх, сўза-мол, гапга чечан бир одам экан. Кўрган-кечирганларини ҳикоя қилганида, кулдиравериб, бир зал аёлнинг ичагини узди. Бу ҳам етмагандек, Бибисора ҳаяжондан дудуқлана-дудуқлана уни таб-

риклаб, гулдаста тутқазганида... Ветеран аввал унинг қўлидан, кейин пешонасидан ўпди-ю, залда қийқириқ бўлиб кетди...

Кечқурун эса... кечқурун Бибисора ишдан қайтса... меҳмонхонанинг тўрида мийиғида кулимсираб... семизлигидан Мансур меш деб ном чиқарган директорлари ўтирипти! Совчи бўп кепти!

Унинг айтишича, бир-икки йил муқаддам Ветераннинг ҳам жуфти ҳалоли оламдан ўтган экан. Уғил, қизлари ҳам турмуш қуриб, ўзларидан тинчиб кетишибди. «Маржонтов»га келишдан мақсади... Бибисорага ўхшаган камтаргина ёш жувон учраб қолса, уйланиш экан!

Бибисора аввал бу гапни эшитишни ҳам истамасди. Лекин Мансур меш ҳам анойи одам эмас (анойи бўлса, «Маржонтов»дай донгдор совхозга хўжайин бўлармиди?) бирда койиса, бирда илондай алдаб-авради.

Бибисора кўзига ёш олиб, Маржонтойни рўкач қилган эди, директор бунга ҳам сўз топди.

— Ветеран айтди,— деди у, овози бирдан юмшаб.— Қизидан хавотир олмасин, деди. Мен уни ўз қизимдан кўпроқ алқайман. Ўзим яхши мактабларда ўқитиб, дўхтир қиламан. Қариганимизда икковимизнинг ҳам жонимизга оро киради, деди. Бундан ортиқ нима керак сенга, болам!..

Мансур мешнинг ҳамма сўзи бир бўлди-ю, шу сўзи ҳам бир бўлиб, Бибисора розилик берди.

Биринчи ой, ҳатто биринчи йиллар Маржонтовнинг бебош сойларига, қир-адирларига ўрганган Бибисора, қафасга тушган қушдай бўлиб, тўрт-беш хоналик ўрдадай уй кўзига тор кўриниб, кўп қийналди. Лекин, одам боласи ҳамма нарсага ўрганар экан. Бибисора ҳам аста-секин янги шароитга ўрганиб кетди.

Ветеран ҳам сўзининг устидан чиқди. Маржонтойни ўз фарзандларидан афзал кўриб, алқаб-ардоқлаб ўстирди.

Маржонтой бўлса, тўққизинчи синфни битириб, ўнинчига ўтганида гулдай очилиб, кўчада юрса ҳамма қайрилиб қарайдиган сўқурдай бир қиз бўлди.

Аммо бу дунё ўзи шундай норасо дунё экан. Қасдига олиб, худди шу мавридда ҳамиша ошиғи олчи бўлиб келган Ветерандан омад юз ўғирди-ю, ишлаётган иши, тагидаги машинаси, текин дўконлари, ҳаммасидан жудо бўлиб, уйда ўтириб қолди. Шунда Ветеран бир кун Момони ёнига ўтқазиб, ёрилди.

— Гапимга қулоқ сол, Моможон,— деди Ветеран, унга ёт, шикаста, ғам тўла овозда.— Аҳволимни кўриб турибсан. Сулаймон ўлди, девлар қутулди деганларидек, собиқ хўжайин оламдан ўтгандан кейин унинг курсисига ўтирган манов девларнинг қаҳри менга тушди. Ишонаман, бир кун келиб, ҳақ қарор топди! Аммо унганча... Маржонтойни дўхтирлик ўқишига кирита оламанми, йўқми — бунга кўзим етмай қолди, Моможон! Шунга бир ўйим... уни Маржонтовга юборсак, дейман. Бир йил тоғалариникида туриб, мактабни ўша томонда битириб келсамикин, дейман. Сабаби... узоқ вилоятлаудан келган ёшларга катта им-

тиёз берилади, ўқишга кириши осон бўлади... Шунга сен нима дейсан, Моможон?

Сўнги пайтларда чолининг аллақандай чўкиб, мунғайиб қолганини кўриб, ўзиям эзилиб юрган момо бир нима дейишга тили бормади.

— Ўзингиз биласиз, Бетеран,— деди Момо, бирдан юраги увишиб.— Сиз қизимди етти ёшида бағрингизга босдингиз. Сиздан қизим-да рози, мен-да розиман. Сиз бул уйда бошсиз. Бошнинг сўзи худонинг сўзи.

Маржоний қишлоққа кетгандан кейин ўрдадай бу уй ташландиқ гўристондай ҳувиллаб қолди. Лекин бир ёмоннинг бир яхшиси ҳам бўлар экан, Маржоний баҳона, Момо билан Ветеран бир неча марта Маржонтовга бориб, кўй еб, қимиз ичиб келишди. Ниҳоят, бир йил ҳам ўтиб, Маржоний мактабни битириб келадиган фурсат ҳам яқинлашди. Аммо худди ўша кунлари, чол-кампир, қишлоққа борамиз, деб шайланиб турганларида унинг ўчғир мана шу шум телефон яна жиринглади-ю, кутилмаган бир хабар келтирди: Маржоний мактабни бирга битирган, Суюн бургут деган бир йигит билан қочиб кетибди!

Бу хабарни эшитган Ветеран кўксига ўқ теккан шердай ўкириб юборди. Момо эса... Момо ҳам аввал оташда қовурилгандай қовурилди, кейин... ичида оллога шукур қилди. Сабаби... Маржонийни опқочиб кетган йигит... ҳозиргина тушига кирган биринчи эри — Мамат мерганнинг узоқроқ бўлса ҳам жияни эди!

... Бибисора момо руҳидаги аллақандай армонга бўйсуниб, меҳмонхонанинг ўнг томон деворини қоплаган китоб жавонларининг олдида борди. Жавонларнинг бирида, битта-битта терилган сержило китоблар орасида, нозик ўймакорлик билан ясалган бежиримгина ёғоч қутича турарди. Момо қутичани олиб, ўртадаги столга кўйди, қийғир бурнига кўзойнагини кўндириб, қутичанинг қопқоғини очди: қути тўла хат! Мамат мергандан қолган ёдгори, худодан тилаб олган суюкли қизалоғи, кўзининг оқу қораси Маржонийнинг хатлари! Аллақачон сарғайиб, ўқилавериб титилиб кетган хатлар! Момо уларни қўлга олмаганига неча йил бўлди?

Маржоний ҳам момосига хат ёзишни аллақачон йиғиштириб қўйган, керак бўлса телефон қилади, керак бўлса қанот боғлаб учиб келади. Лекин илгари, Маржоний бир йилгина қишлоқда ўқиб келсин, деб юборган пайтларда келган бу хатларни момо қизгинасини соғинган онларида бир кунда ўн марта ўқир, ўқийвериб, ёд бўлиб кетганди улар!

«Суюкли энажоним, меҳрибон Бобожоним!..

Сизлар мени Маржонтовга ташлаб кетганларингизда ҳеч нарсани билмадиларингиз: мен орқаларингиздан қарай-қарай бўзлаб қолдим.

Мабодо биров қизимни ранжитяптимикин, деб ўйламанг, энажон. Тоғамлар ҳам, янгам ҳам қўйишга жой тополмайдилар. Айниқса марҳум отамнинг эналари, катта момомлар тиллари бол, бирам меҳрибон, бирам меҳрибонларки, тонг отмасдан

туриб, менга гўжа десам гўжа, мойсўк десам — мойсўк; кўнглим нима тусаса, шуни тайёрлаб берадилар. Худди мен оч қоладигандек, мактабга кетаётганимда қурут дейсизми, қовунқоқи дейсизми, қаймоққа қорилган патир дейсизми, тўқоч дейсизми — папкамни тўлдириб берадилар. Энажон, қўйинг, синфдошларимдан уяламан, десам ҳам қўймайдилар... Мерганимдан қолган тирногим, ёлғизим, ёдгорим, деб суйганлари суйган... Мерган отамни, Сизни кўп эслайдилар. Отам совчи қўймай опқочиб кетганларини шунда марҳум бобомлар бия сўйиб, туя сўйиб, элга ош берганларини, Маржонтов — Маржонтов бўлиб, бундай тўй кўрмаганини айтиб, йиғлаб оладилар. Сиздан жуда-жуда розилар. Доим сизни дуо қиладилар... Шундай бўлса ҳам, бу ерга, айниқса мактабга, синфдошларимга сира кўниколмаяпман.

Сизниям, Ветеран бобожонимниям қаттиқ соғинаман. Севикли Тошкентимни (мен бу шаҳарнинг қадрини энди билдим, моможон!), ўқиган мактабимни, синфдош дугоналаримни, гимнастикага қатнайдиган стадионимни, барча-барчасини кўп эслайман, кўп соғинаман... Қачон ўтақолар экан бу бир йил?..»

Бибисора момо бу мактубни олганида Ветеран чолига: «Ўқимасаям розиман, қизгинамни бағримизга опкеб беринг!» — деб зор-зор йиғлади. Бироқ қайсар чол кўнмади. Бир йил кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. У вилоятдан келадиған ёшларга йўл очик, хоҳлаган жойида ўқий олади. Ҳали қизгинамни катта олима қиламан, дўхтир қиламан, қариганимизда жонимизга оро киради, деб оёқ тираб туриб олди...

Йўк, сал ўтмасдан бошқача хатлар кела бошлади.

«Опоқ моможоним, суюкли бобожоним!

Мендан ташвиш тортманглар. Хийла ўрганиб қолдим. Синфдошларим бирам яхши, бирам содда, бирам дилкаш. Қизлар ҳам, болалар ҳам, ҳаммаси мени яхши кўришади. Фақат битта бола бор. Исми Суюн. Лақаби «Бургут». Ҳамма уни Суюн бургут дейди. Бирам тегажоқ, бирам тегажоқ. Узиям жуда ғалати. Битта кўк қашқа оти бор. Эртақлардаги дулдул дейсиз! Мактабга ям ўша дулдулни ўйнатиб, хуржунига дўмбирасини солиб келади. Танаффус бўлди дегунча дўмбирасини чалиб, ҳаммани оғзига қаратади, гоҳ кулдиради, гоҳ (лоф эмас, моможон!) йиғлатади. Ҳеч ким билмасин, ёлғиз сизга айтаман. Синфимиздаги ҳамма қизлар унга зимдан ошиқ. У бўлса... менга тегажоқлик қилгани-қилган. Катта энам айтдилар: Суюн бургут марҳум отамларга қариндош бўларкан (жиянми-ей, ё жиянларининг жиянларими-ей). Узиям шундай оловки, мерганликдаям, улоқдаям, ўландаям, бу элда унга етадигани йўк, дейишади. Менга ўлан тўқиб, ўлан ўргатишни ваъда қилди»...

Момо аввал бошда қайси жиян экан деб, эслашга ҳарчанд уринмасин, эслай олмади. Бироқ қизининг шу хатидан кейин кўнглига қандайдир кудук¹ тушди. Кейинги хатлар эса, момо-

¹ Кудук — шубҳа.

нинг дилидаги кудукни ошираверди, ошираверди...

«Кўзимнинг нури, Моможоним!

Кеча хатингизни олдим. Кўзимга суртиб ўқидим, бир кулдим, бир йиғладим. Суюн бургутни айтибсиз. Марҳум отангнинг унақа жияни йўқ, ундан овлоқ юр, эҳтиёт бўл, дебсиз. Қотиб-қотиб кулдим. Нега эҳтиёт бўлар эканман? У қашқир эмаски, мени еб қўйса. Агар ишонсангиз... мен ундан эмас, у мендан кўрқади, моможон! Кураш тушганда ҳаммани йикитадиган девдек йигит мени кўрса... довдираб қолади... қисқаси, қизингизга инонаверинг, уни балоям урмайди, моможон!

Кеча бир автобус бўлиб Маржонтовга чиқдик. Ёлғиз Суюн бургут автобусга минмади, кўк қашқасига миниб борди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, моможон, дулдули шунақа чопқир эканки, гоҳ биз билан ёнма-ён боради, гоҳ қувиб ўтади. Қувиб ўтганда тилини чиқариб, бизларни мазах қилади. Роса кулишдик!

Мен борган жойимизни элас-элас эсладим. Агар янглишмасам, сиз келин бўлиб тушганда ўтов тикиб турган жойларингиз. Тепада Маржонтов, пастда арчазор... сиз кўп айтар эдингиз, моможон. Отамлар тоғдан қирғовул, каклик отиб келар эканлар. Ўзлари тош қалаб арча ёқиб, кабоб қилар эканлар. Мен тентак бўлсам, емайман, деб дод солиб йиғлар эканман. Суюн бургутни ота-онаси ҳам ўша жойда туришар экан. Ўтовларига чақиришди, меҳмон қилишди. Кейин ўйин-кулги бўлди, тараф-тараф бўлиб, ўлан айтишдик.

Эсингиздами, моможон, кичкиналигимда сиз ҳам отамларга қўшилиб кўп ўлан айтардингиз. Кечалари мени ўлан айтиб ухлатардингиз.

«Маржонтов, Маржонтов,

Айланайин Маржонтов,

Ургилайин Маржонтов»,— деб бошланадиган ўланингизни айниқса яхши кўрардим.

Бу ерда бу ўланни билмайдиган бирорта бўз бола, бирорта қиз-келинчак йўқ экан. Суюн акамлар менга ҳам ўлан тўқишни ўргатди. Хамир учидан патир деганларидек, мана, иккимиз тўқиган ўландан бир парча, моможон:

«Маржонтов, Маржонтов,
Айланайин, Маржонтов,
Ургилайин, Маржонтов
Отам суйган товимсан,¹
Момом суйган бовимсан,²
Кўзим очиб кўрганим,
Момомдайин суйганим
Етолмадим қадрингга,
Кетдим сендан овлоққа.
Адашган фарзандингман

¹ товим — тоғим.

² бовим — боғим.

Кечир қизинг, Маржонтов.
Келдим мана, юкиниб
Кўз ёшимни ютиниб
Гуноҳкор қизалоғинг,
Афв этгайсан, Маржонтов...»

Уланам сизга ёқадими, ёқмайдими, билмадим, моможон. Мен уни Суюн акамларга кўрсатдим, Суюн акамлар кулдилар. Бу шунчаки бир эрмак, дедилар. Аммо ўлан тўқиш эрмакдан бошланади, дедилар. «Ёзавер-ёзавер, айтавер-айтавер, ахир бир кун одам бўласан, дедилар».

Шу-шу, Бургут деса қизалоғининг оғзидан бол томадиган бўлди. Момо бир неча марта Маржонтовга бориб келайлик, деб чолига ёлворди. Бироқ, бу ёлғон дунёнинг иши сира битмас экан, сира адоғ бўлмас экан. Чол-кампир Маржонтовга «ана борамиз, мана борамиз», деб юрганларида қиш ўтиб, кўклам ҳам келди. Ниҳоят, Маржоной мактабни битирадиган кунга бориб, уни ўзимиз билан бирга олиб келамиз деб, йўлга шайла-ниб турганларида мана бу хат келди:

«Нуридийдам моможоним, меҳри дарё бобожоним!

Мен сизларнинг олдингизда гуноҳкорман! Кечиринг, моможон, кечиринг, бобожон!

Биламан: сизлар менинг бахтимни ўйлаб куйинасизлар. Қизгинамиз енгилтаклик қилиб, ўз келажagini ўзи поймол қилди, деб озор чекасизлар. Дабдурустан айтиб қўяқолай, меҳрибонларим: қизларингиз Маржоной — дунёдаги энг бахтли инсон!

Сиз айтишингиз мумкин, моможон: биз сени қачон топишганинга бермаймиз дедик, биз деган бўлсак, аввал ўқинглар, ўқиб одам бўлинглар, тўй эса қочмас, деганмиздир? — дейшингиз мумкин. Ҳаммаси тўғри, моможон! Бироқ... сўнгги пайтларда Суюн акамлар нима десам экан, шундай оғир бир дардга, рашк дардига дучор бўлдиларки, мени еру кўкка ишонмайдиган бўп қолдилар. Эмишки, Тошкентга борсак мен гўё берган сўзимдан қайтиб қолар эмишман. Сизлар ҳам (айниқса, бобомлар) катта мансабдорлардан олифта куёв топиб, мени унга бериб юборар эмишлар. Бирда кулдим, бирда йиғладим. Гоҳ жаҳлим чиқди, гоҳ... нимасини яширай, қаттиқ суяр эканки, рашк қилади-да деб, ичимда қувондим...

Энди бу ёғини эшитинг, моможон. Мактабда имтиҳон туганган кун кечкурун клубда катта кеча бўлди. (Сиз Бетеран бобонг билан борамиз, дегандингиз, кўзимиз тўрт бўлиб кутдик, келмадиларингиз!) Ота-оналар дастурхон ёзишди. Суюн акамларнинг отаси қўй сўйиб келдилар. Роса ўйин-кулги бўлди. Суюн акамлар билан бирга ўзингиз билган «Айланайин Маржонтов, ўргилайин Маржонтов» йўлида роса ўлан айтдик. Суюн акамлар ўзлари ҳам шу йўлда бир ўлан тўқибдилар, юрт эшитиб лол қолди.

Эмиш, Маржонтовда она-бола оҳу яшаган эмиш. Онаси боласидан кўҳлик эмиш, боласи онасидан.

Кунлардан бир кун шаҳардан бир қари овчи кепти. Овчи оҳуга ишқивоз экан. Она-бола оҳуни кўрибди-ю уларга маҳлиё бўлиб, отмабди. Йўлларига симтўр қўйиб, қўлга туширибди-да, шаҳарга олиб кетибди. Бироқ овчи шаҳарда уларни қанча парвариш қилмасин, Маржонтовнинг серсув, сербулоқ яйловларига, сойларига, арчазорларига ўрганиб қолган она кийик овчининг қафасига дош беролмай, тез орада жон таслим қилибди. Овчи қараса, онасидан айрилган етим оҳу ҳам оғзига чўп олмай, кундан-кунга орқага кетяпти. Раҳми келиб, қайта Маржонтовга опкеп қўйиб юборибди. Сал ўтмай, етимча оҳуга бир ёш кўчқор учрабди. Бир-бирини сўйиб қолишиб, тоғдан-тоққа сакраб ўйноқлаб юришибди. Бир кун оҳугинани кўрармикинман деб, бояги кекса овчи яна тоққа кепти. Қараса, у қўйиб юборган оҳугина, ёнида ер депсинган ёш кўчқор, тоғдан-тоққа сакрашиб ўйноқлашиб юришган эмиш. Овчи қаҳри келиб, кўчқорни отиб ташлабди, сўнг оҳугинани тутиб олибди-да, яна шаҳарга олиб кетибди. Бу сафар оҳугинам ёлғизликдан ичикмасин деб, овчи унинг ёнига бошқа бир кўчқорни қўшиб қўйибди. Оҳугина тоғда ҳалок бўлган кўчқорини бир-икки кун кўмсабди-да, кейин овчи қўшган кўчқор билан қовушиб кетаверибди...

Ёш бола дейсиз! Бирам содда, бирам соддаки, гўё ўланда нимага шама қияпти — ҳеч ким билмайди, деб ўйлайди. Балониам билиб туришибди одамлар! Кекса овчи — бу ветеран бобомлар. Она кийик — сиз! Бевафо оҳуча — мен! Укириб юборишимга сал қолди!

Кечамиздан сал олдин, Суюн акамлар мени бир чеккага олиб, сўроққа тутган эдилар. «Хўп, энди бу ёғи нима бўлади, Маржон?» деб сўраган эдилар.

Мен хатларингизни кўрсатдим. Тошкентга борамиз, бирга ўқиймиз, кейин тўй қиламиз, дедим.

У қовоғидан қор ёғиб:

— Йўқ, — дедилар. — Тошкентларингга бормайман, — дедилар. «Нега?» — деб сўрасам, нима дедилар денг? «Сенга инонмайман, — дедилар. — Мен бир ўлан тўқидим, дедилар. — Шунда сенга айтадиган гапимни айтдим, дедилар. Шу ўлани эшитиб, жавобингни бер, дедилар. Мени десанг, шу бугун Кўк қашқамга ўнгариб «Маржонтов»га опкетаман, йўқ десанг... ота-энангнинг олдига кетаверасан, дедилар, ўйлаб кўр, бир-икки соат муҳлатинг бор», дедилар-да, менинг гапларимга қулоқ солмай, шартта бурилиб чиқиб кетдилар. Нима қилишимни билмайман. Ёнимда сиз билан бобожоним бўлганларингизда-ку, маслаҳат сўрардим. Қасдига олиб, сизлар ҳам келақолмадингизлар...

Кеча тугагандан кейин, бошим гаранг, қизлар билан уйга кетаётганим, тўсатдан тасир-тусир от чоптириб, Суюн акам бостириб келдилар. Отдан сакраб тушдилар-да, қизларга: «Сенлар бораверинглар, Маржоной қолсин, бир оғиз гапим бор!» деб, мени дугоналаримдан ажратиб олдилар.

Бу сафар жуда хомуш эдилар, ғамгин эдилар, кўнгли синик эдилар.

— Хўш? Уйладингми? — деб сўрадилар.

Мен (худо шохид, моможон) яна сизнинг гапларингизни айтдим. «Олдин Тошкентга борайлик, бирга-бирга ўқийлик», дедим.

Суюн акамлар гапимга қулоқ ҳам солмай:

— «Шайтон дара»ни биласанми? — деб сўрадилар.

Мен саволига тушунмадим.

— Эшитганман, бироқ кўрмаганман,— дедим.

— Шундай дара бор,— дедилар Суюн акамлар.— Кузда борган жойларимиз эсингдами? — дедилар.— Уша жойларга яқин,— дедилар. Аммо даҳшатли дара, унга йиқилган жонзот омон қолмайди,— дедилар. Турки ёмон эди, қўриқиб кетдим.

Айтдиларки, кечаси, ҳалиги ўланни тўқиб бўлганларидан кейин, туш кўрибдилар. Тушида мен ўландаги кичкина оху эмишман. Суюн акамлар бўлса овчига айланган эмишлар. Бошим ўзимники эмиш-у, таним оҳуни танаси эмиш. Мен қочганимча «Шайтон дара» ёқасига борармишман. Суюн акамлар «Тўхта, Маржон, тўхта!» деб бақирар эмишлар. Мен қулоқ солмай дарадан ҳатлар эмишман-у, қушга айланиб, қарши қирғоққа кўнармишман, кетимдан ирғиган Суюн акамлар эса... нариги қирғоққа етолмай, тубсиз дарага қулар эмишлар... У ёғи нима бўлди, билолмай, уйғониб кетармишлар!..

— Майли,— дедилар Суюн акамлар.— Тушимга қараганда сенинг йўлинг равон. Бирор ардоқли одамнинг мартабали фарзандига тегиб, бахтли умр кечирасан. Мен эсам... Маржонтовдан бирор ғор-пор топиб, тарки дунё қиламан!

Шундан кейин нима бўлганини билмай қолдим, моможон. Йиғлаб, ўзимни бағрига отдим-ов! Бир маҳал қарасам... «Кўк қашқа»да қушдай учиб кетяпмиз, орқамда Суюн акамлар.. шу учганимизча бориб Маржонтов этагидаги ўтовларига тушдик. Сиз ҳам ўша жойларга келин бўлиб тушгансиз. Элас-элас эслаيمان... Сиз Ветеран бобом икковларинг сира ташвиш чекманглар. Қизларинг шундай бахтли, моможон, шундай бахтлики...

Қайнонам билан қайнотам қизингизни қўядиган жой тополмайдилар. Мендан ўтиниб сўрадилар. «Келишин,— дедилар,— тўй қилайлик, бирга-бирга элга ош берайлик,— дедилар...»

Бу ёлғон дунё ўзи шундай ғалат дунё экан. Бир кун яхши бўлса, бир кун ёмон, ўтиб кетаверар экан, кўнгилдаги яра ҳам битиб кетаверар экан.

Тўй ҳам бўлди. Бир йил ўтар-ўтмас Маржоной ўғил кўрди. Бетеран бобоси: отаси бургут деса бургут, боласи Лочин бўлсин, деб, исмини Лочин қўйди... Сирдан ўқув деган ўқув бўлар экан, Бетеран шўрлик у ёққа чопиб, бу ёққа чопиб, Суюнбек билан Маржонойни шу ўқишга киритиб қўйди. Кўёв-келин ёз келиб, бир ой-икки ой шу уйда туришди. Улар ўқишди, Бибисора момо Лочинни бағрига босиб, қулоғига ўлан айтиб катта қилди. Маржоной ўзи ўқиган мактабга ўқитувчи бўлди, кўёвлари Бургут мол дўхтирлигига ўқиб, «Маржонтов»даги йилқи фермасига бошлиқ бўлди. Қизи билан кўёвини кўрганда момонинг эсига она-бола оҳулар ҳақида кўёви тўқиган ўлан тушарди.

Шунда «илоё ёмон кўзлардан ўзинг асра», деб дуо қилар, исириқ тутар, тумор тикиб, бўйинларига осарди. Йўқ, кўз тегди. Қай балодан ҳам кўёвлари Бургутни бултур совхозга директор қилиб кўтаришди, кўтаришди-ю, эр-хотин, бошлари маломатда қолди. Бу ҳам етмагандек, мана энди бу шум хабар, кулфат...

Момо кўзи илинган эканми-ей, таниш бўғиқ овозни эшитиб кўзини очди.

— Ҳа, тагин нима бўлди, моможон? Яна мижжа қоқмай мени кутиб ўтирибсанми? Айтган эдим-ку, мени кутма, ётавер деб!

Момо бир сапчиб тушди-ю, овоз келган томонга қаради. Ёп-ёруғ даҳлизда... Бетеран чоли унга тикилиб қаққайиб турарди!

Эгнида узун кулранг плаш (эрталаб учрашувга кетаётганида ногаҳон жала қуйганди), бошида қўқон араванинг ғилдирагидай улкан, қора шляпа, новчадан келган Ветеран момога ҳозиргина тушида кўрган раҳматлик жуфти ҳалоли Мамат мерганни эслати-дию ўпкасини босолмай йиғлаб юборди.

II

Сал кам саксонни урган, бирда гадо бўлса, бирда шох, бирда отга минса, бирда яёв, яхшини ҳам, ёмонни ҳам, очни ҳам, тўқни ҳам кўравериб кўса бўлган Ветеран, момо ҳиқиллай-ҳиққилай дийдиёсини бошлар-бошламасданоқ ҳамма гапга тушунди. Ўрмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади. Марҳум хўжайин оламдан ўтар-ўтмасданоқ юртда бошланган бу ёнғинда хуржунлари ҳаром пуллрдан қаппайиб, димоғлари шишиб кетган, оламини олдим деб, босар-тусарини билмай қолган ўпкаларгина эмас, куёви Суюн Бургутдек кунни кеча оғзи ошга етган ҳалол, покиза йигитлар ҳам бу ёнғин ичида қолганларини кўриб юрган Ветеран бу шумхабарсиз ҳам аллақачон кўнгли беҳаловат, юраги така-пука эди. Аммо энг ёмони шунда эдики, у ҳозир, майда-чуйда шох-шаббалар у ёқда турсин, не-не алп чинорлар ҳам куйиб кул бўлаётган бу ўрмонга яқинлашиб бўлмаслигини яхши англар, кимки яқинлашса, ўзи ҳам ёнғин ичида қолаётганини кўриб турарди! Аммо ёш тўла кўзлари маъсум гўдакнинг кўзларидай мўлтираб, ундан нажот кутиб ўтирган бу соддагина, авомгина аёлга бунни қандай тушунтиради? Ғалати нарса экан турмуш деганлари! Бундан сал кам ўттиз йил муқаддам кўз очиб кўрган ҳалолидан айрилиб, мана шу Бибисорага уйланганида у марҳумадан кейин ҳувиллаб қолган уйимга қараб, рўзгоримни тебратиб ўтирса бас, шунга ҳам шуқр қиламан. Ҳали йиллар ўтади ва шундай даврлар келадики, ёш боладай содда, қўйдаи ёввош бу жувон ёшлигида севишиб, энтиқиб қовушган марҳумадан ҳам яқин бўп кетади. Яхши кунларимда ҳам, ёмон кунларимда ҳам бирдай вафодор ҳамроҳимга, ҳатто сирдошимга айланади, деган фикр хаёлига ҳам келмаган эди. У маҳалда Бибисоранинг этагидан ушлаб, эргашиб келган қизи Маржоной ўз пушти камаримдан бўлган фарзандларимдан ҳам азиз, меҳрибон, Маржонойдан туғилган Лочин эса энг суюкли неварам бўлади, деган ўй етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди!

Мархума, ётган тупроғи юмшоқ бўлсин, жуда кўхлик эди, шўх эди, шаддод эди. У оғир касалга чалиниб, оламдан ўтганида Ветеран элликларни уриб қўйганди. Бибисора эса энди йигирма беш-йигирма олтига қадам қўйган, ҳали Мамат мергандан кўнглини узолмай юрган ёшгина бева эди. У мархумадай кўхлик бўлмаса-да, қорамағиздан келган барча тоғ келинчақларидай нозиккина, ёқимтойгина ёш жувон эди.

Қайси бир доно шоир айтган экан, муҳаббат ёш танламайди, деб.

Ветеран (нега ветеран бўлар экан, у маҳалда бутун бир вилоятда сал кам пошшо бўлиб, ҳаммани даф-даф титратиб юрган кимсан Шербўта Норбўтаев) ҳамиша ерга қараб гапирадиган, катта-катта маънос кўзлари оҳунинг кўзларидай мўлтираб турадиган бу ёш беванинг сеҳрига илинди-қолди.

Аммо, Оллоҳ шоҳид: Шербўта Норбўтаев Бибисоранинг танмахрамликка сўраган маҳалда берган ҳамма ваъдаларини бажо келтирди! Фақат, шу Маржоной!.. Қизи Маржонойга келганда ҳаёт уни бир туртди-ю, умидлари чил-чил синди! Майли! Ҳар ким пешонасига ёзилганини кўрар экан. Маржоной ҳам ўзича бахтиёр эди. Жуда бахтиёр эди. Агар мана бу фалокат рўй бермаганида...

Эпирай! Бу элга кўз тегди-ёв! Бир маҳаллар, собиқ хўжайини оламдан кўз юмишидан аввал, бу юрт Ветераннинг назарида, шиддатли пойгада ҳамма отлардан ўзиб, қанот боғлаб учиб бораётган тулпорга ўхшарди! Мархум хўжайин ҳануз кўпчиликка жумбоқ бўлиб келаётган аллақандай сирли бир ҳолатда, ҳеч ким кутмаган бир вазиятда дунёдан ўтди-ю, моҳир чавандозидан айрилган учқур тулпор тўсатдан қоқилди, қоқилдигина эмас, қаноти қайрилиб, туёғи синди!.. Унинг ўрнига ўтириб, қамчисини олган «чавандоз»лар эса аллақачон тулпорнинг жилловини дўппи деса калла оладиган бир гуруҳ жаллодларга бериб қўйишди. Улар бўлса мана уч йилдирки, бу безабон шўрлик элни қовуриб ётишипти! Қилмаган номаъқулчиликлари, кўрсатмаган ўйинлари қолмади. Ахийри юлғичлару каззоблар бир ёқда қолиб, куёви Суюн бургутдай ҳалол йигитларга ёпишиб, эл юзига қора куя чаплаб ташлашди. Кейинги пайтларда Ветеран телевизорга яқинлашишдан, марказий газеталарни қўлга олишдан юраги безиллайди. Газетани очса ҳам, телевизорнинг қулоғини бураса ҳам — юракни қақшатадиган биттаю битта гап: бошқа ҳамма эл, ҳамма юрт — ҳалол, пок, у ёқларда на қаллоблик бор, на кўзбўямачилик, на ўғрилиқ! Порахўр ҳам, савдогар ҳам, миллионер ҳам — ҳаммани шу элда! Бу элга инонманглар! Сабаби муғомбирлик, у ўзини гадо қилиб кўрсатади, аслини олса, ўлган пахтакорнинг йиртиқ чопонидан ҳам бир халта олтин, бир тўрва пул чиқади!..

Ветеран гоҳи-гоҳида бундай эшиттиришлар қулоғига чалиниб қолгудек бўлса, тонг отгунча кипригига уйқу инмай, юраги санчиб чиқади, ўзи қийналса ҳам майли, шўрлик Бибисорани ҳам қийнайди. У чолига гоҳ сув, гоҳ дори, гоҳ чой бериб, бошида ўтириб чиқади. Аммо... онангнинг ўйнаши қози бўлса дар-

дингни кимга айтасан, деган гап ҳаққи-рост экан. Адолат йўлида наъра тортиб, от суриб юрган ёшлик йиллари бўлса-ку, ўзи биларди нима қилишини! Энди сал кам саксонга бориб, билагидан кучи, белидан қуввати кетган бир мавридда қўлидан нима ҳам келарди? Бу ишни собиқ хўжайинининг қабри устида қасам ичиб, унинг тулпорига ўтирганлар қилиши лозим эди. Эшитишича, уларнинг ўзлари учун ҳам ҳозир сичқоннинг ини минг танга эмиш!..

Ҳалиям бўлса худо асради Ветеранни!

Бундан ўн беш, йигирма йиллар муқаддам марҳум хўжайин бир кун уни Тошкентга, ўз даргоҳига чақириб, узоқ суҳбатлашди. Сочларига аллақачон қиров қўнган бўлса ҳам, чеҳраси тиник, қадди сарв, дилкаш одам, раҳматлик хўжайин, кўнгли кетганда яхши сўз билан, илиқ, самимий муомала билан ийдириб юборарди кишини. Ушанда ҳам шундай бўлди. Суҳбатни узоқдан бошлаб, вилоятда қилган хизматларига жуда юксак баҳо берди, вилоят аҳли Шербўта Норбўтаевнинг бу хизматларини тоабад унутмаслигини қайта-қайта таъкидлади-ю, сўнг:— Умр шундай экан,— деди тўсатдан маъюс тортиб.— Авлодлар ўрнига янги авлодлар келар экан. Авлодлар ўрин алмашиб туриши шарт экан. Ҳаёт ўзи шунга мажбур этар экан бизни. Хулласи калом, агар ранжимасангиз биз сизни Марказга олсак, оқсоқол. Ёшингиз ва обрўйингизга муносиб, тинчроқ бир иш берсак, яхши уй-жой билан, машина билан таъмин этсаг-у, вилоятга ўзингиз тарбия қилган ёш укаларингиздан, ишонган шогирдларингиздан бирини тайинласак...

Раҳматлик гапининг устидан чиқди: уни Марказга олиб, супраси қуруқ бўлса-да, номи улуғ, машиналик, имтиёзли лавозимга тайинлади, мана шу шоҳона уй-жойни берди. Шундай бўлса ҳам, хом сут эмган банда, Шербўта Норбўтаев анчагача, кўнглининг бир чеккасида марҳумдан ранжиб юрди. Рост, у ўшандаёқ олтмишга бориб қолган эди, аммо-лекин аллақачон олтмишдан ошиб, етмишга етиб қолганлар ҳам олтин курсиларида қилт этмай ўтиришар эди! Лекин, Ветеран энди ўйлаб қараса, раҳматлик ўшанда унга эсдан чиқмайдиган бир яхшилик қилиб кетган экан! Сабаби, етмиш у ёқда турсин, саксонда ҳам жойларини ҳеч кимга бермай, баланд курсиларига елимдай ёпишиб олган кўп вилоят котибларининг аҳволлари вой бўлди кейин! Кексалар у ёқда турсин, ҳатто Ветераннинг ўрнида қолган унинг ўз шогирди, ёш, ҳалол котиб ҳам нотинч эмиш. Бу шум хабарни Ветеран шу бугун эшитди...

Ветераннинг беором алғов-далғов хаёлини момонинг тизгинсиз бир дардга тўла мунгли овози бўлди:

— Қизалоғим жилай-жилай эси кетди. Бор умидимиз Бетеран бобомларда, деди. Бобомиз келиб, жонимизга аро кирмаса, ҳол сўрайтин бир жон жўк, деди!..

Олпоқ бошини чангаллаб, оғир ўйга толган Ветеран беҳол кўлларини пешонасидан узиб, Бибисора момога қаради. Момо ўзига аллақандай ярашадиган оҳори тўкилмаган олпоқ рўмоли билан оғиз-бурнини ўраб олган, рўмоли орасидан фақат бола-

ларча мўлтираб умид билан турган нам кўзларигина кўринарди. Ветераннинг нигоҳи ёш тўла бу ғамгин кўзларга тушди-ю, «О, моможон, моможон,— деди ичида.— Сен нимани ҳам биласан?» Лекин тилининг учида турган бу гапни ичига ютиб, аста ўрнидан турди, тураркан:

— Қўй, йиғлама, бибижон! — деди-да, бирдан қўйилиб келган меҳрдан юраги ийиб, кампирининг озғингина, нимжонгина елкасидан қучди: — Тайёргарлигингни кўравер, тонгда йўлга чиқамиз, моможон!

III

Суюн бургут ҳибсга олинганига бир ҳафта бўляптики, Маржонийнинг миясини кечаю кундуз бетаскин бир ўй, нотинчу беҳаловат бир савол кемиради: эрининг гуноҳи нима, у нима жиноят қилдики, қамоққа тиқишади? Лекин қанча ўйламасин, кечалари кипригига уйқу инмай, ҳовлини гир айланади, саволига жавоб қидиради, беором хаёли пировардида бултур ёздаги бир воқеага бориб тақалаверади, тақалаверади. Уша куни Суюн бургутнинг Маржонтов этагидаги йилқи фермасига вилоят қўмитасининг биринчи котиби Жалолиддин Нажмиддинов вертолётда учиб келган, энг ёмони, Суюн бургут ўша куни, ўша ерда Нажмиддиновнинг қистовига ён бериб, «Маржонтов» совхозига директор бўлишга розилик берганди.

Ўша куни Лочиннинг туғилган куни эди. Бир кун аввал совхоз марказидан Лочиннинг уч-тўртта синфдошлари келишган, уларнинг орасида Олтиной билан Кумушбиби деган қизалоқлар ҳам бор эди.

Эрталаб Суюн бургут «йигитларни» эргаштириб тоққа чиқиб кетди, Маржоний эса Олтиной билан Кумушбибини ёнига олиб, бўғирсоқ пишириб, қимиз сузишга киришди.

Олтиной соддагина бир қўйчивоннинг қизи бўлса ҳам, мактабда гимнастикадан биринчиликни олиб, катта спартакиадаларда қатнашиб юрар, ўзиям нозиккина, истараси иссиққина қизалоқ эди. Маржоний билар, ўғли билан Олтиной бирда апоқчапоқ, бирда аразлашиб юришса ҳам, аслида жуда тотув эдилар. Маржоний ҳам қўл-оёғи қушдек енгил, бу суқсурдеккина ёқимтой қизни амлақачон кўз остига олиб қўйган, Лочин иккиси мактабдан сўнг бирга ўқишса-ю, кейин Олтинойни келин қилсам, деб орзу қилиб юрарди. Шу боисданми ё ўғлининг туғилган куни сабабми, ёшларни кутиб, кўнгли сув ичгандай ёришиб кетдию учовлон, худди ёш дугоналардай чақчақлашиб, ишга киришиб кетдилар. Бир маҳал осмонда гувиллаган овоз эшитилди. Утовдан югуриб чиқишса... вертолёт! Ирмоқнинг у юзидаги кўкаламзор майдонга қўняпти! Утовлардан югуришиб чиққан болалар айюханнос кўтаришиб, бир зумда ҳаммаёқ қий-чув бўп кетди. Вертолётни тоққа кетган йигитлар ҳам кўришган шекилли, зум ўтмай улар ҳам етиб келишди. Нажмиддинов бир ўзи эмас, ёнида бир-иккита ҳарбийлар ҳам бор эди.

Меҳмонлар иккига бўлинди. Лочиннинг дўстлари ўз улушла-

рини дастурхонга тугиб, тоққа чиқиб кетишди. Вертолётда келганлар эса сой соҳилига, атрофи арча билан қуршалган ям-яшил сайхонликка чодир тикишиб, кун бўйи маишат қилишди, сойдан балиқ тутишди, харсанг тошларга шиша «тикиб», милтиқ отиб, мерганликда ким ўзар ўйнашди.

Маржоной хизмат қилавериб, юришга ҳоли йўқ, ярим кечда ўтовга кириб энди диванга чўзилган эди (у бошқаларга намуна бўлай деб, Маржонтовдаги ўтовини ҳам совхоз марказидаги уйдаи саранжом-саришта қилиб кўярди) останада ширакайф, димоғи чоғ Бургут пайдо бўлди.

— Уйғоқмисан, Маржон? — деди шивирлаб.— Пинакка кетган бўлсанг ухлайвер...

Маржоной кулди.

— Уйғотиб бўлиб, тагин ухлайвер дейдилар!

Суюн бургут беписанд қиқирлаб кулди-да, ёнига келиб диванга чўкди.

— Кечирасан, Маржон. Маслаҳатлашадурғон гап чиқиб қолди.

Маржоной эрининг «маслаҳатлашадурғон гапи»ни эшитар-эшитмасданоқ юрагини аллақандай совуқ бир сезги чулғаб олди-ю:

— Директор-чи? — деб сўради.— Мансур меш... Мансур акамлар нима дейдилар?

Бургут яна ўша беписанд, ширакайф овозда:

— У киши пенсияга чиқадилар! — деб кулди.

— Кўнармиканлар?

— Кўнамаса менга нима? Бу ёғи катталарнинг гами. Агар тагини суриштирсанг... Мансур меш мана шу Нажмиддиновнинг вилоят кўмитасига биринчи котиб бўлишига қаришилиқ қилган. Зимдан олишган. Нажмиддинов ҳаммасини билади! Нажмиддинов райком пайтидаёқ қарши эди Мансур меш! Менми унга арбоб билан олиш деган? Олишмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан!

Ҳа, Маржоной ҳамма гапдан бохабар эди! Нажмиддинов райком пайтларида ҳам эри билан соз эди. Директорга айтмай, тўғрироғи, унга билдирмай Маржонтовга кўп келар, бир кун-ярим кун арчазорда қуён-пуён овлаб, маишат қилиб кетарди. Аммо фермада директорнинг ўз айғоқчилари бор, улар бу гапларни оқизмай-томизмай етказишиб туришарди. Шу боисдан эри билан директор ўртасида гинахонлик аримас, фақат Суюн бургутнинг самимийлигию нима бўлгандаям унга ёмонлик қилмаслигида инонганидан, ўпкахонликдан нарига ўтмас эди. Лекин, энди-чи? Бу гапни эшитса-чи?

Маржоной қоронғуда эрининг қўлини топиб, аста силади:

— Жон Суюн ака, ўйлаб кўринг. Нима бўлгандаям сизни шу ишга қўйган ўша «ёмон»... директор! Биласиз-ку, бу одамнинг қўлидан ҳар бало келади!..

Суюн бургут бетоқатлик билан қўлини Маржонойнинг қўлидан тортиб олди.

— Суюн бургут гапидан қайтадиган номардлардан эмас.

Сўз бердим, сўзида туради. Бошга тушганини кўз кўрар дейдилар, хотин!..

У шахд билан ўрнидан туриб, ўтовдан чиқиб кетди.

Маржонийнинг айтгани бўлди. Меҳмонлар нонушта қилиб, энди ўринларидан тураётганларида Мансур меш ҳам етиб келди. Унинг «Газиг»ни узоқдан таниган Маржоний: «Вой, ана, директор!» деб юборди ваҳима босиб.

Ешлигида новча, хушқад одам, кейинчалик семизликда «Волга»га сиғмай қолиб (одамларнинг айтишича директор сонигача осилиб тушган қорнини чарм мешга солиб, кўйлаги ичидан бўйнига осиб юрармиш!) махсус ясаттирилган мана шу «Газик»ка ўтиб олган, шу боисдан ҳам у бутун Маржонийга отнинг қашқасидек маълум эди.

Маржонийнинг хитобини эшитган меҳмонлар чиқишди. Нажмиддиновни кўрган директор, унинг: «Э, тушманг, оқсоқол, тушманг!» — дейишига қарамасдан, юмшоқ чармдан махсус тиктирилган этигига аранг сиққан йўғон оёқларини зўр-базўр қимирлатиб, шўпири ёрдамида машинадан аранг тушди-да, меҳмонлар томон алпанг-талпанг юрди:

— Э, бу қанақаси бўлди, хўжайин? Биз томонларга келадилар-у, каминани йўқламайдилар ҳам? Биз ғарибнинг гуноҳимиз не, Жамолиддин ака?

Унинг қип-қизил бўғриққан юзида, жир босиб ичига чўкиб кетган қисик кўзларида бир маҳалнинг ўзида таъна-маломат аралаш аллақандай совуқ таҳдид шундоқ акс этиб турарди.

Нажмиддинов бир дақиқа аллақандай талмовсираб қолди-ю, кейин ўзини тутиб қулочини ёзди:

— Бир қошиқ қонимдан кечасиз, отахон! Мана бу генераллар тоғда йўл қуришмоқчи экан. Шуларнинг илтимоси билан тасодифан келиб қолдим. Аммо, тўғриси айтсам, қайтишда салом бажо келтириш ниятимиз йўқ эмас эди!..

Мансур меш бошидан похол шляпасини олиб, босволди қовундай сип-силлиқ, туксиз бошини силади.

— Йўқ, улим, ота-бола тутинган эканмизми, бундай бўлмайди! Отасини унутган ул қандай ул, Жалолиддин Нажмиддинович? Биринчи котиб яна зўрма-зўраки кулди:

— Айтяпман-ку, қайтишда кирамиз деб ўйловдик. Мана, Суюн бургут айтсин...

— Суюн бургут! — деди директор қовоғини уйиб.— Бургут-те менинг улим! Улим бўлмаса... икки минг йилқини инониб топшириб қўярмидим, Бургутга? Аммо очигини айтсам, улим Жалолиддин, сўнгги пайтларда отасини эсидан чиқариб қўйди, бул улим! — У осилган қовоқлари тагида худди барханлар остида яширинган қудуқдай милтиллаган кўзларини биринчи котибдан узиб, камондай таранг тортиб турган Суюн бургутга тикилди:

— Аммо... отасини унутган ул, ул бўлама? Худо урмайма, бундай улни?

Суюн бургут худди қамчи еган отдай сапчиб, бир нима демоқчи бўлди, бироқ Нажмиддинов: «Ота-бола кечиримли

бўлади, айб бургутда эмас, каминада, отахон!» деб, икковини яраштирган бўлди-да, хайр-маъзур қилиб, вертолётга чиқиб, учиб кетди. Директор эса Маржонийнинг яланиб-ёлворишларига қарамасдан, қўйчивонлардан хабар оламан, деган баҳонада «Газик»ка ўтириб, туз тотмасдан жўнаб қолди.

Шу кундан бошлаб, Маржонийнинг кўнглига ғулув тушди. Сал ўтмай совхоз шаҳарчасида «Мансур меш кетармиш, ўрнига Суюн бургут бўлармиш», деган миш-мишлар тарқадую Маржонийнинг еган оши ичига тушмай, ҳаловати йўқолди. Дўстлари қувонди, душманлари саломига алик олмайдиган бўлишди. Маржоний яна бир неча бор эрига: «Жон Суюн ака, илоннинг инига чўп суқяпсиз, қўйинг шу ишни!» деб ялинди-ёлворди. Аммо ғишт қолипдан кўчган, Бургутдан ихтиёр кетган эди!

Бир ҳафтадан кейин вилоятдан одамлар келиб, совхозда катта мажлис ўтказишди. Унгача Суюн бургут (одамларнинг айтишича, Мансур меш ҳам) бири ошқора, бири пинҳона бир неча марта вилоят марказига, кейин Тошкентга бориб келишди.

Маржоний мажлисга бормади, уйда қўлириб, «килоэ эримнинг номзоди ўтмагай!» деб худога тавалло қилди. Бироқ унинг арзи арши-аълога бориб етмади. Ҳамма гапни кейин эшитди: директорликка учта номзод қўйилипти. Биринчиси (чамаси вилоят катталари ё кўрқашган, ё ҳадиксирашган) Мансур мешнинг ўзи, иккинчиси бош ҳисобчи. Суюн бургут эса, учинчи номзод бўпти. Бош ҳисобчи ўз номзодини қайтариб опти. Кўп тортишувлардан кейин яширин овозга қўйилиб, Мансур меш 17 фоиз, Суюн бургут 73 фоиз овоз олипти. Бу якун эълон қилинганда бутун аҳли совхоз ўринларидан туриб, ярим соат қарсақ чалишипти. Ўғли Лочин бунга кўзлари болаларча порлаб, ҳаяжондан энтика-энтика гапириб берди, бошқалар эса гўё Мансур меш эшитиб қоладигандек, атрофларига қарай-қарай, шивирлашиб ҳикоя қилишди Маржонийга...

Шу-шу, хонадондан ҳаловат қочди.

Йўқ, Маржоний бундай деса, адолатли бўлмас. Биринчи беш-олти ой тинч ўтди, эри ишга жон-жаҳд билан киришди. Маржоний Суюн бургутни қанча суймасин, қанча ҳурмат қилмасин, унинг қонида бундай шижоат, бундай қобилият борлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Бургут ишни ободончиликдан бошлади: дастлаб ғишт заводи қурдиришга киришди, совхознинг эски клубини ремонт қилдириб, жиҳозларини янгилатди, бир маҳаллар омбор учун қурилиб, ниҳоясига етмай қолиб кетган бинони таъмир қилдириб, ёшлар учун чиройли спорт зал очиб берди, энг овлоқ кўраларгача движок қурдириб, нур обортирди. Рост-да! Кечагина ов деганда Маржонийни эсидан чиқариб юборадиган, улоқ деганда фермасини ҳам унутиб, даштда наъра тортиб юрадиган Бургутнинг вужудига бу удда-буронлик, бу шижоат мудраб ётгани кимнинг тушига кирибди? Тез орада «Суюн бургут» деса, одамларнинг оғзидан бол томадиган бўлди. Шу-шу, Маржонийнинг дилига ором бермай келаётган ғулув ҳам хиёл босилди, ҳатто меҳрига-меҳр қўшилиб, ичидан эридан ифтихор қиладиган бўлди. Бироқ, бало қайда,

десанг, оёғинг остида, деган нақл рост экан шекилли, эрига кўз тегди. Олти ой деганда тоғда ҳеч кутилмаган бир фалокат содир бўлдию Маржоной Оллоҳдан тилаб олган ором оиласини яна тарк этди. Маржоной бу воқеани ҳар эслаганида юраги бир зирқирайди.

Мактабда кузги таътил кунлари бошланган эди. Ишга барвақт кетадиган Суюн бургут наридан-бери нонушта қилиб, энди ўрнидан турган эди, дарвоза қўнғироғи худди қаердандир ёнғин чиққандай қаттиқ-қаттиқ жиринглади.

Маржоной юрагини ҳовучлаб чопқиллаб чиқса, кўчада... эрининг янги «Газик»и ёнида... Олтиной турибди! Ҳамиша озода, бежирим кийиниб юрадиган қизалоқ... эгнида эски чопон, бошида кир-чир тивит рўмол, оёғида кирза этик, рангида ранг йўқ... қалтирайди. Узоқдан, афтидан тоғдан иниб келган оти оқ кўпикка чўмилган. От ҳам Олтинойдай дир-дир титрайди.

Маржоной юраги орқасига тортиб, қизни қучди:

— Нима бўлди? Нима қилди, қизгина?

Олтиной уйдан чиққан Суюн бургутни кўрдию пиқ-пиқ йиғлаб юборди.

— Кўрага ўт тушди. Олти юз қўй нобуд бўлди...

Суюн бургут текис йўлда қоқиниб кетиб, дарвоза устунини қучоқлаб олди.

— Нима дединг? Ёнғин? Олти юз қўй нобуд бўлди? Қачон?

— Кечаси...— Олтиной хўнграб юборди.

— Одамлар... Отанг... Дарвеш дудуқ қайда эди?

— Кўрада. Ҳаммамиз телевизор кўриб ўтирувдик, амакжон.

— Телевизор! Телевизорга бало борми? — Ҳеч қачон сўкиниб гапирмайдиган одам, Суюн бургут кутилмаганда хунук сўкинди.— Хўп, мен кетдим, Маржон! — У шундай деди-да, уйдан чиққан Лочинга юзланди.— Сен ҳам чиқ машинага!

Олтинойни бу аҳволда кўриб, ҳангу манг бўлиб қолган Лочин:

— Хўп, ота,— деди ҳушёр тортиб.— Ҳозир... «Қалдирғоч»га сув-пув берай!

«Қалдирғоч» — ахал-текин наслидан бўлган ёш арғумоқ. Бургут уни директор бўлишидан аввал туркманлардан янги «Волга»сига алмаштириб олиб, ўғлига тортиқ қилган. Лочин ҳақиқатан ҳам қалдирғочдай гўзал, сийнаси қалдирғочнинг қанотидай ялтиллаб турадиган бу тулпорчасидан бир дақиқа ажралгиси келмайди. Уғлига ҳеч қачон қаттиқ гапирмайдиган Суюн бургут бу сафар бирдан ўшқириб берди:

— Суп-пувди онанг беради Қалдирғочга! Чиқ машинага.

Ота машинага ўтириб, эшигини қарсиллатиб ёпди. Лочин, ҳамон ҳанг-манг, тескари ўгирилиб олган Олтинойга бир қараб қўйди-да, истар-истамас машинага чиқди. Ота-бола жўнаб кетишди. Олтиной гоҳ култ-култ ютиниб, гоҳ сал ўпкасини босиб, бўлган воқеани гапириб берди.

Олтинойнинг отаси Дарвеш дудуқ, умри тоғу тошда қўй кетида ўтган пок, соддадил чўпоннинг кўраси Маржонтовнинг

кун ботиш томонида, «Алвасти сой» деган сойнинг ортидаги серўт, сергийёх янтоқзор қирларга жойлашган.

Дарвеш дудуқ ўзидай серфарзанд, меҳнаткаш укаси билан бирга икки қўра қўйни боқишар, укаси бригадир, ўзи оддий чўпон эди. Бултур ёзда, қўраларга движок ўрнатилгандан кейин Суюн бургут ака-уканинг кўп йиллик меҳнатини тақдирлаб, совхоз ҳисобидан рангли телевизор инъом этган. Шундан бери қўрада байрам. Ҳар оқшом Дарвеш дудуқнинг шифти паст, аммо бир таноб келадиган катта уйида ака-уканинг йигирмадан ортиқ мишиқи болаларию қўни-қўшни, хотин-халаж дегандек, бир қўра одам йиғилади, қий-чув кўтаришиб томоша кўришади. Қасдиға олиб, фалокат юз берган кунлари қайси бир ёзувчининг тарихий романи асосида яратилган телефильм намоиш қилинаётган эди. Кечаси ҳамма томошага маҳлиё бўлиб, томоша айна қизиқ жойига борганда тўсатдан худди яшин чақнагандай ташқарида нимадир ярқираб кетдию уйда телевизор ўчади, ҳовлида эса, аксинча, гўё кимдир улкан гулхан ёққандай, ҳаммаёқ ёришиб кетади...

Уйдагилар «гур» этиб, ташқарига отилишади. Қарасалар, паҳса девор билан ўралган катта ҳовлининг кун ботиш тарафидаги томига тоғ баробар уйилган қуруқ пичан, янтоқ, ёвшанли қўра ловуллаб ёняпти. Томдан ағанаб тушган пичан ва қуруқ беда боғламлари бостирма атрофида, қоғоздай ловуллаб, коптокдай юмалаб юрипти! Бало бир келмасин, бир келса, бир-бирини қувалаб келаверади, деганлари ҳақ-рост экан. Олтинойнинг айтишича, ёнғиндан бир ҳафта аввал қўрғонга кечаси иккита қашқир тушиб, беш-олти қўйни бўғизлаб кетган экан. Шундан бери эшикларга отнинг калласидай қулфлар солиниб, танбалаб қўйилар экан. Шу боисдан чор атрофдан «Калит, калит кимда?» деган бақириқ-чақириқлар эшитилиб турибди-ю, лекин калит топилгунча бутун қўра олов ичида қолипти! Қўра ичкарисидан юракларни тилка-пора қилувчи зорли маърашлар эшитилармиш, бу маърашлар бир-бирларини йўқлаб йиғлаган она-болалар фарёдини эслатармиш. Уни эшитган қўрадаги хотин-халаж, болалар, чолу кампир — ҳамма баравар кўкка қўл чўзиб нола чекишипти! Уларга қўшилиб йиғлаган Олтиной ёнғиндан кундудай чароғон ҳовлида у ёқдан-буёққа югуриб юрган шўрлик дадасини кўрипти. Дадасининг бошидаги теллаги учиб кетган, эғнида на чопони, на қўйлаги бор, қўлида катта кетмон, бечора тинмай бақираб эмиш:

— Ҳой мусулмонлар! Эркак зоти қайда бу қўрғонда? Булдозерчи қайда? Юргиз булдозерингди! Буз деворди, буз!

Олтинойни лол қолдирган нарса — дадасининг дудуғлиниши йўқолиб, тили ечилиб кетгани эди.

Дадаси қўрғон деворларига бир-икки кетмон уришга улгурипти, булдозерчи бўлса булдозерини ўт олдиришга ҳам улгурмапти: ёнғинда қолган қўранинг томи гуп-гуп ўпирилиб туша бошлапти!

Маржоний, гарчи Олтинойнинг гапларидан юраги тарс ёрилай деса ҳам, қизалоқни қўлидан келганча юпатди, «Қўрқма,

хаммаси яхши бўп кетади», деб тасалли берди, ўзи эса, кўнгли хуфтон, томга чиқиб, Маржонтовнинг йўлига тикилди. Қани энди Суюн бургутнинг қораси кўринса, машинасининг чанги чиқса, Маржонтой бу чангни кўзларига тўтиё қиларди!

Худо ҳеч бир бандасининг бошига солмасин, бундай нотинч мавридларда соат ҳам имиллаб юрар экан, осмондаги офтоб ҳам жойидан жилмай туриб қолар экан! Қани энди вақт ўтсин-чи!..

Маржонтой билан Олтиной вақт ўтказиш ниятида ҳамир қоришди, нон ёпишди. Тоғдан оқ кўпикка чўмилиб келган от билан «Қалдирғоч»га ем-хашак, сув-пув бериб, ўзларини овутишди, бу орада ўн марта томга чиқиб, Маржонтовга термулиб-термулиб қарашди. Бир хавф, бир хатар, бир фожиа уларни бир кунда яқинлаштириб, опа-сингил қилиб қўйди, аммо қани энди тоғ йўлида бирор мошиннинг қораси кўринса?

Ниҳоят, офтоб ана ботаман, мана ботаман, деб турганида Маржонтов томонидаги баланд қирда бир ҳовуч тўзон кўзга чалинди, сал ўтмай, дарвозалари олдига таниш «Газик» келиб тўхтади. Маржонтой ота-болани кўриб, юраги зирқираб кетди.

Суюн бургут бир кундаёқ камида бир пуд озиб, чўп бўлиб қолганди. Азалдан қорамағиз юзи оловда қолган арчадай қорайиб, қийғир бурни сўррайиб, лунжлари ичига ботиб кетганди. Лочин ҳам кўзлари олазарак, у худди ёмон туш кўриб, уйғонган болага ўхшарди.

Суюн бургут ҳовлига кириши билан гап йўқ, сўз йўқ, телефонга ёпишди:

— Одам йиғилдими клубга? Нима? Клубга сиғмайди? Яхши! Тоғдаги чўпон-чўлик, йилқичилар-да келишдими? Раҳмат, раҳмат! Ҳозир бораман!

У ўғлига юзланди.

— Сен нима қиласан? Борасанма?

— Бораман! — деди Лочин.

— Кетдик! — Суюн бургут шундай деб, эшик томон йўналди-ю, пойгакда тўхтаб, Маржонтойга қаради.— Гап бундай, Маржон! — деди юраги санчаётгандай кўкрагини ишқалаб.— Йўлда ўғлинг билан маслаҳатлашдик. Нима қилиб бўлсаям бу икки чўпонни қамоқдан асраб қолмоқ керак. Қамаб қўйишса, полапонларини ким боқади? Хаммаси ош деб, нон деб чирқиллаб ётган жўжачалар. Оталаридан айрилиб, етим қолишса... Аммо лекин... чўпонларни асраб қолиш учун қирилган қўйларни тиклаш лозим! Ҳукуматнинг битта қўйига ҳам тегиб бўлмайди. Мен ҳозир халққа мурожаат қиламан. Аммо халқдан ёрдам сўрай-дурғон одам аввал ўзи ибрат кўрсатмоғи даркор. Сен нима дейсан, Маржон?

— Мен нима дердим? Сўзингиз тўғри,— деди Маржонтой эрининг гапидан ҳаяжонга тушиб.

— Тўғри десанг... улим билан йўлда ҳисоб-китоб қилдик. Кўкламда қўрада эллик бош қўйимиз бор эди. Қўзи-пўзиси билан юз бош бўлгандир. «Қалдирғоч»ни айтмай қўяқолай.

Сенинг говмишингдиям. Аммо-лекин қўйларни бераман. Юз қўй! Барини бераман. Нима дейсан?

Бургут бирор савоб ишга аҳд қилганда Маржоной қачон йўқ деган? Маржоной дилига қуйилиб келган оналарча меҳрдан энтикиб:

— Керак бўлса сигиримни ҳам бераверинг, Суюн ака,— деб хитоб қилди, қилди-ю, пиқ-пиқ йиғи овозини эшитиб, ялт этиб қаради. Бу бурчакда тескари қараб ўтирган Олтиной эди!..

Суюн бургут қовоғини уйиб, томоғини қирди.

— Йиғлама, қизим. Айб отангда! Суюн бургут тирик бўлса ўзи қамалса қамалади, бироқ отангда қаматтирмайди! — У шундай деб, ўғлига бир қараб қўйди-да, тўсатдан мийиғида жилмайди.— Юз қўй бўлса... барибир молди сенинг қалинингда берардик!

Лочин отасига бир ёвқараш қилди-да, ташқарига отилди. Унинг кетидан кулимсираганича Суюн бургут ҳам чиқди.

Ота-бола кечаси алламаҳалда қайтишди. Иккисининг ҳам димоғлари чоғ, бир-бирига сўз бермай, одамларнинг яхшилигини эслашарди.

Мажлис Суюн бургут ўйлагандан ўн баробар яхши ўтди.

Суюн бургут содир бўлган фалокатни гапириб бериб: «Энди нима қиламиз, биродарлар, «Маржонтов»да қирқ йил қўй кетида қирма-қир юрган бу икки жафокаш чўпонни қаматиб бир этак жўжаларини етим қиламизма ё ёрдам берамизма?» — деб сўраганида бутун совхоз аҳли: «ёрдам берамиз, ёрдам берамиз!» — деб қичқиришибди. Суюн бургут гапини тугатиб: «Менинг юз бош қўй-қўзим бор, ҳаммасини бердим, биродарлар!» — деганида залда қийқириқ бўп кетипти, ҳамма ўрнидан туриб, кексалар «Умрингдан барака топ!» — деб дуо қилишибди. Шундай бўптики, ҳатто Мансур меш ҳам сўз олиб «Тўғриси, ёмон иш бўпти, жиноят бўпти, аммо-лекин Дарвеш дудуқнинг полапонлари тентираб қолмасин учун мен-да худо йўлига ўн қўй бердим!» — деб, у ҳам олқиш олибди...

Ота-болагина эмас, Маржоной ҳам елкасидан тоғ қулагандай энгил тортди.

Лекин бу қувонч кўпга бормади. Кўпга эмас, эртасигаёқ райондан милиция ва прокуратура ходимлари бостириб келишди. Шу-шу, уч-тўрт ойгача Суюн бургутнинг боши маломатдан чиқмади. Гарчи халқ нобуд бўлган қўйлар ўрнига олти юз қўй йиғиб берган бўлса ҳам, Суюн бургутни судрамаган жойлари қолмади, району вилоят у ёқда турсин, ҳатто марказдан ҳам комиссия устига комиссия келаверди, келаверди.

Охирги комиссия бундан уч ой аввал келганди. Кўклам яқинлашиб қолса ҳам тоғда ҳали қор қалин эди. Бургут уларни ўз «Газиг»ига ўтқазиб, машинани ўзи ҳайдаб кетди-ю, кейин бир кулиб, бир куйиниб гапириб берди. У бир кун олдин Дарвеш дудуққа одам юбориб: «элдан тушган олти юз бош қўйни алоҳида кўрага қамаб, ким қанча қўй берди, рўйхатни қўлида ушлаб турсин, бола-чақасини эса бир уйга йиғиб, кутиб ўтирсин!» — деб тайинлаб қўйган экан.

Тоғда хануз қор қалин экан. Кўкламга ишониб енгил кийинган комиссия аъзолари, неча жойда машинадан тушиб, қор кечиб, рулдаги Бургутга ёрдам беришга мажбур бўлишибди-ю, «Алвасти сой» устидаги қўраларга ўласи ҳолда етиб боришибди. Шу боисдан рўйхатни номигагина кўздан кечиришиб, элдан йиғилган қўйларни наридан-бери санаган бўлишти-ю, жуфтакни ростлаш пайига тушишибди. Лекин Бургут «бир кеп қопсизлар, чўпон-чўлиқнинг уй-жойларини кўриб кетингизлар», деб, қўярда-қўймай Дарвешнинг қўрғонига бошлаб борибди. Уйга киришса... йигирмадан ортиқ увада-чувада ёпинган болакайлар, икки катта ёғоч қорсон айланасига чўккалашиб, гўштсиз шилпилдоқни (қайси чўпон кўкламда қўй сўяди) шапир-шупир тушираётган экан!

Эшикдан бир дунё совуқни олиб кирган олифта, аммо қовоқларидан қор ёққан хўжайинларни кўрганда болачалар шапир-шупир ураётган шилпилдоқларини ҳам қўйиб, уввос тортиб йиғлашибди. Уларга хотин-халаж, чол-кампир — ҳамма қўшилибдию бўпти йиғи, бўпти йиғи.

— Мана,— дебди Бургут.— Бу шўрликларнинг кўрган кунлари — шу! Жиноят қилишган эмас булар, хато ўтган! Хоҳланглар — йиғилган қўйларни элга қайтариб бериб, бу икки бегуноҳ қарияни, мени ҳам қўшиб ҳибс қилинглари! Манов етимчаларни эса давлат ўзи боқсин. Бўлмаса... нуқта қўйинглари бу сарсон-саргардонликка!

Бургутнинг гапидан кейин йиғи-сиғи баттар авж олибдию комиссия аъзолари Дарвеш дудуқнинг ғариб кулбасини шошапиша тарк этишибди.

Шундан кейин Суюн бургутнинг қулоғи, Маржонойнинг кўнгли бироз тинчиган эди. Бир ҳафта аввал текшир-текшир қайта бошланди... Аввалги комиссиялар ҳам бир сари эди, буларнинг нафаси совуқ, турқи бузуқ эди. Совуқ шабаданинг совуқ шарпасини бошлаб келган бу турқи ёмон терговчиларнинг нумуборак пойқадамларидан бор-йўғи уч кун аввал совхоз клубида мактабни битирувчилар оқшоми бўлиб ўтганди. Кечада Лочин билан Олтиной, бири-биридан шўх, бири-биридан ёқимтой ўланлар айтиб, ҳаммани хушнуд қилишди. Уғлидан гурурлашиб, бир қоп семирган Бургут ўзиям қўлига дўмбира олиб, худди Лочин эмас, эр-хотин ўзлари мактабни битирган масъуд дамлардай, Маржонойни саҳнага тортиб, қизиқчиликни авжига чиқарди. Лочин ва Олтиной бир томон, Суюн бургут билан Маржоной бир томон, тонг отгунча ўлан айтишиб, қизиқчилик қилишди. Эртасига Лочин бошлиқ бир гуруҳ совхоз ёшлари — улар орасида Кумушбиби билан Олтиной, ўғилларининг энг кадрдон дўсти Суюн қилтириқ деган чопқир йигитча ҳам бор эди,—вилоят марказида ўтадиган улкан мусобақага жўнаб кетишди. Мусобақада Лочин севимли «Қалдирғоҳчи» билан пойгада қатнашиши, бошқа ёшлар — бири чопиш, бири гимнастика бўйича беллашишлари керак эди. Ёшлар қайтишгач, Суюн бургут билан Маржоной Лочинни олиб Тошкентга тушишни, омад ёр бериб, ўғиллари ўқишга кирса, улар умрларида бирин-

чи марта хорижга саёҳатга чиқишни режалаштиришган эди. Хуллас, ёмонликдан дарак йўқ эди. Суюн бургут ярим ҳазил, ярим чин, ёшларга: «Соврин олмай қайтманглар, совринсиз қайтсанглар Маржонтовга киритмайман!» деб уларни кузатиб қўйди-да, ўзи тоққа кетди. У тоғда бир ҳафта бўламан, деб кетганди, уч кун ўтмай, кеча эрталаб ногаҳон кириб келди.

Юзи тунд, қовоғи осилган, кўзлари киртайган, ўзига жуда ярашган чиройли мўйловининг учлари аллақандай шалвираб, осилиб қолган.

Маржонной энди уйқудан туриб, сигир соғаётган эди. Эрининг турқини кўриб аъзойи бадани музлаб кетди-ю, ўрнидан тураман деб, челақдаги сутнинг ярмини тўкиб олди.

Суюн бургут бедазор ўртасидаги ёғоч каравотга бориб ўтирди. Маржонной кўрқа-писа унга яқинлашди.

— Нима бўлди? Нега тоғдан барвақт қайтдингиз?

Суюн бургут кўлини ҳорғин силкитиб:

— Яна бошланди! — деди уф тортиб.

— Комиссия келдими?

— Йўқ, районга чақиришди. Бу сафар — Московдан келган прокурорлар! Айтган эдим-ку, Московдан терговчилар келиб, юртни ости-устин қилаётир, кўп одамларнинг ёстиғини қуритаётир деб. Гўжанг борми? Бўлса бир коса бер, мен юрай.— Бургут ўрнидан турмоқчи бўлди. Бироқ Маржонной жон-жаҳди билан эрининг бўйнига осилиб, зорланди:

— Жон Суюн ака! Борманг у ёққа! Қайтиб кетинг Маржонтовга!

Суюн бургут тўсатдан каравот ёнига тиз чўқди-да, Маржоннойнинг белидан қучиб, лаблари, бўйни, юзларини пала-партиш ўпа бошлади.

— Омон бўл! Лочинни сенга, сени Оллоҳга топширдим, Маржон! — У Маржоннойнинг исқанжага айланган қўлларини аранг ёзиб, бошини чиқариб олди, сўнг, Маржонной олиб чиққан бир коса гўжани симириб ичди-да, хаёлчан одимлаб Лочиннинг хонасига кирди. Кичикроқ чорбурчак хонага гир айлана жавонлар ясалган бўлиб, жавонларгина эмас, дераза токчаларигача, стол-стулларгача — ҳаммаёқ китобга тўлиб кетганди! Суюн бургут жавон ва стол-стулларда қалашиб ётган китобларга узоқ кўз югуртириб турди-да, тўсатдан овози дарз кетиб:

— Илоё ўғлимнинг умри узоқ бўлсин! — деди.— Сен уни ўқит, одам қил, Маржон...

Маржонной кўзи жиққа ёшга тўлиб:

— Худди қайтиб келмайдигандай гапиряпсиз. Нима гуноҳ қипсизки, бундай дейсиз?

— Йўқ, гуноҳи йўқ Суюн бургутнинг! Бир айтдим-қўйдим-да, Маржон! — Бургут бирдан ёпирилиб келган нохуш хаёлларни қувмоқчи бўлган одамдай бошини бир силкитди-да, уйдан чиқди...

Маржонной ўрдадай ҳовлида бир ўзи қолди. У уйга кирса уйга сиғмас, ҳовлига чиқса ҳовлига сиғмас, ўзини қаёққа қў-

йишини билмас эди. Шу аҳволда пешингача аранг чидади, кейин юраги ўйнайверди, ўйнайверди-ю, идорага бориб шаҳарга сим қоқишга (гарчи кимга сим қоқишини тасаввур этмаса ҳам) аҳд қилди.

Маржоной шоша-пиша кийиниб уйдан чиқди.

Қасдига олиб, худди бошқа кўча қуриб қолгандай, катта кўчадан юрган экан, муюлишга борганда «гур» этган жўр кулгини эшитиб, беихтиёр бир сапчиб тушди. Кўчанинг нариги юзида собиқ директор Мансур мешнинг ҳовлиси жойлашган эди, ишдан кетгандан кейин у киши гўё бир гектар ҳовлисида жой етмагандай, кўча юзига сўри солдириб, устига нақшинкор айвон қурдирган эди. Кундуз кунлари сўрига гилам, гилам устидан шохи кўрпачалар ёздириб, эски жўралари билан шу ерда қимиз шопиришиб, «Девонаи ростгўй», деб донг таратган телба-тескари қизиқчисини сайратишиб, ҳангома қуриб ўтиришарди.

Чамаси, бу кун ҳангома авжида эканми, одам айниқса гавжум эди.

Маржоной беихтиёр қадамини тезлаштирди, бироқ худди шу пайт:

— Ҳой келинпоша! — деган таниш, дўриллоқ овозни эшитиб, юраги увишиб тўхтади.

Кўйиб берса ерга теккудек қорнини чарм халтага жойлаб, ипини бўйнига осиб олган собиқ директор, айиқдай тебраниб, кўш болишга суянди.

— Оппоқ қизим, Маржоной, бери келинг, сизга икки оғиз гапим бор! — деди у, аллақандай мулойим, меҳрибон овозда, сўнг, бўйинсиз бошини аранг буриб, сўрида ўтирган жўраларига юзланди:

— Сенларга рухсат, такасалтанглар! Пенсияга чиқдик деб, бировнинг текин қимизини ичиб, текин овқатини еб, ағанаб ётаверасанларми? Уят ҳам керак-да бундоқ! Сен ҳам девонаи ростгўйман деб, оғзингга келганини валдирайвермай... бор, мол-полга қара!

Ўтирганлар шамол учирган хазондай, бир зумда гумдон бўлишди. Девонаи ростгўй ҳам норози, пўнғиллай-пўнғиллай ичкарига кириб кетди. Собиқ директор қорнига кийдирилган чарм халтани икки кўллаб кўтариб-кўтариб қўйди-да, хонтахтага кўкрак тиради.

Маржоной, ҳануз юраги нотинч, сўри четига омонатгина ўтирди.

Мансур меш кўзлари тагидаги қорнига ўхшаш кичик «мешча»ларни аста силаб:

— Нима бўлди? Суюнжонди тагин чақиртириптими? — деб сўради.

Маржоной ранги ўчиб:

— Чақирдиши,— деди секин.

— Ҳой аттанг, ҳой аттанг! — Мансур меш худди сувсиз чўлда сувсаб қолган ҳўкиздай оғир-оғир ҳансиради.— Кўп яхши бола эди Суюн бургут. Мен уни ўз улимдан-да яхши кўрардим. Аттанг. Қаттиқ янглишди эринг, Маржоной, қаттиқ адашди!

Маржоной бошини осилтирганича рӯмолининг учини ўйнаб ўтирар, у афсонавий жонивордай беҳол ҳансираб ётган бу бесўнақай, ўтовдай улкан одамга нима деб жавоб беришини билмасди. Маржоной унинг хайрихоҳлик билдириб, ачинишлари ҳам, таскину тасалли беришга уринишлари ҳам — ҳаммаси уйдирма, ҳаммаси сохта эканини, шу топда у ич-ичидан хурсанд бўлаётганини сезиб турар, ҳатто ҳамма балони қилаётган, эрининг оёғига зимдан болта ураётган ҳам шу Мешкай эканига ақли етар, шу боисдан тобора қути ўчиб, юрагининг қаърида қандайдир жиловлаб бўлмас бир исён кўтарилаётганини туяр ва собиқ директордан ҳам кўра ҳозир шу исёндан қўрқар эди.

— Ўзингиз кўрдингиз-ку, Мансур ака! — деди у, овозидаги титроқ билан олишиб.— У кишини мажбурлашди-ку, Суюн акамларни...

— Э, ўйин бунинг ҳаммаси, ўйин! — деди Мансур меш ва ўтовсимон гавдасига эйд бир чаққонлик билан қаддини яна ростлаб, калта, йўғон оёқларини хонтахта тагига узатди.— Ёлғон сўз не керак, келинпошша? Куёвинг директор бўлмоқчи экан, аввал каминага айтмайма? Мени қийнаётир, қийнаётир демайма? Мен унга яхши маслаҳат бериб, оқ фотиҳа бермайманма?

Гапни секин бошлаган Мансур меш овози тобора дўриллаб, ахийри баланд, дарғазаб пардаларга кўтарилди:

— Эрингга не ёмонлиқ қилдим мен шўрлик? Зўр чавандоз деб, учқур улоқчи деб, ўз отимди унга бердимма? Бердим! Улоқларда, пойгаларда соврин олса, ўзим олгандай қувондимма? Қувондим! Икки минг йилқини ихтиёрига топшириб қўйдим — қимизини ичдингларма? Роҳатини кўрдиларингма? Кўрдинглар! Қани айт-чи, айланайин келин, мен не ёмонлик қилдим эрингга!

Мансур меш ногоҳон кўзига ёш олди-ю, Маржонойнинг қалбида кўтарилаётган туғён сув сепилган гулхандай ўчди-қолди!

— Сўйла! Нега оғзингга талқон солиб олдинг, келинжон? Маржоной бошини қуйироқ эгди.

— Мен нима ҳам дейман, Мансур ака? У шўрлик, эримни айтаман, ўшанда, Маржонтовда биринчи котибга сиз айтган сўзларни айтиб зор йиғлади. Қулоқ солмади котиб. Кейин... Совхоздаги сайлов!.. Сайловда одамлар...

— Ёлғон сўз бул! Ёлғон! — Мансур меш гўдакнинг бошидай юм-юмалоқ, юмшоқ мушти билан хонтахтани гурс этиб урди.— Бунинг ҳаммаси уюштирилғон, ташкил қилинғон! Эса... шу совхозга ўттиз йил бошлиқ бўлиб кимга ёмонлик қилди камина? Бир қўйди ўн қилдим, ўн қўйди минг! Емадим! Ичмадим! Тагин не керак... бу одамларга? Йўқ, яхшиликни биларма, осий бу банда? Йўқ, билмайди! Эса... емай-ичмай, уйку не, дам не — билмай ишласам-да, қариганда кўрган яхшилигим шу бўлдима?

Мансур меш дир-дир титраган қўлларини дастурхондаги гулдор рўмолчага чўзди. Маржоной буни кўрди-ю, шоша-пиша ўрнидан турди.

— Мени кечирасиз, Мансур ака! Мен сизнинг бу сўзла-

рингизга бир нарса дейишга ожизман. Ҳукумат ишларига ақлим етмаса...

— Ҳукуматни тек қўй, келинпошша! Ҳукуматда гуноҳ йўқ. Гап Бургутда! Ўзини оловга отди! Ўз оёғига болта урди эринг, ўзига ўзи завол қилди, келинпошша!

Маржоной, юрагида сўна бошлаган исён қайта қўзғалаётганини сезиб:

— Қўйинг, Мансур ака!— деди ёлвориб.— Бировга ёмонлик тилагунча, ўзингга омонлик тила, деган боболаримиз. Суюн акам нима гуноҳ қиптики, унга завол бўлади?

— Шундай денг? Ҳеч гуноҳи йўқ паришта денг, эрингиз?

Маржоной шартта бурилиб, чопқиллаганича катта кўчани кесиб ўтди. Мансур меш яна нималарнидир деб ғулдиради, сўкинди, лекин Маржоной икки қўли билан қулоқларини беркитганича кўчанинг у юзига ўтиб олди. У идорага бормоқчи эканини ҳам унутиб, уйлари томон бурилди, бурилар экан, ўпкаси тўлиб, йиғлаб юборди-ю, биров кўриб қолишидан кўр-қиб, юзини рўмоли билан ўраб олди.

«Бу мешқориннинг сассиқ гапларига қаранг! Емаган эмиш, ичмаган эмиш! Бир қўйни ўн, ўн қўйни минг қўй қиламан деб, умри ўтган эмиш! Айрон ичиб меш қорин бўлгандирсан? Одамларга ёмонлик қилмаган эмиш! Одамни одам қатори кўрмаганларинг-чи? Биров қарши гапирса гўрға тикқунча қувганларинг-чи? Чўпонларни қора-қон қилиб қамчилаганларинг-чи? Арз қилганларнинг етти пуштигача қоракуя сурганларинг-чи? Инсофу адолат йўқ эмиш одамларда! Қишлоқ курган бўлсанг... ўзингни ҳам эсдан чиқармадинг. Худоёرخоннинг саройидан қолишмайдиган сарой курдинг ўзингга! Ўн фарзандингнинг барини — билсин-билмасин, олий мактабларга жойладинг. Улкан лавозимларга ўтказдинг. Ешинг етмишга борди! Энди сенга мансаб не керак, қари бўри?..»

Маржоной уйга киришга ҳоли қолмади. Бир-бир босиб ҳовлидаги каравотгача борди-да, ўзини кўрпачага ташади...

V

Суюн бургут кун ботиш олдида, Маржоной тамом умидини узиб, яна идорага отланганида кириб келди. У эрталабидан ҳам ҳорғин, ғамгин, ночор кўринар, юзлари ҳам чўяндай қорайиб кетганди.

Маржоной томоғи ғип бўғилиб, эрига умид билан мўлтираб қаради.

— Нима бўлди? Тинчликми? Рангингизда ранг йўқ?

Суюн бургут хотинининг саволига жавоб бермай:

— Уғлим қайтмадимми?— деб сўради.

— Йўқ, ҳали қайтмади!— Маржоной эрининг қўлини олди.— Айтинг ахир! Нимага чақиршипти? Тағин ўша эски ҳаммом, эски тосми?

Суюн бургут: «Шошма, кейин, кейин!» деди-да, Маржонойга илтижо билан тикилиб:

— Анов... падарига лаънат заҳар-заққумдан қолган-қутгани борми?— деб сўради.

— Бор. Тунов кунги ёшлар кечасидан қолган...

— Бор бўлса бир пиёла опчиқ! Асабда асаб қолмади. Юрагимни қон қилиб, ғажиб ташлашди-ку бу зўравонлар!

Маржонной чопқиллаб кириб, патнисда нон, пишлоқ, бодринг, помидор ва ярим шиша келар-келмас коньяк олиб чиқди.

Суюн бургут коньякни пиёлага лим-лим қилиб ағдарди-да, худди чўлда чанқаб қолган одамдай бир сипқаришда тугатди, патнисдаги неъматларга қўл ҳам теккизмай, ҳовли саҳнига ўтиб, хаёл оғушида уни айланишга тутинди.

Маржонной зинага чўкканича унга жимгина тикилиб ўтирар, ўтирган сайин вужуди зирқираб, бир-биридан ваҳимали ўйлардан юраги безиллаб оғрирди. У бу сафар одатдаги сўроқ эмас, бошқа бир ёмон, машъум гап чиққанини ич-ичидан сезар, бироқ шиддатли қорамтир юзида тизгинсиз изтироб, хаёлан бировлар билан олишаётган эрига гап қотишга журъат этмасди.

Ногаҳон Суюн бургут ўй ўйлашдан чарчагандек қўлини бир силтади-да, Маржоннойнинг олдига келди. Унинг кўзлари маъюс бўлса ҳам, лабларининг четида — хушбичим мўйлови тагида фавқулодда шўх табассум зоҳир бўлганди.

— Мен бугун бир ўлан ёздим, Маржон,— бургут чўнтагидан тўрт букланган қоғоз чиқариб хотинига узатди.— Ма, сен ўқиб тур! Мен дўмбирани опчиқай. Ёшлик чоғларимизни эслаб, бирга-бирга бир ўлан айттайлик!— У шундай деди-да, Маржоннойнинг жавобини кутмасдан уйга кириб кетди. Маржонной тўрт букланган қоғозни ёзди. Эрининг биринчи синф боласининг дастхатидай йирик-йирик ҳарфлар билан қинғир-қийшиқ ёзилган ўланига кўз югуртирди:

Маржонтов, Маржонтов!

Айланайин, Маржонтов,

Ўргилайин, Маржонтов,

Қирғин келса қўрғоним,

Ёв босганда қалқоним,

Йиқилганда суюнчим,

Қоқилганда таянчим,

Айланайин, Маржонтов,

Ўргилайин, Маржонтов...

Маржонной ўқиган сайин беғубор ёшликлари, ёш келин-куёв, қўлларида дўмбира, «Маржонтов»да бўладиган улоқлар, пойгалар, тўй-ҳашамларда ўлан айтиб, элнинг олқишини олган чоғлари эсига тушиб, кўз ёшлари қуйилиб келаверди, келаверди. Ўша масъуд чоғларда ҳам, ўланни Суюн акаси ўзи тўқир, у қўлига дўмбирасини олса бас, ўлан ўзи тизилиб келаверарди. Лекин уларда бу шеърлардаги ҳазин мисралар, қандайдир таҳдидли кунлар шабадаси сезилмас, аксинча, улар Маржонтов булоқларидай тиниқ, ёруғ туйғуларга тўлдирарди дилларни. Бу ўлан эса...

Тулпорларинг кишнашиб,
Бияларинг тишлашиб,
Ботирларинг беллашиб,
Айғир мисол чайнашиб,
Сурон солиб ўтганда
Чин дилингдан суюнган
Бобокалон Маржонтов
Қадим бувам Маржонтов.
Булоқ янглиғ тирқираб,
Оққанида кўз ёшим,
Артиб кўйган Маржонтов,
Мард бўлгин деб, овутиб,
Бағринг очган Маржонтов!
Букун сенга не бўлди?
Нечук сукут сақлайсан?

«Ҳа, бир нарса бўлган эрига! Боя... меш қорнинг тарс ёрил-
гур Мансур меш қарғаб башорат қилганидек, ёмон бир
гап... йўқ-йўқ, совуқ башоратини ҳам ел осин унинг, туф-туф!
Биров ундай деса... Кишининг юрак-бағрини эзиб қон қила-
диган бу сўзлар қайдан келди?...»

Фарзандларинг бошига
Синов тушди, Маржонтов!
Ёмонларнинг егани
Қази бўлди, Маржонтов!
Яхшиларнинг бошига
Қиров кўнди, Маржонтов,
Нечук сукут сақлайсан?
Қалдироғинг қалдираб,
Ҳақни ҳаққа йўймайсан?
Ёмонларга терс боқиб
Дуойи бад қилмайсан?
Нечук сукут сақлайсан,
Айланайин, Маржонтов
Ўргилайин, Маржонтов...

Маржоной, яна ўпкаси тўлиб, ўлан ёзилган қоғозни юзи-
га, кўзига суртди.

Уйдан, дўмбирасини аста созлаб, Суюн бургут чиқди. Унинг
чехрасидаги булут хийла тарқаган, чақнаган кўзлари, мўйлови
тагига яширинган табассум ҳазилга, шўхликка ундарди:

— Ҳа, қалай, яхши ўлан бўптима, Маржон?

Маржоной қулт этиб ютинди:

— Яхши. Бироқ, нима бўлди ўзи? Гапирсангиз-чи бундоқ?
Юракларим қон бўп кетди-ку, Суюн ака?

Суюн бургут хотинига жавоб бериш ўрнига унинг ёнига
ўтирди-да, кулимсираб ўлан бошлади:

Айланайин, Маржоной
Ўргилайин, Маржоной!

Оллодан тилаб олган,
Бобомдан сўраб олган
Ёлғизгинам Маржоной,
Олтин ёрим Маржоной!..
Термулган кўзларингдан
Бол томар сўзларингдан,
Айланайин, Маржоной!..

— Бас! Бўлди,— деди Бургут, Маржонойнинг елкасидан қу-
чиб.— Йиғиштир ғам-ғуссани! Қани, ёшлик йилларимизни бир
эслайлик. Арт кўзингни! Қани, жўр бўл!

Айланайин, Маржонтов!
Ўргилайин, Маржонтов!

Маржоной кўз ёши аралаш ўзини зўрлаб кулди-ю, эрига
жўр бўлди:

Айланайин, Маржонтов,
Ўргилайин, Маржонтов,
Какликларинг сайраса,
Айиқларинг бўкирса
Тилларанг тулкиларинг
Офтобдайин товланса,
Бўриларинг увиллаб,
Оламга ваҳм солса,
Виқор-ла кулиб боққан,
Айланайин, Маржонтов,
Букун сенга не бўлди?
Элинг букун қувғинда,
Ўғлонларинг сургунда,
Оналарнинг фарёди
Етди арши-аълога,
Нечук сенга етмайди?
Етган бўлса ноласи,
Нечук сукут сақлайсан?
Нечук қаҳринг сочмайсан?
Ахир сенга не бўлди,
Айланайин, Маржонтов,
Ўргилайин, Маржонтов!

Юраги ғаш бўлгани учунми, Бургутнинг овози бошда сал
бўйиқ чиқса ҳам, тобора очилиб, сал ўтмай илгаригидай мусаф-
фо янгради. Маржоной жўр бўлгач, унга гўё шарқираб оққан
бир жилға тиниқ сув қўшилди-ю, худди ёшлик чоғларидагидай
ажиб бир жозоба касб этди. Улан охиридаги мунгли сатрларга,
доим меҳрибон Маржонтовнинг бугун, фарзандлари бошига
қора булут келганида, нечундир сукут сақлаётган боботовга
мурожаат қилганларида, Бургутнинг овози шундай тизгинсиз
бир дард билан янградикки, сон-саноқсиз қиз-келинчаклар мў-
ралаб қарашди, олма ва ўрикларга осилган болакайлар — чум-
чуқ бўп кетди!..

Улан охирига етиб қолганда, дарвоза қанотлари шарақлаб

очилиб, «Қалдирғоч»ни етаклаб Лочин кириб келди. У кулим-сираганича оёқларини кериб отхона тагида тўхтади-да:

— Э, қойил, қойил!— деб хушнуд кулди.— Тошкентдан хонандаю созандалар кептими депман-а? Ишлар бешми дейман, қўшиқлар вадаванг!

Суюн бургут дўмбирасини Маржонойга бериб, ўғлига пешвоз чиқди.

— Соврин қайда, ўғлим, соврин? Ё соврин ололма, икки қўлларингди бурунларингга тиқиб қайтдиларингма, шав-возлар?

Лочин кўкрагини кериб, Бургутнинг ўзига ўхшаб қийғир қараш қилди:

— Соврин олмаса элга қайтармиди ўғлингиз, ота?— У шундай деб, «Қалдирғоч»нинг бўйнидан қучди.— Аммо соврин учун ўғлингизни эмас, «Қалдирғоч»ни қутланг, ота! Вилюятда биринчиликни олди. Бошқа болалар ҳам бўш келишмади. Салим қилтириқ югуришда, Олтиной гимнастикада биринчи ўринни олишди. Кумушбиби — иккинчи ўрин. Суюнчингиз бўлса бераверинг, ота!

«Қалдирғоч» гўё Лочиннинг гапларини тушунгандай узун, чиройли бўйнини ғалати эгиб, ўнг оёғи билан ерни тарс-тарс тепиб қўйди. Суюн бургут қулочини кенг ёзди:

— Ке, бир кучоқлашайлик, ўғлим!

Ота-бола қулоч очиб кўришишди. Сўнгги бир йилда бўйи отасидан ҳам чўзилиб қолган Лочин, Бургутни даст кўтариб, гир айлантирди-ю:

— Бедазорга улоқтириб юборайми, ота?— деди ярим чин, ярим ҳазил оҳангда, кейин кўзида ёш (Маржонойга нима бўлди, қайғурса ҳам кўзига ёш келади, қувонса ҳам) онасига юзланди:

— Бир коса совуқ айронингиз борми, опа? Мен кетаман ҳозир!

— Эшикдан кирмасдан туриб қаёққа қочмоқчисан, болам?

— Ҳозир Тошкентдан телевизорчилар, шоирлар, мухбирлар келишади. Бизни суратга олишади!— деди Лочин, болаларча бир ғурур билан.— Биз улар билан баҳс қилмоқчимиз, ота! Диспут!

Суюн бургут қовоғини уйди:

— Қанақа диспут?

— Ҳаёт тўғрисида! Бўлаётган ноҳақликлар, бўҳтонлар, қама-қамалар тўғрисида.. Ё сизга тухмаъ қилишмадимми, ота?

Наҳот, ўғли бугунги гаплардан беҳабар бўлса? Суюн бургут қути ўчиб, қўлларини ўғлининг елкаларига қўйди. Ўғлининг елкалари, билаклари тошдай қаттиқ эди!

— Ўғлим!— деди у аллақандай ёлвориб.— Мабодо ёшлик қилиб, ҳар хил хомхаёлларга бориб юрманглар. Ҳукумат билан ҳазиллашиб бўлмайди! Дунёни олдим деб юрган не-не одамларнинг пайини қирқиб, янчиб ташлаган бу ҳукумат! Уқигансан! Биласан!

— Биламан!— деди Лочин, қайсарлик билан.— Қулоқ қилиб

отишган! Душмансан деб чопишган! Ўз элини, хотин, болачақасини ҳимоя қилган ўғлонларини «босмачи», деб осийган!

Суюн бургут юраги орқасига тортиб, бир қадам орқага тисарилди:

— Сен... бу гапларни қайдан топдинг? Мияннга ким қуйди бу бемаъни хаёлларни?

— Нега бемаъни бўларкан?— Лочин асабий кулди.— Бирор-та телевизор, газета, журнал қолмадики, бошимизга мағзава тўкмасин! Мен Москвани айтяпман! Сиз тоғда юриб, газета ўқимасиз, телевизор кўрмайсиз-да, билмайсиз!

«Ёпирай, бу бола нима дейди? Ўзи топган гапми бу ё бировлар бошларини айлантириб чоҳга итармоқчими бу ёшларни?»

— Менга қара, болам! Сенлар бундай гапларга кўп учаверманглар!.. Ким билсин, қайси ниятда...

— Сиз билмайсиз!— Яна ўжарлик қилди Лочин.— Шунақа тўхмат бўляптики, суяклари зирқирайди одамнинг! Бутун ўзбек халқи порахўр эмиш, ўғри эмиш! Биттаси элни олтин хум устида ўтирган кўзойнакли илонга ўхшатипти! Бу шўрпешона элни ким ҳимоя қилади? Ким бу бўҳтонларни рад этади! Ким ҳақиқат қилади? Шоирлар келишса, биз бугун шу тўғрида баҳслашамиз, ота!

«Ростдан ҳам нима дейди, бу бола? Бу аҳволда у қамалса, нима қилади бу бола? Адойи тамом бўлади-ку? Унинг суюкли фарзанди — кўзининг қорачиғи, орзу умиди...»— Суюн бургут тоғда ногоҳ кўзғаладиган қора бўрон янглиғ тўсатдан юрагини чулғаган мудҳиш ваҳимадан аъзойи бадани музлаб, ўғлини бағрига босгиси, оёғига тиз чўкиб ёлворгиси, «Қўй, бу хатарли сўзларингди! Отангга айтдинг, бошқа бировга айткўрма, ўғлим», деб илтижо қилгиси келди. Бироқ Лочин опаси тутган бир коса айронни — у айронни қимиздан ҳам яхши кўрарди — Бургутга ўхшаб бир кўтаришда бушатди-да, «мени кутманглар, кичкина ўтиришимиз бор эди»,— деганича, дарвоза томон йўналди. Унинг кетидан жимгина тикилиб қолган Бургут беихтиёр:

— Ўғлим!— деб чақирди.

«Қалдирғоч»нинг ёнига бориб, унинг бўйни, пешонасини қашлаётган Лочин ўгирилиб қаради:

— Лаббай, ота?

Суюн бургут худди ўғлига қарашга журъат этмагандай, бошини ҳам қилиб:

— Ўғлим!— деб такрорлади.— Илоё бошинг тошдан бўлсин, омон бўл, онангни сенга, сени Оллоҳга топширдим, болам! Лочин отни қашлашдан тўхтаб, сергакланиб отасига қаради:

— Сабаб, бундай дейсиз, тинчликми, ота?

— Тинчлик, болам, тинчлик, йўлингдан қолма, боравер!

— Тинчлик дейсиз-у, тагин... одамни чўчитасиз!— Лочин бошини ғамгин чайқаб, ҳовлидан чиқди.

Маржоний оёқлари мажолсизланиб, эрининг ёнига «шилқ» этиб тушди-ю, Бургутнинг катта, дағал кафтларини қўллари орасига олди. У меҳнатдан, совуқдан қорайиб кетган бу қўлларни кўзларига, лабларига босмоқчи эди, бироқ Суюн бургут тез

эгилди-да, Маржонойнинг кичкина узунчоқ кафтларини қўллари орасига олиб, лабига босганича узоқ жим қолди.

VI

Ярим кечада дарвозага ўрнатилган қўнғироқ уст-устига қаттиқ-қаттиқ жириглади.

Маржоной эрини ухлаб қолди, деб ўйлаганди, йўқ, у ҳам уйғоқ экан, шитоб билан ирғиб туриб, ўзини диванга ташларкан:

— Ана, келишди,— деди ҳорғин, беҳол овозда.

— Кимлар келишади?— деди Маржоной дир-дир титраб.— Уғлингиздир?

— Уғлимда калит бор, қўнғироқ чалмайди. Ановлар! Бугун сўроқ қилган московлик терговчилар! Бор, оч!

Маржоной дарвоза очиқ экани ёдига тушиб, меҳмонхона чироғини аранг топиб ёқди-да, гурс этиб, эрининг ёнига чўкди.

Зум ўтмай ҳовлида гурс-гурс товушлар эшитилиб, эшик шарақлаб очилди-ю, уйга бирин-кетин уч киши кириб келди.

Бургут ялт этиб қаради.

Олдинда кундуз Суюнни сўроқ қилган, Шарановский деган, новчадан келган, жингалак малларанг сочлари шоирона тўзғи-ган, тиниқ мовий кўзлари ёш боланинг кўзларидай масъум ёш йигит, иккинчиси... Миржалолов деган (у ҳам кундузги терговда бор эди!) қовоғи солиқ, сўхтаси совуқроқ одам, учинчиси... ё тавба! Мансур меш!

Қанордай кенг банорас тўн кийиб, қўш белбоғ билан қорни-ни кўтариб боғлаб олган Мансур меш, худди узоқ уйқудан турган қари айиқдай алпанг-талпанг юриб, остонадан аранг ўтди-да, эшик ёнидаги курсига гурс этиб чўкди.

Шарановский тўрдаги столга ўтаркан, Маржонойга тикилиб қаради-да, мийиғида кулди:

— О, балосан, Суюн ботир! Шундай, шундай бетакрор гўзал хотининг бор экан-у, бизга кўрсатмайсан ҳам, ёш феодал!..

Маржоной, гўё бу жингалак соч, ширин забон одам дабдурустдан унга ёпишиб оладигандек, апил-тапил сурилиб, эрининг пинжига кириб олди. Гарчи, улар ўтирган диван столдан анча нарида бўлса ҳам, Шарановскийнинг оғзидан келаётган қўланса ҳид Бургутнинг димоғига гуп этиб урилди. Чамаси, улар ҳозир меҳмондорчиликда бўлгану уччалоғи ҳам қиттай-қиттай отишган эди.

— О, ўзбек гўзали!— яна кулди Шарановский.— Мунча ҳуркмасангиз, мунча ўзингизни опқочмасангиз биздан?

У гапини тугатолмай қолди, Суюн бургут шартта ўрнидан турди, қалт-қалт титраб:

— Сен,— деди, чўқмордай қорамтир муштларини тугиб,— сен қўлингдан келса отиб ташла мени! Аммо хотинимга гап отма! Агар гап отадиган бўлсанг...

Шарановский полни ғачир-ғучир қилиб, ўтирган креслосини орқароққа сураркан, шоша-пиша пистолетини қинидан чиқариб, столга ташлади:

— Сен йигит... Сенсираб гапирма менга!

Маржоной йиғи аралаш эрининг қўлига ёпишди:

— Жон Суюн ака! Утиринг, ўзингизни босинг...

Суюн бургут оғир ҳансираб, жойига ўтирди. Шарановскийнинг маъсум мовий кўзлари кутилмаган бир қаҳр билан чақнади. У ҳамон эшикда қаққайиб турган Миржалоловга юзланди:

— Утир, Миржалолов, папкаларни оч, сўроқ протоколини бошла!— Шарановский шундай деб, қўлларини орқасига қилганча, бир неча марта кенг меҳмонхонанинг бу бурчагидан у бурчагига бориб келди, ниҳоят, бир-бирининг пинжига суқилиб олган эр-хотиннинг рўпарасида тўхтаб, Бургутга мурожаат қилди:

— Ҳалиям ўжарлик қиялсанми, Сувонқулов? Ҳалиям тан олмайсанми қилган жинойатларингни?

Суюн бургут овози хиёл титраб:

— Йўқ!— деди қатъий.— Сиз айтган гапларнинг ҳаммаси тухмат, ўртоқ... гражданин терговчи!

Шарановский қизғиш сочларини силаб истеҳзоли кулимсиради:

— Билиб қўй, қайсарлик фақат зарар келтиради сенга! Барибир бўйнингга оласан. Олдирамиз!— деди у ва ёзишга киришган Миржалоловга қараб буюрди.— Протоколни тўхтат! Тинтувга киришамиз. Хўш, нимадан бошлаймиз?— У мовий кўзларини қисиб, ён-верига олазарақ қаради-да, тахмондаги қўш сандиқ ва уларнинг устига йиғилган шойи кўрпаларни мўлжалга олди:

— Анави сандиқлардан бошлаймиз. Сандиқлар очикми ё ёпиқми? Епиқ бўлса калитни беринг, хоним!

— Ҳозир... ўзим очиб бераман! Калитни олай.— Эрининг қатъияти бамисоли электр токидай таъсир этган Маржоной шартта ўрнидан туриб, ичкари уй томон йўналди. Йўналаркан, хаёлидан: «Энам билан момоларимдан қолган тақинчоқ-пақинчоқларим эрим шўрликнинг бошига бало бўлмаса эди!»— деган фикр ўтди.

Сандиқларнинг калити Лочиннинг столидаги ғаладонда турарди. Маржоной уларни топиб, меҳмонхонага чиққанида тахмондаги кўрпаларнинг ҳаммаси уй билан битта бўлиб сочилиб ётар, Ветеран билан момоси инъом этган кийим шкафлари ланг очилган, Шарановский дағал, бетакаллуф ҳаракатлар билан ғаладонлардаги буюмларни олиб ҳар томонга отмоқда эди.

Миржалолов деганлари кўрпа-кўрпачаларни ағдариб бўлиб, худди қойилмақом иш қилгандек, қўлларини белига тираб, қаққайиб турган экан, Маржонойнинг қўлидаги калитларни юлқиб олди-да, тахмон рўпарасига тиз чўкди.

Марҳум қайнонасидан қолган эски сандиқларнинг эски қулфлари аллақандай мунгли, изтиробли жаранглаб кетди. Сандиқларда Лочиннинг тўйига деб, Маржоной бирда эрига кўрсатиб, бирда кўрсатмай олган шойи ва тивит рўмоллар, беш-ўн кийимлик атлас, банорас ва кимхоб тўнлар саранжом-сариишта қилиб тахланган, уларнинг тагида, катта сандиқнинг энг хилват бурча-

гида боя хаёлидан ўтган ва қайнонасида мерос қолган тилла билакузуклар, қадимги заргарлар безаган, ёқут, дур ва садафлар қадалган зираклар, болдоқлар солинган халта, халта ёнида Маржонойнинг ўзи, бўлғуси келимин учун деб орзу қилиб йиққан бир қути тилла соат, олтин занжирчалар, сирғалар, иккита узук ва яна аллақандай тақинчоқлар бўларди.

Миржалолов худди хўжайиннинг истагини яхши билган искович итдай, сандиқ тўла кийим-кечакларни пала-партиш гиламга отиб, ахийри Маржоной кўрққан нарсаларни топди-ю, бирдан қовоғи очилиб:

— Мана, бойликларнинг боши топилди!— деб ёш боладай қиқирлаб кулди.

Шарановский қизил барқут халтача билан митти ёғоч қутичадаги зеб-зийнатни стол устига ағдарди. Столга тўкилган олтин билагузук, болдоқ ва сирғаларнинг нафис жаранги меҳмонхонани тўлдирди.

— Уҳ-хў!— деди Шарановский, ингичка чиройли мўйловчасини мамнун силаб.— Камида ўн минг сўмлик тилла буюм!—у шундай деб шеригига буюрди:

— Зеб-зийнатларни битта-битта санаб, халтага жойланг. Протоколга киритинг!— Шарановский, худди илҳоми жўшган шoirдай кўзлари порлаб, қўлларини бир-бирига ишқаб, иккинчи сандиқни очди-ю, димоғига гуп этиб урган нафталин ҳидидан афти бужмайиб, орқага тисарилди.

Миржалолов деганлари, чамаси эски сандиқларни титавериб, нафталин ҳидларига ўрганиб кетган бўлса керак, иккинчи сандиққа ҳам ўзи ёпишди... Шунда Маржонойнинг эсига лоп этиб бир нарса тушди-ю, юраги музлаб кетди. У Лочиннинг тўйига деб, ўз маошидан йигирма сўм-ўттиз сўм ажрата-ажрата сал кам тўрт минг сўм йиққан, бу пулни қайси бир матонинг орасига тахлаб қўйганди. «Шу одатимиз ҳам қуриб кетсин!—деди у ичида.— Эримнинг бошига бало бўлмаса эди шу пул ўлгир!»

Маржоной буни ҳали ўйлаб улгурмаган ҳам эдики, Миржалолов четга отган бир кўрпалик бархит орасидан ўша пул сочилиб тушди-ю, ҳавода гўё бир гала қушдай париллаб учди.

— Ҳо, ҳо!— Шарановский кенг меҳмонхонада у ёқдан-бу ёққа югуриб, ҳавода чархпалак қилган қоғоз пулларни тутар экан, мамнун хитоб қилди.— Мана, порага келган пуллар! Мана бойлик!.. Ҳатто пойгакдаги курсида ўтирган Мансур меш ҳам, жойида бесўнақай талпиниб, бир нечта ўн сўмликларни тутиб олди.

— Хўш, гражданиң Сувонқулов! Буларга нима дейсиз?.. Маржоной эрини гапиртирмади. Ўрнидан сакраб туриб, Шарановский томон талпинди:

— Ўртоқ терговчи!— унинг кўзи жиққа ёшга тўлиб, бир дақиқа гап тополмай талмовсираб қолди.— Бу пулларга эримнинг ҳеч дахли йўқ! Мен ўқитувчиман, ўртоқ терговчи! Ўн йилдан бери ўғлимнинг тўйига деб, маошимдан ҳар ой йигирма-

ўттиз сўм ажратиб йиққанман бу пулларни. Нар и борса тўрт минг сўм!..

Шарановский тишлари орасидан:

— Сизнинг пулингизми, эрингизнинг пулими — ҳаммасини аниқлаймиз, хоним!— деди кесатиб.— Умуман сиз... бу ерда ўтираман десангиз ё тилингизни тишлаб ўтиринг, ё бу уйдан чиқиб кетинг!— Шарановский шундай деб, Суюн бургутга юзланди:

— Хўш, гражданин Сувонқулов!— деди у, турган жойида дик-дик сакраб,— хоним-ку ўғлининг тўйига бир дунё зеби-зийнату пул тўплабди. Сиз бу тўйга нимани атадингиз? Чиқаринг атаганларингизни!..

— Бизнинг удимимиз бўйича тўй-маросимлар билан хотинлар шуғулланади.

— Ёпирай, а?— деди Шарановский.— Улоқ бериш, кўпқари чопиш удумлари-чи? Улоқ олган, пойгада ўзган чавандозларга хуржунда пул улашишлар, гилам, телевизор, ҳатто енгил машина ҳадя қилишлар-чи? Тўғрими, ўртоқ гувоҳ?

Мансур меш ўтирган жойида бир чайқалиб:

— Ҳа, бўлғон!— деди овози дўриллаб.— Баъзи бир аҳмоқ мансабдорлар қилган бу ишларди!

Суюн бургут шартта бурилиб қаради.

— Ўзингизни айтаётирсизми?

— Оғзингга қараб сўйла, Суюнбой?— пўнғиллади Мансур меш.— Камина ўттиз йил директорлик қилиб, сариқ чақасига ҳам тегмадим ҳукуматнинг!..

— Ҳозир биз бу кишини эмас,— Шарановский Мансур мешга имо қилди,— сизни тергов қиляпмиз. Ўзингдан гапир, Сувонқулов! Хўш, чиқарасанми яширган пулларингни ё...

Суюн бургут қайсарона бош чайқади:

— Яширган бир тийиним ҳам йўқ! Борлигини билсангиз... сўраб нима қиласиз? Топиб олаверинг тинтиб!

— Ҳа, пул йўқ сенда!— яна пичинг қилди Шарановский.— Битта от учун бутун бир янги «Волга»ни бериб юбораверадинг камбағалсан сен!

— Қалдирғоч!— қистирди собиқ директор.— Аммо-лекин ўзиям қалдирғочмисан-қалдирғоч-да, жонивор!

— Жуда соз! Сен қайсарлик қилсанг, биз ҳам қайсарлик қилишга мажбурмиз,— Шарановский шундай деб, Лочиннинг хонасига ўтди-ю, пойгакда тўхтаб:

— О!— деб хитоб қилди.— Одам яшайдиган уйми бу ё кутубхонами?

— Бу ўғлимнинг хонаси,— деди Маржоной.— Шунақа, китоб шайдоси ўғлим!

Шарановский «ҳимм» деб ёўлдиради-да, эшикда мутеларча қўл қовуштириб турган шериги Миржалоловга юзланди:

— Одатда... нодир буюмлар нодир китоблар орасига яширилади! Яхшилаб қаранг! Биз собиқ директор билан отхона-молхоналарни кўздан кечирамиз!..

Тинтув камида икки соат давом этди-ёв! Шарановский билан

унинг ёнида худди садоқатли қари бўрибосардай алпанг-талпанг қадам ташлаган Мансур меш қўлида қўл фонари, отхона ҳам қолмади, ошхона ҳам, сомонхона ҳам — ҳаммаёқни титиб чиқишди. Гоҳо-гоҳо улар Маржонийни чақириб, алмисоқдан қолган эски қутилари, увада-чувада латта-путтадан бошқа ҳеч нарса тополмай пўнғиллашар, оёқ остидаги эгар борми, жабдуқ борми — тепишиб, жиғибийрон бўлишарди. Маржоний улар талаб қилган ишни ўринлатиб, яна эри олдига чопаркан, кўзида маржон-маржон ёш, Оллоҳдан фақат бир нарсани тилар, у ҳам бўлса Лочин кеп қолмагай, деб илтижо қиларди. Ниҳоят, тинтув тугаб, ҳаммаси яна меҳмонхонага йиғилишди. Камгап, қовоғи осилган Миржалолов протоколни ёзиб тугатган, унда топилган пул ва зеби зийнатлар қайд этилган эди. Маржоний гўё эс-ҳушидан айрилгандай хаёли паришон, эрининг пинжига кириб олган, ҳозир унинг юрагини биттаю битта ўй, биттаю битта фикр кемирар, у ҳам бўлса — эрини опкетишадими-йўқми, деган ташвиш эди.

Ниҳоят, керакли қоғозлар тўлдирилиб, кетиш вақти келди чоғи, Шарановский ўйчан одимлаб, остин-устин бўлиб ётган меҳмонхонани бир айланиб чиқди-да, бошини сарак-сарак қилиб:

— Суюн бургут!— деди у, «гражданин Сувонқулов» дейиш ўрнига.— Худо ҳаққи, ўзинга жабр қиялсан! Охирги марта айтаман: бўйнингга қўйилган айбни тан ол! Агар тан олсанг, ҳеч қаёққа кетмайман, деб тилхат берасан, уйингда қолдирамиз! Тан олмасанг... опкетишга мажбурмиз!

Суюн бургут тишининг орасидан:

— Йўқ!— деб хитоб қилди.— Ҳеч қандай айбим йўқ менинг! Мен ҳеч кимга, ҳеч қачон...

— Хўп!— Шарановский унинг гапини шартта кесди ва соатига қаради.— Беш минут муҳлат. Эр-хотин хайрлашинглар!

Улар бирин-кетин уйдан чиқишди. Мансур меш остонада бир зум тўхтаб, орқасига қайрилиб қаради, тўсатдан овози аллақандай меҳрдан титраб:

— Улим Суюнжон! Ёшлик қилма, болам!— деб гап бошлаган эди, Бургут ўрнидан сапчиб туриб:

— Бор! Ишингни қил, қари тулки!— деб ўшқирди.— Ҳамма балога бош бўлиб, энди гўё меҳрибонлик қилмоқчимисан?

Мансур меш: «Хўп, улим, хўп!» деганича ҳансирай-ҳансирай ним қоронғу даҳлизда ғойиб бўлди.

Маржоний тиз чўкиб, эрининг оёқларини қучоқлади:

— Суюн ака! Айтинг, жон Суюн ака! Қанақа айб? Қанақа туҳмат? Наҳот мендан, ўз жуфти-ҳалолингиздан яширадиган сирингиз бўлса? Яна ўша қўрадаги ёнғинми?..

Суюн бургут хотинини қўлтиғидан олиб, ўрнидан турғазди-да, чўяндай қорайиб кетган юзини ишқалади:

— Булар... бу нокаслар!— деди ва гўё юраги ўртаниб кетаётгандай, кўйлагининг ёқасини юлқиб очди.— Эмиш... биринчи котибга, Нажмиддиновга... мени ишга қўйгани учун эллик минг сўм пара берган эмишман!

Суюн бургут бир кундаёқ кўзлари катта-катта бўлиб, юзи бир ҳовуч бўп қолган хотинининг елкасидан қучди:

— Йиғлама! Бу тухматлар кетмайди! Осонликча жон берадиган Суюн бургут йўқ!

У шкафнинг эшигини шарақлатиб очиб, негадир қишда киядиган пўстини билан қундуз телпагини олди-да, ҳамон тош қотиб турган Маржонойнинг олдига қайтди.

— Жонгинам, ёлғизим, бебаҳо Маржоним, сени дунёда энг бахтли аёл қиламан, деб ўйлаган эдим. Орзуимга етолмадим...

Маржоной жон ҳолатда кафти билан унинг оғзини тўсди.

— Жон Суюн ака, ундай деманг!

Бургут унинг қўлларини ўпди, нам кўзларидан, лабидан, юзидан ўпди. Гўё хотини олдида гуноҳқордай бежуръатгина, секингина ўпди.

— Кечир мени!— деди ўпкаси тўлиб.— Гуноҳқор Бургутингни кечир, худога топширдим сени...— у томоғи ғип бўғилиб, ўзини даҳлизга урди.

Маржоной эрини кузатишга ҳам ҳоли йўқ, гиламга мажолсиз йиқилди.

VIII

Лочин ҳарчанд уринмасин, отасининг: «Опангни сенга, сени Оллоҳга топширдим, болам!» — деган гапи сира хаёлидан кетмасди. Отасининг сўзларидан кишини сескантирадиган аллақандай бир сир, ёмон бир хатарнинг нафаси келди. Лекин қанақа хатар?— буни илғаб олиш мушкул эди. Фақат клубга яқинлашгандагина (клуб билан спорт зали ёнма-ён эди) Лочиннинг ҳаловатини бузган бу ўй бошқа ўй, бошқа ташвиш билан алмашди: «Олтиной уярашувга келармикан, келмасмикан? Борди-ю, анов... Кларахон ҳам келса-чи? Унда нима бўлади?»

Клара аслида Комилахон Қурбоновна, район комсомол қўмитасининг биринчи котиби, мусобақада уларга «шеф»лик қилди. Кларахон биринчи дақиқаларданоқ Лочинга меҳр қўйиб, аллақандай эркалаб ва эркаланиб гапира бошлади. Соврин олган куни эса «дўстлар даврасига» таклиф қилди. Кларахон айтган «дўстлар давраси» ҳеч кутилмаганда хилват бир жой бўлиб чиқди. Ҳозир «ёт нигоҳлардан» холи бу хилватда ўтган бир кеча Лочиннинг эсига тушиб, вужудидан ўт чиқиб кетди, бир зум қалбини йигитлик ғурури чулғаб олди. Аммо шу заҳотиёқ эртасига дўстларидан эшитган дашномлари, айниқса, Олтинойнинг ўксиб-ўксиб йиғлаганлари ёдига тушиб, юрагида ғашликка ўхшаш бир туйғу ғимирлади.

Уша куни Лочин оқ кўпикка чўмган суюкли «Қалдирғоч»ида ҳаммани орқада қолдириб, маррага биринчи бўлиб етиб борганида, стадион тўла минг-минг томошабин баб-баравар оёққа турди, қарсак ва қийқириқлардан еру кўк ларзага тушди.

Ғалабадан кейин, Лочин боши осмон, бетиним эркаланиб, елкасидан тишлашга уринган «Қалдирғоч»ни етаклаб дарвозадан чиққанида, уни тренерлари Соҳиб ака (ёшлар уни суйиб

«қўрбоши» деб чақиришади) бошлиқ дўстлари, улар орасида қизилга бўялган майин сочлари елкасига шалодадай қўйилган, ўйноқи кўзларининг теграсига кўм-кўк бўёқ сурилган, хипчабел, хушқад Кларахон кутиб олишди. Пойгадан аввал Кларахон оппоқ тишларини ярқиратиб кулганича: «Лочинга кўз тегмасин», деб туф-туфлаб эркалаб, сочларини силаб қўйганди. Энди у Лочинни кўриб, узоқданоқ:

— Вой, вой!— деб хитоб қилди.— Ғалаба муборак, йигитча! Зўрсиз! Тулпорингиз чиройли, ўзингиз ундан ҳам чиройли бўп кетибсиз!— деди у ва ён-верига шўх қаради.— Азиз дўстлар! Агар рухсат берсангизлар, районимиз фахри ва ифтихори Лочинжонни битта ўпаман. Қаршилиқ йўқми?

Ёшлар унинг таклифини қийқириқ билан қарши олишди.

— Қаршилиқ йўқ! Рухсат, рухсат!

Кларахон бўялган кўзларида ҳамон ўша шўх табассум, дуркун қоматини қилпиллатиб, ерни дук-дук босиб Лочиннинг олдига келди. Ёш жувондан аллақандай хушбўй атр-упаларнинг жуда ёқимтой, нозик ҳиди келарди.

Лочин кўпқари пайтидагидан беш баттар юраги ўйнаб, жойда қотиб қолди.

Кларахон ҳам ўпса ўпақолмасдан, Лочиннинг ёнидаги дўстларига бир ўйноқи қараш қилди:

— Азиз дўстлар, айбга қўшмайсизлар, мен рус удуми билан ғолибимизни уч марта ўпаман!— у шундай деди-да, аввал Лочиннинг у юзи-бу юзидан, кейин лабларидан қаттиқ ўпди. Унинг билинар-билимас бўялган лабларидан... йўқ, бўёқ эмас, аллақандай тотли конфет таъми келарди.

Атрофда қийқириқ бўп кетди:

— Қойил! Қойил! Яна! Яна!— жўр кулги янгради, фақат қўрбоши қовоғини уйиб, Олтиной киприкларини аянчли пирпиратиб, тесқари ўгирилиб олди. Лочин кўкрагини тўлдирган ифтихор аралаш лаззатли туйғудан боши айланиб ичида кулди: «Қизғанишини қаранг унинг! Ҳалитдан рашк қилишни ким қўйибди сенга? Битта ўпса, бир жойим камайиб қоладими?»

Улар ҳамон ўша хушнуд кайфиятда йироқроқда шай турган махсус автобус ва машиналар томон йўл олишди.

Кларахон Лочинни, Лочин эса Қалдирғочни етаклаб олганди. Олтинойдан бошқа ҳамма, ҳатто боя Кларахоннинг қилиқларини ёқтирмай қовоғини уйган қўрбоши ҳам, ғалабадан хиёл маст, бир гапириб, ўн кулишар, йўловчилар уларга ўгирилиб қарашар, баъзилар таниб, қўлларини силкитиб табриклашар эди.

Шу ҳолда улар махсус машиналар турган жойга етиб келишди. Кларахонни шахсий «Волга»си кутиб турар, Лочин эса Қалдирғочни четроқдаги ипподром отхонасига топшириши лозим эди. Шундай бўлдики, ҳамма автобусга чиқди-ю, фақат Кларахон билан Лочин ташқарида қолишди. Кларахон автобус шофёрига буйруқ берди.

— Сиз ҳайдайверинг, Лочин иккимиз етиб оламиз!

Автобус жилди. Шунда Кумушбиби билан бирга орқа ўриндикда ўтирган Олтиной ялт этиб орқасига қаради. Унинг тўсат-

дан мунг чўккан тимқора кўзлари: «Нега қолдингиз, Лочин ака? Юринг биз билан, юринг!» дея илтижо билан жавдирарди. Кумушбиби ҳам ўгирилиб қараб Лочинга муштани кўрсатди-ю, Лочин бир дақиқа иккиланиб қолди. Буни зимдан кузатиб турган Кларахон конфет таъми келган лабларини чиройли ҳимариб кулди:

— Сизга ошиқми дейман бу қизчалар?

— Ҳа шу... мишиқи қизчалар-да!— деди Лочин бепйсанд.— Нимани ҳам тушунишади булар?

— Сиз-чи? Балоғатга етган эркакмисиз?

— Ҳайшайманми?

— Ҳали кўраимиз, ўхшайсизми-йўқми?— Кларахон қаҳ-қаҳ отиб кулди-да, дарҳол жиддийлашди:

— Мактабни битиргансиз, а? Эндиги режаларингиз қанақа? Спорт институтига кирмоқчимисиз?

— Йўқ,— деди Лочин.— Мен... адабиёт билан қизиқаман. Иложи бўлса, журналистика соҳасида ўқимоқчиман.

— Нега иложи бўлмас экан?— деди Клара.— Ҳоҳласангиз, Москвага ўқишга жўнатаман!

Лочин елкасини учирди:

— Билмасам... Иложи бўлармикан?

Кларахон ҳамон жиддий алпозда:

— Сиз учун иложини топамиз-да!— деб кулди.— Сиздай ўткир, мард, талантли кадримиз бўлади-ю, бошимизга кўтармайми? Боринг, отингизни топшириб келинг. Бу масалани шу бугун ҳал қиламиз, Лочинжон!

Лочин Қалдирғочни ипподром отхонасига топшириб қайтганида Кларахон бетоқат кутиб турарди. Машинага чиқишдан аввал, Кларахон биринчи кўришдаёқ Лочинни ром қилган ўйноқи оҳангда:

— Мен сизни бир жойга... дўстлар даврасига таклиф қилсам, борасизми? Қўрқмайсизми?

Лочин, шу бугун аллақандай сирли бир нарса рўй беришини сезиб, аъзойи бадани ловуллаб кетди-ю, Кларахоннинг сўзларидан йигитлик ҳамияти исён қилиб:

— Кимдан қўрқаман?— деб ўдағайланди.— Сизданми?

— Қўрқмасангиз... кетдик! Галабани ювишимиз керак-ку ахир. Қарши эмасмисиз?

Лочин юрагида ғамирлаган аллақандай ғулғула аралаш сирли, жозибали туйғуга бўйсуниб:

— Сиздай гўзал қиз таклиф қилади-ю, мен йўқ дейманми?— деди энтикиб.— Бошланг, қани!

Кларахон орқа ўриндиққа ўтирди-да, сурилиб Лочинга жой берди. «Волга» кўзгалди. Кларахон гўё уни танимайдигандай, гўё ёнига ўзи ёқтирмаган бир одам чиқиб олгандай, ҳайкалдай қотиб ўтирар, шофёр ҳам қовоғи солиқ, худди Лочин унинг оғзидан ошини тортиб олгандай хўмрайиб олганди. Кларахон чамаси, шофёрни чалғитиш учун жўрттага баланд овозда:

— Ҳозир биз борадиган жойга бошқа котиблар ҳам йиғиларди,— деди ва қовоғидан қор ёққан ҳайдовчига билдирмай, юм-

шоқ, иссиқ кафтини секин Лочиннинг қўлига қўйди.— Уша ерда ҳамма гапни гаплашиб оламиз. Хотирингиз жам бўлсин, улар ҳам ёрдам беришади Сизга!

Машина Лочинлар тушган меҳмонхонанинг шундоқ ёнидан ўтиб (яхшиям болалар кўринмади) чап қўлдаги тор кўчага бурилди-да, сал юрмай, хилватроқ кўча юзидаги бир қаватли ғиштин уй рўпарасида тўхтади. Уларни Кларахоннинг ўзидан ҳам ёш, бири кўк кўз, малла соч, бири лўли башара икки қиз кутиб олишди.

— Менинг ходимларим,— деди Кларахон ва қизларга Лочинни таништирди.— Бу йигит пойгада биринчи соврунни олган қахрамонимиз! Меҳмон қилишга тайёрмисизлар, қизлар?

— Тайёрмиз, тайёрмиз!— чуғурлашди қизлар. Тор йўлакнинг охиридаги хилват хонага камтарона дастурхон ёзилган, бир шиша коньяк билан бир баркаш мева-чева қўйилганди. Уларни қарши олган қизлар дастурхон атрофида бир лаҳза парвона бўлишди-ю, иккисини ёлғиз қолдиришди.

Хонанинг деразаларига қалин, кимхоб дарпардалар тutilган, тўрига шойи мато ёпилган кўш каравот қўйилганди.

Лочиннинг вужудини яна бояги, бир-бирига зид ҳадик аралаш жўшқин истак қамраб олди. Кларахон буни сезиб қиқираб кулди-да, тўсатдан сансираб:

— Нима бало, қизлар билан ҳеч бўлмаганмисан?— деб сўради.— Ростдан, а? Ҳеч қачон, а?— У нимагадир суюниб, яйраб кетди.— Бўлмаса битта ич!

Лочин, юраги кўксидан чиққудек гурс-гурс уриб, Кларахоннинг қўлидан шишани юлиб олди.

— Йўқ, ичмайман! Сен ҳам ичма!.. Ёмон кўраман!

Кларахон аллақандай талмовсираб:

— Бўлмаса... нима қиламиз?— деб сўради-ю, қизариб кетди.

Лочиннинг энсаси қотди:

— Сен нима мақсадда чақирган бўлсанг — ўшани!..

— Ие?— кулди Кларахон.— Ёввошдан йўғон, дегандек... Бўлмаса... ваннага кириб чиқ! От ҳиди келяпти сендан. От яхши нарсая...

Лочин баданини чулғаб олган эҳтиросдан вужуди қақшаб:

— Ҳали шунақа де?— деди ғижиниб.— Отни яхши кўрадилару унинг ҳидини ёмон кўрадиларми?— У Кларахонни даст кўтариб, каравотга отди-да, бор кучи, қақшаб турган вужуди билан уни қучди.

Кларахон унинг болаларча уқувсиз, пала-партиш ўпишларидан безиллаб:

— Шошма, жонгинам!— деб ингради.— Ўзим... ўзим ўргатаман!

Унинг илтижолари Лочиннинг қўлоғига кирмади. У бир неча дақиқа ҳушидан кетган одамдай, ҳамма нарса ёдидан чиқди. Аста-секин ҳушига келиб, уйни, қаерга келганини, қаерда ётганини эслаганда эса йироқдан, назарида жуда овлоқдан Кларахоннинг беҳол овози қўлоғига чалинди:

— Тулпор бўп кет, тойчоққинам... Дунё тургунча эслайман, ҳеч қачон унутмайман сени, чопағон тойчоққинам менинг!..

Рост, кечаси алламаҳалда меҳмонхонага кириб бориб, ногаҳон дўстлари даврасига тушганида, айниқса Олтинойнинг бўта-лоқнинг кўзларидай маъсум, маъюс кўзлари билан тўқнашганида юрагида пушаймонга ўхшаш бир нарса ғамирлади... Ўзиям роса эшитадиганини эшитди. Айниқса, Салим қилтириқ билан Кумушбиби ёмон эзишди-ёв, чунки улар ҳам қўрбоши бошлиқ дастурхон ёзишиб, тоза кутишган экан Лочинни.

Эртасига Кларахон кўринмади. Лекин ҳозир телевизорчилар билан келиб қолиши ҳам мумкин. Ажабо, ҳозир Лочиннинг келишини истамас, даставвал дилида йигитлик ғурурини уйғотган ўша кечани эсласа, худди лойқа сувга шўнғиб чиққан одамдек ҳис этарди ўзини!..

...Лочин хаёл оғушида спортзалга яқинлашиб қолганида, чап қўлдаги клубдан Олтиной билан Кумушбиби чиқишди. Улар Лочинни кўрсалар ҳам, чамаси кўрмаганликка олиб қадамларини тезлаштирган эди, Лочин беихтиёр:

— Олтиной! Кумуш!— деб юборди.

Олтиной гўё бир нимадан қўрқиб кетгандай қадамини тезлаштирган эди, Кумуш уни қучиб, қулоғига бир нарса деб шивирлади-да, ўзи чопқиллаб, спорт залига кириб кетди.

Олтинойнинг эғнида вилоятга борганда кийган ва ўзига жуда ярашган калта, ҳаворанг кўйлак, оёғида пошнаси баланд ҳам эмас, паст ҳам эмас, бежиримгина оқ туфли.

У яқин-яқинларгача мактабда тўпиғига тушадиган атлас кўйлакда юрар, ҳатто физкультура дарсларида ҳам бу кўйлагини алмаштирмас, фақат узун лозим ўрнига спортча шалвар киярди. Энди эса... Лочин уни тунов куни бу кийимда биринчи кўриб лол қолган эди, ҳозир ҳам беихтиёр маҳлиё бўлиб қолди.

Олтиной бу калта, ҳаворанг кўйлақда худди еттинчи-саккизинчи синфда ўқийдиган қизчаларга ўхшар, қадди нозик, бели, тегса чарс синиб кетадиган хипчиндай ингичка, оёқлари (вой тавба!) кинодаги раққосаларнинг оёқларидай узун, айниқса... кўйлагини сал туртиб турган кўкраклари чиройли эди. Улар энди етилган юм-юмалоқ, тиғиз, майин шафтолиларга ўхшаб кетди Лочинга. Ўзиям, узун сочларини шаҳарчасига турмаклаб, кўзлари теграсини хиёл бўяб оптию (Кумушбиби ўргатган!) кўзни қамаштиргудек очилиб кетибди!..

— Олтин! Олтиной!— деди Лочин, беихтиёр овози ўзгариб.— Нега терс қарайсан? Ахир... ҳеч нарса бўлгани йўқ-ку!..

Олтиной, бўйинини «қалдирғочдай» чиройли буриб қийғоч қаради:

— Ростданми?— унинг кишини ром қилувчи катта-катта маъюс кўзларида болаларча қувонч акс этди:— Ростданми? Ростдан ҳеч нарса бўлмадимми?

— Р-рост,— дудуғланди Лочин.— Рост, Олтин!

— Унда... унда мен сизни кечирдим...

— Олтиной!— Лочин ногаҳон қуйилиб келган меҳрдан кўнгли ийиб, қизнинг белидан қучмоқчи бўлди, бироқ Олтиной

чаққон ҳаракат билан унинг қучоғидан чиқиб олди. Лочин у билан ёнма-ён бораркан, яна: «Кларахон кеп қолса нима бўлади?» деган ташвишли ўй кўнглидан ўтди.

Улар кирганда деворлари ҳар хил шиорлар, машҳур спортчилар суратлари билан безатилган, бурчаклардаги шкафларда диплом ва совринлар кўз-кўз қилиб терилган катта зал ёп-ёруғ, телевизорбоп ясатилган эди.

Тўрдаги стол атрофида кўкрагига қўш-қўш медалларини тақиб олган Қўрбоши, Салим қилтириқ ва Кумуш нима ҳақдадир қизғин баҳслашиб ўтиришарди.

Чамаси Кумуш билан Салим қилтириқнинг гапларига қўшилмай маънос бош чайқаб ўтирган қўрбоши Лочин билан Олтинойни кўриб, чеҳраси очилди:

— Э, келинлар, келинлар, совриндорлар! Ҳа, гап мана бунақа бўпти! Чин дўстлар арзимаган нарсага қовоқ-тумшук қилмасдан, кечиримли бўлишади мана шунақа!

Нимаси биландир, эҳтимол шиддатли қорамтир юзи, ҳурпайган, ғайир, бейтоат сочлари, эллиқдан ошса ҳам бақувват, алп қомати учундир, кекса йўлбарсга ўхшаб кетадиган бу одам, аслида ёшларга жонини берадиган фидойи бир инсон эди. Бир маҳаллар у спортнинг бир неча турида донг чиқарган, енгил атлетика бўйича эса жумҳурият чемпиони даражасига кўтарилган, шу боис, Лочинлар учун унинг оғзидан чиққан гап қонун эди.

Қўрбоши ўз шоғирдларининг мақсадини — ҳозир телевизорчилар ва шоирлар билан бўладиган учрашувни сиёсий баҳсга айлантирмоқчи эканликларини эшитган ва тўғриси айтганда, бундан безовта эди.

Соҳиб ака — қўрбоши буни очиқ айтди.

— Йўқ, у ёшларнинг нияти ёмон демоқчи эмас, аксинча, буни эшитиб, ҳурмати ошди, чунки адолат ва ҳақиқат учун кураш инсонни улўғловчи энг олижаноб, энг юксак фазилат эканини яхши билади. Қўрбоши ўзи ҳам жумҳуриятда содир бўлаётган ноҳақликлардан қаттиқ изтиробда. Чунки кўзбўямачилик баҳона, ҳақиқий юлғичлар қолиб, ҳалол, бегуноҳ одамлар тўхматга учраётганини яхши биларди. Шулардан бири Суюн бургут бўлса... Унинг бошига ҳам не ташвишлар тушмади. Лекин, ҳалол экан, қўлларидан ҳеч нарса келмади. Демак, тўхматнинг умри қисқа, ҳақиқат эгилади, аммо синмайди, деган гап рост. Бургут эса синмоқ тугул, эгилмайди ҳам!.. Гап шу ерга келганда қўрбоши ер остидан Лочинга бир қараб олди. Гарчи устоз меҳр аралаш ташвиш билан гапираётган бўлса ҳам, Лочин уни ёқтирмай:

— Гап менинг отамда эмас! — деб тўнғиллади. — Бутун эл хор бўляпти-ку, ахир!

— Биладан, болам, биладан, — қўрбошининг овози янада мулойимлашди. У аввалгидан ҳам секинроқ, аммо ундан ҳам самимийроқ оҳангда давом этди. Уни бир нарса қаттиқ ташвишга соляпти. Авваламбор, улар, яъни Лочинлар жуда истеъдодли ёшлар. Истеъдод соҳиблари эса, айниқса, ўзларини спортга бағишламоқчи бўлган ёшлар унча кўп эмас. Хуллас, устоз шундан қўрқяптики, улар сиёсатдон бўп кетиб, ўз қобилиятларини

жувонмарг қилиб қўйишмасмикин, негаки, спорт билан сиёсат сув билан оловдек бир-бирига душман. Спорт, худди санъатдек, кишидан бор кучи, қобилияти, иродасини бус-бутун бахшида этишини талаб қилади. Бу — биринчи. Иккиламчи, келадиган адиблар, телевизорчи ва мухбирлар қимлар? Синашта одамлар эмас-ку? Меҳмонлар яхши кишилар бўлишса-ку, нур устига нур, башарти ораларида бирорта айғоқчиси бўлиб, бу ерда бўладиган қалтис суҳбатни тегишли жойларга етказса-чи? Ва ниҳоят, улар жазм этган баҳсни туман ва вилоят раҳбарлари қандай қабул қилишади? Маъқул тушадими уларга, йўқми? Ахир, Лочинлар ўқишга боришлари керак-ку ҳали!

Шу ерга келганда Лочин тоқати тоқ бўлиб, ўрнидан туриб кетди.

— Виждон-чи, виждонни нима қиламиз, устоз?

Қўрбоши ҳорғин бош чайқаб:

— Виждон амрига бўйсунуш яхши,— деди ва қаттиқ уф тортди.— Умуман мен сенларни виждонларингга қарши боришга чақираётганим йўқ. Мен фақат... олишмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан, деган нақлни ҳисобга олиб, иш тутишга чақирмоқчиман, холос.

— Биз бўлсак...— деди Лочин лаблари титраб.— Биз сизни отни юрагидай юраги бор деб ўйлардик...

Қўрбошининг лаблари ҳақоратланган боланинг лабларидай пирпираб уча бошлади:

— Энди билсаларинг, Йўлбарс деганларинг қуён чиқди. Шунақами?

Салим қилтириқ Лочинга ўқрайиб қаради.

— Сен ҳам жа-а ошириб юборасан-да!

— Бу ўзи шунақа! Принципал!— пичинг қилди Кумуш.

Шу пайт ташқарида машина овози эшитилди, кетма-кет:

— Келишди, келишди,— деган шов-шув ва дупир-дупир оёқ товушлари қулоққа чалинди.

Кимдир «телевизорчилар қани? Телевизорчилар йўқ-ку?»— деди ҳафсаласи пир бўлиб.

Қўрбоши ўрнидан тураркан:

— Хўп, майли, бу ёғи вазиятга қарайлик,— деб қўйди.

Спорт залига беш-олтита ёшлар қуршовида телевизорда кам чиқадиған, аммо таниқли, ёш бўлса ҳам соқол қўйган пака-нагина шоир билан елкасига чарм сумка осиб олган жиккаккина, абжиргина бир йигитча кириб келишди.

Лочин кўзлари олазарак бўлиб эшикка тикилди. Йўқ, Клара-хон кўринмасди. «Хайрият, келмапти. Бир ҳисобдан келмагани ҳам яхши!»— деди ичиди, лекин кўнглининг бир четиди, «нега келмадийкин?» деган нотинч бир ўй ҳам ғимирлади.

Елкасига қандайдир қора чарм тўрва осиб, қўлига микрофонни ушлаб олган абжир йигитча (у мусобақа пайтида ҳам оёқ остида ўраллашиб юрганди) атрофини қуршаб олган ёшларга қараб:

— Ҳозир, ўртоқлар, ҳозир, ҳаммасини тушунтириб берамиз, ҳаммасини!— деб бидирларди, сўнг пешвоз чиққан устозга:

— Э, домла!— деб хитоб қилди-да, ёнидаги серсоқол шоирга юзланди:

— Бу киши шу ажойиб командани вояга етказган машҳур тренер... Соҳиб ака...

— Жамолов,— деди қўрбоши.

— Ҳа-ҳа, Соҳиб ака Жамолов бўладилар. Танишиб қўйинг, шоир!

Нисбатан ёш бўлса ҳам жингалак сочларига қиров қўниб, соқол қўйиб олгани учун бўлса керак, ёшига нисбатан хийла катта кўринадиган таниқли шоир аллақандай ийманиброқ аввал устоз билан, кейин бошқа ёшлар билан битта-битта қўл бериб кўришди. Унинг қўли қизларнинг қўлидай юмшоқ ва кичкина эди. Лочин ўзи билмаган ҳолда қўлини қаттиқроқ сиққан экан, у «иҳ», деб кулди-да:

— Бунақа бўлмайти-да, укажон!— деди, қўлини ишқаб.— Чемпион дегани сал раҳмдилроқ бўлади-да, дўстим!..

Жиккак мухбир устозни қўлтиғидан олиб четроққа тортаркан:

— Холироқ бир жой борми?— деб сўради.— Бор бўлса, совриндорларни олиб ўшатга кирайлик, гап бор,— шивирлади у, бошини аллақандай сирли ликиллаптиб.

Ҳаммаси устознинг кабинетига киришди, мухбирнинг сирли шивирлаши аллақандай бежо эди. Уртада гўё нотинч бир шарпа ғимирлаб қолди.

Эшик очиқ қолган экан, мухбир:

— Эшикни ёпинг, ука!— деди Лочинга.— Қани, ўтирайлик, ўртоқлар. Гап шундаки, ўртоқлар, телевизорчилар келмайдиган бўлишди.

— Нега?— деди Лочин бетоқат.

— Негаки...— мухбир чайналди.— Совхозларинг нотинч эканми?

Лочин, гарчи отасини ҳозиргина уйда кўрган бўлса-да, юраги шув этиб кетди. У ўзини аранг босиб:

— Совхоз нотинч деб ким айтди сизга?— деди ўдағайланиб.— Мен мана шу совхоз... совхоз директорининг ўғли бўлман! Керак десангиз, отамни чақириб келаман ҳозир.

Мухбир довдирай бошлади.

— Э, кечирасиз, укажон! Биз билмасак. Район раҳбарлари шундай дейишди. Агар очиғини айтсам, укажон, нафақат телевизорчилар, ҳатто биз, радио вакилларига ҳам бу ерга келишни, яъни сизлар билан суҳбат ўтказишни маслаҳат беришмади. Бу кишига раҳмат денг. Шунча гапга қарамасдан, мана, сизлар билан суҳбат қургали келдилар!— деди жиккак мухбир шоирга имо қилиб.

Лочин асабий кулди.

— Раҳмат! Жуда катта меҳрибонлик кўрсатибсизлар!

— Пичинг қилманг, укажон,— деди мухбир астойдил ранжиб,— мен-ку оддий бир мухбир. Аммо бу кишини танимайдиган одам йўқ жумҳуриятимизда. Халқимизнинг севиқли фарзанди бу киши.

Серсоқол шоир ўнғайсизланиб томоқ қирди.

— Қизишмайлик, дўстлар. Ҳақиқатан туманимиз катталари бизнинг бу ерга келишимизга рўйхушлик билдиришмади.— У шундай деб, Лочинга бир қараб қўйди.— Илоҳим юртларинг тинч бўлсин, укажон. Доим тинч бўлсин. Аммо, қандайдир тергов кетяпган эмишми?..

Лочиннинг хаёлидан «Анов ифлос Клара шунинг учун келмаган!»— деган фикр яшиндай ялт этиб ўтди-ю, ўзидан ижирғаниб кетди. У бидирлоқ мухбирчани силтаб ташламоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган ҳам эдики, Олтиной кулчадай юм-юма-лоқ юзи лов-лов ёниб:

— Тухмат ҳаммаси!— деб хитоб қилдию кўзига ёш олди.— Яхшиликка ёмонлик. Бултур бизнинг қўрамызга ўт тушиб, олти юз қўйимиз нобуд бўлган эди. Шунда... директоримиз Суюн ака, жўжабирдай укаларимни етим қилмай деб, отамларни қаматмай элдан ёрдам сўрадилар. Эл беш юз ўрнига, олти юз қўй тўплаб берди...

— Директоримиз ўзлари юзта қўй бердилар ўшанда!— одатда кесиб-кесиб гапирадиган шаддод Кумушбиби бу сафар ҳаяжондан энтикиб-энтикиб гапирди. Қизнинг сўзини Салим қилтириқ илиб олди.

— Агар шу директоримиз бўлмаганда бу спорт зал ҳам, клуб ҳам, ғишт заводиям, янги уйлар ҳам — ҳеч нарса бўлмади!..

Кўрбоши ер остидан шоирга кўз ташлади:

— Агар вақтингиз бўлса, тоққа чиқиб, ўша чўпонлар билан бир гаплашиб кетсангиз, ҳақиқат қилишга ёрдам берсангиз, кўп савобли иш бўларди, укажон.

Шоир, қиров қўнган жингалак сочларини силаб-силаб:

— Билмадим,— деди чайналиб.— Албатта яхши бўларди, аммо... лекин... шу кунларда Москвага кетишим керак. Қолаверса... тергов органлари нима дейишаркин? Бизнинг ишимизга аралашингизга ким ҳуқуқ берди, дейишлари мумкин улар...

Бусиз ҳам бетоқат бўлиб питирлаб ўтирган Салим қилтириқ:

— Қойил!— деб хитоб қилди-да, шартта ўрнидан туриб кетди. У тураётганда стол қийшайиб ағдарилди, гул солинган кўза ерга тушиб чил-чил синди.

— Э, кечирасизлар!

— Майли, майли, ҳечқиси йўқ!

— Туф денглар! Келган бало шу кўза билан кетсин!— деди устоз. Мухбирча ҳам шартта ўрнидан туриб:

— Йўқ, бу аҳволда суҳбатлашиб бўлмайди!— деб ўдағайлаган эди, шоир уни қўлидан ушлаб, жойига ўтқазди.

— Гапиринг, ука, гапираверинг!

Сал ҳовридан тушган Салим қилтириқ ийманиброқ гап бошлади:

— Тўғриси айтсам... гап фақат бизнинг совхозда эмас, шоир ака! Бутун элимиз оёқости бўлди-ку ахир? Ё чиқаётган мақолаларни ўқимаяписизларми? Чин порахўрлар, чин юлғичлар эмас, бутун ўзбек халқи порахўрлик касалига мубтало бўлган

эмиш! Мен сизлардан сўраяпман, жон акалар, ўқиганмисизлар бу мақолаларни ё ўқимаганмисизлар?

Шоир итоаткорона бош ирғаб:

— Ўқиганмиз, ўқиганмиз,— деб тан олди.

— Ўқиган бўлсангиз... сабаб, нега сукут сақлайсиз? Фақат сиз эмас, бошқа адиллар, бошқа зиёлилар қаерда юришипти? Наҳот бу шўрпешона халқни ҳимоя қиладиган бир мард топилмаса?!

Жиккак мухбир ҳамон питирлар, кўзлари бежо, ҳадеб эшикка қарар, сочлари қиров шоир эса худди шафқатсиз ҳукми кутаётган жиноятчидай бошини эгиб ерга қараб ўтирарди. Мухбир тоқати тоқ, нимадир демоқчи эди, Лочин оғзидан гапини олди:

— Йўқ, эл эмасмиз биз!— деди у бўғилиб.— На ғурур бор бизда, на иззат-нафс!.. Қани... грузинларга тегиб кўрсин-чи ўша бўҳтончи журналистлар, аллақачон кўзғолон қилиб юборарди бу халқ!

Олтинойнинг ёнида ўтирган Кумушбиби шоирга яқинроқ сурилиб ўтирди.

— Мен Лочиннинг гапларига тўлиқ қўшиламан!— у нафаси етмай этикди.— Мана сизлар, адил ва журналистлар, айниқса сиз,— Кумушбиби шоирнинг номини айтди,— айниқса сиз марказий матбуотда босилаётган бу бўҳтон мақолаларга қарши нима қилдингиз? Бирорта мақола ёздингизми?

Шоир дир-дир титрай бошлаган қўлларини қаёққа яширишни билмай:

— Ў, синглим, синглим!— деб хўрсинди.— Сиз ўйлайсизки, бизни бу ноҳақликларга куймайди деб, ачинмайди деб! Биз ҳам шу элнинг фарзандларимиз. Аммо... масала сиз ўйлагандан минг чандон мураккаб, минг чандон қийин! Ўзи шундай бўларкан. Урмонга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баравар ёнаркан. На чора, синглим?

— На чора дейсиз?..— Олтиной гапиролмай яна кўзига ёш олди.— Начора деб, қўлни қўлтиққа уриб, ўтираверасизларми? Ахир... эл-юрт сизларга суянади-ку? Бизнинг дардимизни сиз ёзувчилар, зиёлилар, журналистлар айтмаса ким айтади?

Шоир, ҳамон боши ҳам, оқ аралаш чўққи соқолининг учларини лаблари билан ҳимариб, сукутга кетганди.

Жиккак мухбир унга ёрдамга шошилди:

— Ўртоқлар! Азиз ёшлар! Биз сизларнинг ёниб айтган бу сўзларингизга тушуниб турибмиз. Аммо-лекин бу мавзу бугунги мақсадимизга зид! Биз бугун батамом бошқа ниятда, яъни сизларнинг спорт соҳасидаги ғалабаларингизни бутун жумҳуриятга пропаганда, яъни ташвиқот қилгани келганмиз! Тўғрими, домла?— у аллақандай мунғайиб, бўлаётган гапларга жимгина қулоқ солиб ўтирган устозга юзланди.

Қўрбоши елкасини қисди.

— Билмадим, ука. Ҳарқалай, бу ёшлар ҳамманинг тилида ва дилида юрган гапларни айтишяпти. Тўғриси айтсам, мен авваламбор жумҳурият раҳбарларига ҳайронман,— деди у тобора

қизишиб,— марказдан келган бир гуруҳ каззоблар истаган томақулчиликларни қилишяпган эмиш. Одамларни уриб, майиб қилаётган эмиш! Эркаклар қолиб аёлларни, мансабдорлар қолиб, шўрлик бригадирлар, звено бошлиқларигача қамашаяпган эмиш! Раҳбарларимиз қаёққа қараб ўтиришипти? Улар нега сукут сақлашади?

Салим қилтириқ пичинг қилди:

— Раҳбарларимиз ўзлари қалтираб юришган эмиш!

Абжир мухбирча, ўтирган жойида оёғи куйган товукдай питирлаб ўрнидан туриб:

— Ўртоқлар! Раҳбарларимиз бошига ҳуда-беҳуда тош отмайлик. Булар-ку, ёшлар, сизга нима бўлди, домла?— деди.

— Мен нима ҳам дейман?— деди устоз.— Уйлайманки, бу ёшларнинг гапида жон бор... Булар куйганидан айтишяпти бу гапларни!

— Ўртоқлар! Азиз ёшлар!— мухбир ғала-ғовурни босишга уриниб, қўлидаги микрофонни ҳавода силкитганча ўтирганларга илтижоли нигоҳ ташлади.— Менингча, ҳурматли адибимизга отилаётган тошлар адолатдан эмас! Кеча мен ўз қулоғим билан эшитдим. Бу киши сизларнинг раҳбарларингизга жуда қаттиқ гапларни айтдилар. Башарти совхоз нотинч бўлган тақдирда ҳам, яъни тергов кетаётган ҳолатда ҳам, ота учун бола жавоб бермайди, дедилар бу киши. Хуллас, мен нима демоқчиман, ўртоқлар! Мен демоқчиманки, биз ҳозир спорт соҳасида эришган ғалабаларингиз ҳақида суҳбат қуриб, уни магнитофонга ёзиб олайлик. Мен ваъда бераман: районингиз раҳбарлари нима демасин, бу суҳбат эфирга чиқади. Бутун жумҳурият эшитади уни!

Лочин унинг гапини шартта бўлди:

— Кечирасизлар. Мен бу суҳбатда иштирок этолмайман!

Маҳмадона мухбирнинг гапидан кўнглига ғулғула тушиб, араб ўтирган Лочин шитоб билан залдан отилиб чиқди. Лекин майдон охирига борганда орқадан:

— Лочин ака!— деган овоз келди.

Олтиной! Лочин беихтиёр тўхтади. Олтиной чопқиллаб келиб, унинг рўпарасида тўхтади.

— Тунов куни отам айтувдилар. Шу гапни... Суюн акамларга айтиб қўйсангиз...

Лочин қовоғини солди.

— Қайси гапни?

— Отам... отам айтдиларки, Суюн бургут ҳамма айбни ўз бўйнига олавермасин. Мен ҳам ўз гуноҳимга ўзим жавоб бераман, дедилар.

Яқиндаги чироқ шуъласида Олтиной боягидан ҳам нозик ва аллақандай меҳрга муҳтож, ожиз кўриниб кетди кўзига. Лочин унинг илтижо билан порлаб турган маъсум нигоҳига кўзи тушдию гуноҳкорлик туйғуси аралаш чексиз бир меҳрдан юраги ийиб, қизнинг белидан кўрқинқираб, аста кучди. Ҳақиқатан Олтинойнинг бели хипчиндай ингичка ва итоаткор, кўкраклари энди етилган шафтолидай юм-юмалоқ, майин, тигиз эди.

— Битта ўпсам майлими, Олтиним, Олтинойим менинг?
Олтиной ҳамон ўша маънос кўзлари порлаб, секин деди:
— Боя айтган гапларингиз рост бўлса... Анов Кларахон билан ораларингда ҳеч нарса бўлмаган бўлса... майли!..

VIII

Ветеран билан Бибисора момо тонг чоғи йўлга чиқишди. Ветеран бир неча йил аввал пенсияга чиқаётганида беришган янги «Волга»сининг рулига ўзи ўтирди. У машина ҳайдашни урушда ўрганган, кейинчалик катта лавозимларни эгаллаганда ҳам шахсий шофёри ўрнига бот-бот ўзи ўтириб, ўзи ҳайдашни яхши кўрарди. Лекин у пайтлар бошқа экан, ҳозир бошқа. У биринчи куни, гарчи йўлда тез-тез тўхтаб, чой ичиб, дам олса-да, кечқурунга бориб анча ҳориб қолдию вилоят марказида (бу вилоят Суюн бургут яшайдиган вилоятга чегарадош, лекин Маржонтовдан узоқроқ, камида яна юз-юз эллик чақирим юриш керак эди) бир маҳаллар Марказқўмда бирга ишлаган, ҳозир эса Ветеранга ўхшаб, фахрийлар сафига қўшилган оғайнисиникида тунади. Оғайниси Ветерандан бир неча ёш кичик, аммо ичидан пишган, бургани тақалашга қодир қари туллак эди. Отдан тушса ҳам эгардан тушмайдиган бу одам пенсияга чиққач, туман фахрийларига раҳбар бўлиб олибди. Оғайниси Ветеранни кўриб аввал аллақандай талмовсираб қолди, кейин шоша-пиша қўш табақали темир дарвозасини очаркан: «Ҳайда, машинангни! Ҳовлига қама!» деди катта кўча томонга қарай-қарай.

Ветеран оғайнисининг бу хатти-ҳаракатини кейин тушунди. Улар алламаҳалгача қулоқларини қулоқлари, оғизларини оғизларига қўйиб отамлашишди. Оғайнисининг айтишича, бу вилоятни ҳам Москов терговчилари босган, юрт беҳаловат, ҳаммаёқ алғов-далғов экан. Оғайниси шуни айтиб:

— Сен билан биз бахтли одамлар эканмиз!— деди шивирлаб.— Ҳўп вақтида ишни йиғиштириб, тўғрилаб олган эканмиз пенсиямизни, эса... мансабга қизиқиб ўтираверганимизда ким билсин, нима бўлардик, биродар?

Бу гап Ветераннинг кўнглига ўтирмади:

— Йўқ,— деди у улкан, оппоқ бошини чайқаб.— Сен билан биз ишлаган вақтимизда пора нималигини билмас эдик, оғайни. Демоқчиманки, бировнинг ҳақиға хиёнат қилмаган бўлсак, ўзимиз ҳалол бўлсак... қайси гуноҳларимиз учун жавоб берардик?

Оғайниси кўнглида: «Э-э... ҳалиям юрган экансан чучварани хом санаб, азимю! Буёқларда нималар бўлаётганини билмас экансан?»— деди-ю, бироқ бу тўпорироқ одамнинг дилига озор беришни истамай, бўғзига келган гапни ичига ютиб қўяқолди.

У кўп нарсани билар, куни кеча оғайнисининг куёви — Маржонтов деган машҳур чорва совхозининг директори қамалганидан ҳам бохабар эди. Оғайниси ичида ундан ранжиди, ҳатто ҳадиксирай бошлади. «Ким билсин, битта-яримтаси куёви қамалиб, шогирди шубҳа остига олинган бу қоқбош унинг уйида

тунаганини кўриб қолиб, районда изғиб юрган терговчиларга етказса... улар бунга қандай қарашади?»

Шу боисдан Ветеранни бошдаёқ ҳадиксираб кутиб олган фахрийлар бошлиғи, эртасига уни тонг отмасдан уйғотди, бир пиёла чойни наридан-бери ичириб, ғира-ширада йўлга солиб юборди...

Буни пайқаб қолган Ветеран аввал оғайнисидан ранжиди, лекин кейин ўйлаб қараса, унинг шундай қилгани бир жиҳатдан ахши бўлган экан, Маржонтовга барвақт етиб боришди...

Маржоной билан Лочин Суюн бургутдан хабар олгани шаҳарга кетишган экан, эшикни юзи кулчадеккина, истараси иссиқ бир қизалоқ очди.

Қизалоқнинг айтишича (Момо уни кўриши биланоқ «Айланайин Олтиним, оппоқ қизим, Олтиним!» деб айланиб-ўргилиб қолди.) Маржоной билан Лочин уч кундан бери ҳар куни шаҳарга қатнар, тонг отмай кетиб, кун ботганда қайтишар экан.

Олтинойнинг гапидан кейин Момо бирдан оҳ-воҳлаб, оқсоқланиб қолди. Қизалоқ унинг қўлтиғига кириб, ҳовлига бошлади.

Ветеран машинани бостирмага қўйиб, уйга кирганида, Биби-сора момо қизалоқни бағрига босиб, тебраниб ўтирар, у алланималарни айтиб, гўё ўлган одамни йўқлагандек йўқлаб йиғлар, унинг гапларига тушуниб бўлмас, бироқ овозининг ўзиёқ юракни зир титратарди.

Ветеран унинг ёнига ўтириб, тасалли беришга чоғланган эди, момо ёшига мос тушмайдиган бир чаққонлик билан қизалоқни бағридан қўйиб юборди-ю, кўзлари совуқ чақнаб:

— Бор!— деди сенсираб.— Этагимга ёпишавермай... бор анов куёвимди қамаганларга! Совет ўкиматининг устини бўлганман, босмачилар билан олишиб, шу ўкиматнинг хизматини қилгонман деб мақтанғувчи эдинг. Ветерансан! Недан кўрқасан?

Ветеран икки қўлини кўксига қўйиб, ёлворишга тутинди:

— Шошма, момо, бораман. Ҳамма идораларга кираман. Худо хоҳласа...

Момо чолига ялт этиб қаради.

— Ҳа, худо бор!— деди у Ветераннинг гапини бўлиб.— Худони тилга олмас эдинг, бундан буёғи уни эсингдан шиғарма, Бетеран!

Ветеран итоаткорона бош ирғади.

— Хуллас калом, бу ишнинг орқасидан тушаман, хотиржам бўл, моможон! Маржоной келсин, нима бўлди, нима қўйди, билайлик. Сабр қил, Бибисора...

Бибисора момо унинг гапларига қулоқ солмай, ерни икки қўллаб муштлаганича, яна йўқлашга тутинди:

Айланайин, Маржоной,
Қайда қолдинг, Маржоной?
Тилаб олган ёлғизим
Сўраб олган юлдузим,
Сенга келган бу бало
Менга келса бўлмасма,

Сўраб олган юлдузим,
Тилаб олган ёлғизим?

Момога қизалоқ ҳам қўшилди-ю Ветеран юраги вайрон бўлиб секин ўрнидан турди.

Ховли бўм-бўш, ҳувиллаб ётарди. Угай бўлса ҳам туғишган қизидай яхши кўрган Маржоной, шу ерда ўнинчи синфда ўқиб юриб, Суюн билан қочиб кетганда, дод деб пешонасига урган Шербута Норбўтаев аста-секин кўникиб кетганди. Кейинчалик эса ҳар йили ёзда Маржонтовга келиб, куёви Суюн бургут Момо иккисига қуриб берадиган оқ ўтовда бир-икки ой дам олиб, қимиз ичиб, ҳордиқ чиқариб кетадиган бўлганди. Келган-кетганида момо иккиси бир кун, ярим кун шу ҳовлига тушардилар. У маҳалда саҳни камида ярим гектар келадиган бу боғ-ховли бамисоли жаннатдай яшнаб ётар, ўртадаги ёғоч сўри атрофига экилган хина, райҳон, гултожихўрозлар ҳовлига ажиб бир гўзаллик бахш этарди. Ҳозир бу гуллар ҳам, гуллар ортига экилган памилдори ва қалампирлар ҳам — ҳаммаси қуриб-қовжираб қолган, дарахтлар ҳам, худди Суюн бургутга мотам тутгандай, шумшайиб турар, териб олинмай ерга тўкилган олма, беҳи ва олхўрилар бедазорда гилам бўлиб ётарди.

Ветеран, уй олдидаги ўрик тагига ўрнатилган катта сўрининг чеккасига омонатгина ўтириб, оғир хаёлга толди. Одатда, ҳар сафар улар келганда, Маржоной кечқурунлари ҳовлига сув сепиб, бу сўрига гилам, устига қат-қат кўрпачалар ёзиб, юмшоқ пар ёстиқлар ташлаб қўяр, ветеран шу ёстиқларга ёнбошлаб, ўқимаган китоби, қизиқмаган нарсаси йўқ невараси Лочин билан гурунглашишни яхши кўрарди. Шўрлик Лочин! У отасини жонидан ҳам яхши кўрар, улар ота-бола эмас, сирдош-маслакдош икки оғайнига ўхшашар эди. У ҳам онасидан беш баттар қовурилиб, адоий тамом бўлгандир?

Ветераннинг хаёлини ёш боланинг: «Ветеран бобо!» деб чақирган овози бўлди. Дарвозадан кирган жойда етти-саккиз яшар, юм-юмалоқ, хўппа семиз бир бола унга тикилиб турарди.

— Хўш болам? — деди Ветеран ҳайрон бўлиб.

— Сизни бобомлар чақиряптилар! — деди болакай, овози қўнғироқдай жаранглаб. — Ош тайёр, кеп ош еб кетсинлар, дедилар.

— Қайси бобонг?

Болакай, гўё менинг бобомни танимайдиган қанақа одамсиз, дегандай лўппи юзида аранг кўринган митти бурнини жийириб:

— Бобом-да, Мансур бобомлар! — деди.

— Ҳа... Мансур меш де, ўғлим?

— Узингиз меш! — болакай шундай деб тура қочди, сўнг кўчадан «Узингиз меш! Узингиз меш!» деб калака қилган овоз эшитилди.

«Бу мешқорин менинг келганимни қаёқдан билди? — ҳайрон бўлди Ветеран. — Ер тагида илон қимирласа билади бу қари тулки! Чамаси ё машинамни кўриб қолган, ё битта-яримтаси етказган!»

Ветеран Мансур мешни кўпдан буён, вилоят қўмитасининг котиби бўлиб юрган чоғларидан бери яхши билар, бир маҳаллар оралари ёмон эмас эди. Кўз очиб кўрган хотини оламдан ўтиб, бир қиз, бир ўғли билан бева қолганида, унга Бибисора момони топиб берган ҳам мана шу Мансур меш эди! Рост, ўрнини Суюн бургут эгаллаганидан бери у ҳар келганида меҳмон қилмай жўнатмайдиган Мансур меш кўришишни ҳам истамасди.

Ветеран бироз иккиланиб ўтиргач, собиқ директорникига чиқишга аҳд қилди. Ҳарқалай, бу қари тулки бу ердаги ҳамма ишлардан хусусан, куёви Суюн бургутнинг бошига тушган маломатдан бохабар бўлмоғи керак. Куёвига чоҳ қазиганларнинг бири ҳам шу мешқорин бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Нима бўлганда ҳам душманнинг сиртида бўлгандан ичида юрган яхши, кўнглида нима бор — билиб қўйган яхши.

Ичкаридан ҳамон момонинг дийдиёси эшитилар, бироқ энди кампирнинг овози йиғидан бўғилган, ночорлашган эди.

Мансур меш, кўча юзига қурган катта сўрисида қорнини чарм тўрвага солиб, тўрва боғичларини бўйнига осиб, қатқат кўрпачалар устида ёнбошлаб ётар, унинг доимий ҳамроҳи, «Девонаи ростгўй» деб донг чиқарган шахсий қизиқчиси, паканагина кўса сўри атрофида пилдираб хизмат қилиб юрарди. Мансур меш ветеранни кўриб қўзғалмоқчи бўлганда, кўса:

— Э, қўзғалманг, хўжайин, қўзғалманг! — деб қиқирлаб кулди. — Сиз қўзғалсангиз ер курраси бир томонга оғиб, ҳаммамиз асфаласофинга кетамиз, жон хўжайин!..

Мансур меш қовоғини уйиб ёлғондан дўқ урди:

— Қирқ йил қирғин бўлиб, ҳамма қирилиб юрса ҳам сен тегирмондан тирик чиқасан! Бор, ишингни қил, кўса!

Ветеран, Мансур меш билан салом-алик қилишиб, ҳол-аҳвол сўрашган эди, гапга яна кўса аралашди:

— Э, хўжайиннинг ишлари ҳамиша беш! Ҳалиги... зўрники тегирмон юргасади, деган гапни биласиз-ку, меҳмон! Хўжайин ҳам шўтта ётиб, бутун вилоятни юргизиб ётиптилар! Хи-хи-хи! Битта олдими, хўжайин?

Мансур меш, хўжакўрсинга жаҳли чиққан бўлиб:

— Оғзингга келганини капираверасанми, қариб қуйилмаган, кўса! — деб ўдағайлади. — Айтдим-ку, бор, чой-пой келтир, деб! Кўса кўлларини кўксига қўйди.

— Хўп бўлади! Пошшойи оламнинг сўзи амри вожиб! Ҳозир гапга қиламиз, аъло ҳазратлари!

Мансур меш кўкрагига осилиб тушган бақбақасини мамнун силаб:

— Тили ёмон, эси пастнинг! — деб кулиб қўйди. — Худо уриб, пайғамбар асоси билан туртган бир ғариби нотавон! Ҳайдаб юборай дейман-ку, бекорчиликда эрмак... Ҳазил қиламан, деб ҳаддидан ошиб кетади, тентак!..

— Ҳайдаб нима қиласан? — деди Ветеран. — Ҳамма подшоларда ҳам бўлган бунақа масхарабозлар!

Мансур меш қорнига кийдирилган чарм тўрвачани кўтариб, бир қимирлаб қўйди.

«Епирай, бурунгидан ҳам семириб фил бўп кетипти-ку бу «пошшой олам?» Қандай юради, қандай яшайди?»

Мансур меш «эски қадрдони»га ўғринча бир қараб қўйди:

— Хў-ўш, «Маржонтов»га кеп қоптилар. Қайси шамол учирди?

«Бурганинг кетини кўрган айёр! Гўё менинг нима учун сарсон бўп юрганимни билмайди!»

Ветеран юзига қон қуйилиб:

— Шу гап нима керак, Мансурвой? — деди, ўзини аранг босиб. — Е куёвим Суюн бургутнинг бошига тушган маломатдан беҳабармисан?

Мансур меш ётган жойида бир тебраниб олди:

— Ҳа, Бургутга қийин бўлди-ёв! — деди Ветеранга қарамай. — Тунов куни Московдан келган прокурорлар тинтув қилди кўрасини! Шу ишга аралашмай деб, жалиниб-жалварсам-да, гувоҳ бўласан, деб қўйишмай олиб чиқишди. Сенга ёлғон худога чин, биродар, сира кўнглим тортмағон эди бу ишга, аммо «йўқ», деб бўладима бу прокурорларга?.. Гапнинг пўст калласи... анча пул чиқди! Пул ҳам майли, олтин чиқди куёвингди кўрасидан!

Ветеран юраги орқасига тортиб:

— Олтин! — деб хитоб қилганини ўзи ҳам билмай қолди. — Олтин қаёқдан келади уларга?

— Олтинки, бояги... оқинчоқ-тақинчоқларни айтаман! — деди Мансур меш. — Қизингга-да ҳайронман. Ақлли жувон! Қайдан ўч бўлди бу чиркин зеби-зийнатларга! Сирға-пирға деганди бирлаб ол, санаб ол! Бир тўрва чиқса-я? Камида бир кило келади! Боз устига бир халта пул! Хўп, барака топкур, шунча пул, шунча тилло жиғибсан, отхона-потхонага жашир! Жерга кўм! Тилла буюмлар сандиқдан, пуллар кўрпа орасидан чиқса бўлама?

«Бир тўрва олтин»ни эшитиб, ўз қулоқларига ишонмаган Ветеран, коса тагида ним коса борлигини англадию бирдан портлади:

— Ҳалолдирки, сандиқда сақлаган! Гувоҳ бўлган одам... ёлғон гапирасан! Ўзинг сирға-пирға дейсан-у, тагин уялмайин олтин дейсан! Олтин эмас, Бибисора билан марҳум қайнонаси-дан қолган узук-жузук бу!

Мансур мешнинг жир босган қовоқлари тагида симобдай милтираган қисиқ кўзлари ярқ этиб очилдию, филнинг оёқларидай йўғон, калта оёқларини хонтахта тагига узатиб, аранг қаддини ростлаб ўтирди:

— Сен... Норбўтайип! Менга ўшқирма! — деди у гўдакнинг бошидай сарғиш тук босган қорамтир муштини тугиб. — Тўғри сўз туғишқанингга ёқмайди! Мен сенгаям, анов шогирдинг, вилоят қўмитасининг биринчи котибигаям бултур кўклам айтғонман: бекорга қиялпасанлар бу ишни деганман! Суюн бургут, бургут бўлмақ тугул шер бўлса-да эплаёлмайди бу ишти, дегонман! Ёшлик қилади дегонман! Йўқ, гапимга кирмадинлар!

Мансур қариса-да, ўрнини бергиси келмаяпти деб ўйладинглар ҳамманг! Мана, не бўлди энди? Охири вой бўлдима, йўқма? Ветеран безгак тугандай қалтирай бошлади.

— Нафасингни совуқ қилма, Мансурвой. Пок йигит, ҳалол йигит, куёвим Суюн бургут!

— Пок жигит, ҳалол жигит! — Нафаси етмай ҳансиради Мансур меш. — «Алвасти сой»да кўра жониб, жетти юз кўй ўлди! Укуматдан яшириб, ёпиғлиқ қозон ёпиғлиқ қилиб жуборди — бу ҳалол куёвинг! Пора бериб, мени жиқитиб, директор бўлди бу ҳалол жигитинг!

— Кимга пора беради?

— Ҳа, билмеймин де? Ҳеч нарсани билмеймин де, айёр болшебик? — Мансур меш, қат-қат бақбақаларини силкитиб, ёқимсиз кулди-да:

— Кимга бўларди? — деб хириллади. — Уни директор қилган ким? Ким бўлса, шунга берди порани! Эллик минг пора бериб директор бўлгон бул ҳалол куёвинг! Маълумот бор прокурорларда. Ҳамма маълумот! Ушал порохўр шогирдинг ҳам қамалади ҳали!

Ветеран дабудрустан гап тополмай доводи раб қолди. Миясини эса афсус-надоматга тўла аламли ўйлар шафқатсиз пармалади: «Ҳа, нега қари фирибгарнинг гапларидан дарғазаб бўласан? Нега дағ-дағ титрайсан? Илоннинг ёғини ялаган бу ифвогарни лавозимларга кўтарганлардан бири ўзинг эмасмисан? Вилоятда котиблик қилганингда қўллаб-қувватлаб, катта йўл очиб бермаганмидинг бу туллакка?»

У хонтахтадаги бир пиёла яхнани симириб, ўпкасини тўлдириб нафас олди-да:

— Ҳа, кўп хизмат қилибсан прокурорларга! — деди фиғони чиқиб. — Биламан, Бургут шўрлик ўрнингни оптики, устидан юмалоқ хат ёзиб, ифво уюштириш билан оворасан. Аммо билиб кўй, Мансур, ал қасосул миналҳақ! Тўхматнинг умри қисқа. Кимки, бировга чоҳ кавласа ўзи йиқилар, деган донолар. Қайтар дунё дейдилар бун!

— Бу нақлди билар экансан, сен ҳам тўхмат қилма, эски йўлдошингга! «Маржонтов»ди қирқ йил тебратиб, наинки бир кўйи, ҳатто кўзисини жеган эмас Мансур! Мен сенга нима жомонлик қилдимки, менга маломат тошини отасан, Норбўтайип?

«Йўқ, гап топиб бўлмайд! Фисқи-фужурда устаси фаранг қирриққа! Епирай, наҳот даври-даврон мана шунақа оғзи қон бўриларга қолган бўлса! Қирқ йил халқнинг нонини яримта қилган, унинг ҳисобига бўрдоқидай семирган бу юлғичлар ҳануз отда бўлса-ю, элнинг энг ҳалол, энг адолатли ўғлонлари тўхмат балосига дучор бўлиб юрса? Майли, нима бўлгандаям унинг бу мешқорин қашқир билан баҳслашиб ўтириши ақлдан эмас!»

Ветеран хаёллари ағдар-тўнтар, ўрнидан турди:

— Бас, гап тамом, — деди у, юрагидаги ғулу билан олишиб. — Мен ҳаммасига тушундим!

— Нимага тушундинг? — ётган жойида ўдағайлади Мансур меш.

— Шунга тушундимки, куёвим шўрликка бўлаётган барча иғво, барча тухмат, барча фириб ишларнинг бошида сен турибсан! Шунга тушундим!.. Аммо-лекин ёдингда бўлсин, Мансурбек! Сен шоҳида юрсанг, мен баргида юрадиганларданман! Сендай оғзи қон қашқирлар билан курашишга кучи етади Норбўтаевнинг! Билиб қўй, ҳақиқат қарор топмагунча олишаман сен билан. — Ветеран шундай деди-да, худди саксонга бориб қолган қария эмас, навқирон йигитдай ерни гурс-гурс босиб, катта кўча томон йўналди.

— Менга қара, ҳой қариб қуйилмаган болшибик! — қичқирди Мансур меш. — Тўхта, яхши маслаҳатим бор!

У болдиридай йўғон, калта қўлларини хонтахтага тираб ўрнидан турмоқчи бўлди. Бирок хонтахтанинг бир ёғи «чарс» этиб синдию дастурхондаги чойнак-пиёла, мева-чева тўла тақсимчалар гиламга ағдарилди...

Ветеран, кўзига ҳеч нарса кўринмай, асфальт йўлда қоқиниб, гўё чўққа кўмилган қумғондай қайнаб, хаёлан ҳамон Мансур меш билан олишар эди. Ногаҳон хаёлига: «Маржоной билан Лочин қайтдимикин, йўқмикин?» деган фикр келиб, юраги увишиб кетдию шу ҳолатда ҳовлига кириб борди.

Йўқ, отхона айвонида «Қалдирғоч» кўринмасди. Ветеран деразадан ичкарига қаради: йиғидан тўхтаган Момо ҳовлида иягини тиззасига қўйиб, мунғайиб ўтирибди. Ветеран унинг олдига киришга журъат этолмай, юраги безиллаб, «гуп» этиб сўрига чўкди.

VIII

Уша кунга Маржоной билан Лочин одатдагидан сал кечроқ йўлга чиққан эдилар. «Қалдирғоч», гарчи йўрға бўлмаса-да, ҳеч бир отнинг юришига ўхшамайдиган, кишини қийнамайдиган, майда қадам юриши бор эди. Жонивор шу юришига тушиб олса, ўзини гўё энгил машинада ўтиргандай сезарди одам. Лочин эгарга ўтириб, онасини орқасига, қалин кўрпача устига ўтқазиб, йўлга чиққанди. «Қалдирғоч» одатдагидай майда қадамга тушиб, гўё «Жигули»дай энгил учиб кетдию улар соат ўн бирларга қолмай, шаҳарга етиб боришди. «Қалдирғоч»ни кўчада қолдириб бўлмас, Лочин уни кўча тугул, ўз ҳовлиларига ҳам ишонмас эди. Яхшиям, устоз «қўрбоши» шаҳарга кираверишдаги чоғроқ бир ҳовлида турар, Лочин ҳар сафар «Қалдирғоч»ни унинг ҳовлисида қолдириб кетар, устоз уйда бўлса, отга ўзи қарарди.

Марказдан келган терговчилар шаҳар ўртасидаги уч қаватли райком биносидан жой олишган, бино олдидаги майдон ҳар кунга одамга тўлиб кетарди. Аксарияти хотин-халаж, мункайиб қолган чол-кампирлардан иборат бу оломон райком ёки рай-ижроқўмга келган илтимосчилар эмас, ҳибсга олинган кишиларнинг хотин бола-чақаси, ота-оналари эди.

Терговчилар келгач, бино атрофи темир панжара билан ўралиб, рухсатнома берадиган қоровулхона ўрнатилди. Аюзга

келганлар аввал шу хонадан ё Шарановский ё унинг ёрдамчисига телефон қилишар, фақат у рухсат берсагина пропуск ёзилиб, уларнинг ҳузурига кириш мумкин эди. Шу сабабдан ичкарига камдан-кам одам кира олар, кирганлар ҳам аксар ҳолларда йиғлаб чиқишар, худди райком биносини ёв босадигандай, итузумнинг уруғидан ҳам кўпайиб кетган милиционерлар эса, йиғилган оломонни ҳайдашгани ҳайдашган эди. Оқибатда, котиблар ва ижроқўм раҳбарларига ҳам ичкарига кириш қийинлашган, шикоятчиларнинг куни эса навбат кутиш ва милиционерларнинг ҳақоратларини эшитиш билан ўтиб кетарди!

Маржоной ҳам ўғли билан бу ерга учинчи келиши, аммо бир мартагина телефонда Шарановскийнинг ёрдамчиси билан гаплашиб, рад жавобини олганини айтмаса, ҳали ҳеч кимнинг қабулига киролмади. Бугун эса, қасдига олиб, Шарановский вилоятга кетган, у қайтиб келадими, йўқми, келса қабул қиладими, йўқми, буни ҳеч ким билмас, чунки Шарановскийнинг йўқлиги сабаб, милиционерлар ичкарига пашшани ҳам қўйишмасди.

Маржоной билан Лочин райком биноси рўпарасидаги чоғроқ боққа ўтиб, бўш скамейкалардан бирига ўтиришди. Кўпдан бери сўғорилмаган боғ ярим ташландик бир чакалакзорни эслатар, хиёбонлар қовжираган хазон, йиртилган газета, ғижимланган қоғоз (эҳтимол инobatга олинмаган шикоятлардир) парчаларига тўлиб кетган эди. Ҳали саратон кирмасдан туриб сўлинкираган япроқлари тўкила бошлаган дарахтлар, майдонда хомуш ўтирган ғамгин одамларга гўё ҳамдардлик билдираётгандай мунғайиб қолган эди.

Маржоной, худди момога ўхшаб, қўллари билан иягини ушлаганича, хаёлга толганди. Лочин ойисининг бир ҳафтадаёқ сўлиб, бир тутам бўлиб қолган юзига, киртайиб ичига ботиб кетган кўзларига зимдан тикиларкан, юраги игна санчигандай безиллаб, қўлидаги катта тугунни оёқ остига қўйди. Бу тугунда отаси яхши кўрадиган бир меш қимиз, бир тоғора норин ва бешолтита нон, нон орасига хамирни ийлаш пайтида солинган хат бор. Улар ҳар куни тугундаги емишларни янгилаб келишар, аммо Суюн бургутга беролмай қайта олиб кетишар, Суюн бургут шу ердами ёки уни вилоятга олиб кетишганми — шу жўнгина саволларига ҳам жавоб олишолмас эди.

Лочин ойисининг нимжонгина елкасидан аста қучди:

— Нима қиламиз, энажон? Прокурорларни кутамизми ё бўлмаса...

Маржоной мунгли кўзларини бир нуқтадан узмасдан:

— Сени билмадим, — деди ранжиб. — Мен бугун ҳеч қаёққа кетмайман. Агар келмаса, шу ерда тунайман!

— Энажон! — Лочин онасининг елкасини қаттиқроқ қучиб, у юзи-бу юзидан чўлп-чўлп ўпди. — Сал ўзингизни тутинг. Сабр қилинг. Ахир отам айтганлар: энангни сенга, сени худога топширдим, деганлар...

Маржоной кўзига ёш олди.

— Сен-чи? Узинг-чи? Лочин деса лочин эдинг! Бир ҳафтада

соянг қолди. Отанг менга айтган, жон болам. «Ўғлимни сенга, сени худога топширдим», деган...

Лочин Суюн бургутнинг қошларидай қалин қошларини чи-мириб, урушқоқ хўроздай хурпайди.

— Мен учун ташвиш чекманг, эна! Мен нима қилишни ўзим биламан! Мен ҳали кўрсатиб қўяман бу зўравонларга!..

Маржоной, гўё ўғли ҳозир бора солиб тўполон қилаяпгандай, қўлларига тирмашди.

— Жон болам! Уришмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан...

— Падарига лаънат бунақа арбобларни!..

Отаси қамалган кўни айтган сўзлари! Ўша оқшом, кечқурун уйдан чиқишди: «Совриндор ёшларнинг йиғини бор, мени кутманглар», деб кетган Лочин бир маҳал аллақандай ҳадиксираб кириб келди-да, дабдурустан отасини сўради. Унгача тинтув тугаб, Суюн бургутни олиб кетишганди! Бўлмаса нима бўларди — буни Маржоной хаёлига ҳам келтира олмасди. Лочин уйга кириб, остин-устин хоналарни, меҳмонхонада юз тубан ётганча унсиз йиғлаётган онасини кўрди-ю:

— Қачон? Қачон опкетишди отамни? — деб бақирди.

— Ҳозир... ҳозиргина...

Лочин шартта бурилиб, ташқарига отилди. Маржоной оёқлари чалишиб, орқасидан чиққанида Лочин «Қалдирғоч»ни эгарламоқчи эди.

Маржоной жон ҳолатда ўғлига тармашди:

— Қаёққа? Нима қилмоқчисан!

— Ҳозир қувиб етаман у аблаҳларни! Қутқараман, отамни.

— Жон болам...

— Қўйиб юборинг, эна! Отамни қаматиб, қандай бош кўтариб юраман бу юртда! — Лочин онасининг қучоғидан чиқиб оёғини узангига қўйди. Маржоной яна дод солиб, унинг бўйнига осилди. «Қалдирғоч» ер депсиниб, кишнаб юборди.

Яхшиям, бу тўс-тўполоннинг устига Лочиннинг дўстлари келиб қолишдию ялиниб-ёлвориб, уни бу ниятидан қайтаришди.

Ўша кеча ёшлар алламаҳалгача ўзаро баҳслашиб ҳар хил режалар тузишди. Биттаси радио орқали «Маржонтов» аҳолиси-га мурожаат қилиб, элни оёққа турғизиш керак, деса, биттаси эртагаёқ совхоз ёшларини йиғиб, Суюн бургут ётган ҳибсхонага бостириб бориш керак, дейишди. Кейин Маржонойдан Қуръон топиб беришини сўради. Уйда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган кук мовутга ўралган катта Қуръонни ўпиб, қасам ичишди. Токи Суюн бургут ҳибсдан чиқмагунча улар Лочинни ёлғиз қолдиришмайди, ҳатто Лочин ўқишга бормаса, улар ҳам боришмайди.

Маржоной қайси бир китобда, қайси бир алломанинг: «Хом сут эмган банда бошига мусибат тушгандагина худони эслайди, ундан паноҳ тилайди!» деган доно сўзларини ўқиганди.

У ёшларнинг Қуръонни ўпиб, қасамёд қилганларини кузатиб ўтираркан, дам меҳри товланиб, қайта-қайта кўзига ёш олди, дам ўзи ҳам Қуръонни ўпиб, уларни дуо қилди.

Салим қилтириқ билан Кумушбиби худди кексалардай:

«Сабр қил, Лочин. Сабр таги сариқ олтин деганлар, адолат эгилади, бироқ синмайди!» — деган нақлни такрорлай-такрорлай хайрлашишди. Олтиной эса кетмади. «Ижозат берсангиз, бирга бўлай, опажон», дея ёлбора-ёлбора Маржонойнинг ёнида қолди...

Уша кеча Лочиннинг хонасида чироқ ўчмади. Лочин шифтга тикилганча тонг оттирди. Саҳарга яқин дўстлари келишди. Шовқин-сурон кўтаришиб, идорага кетишди-ю, сал ўтмай тарвузлари қўлтиқларидан тушиб қайтишди. Уларни радиоузелга киритиш у ёқда турсин, ҳатто бўсағага ҳам йўлатишмапти. Кечагина Суюн бургутнинг соясига салом бериб, икки букилиб турадиган идора ходимлари ёшларни итдай қопишиб, ичкарига киритмабди.

Шу-шу, мана уч-тўрт кундирки, Лочин оғзига ушоқ ҳам олмади. Тўрт кундаёқ бурунги Лочиннинг соясига айланди, лунжлари ичига ботиб, кўзлари киртайиб, фақат устихони қолди...

Ҳозир ҳам Маржоной бир нуқтага тикилиб, ҳурпайиб ўтирган ўғлига зимдан тикиларкан: «Йўқ, — деди кўнгли бузилиб, — отаси суд-пуд бўлиб кесилиб кетса, мен чидасам чидарман, бу чидолмайди».

Ростдан ҳам Лочин билан Бургут ота-бола эмас, бамисоли икки тенгдош, ажралмас икки кадрдон эди!..

Она-бола, ҳар бири ўз ўйи, ўз дарди билан бўлиб, анча жим қолишди. Тўсатдан Лочин қўлидаги тугунни Маржонойнинг олдига суриб, шахт билан ўрнидан турди.

— Эса... сиз ўтириб туринг, энажон, — деди ёлворинқираб. — Мен бир жойга бориб келаман. Ётиб қолгунча отиб қол, дегандек бир одамга учрашиб келаман. Мабодо тутилиб қолсам, хавотир олманг.

Маржоной ўғлига ҳадиксираб қаради.

— Қанақа одам? Нега тутилиб қоласан?

— Мабодо деяпман-да, энажон! Бир амалдор одам. Тез қайтишга ҳаракат қиламан, — Лочин хиёл чайналди. — Бир гап-лашай-чи, нима маслаҳат бераркин?

— Майли, болам. Ишқилиб кеч қолма. Усиз ҳам юрагим така-пука...

— Илтимос, шунақа деманг, энажон! — Лочин ойисининг у юзи, бу юзидан ўпди-да, хазон тўшалган хиёбондан боғ ичкарисига кириб кетди. У оёқ остида қовжираган япроқлар, юмалаб ётган шишалар, қоғоз парчаларини тепиб, аста одимлаб бораркан, хаёлидаги аламли ўйлар ҳаяжон аралаш аллақандай туғён билан алмашди.

Ана, боғ ортида унча дабдабали бўлмаса ҳам, яқиндагина таъмирдан чиққан, эшик ва деразалари ҳаворанг, деворлари эса нозик пуштиранг бўёққа бўялган бир қаватли бино кўринди. Лочиннинг ўткир нигоҳи қўш қаватли эшикнинг икки томонидаги ойнаванд қўтиларга бири рус, бири ўзбек тилида битилган сўзларни аниқ илғади: «Район комсомол қўмитаси».

Бу ёзувларга кўзи тушиши билан Лочин юрагидаги туғён ғулу аралаш шубҳа билан алмашди. У ҳозир тўғри қиялпими,

йўқми? Очиқ чеҳра билан кутиб оладими, ё жон ширин, идо-ра ходимларига ўхшаб терс муомала қиладими? Борди-ю, яхши қарши олиб, тунов кунгидай яна бир хилват жойга бош-ласа нима қилади Лочин? Олтинойнинг кўзларига қандай қарайди?

Бошларига бу мусибат тушибдики, Олтиной энасининг бит-таю битта суюнчиғи бўлиб қолди. Маржоний йиғласа йиғлайди, кулса кулади. Худди улар хонадонига келин бўлиб тушгандай, унсизгина одимлаб, унсизгина хизмат қилади. Мана бугун она-бола буёққа кетганларида уйлари кўриқлаб қолди, шу топда кўзи тўрт, йўлларига тикилиб ўтирипти...

Лочин отаси қамалган кечаси Олтинойнинг айтган сўзлари, унинг болаларча соддалик билан: «Агар ўша кунни ораларингда ҳеч нима, ҳеч нима бўлмаган бўлса... майли!» дея, ийманибгина ўпич бергани эсига тушди, тушди-ю, гўё қўлларида қиз қўлларининг иссиқ тафти, унинг хипчиндай ингичка итоаткор вужуди, думбул шафтолидай майин, юм-юмалоқ кўкраклари кўксига теккандай бўлди-да, эти жимирлаб, қадами беихтиёр секинлашди.

Йўқ, шу мавридда Лочинни Кларахоннинг ҳузурига висол орзуси судраб кетяпгани йўқ-ку ахир? Уни бу бинога судраб кетаётган бирдан бир куч — отасининг тақдири. Шундоқ экан, ҳозир бу истак, бу кучга бўйсунмоқ Лочин учун ҳам фарз, ҳам қарз эмасми, ахир?

Рост, умрида аёл зотига яқинлашмаган Лочинни ларзага солган ўша сирли оқшомдан кейин улар кўришгани йўқ. Лочинни «қалдирғочим», «тойчоққинам» деб эркалаган, уни тоабад унутмаслигини айтиб, тез-тез учрашиб туришга ваъда берган Кларахон ўшандан бери на қорасини кўрсатади, на телефон қилади, сувга чўккан тошдай йўқ бўлди-кетди, ҳатто радиочилар билан учрашувга ҳам бормади. Наҳот аёл зоти шунақа бебурд бўлса, кеча айтган гапларни, берган ваъдаларини бугун унутса?

Унутган бўлса унутгандир! Қайтанга яхши, эсидан чиққан бўлса. Олтинойнинг тирноғига ҳам арзимайди айғирсираб юрган бу манжалақи! Ҳозир висол лаззатлари кўнглига сиғармиди Лочиннинг? Фақат ўша кеча унга елимдай ёпишган, қулоғига энтикиб шивирлаган жонон яхши маслаҳатини аямас лоақал? Анов бераҳм олчоқ терговчилар москвалик бўлса, Кларахон ҳам Москов тарбиясини кўриб келган. Қуш тилини қуш билади, дегандек бир нарсани билар бу ҳам!.. Жилла қурса тергов қандай кетаётганини, отамнинг ҳол-аҳволи қандай, бирон гапи борми унинг — сўраб-суриштириб берар ахир? Лочин шунга ҳам шукр қиларди, ўла-ўлгунча миннатдор бўларди ундан. Мабодо бу ишлар қўлидан келмаса, асакаси кетармиди Лочиннинг? Ётиб қолгунча отиб қол, деган кексалар.

Комсомол биноси олдида одам уёқда турсин, пашша ҳам кўринмасди. Аммо ичкарида... куппа-кундузи чироқ ёниб турган тор, ғира-шира йўлакларига тоғни урса талқон қиладиган хушбичим йигитлар бир хонадан иккинчи хонага кириб изғиб юришар, ёпиқ эшиклар орқасида телефонлар бетиним жиринг-

лар, машинкалар тақир-туқир қилар, хуллас, бир қарашда улкан бир маҳкамага ўхшаб кетарди.

Лочин биринчи котибнинг қабулхонаси олдида юраги беихтиёр пўкиллаб бир лаҳза иккиланиб туриб қолди; сўнг, ўз журъатсизлигидан жаҳли чиқиб, эшикни шартта очди. У эшикни очганида рўпарасидаги кўк мовут ёпинган катта стол ортида ўтирган, майин малла сочларини чиройли турмаклар олган, хушқад, хушбичим қиз кафтдеккина кўзгусига қараб, лабини бўяётган экан, нигоҳини кўзгудан узиб, ёвқараш қилди.

— Нега тақиллатиб кирмайсан? Қачон бу халқ... қачон сенлар маданиятга ўрганасанлар? — деди сенсираб, кейин Лочиннинг қадди-қомати, шиддатли чеҳраси, эгнидаги спортча кийими ёқди чоғи:

— Нега лаллайиб турибсиз? Эшикни очдингизми, кирингда! — деди сал юмшаб. — Ким керак сизга? Агар Клара Комиловна керак бўлса, бугун қабул қилолмайдилар. Жуда-жуда бандлар у киши.

Лочин столга етмай ўрта йўлда тўхтаркан, рўпарадаги қора чарм қопланган икки тавақали эшикка кўзи тушди. Эшикка «ўртоқ К. К. Камалова» деб ёзилган эди.

— Клар... Клара Комиловна доим банд бўлсалар керак. Аммо сиздан жуда илтимос: менинг келганимни айтсангиз. Котиба кўм-кўк кўзларини салгина сузиб, кулимсиради: — Келганингизни айтишим учун... кимлигингизни билишим керакми, йўқми?

Лочин негадир қизариб кетди.

— Кечирасиз... Тойчоқов Тойчоқ. Тойчоқов келдилар дейсиз.

— Тойчоқ... Тойчоқович? — котиба қизнинг билинар-билимас сепкилли юзига табассум югурди:

— Жуда ғалати экан исму шарифларинг, — деди у ва лип этиб ўрнидан туриб, қора чарм қопланган сирли эшикка томон йўналаркан, «Тойчоқ... Тойчоқ Тойчоқович! — деб яна бир кулди у.

Эшик бир зум очилиб ёпилганда Лочин тагига қирмизи гилам тўшалган, деразаларига оғир кўк дарпардалар осилган хонанинг тўрида ўтирган Кларахонни кўриб қолди. У рўпарасидаги барваста бир йигит билан баравар хахолаб кулишарди. Эшикка тескари ўтирган йигитнинг юзи кўринмас, лекин Кларахон... Кларахон аввалгидан ҳам очилиб-сочилиб кетгандай туюлдию юрагида рашкка ўхшаш бир нарса ғимирлади.

Котиба кирганида Кларахон ялт этиб қаради, қарадию қабулхонада қозикдай қаққайиб турган Лочинга кўзи тушиб, теграсига кўк бўёқ суртилган кўзлари бир зум катта очилди. У ёғи нима бўлди, Лочин кўролмаб қолди, эшик ёпилди. Лекин кўп ўтмади. Котиба қиз ичкарига қандай тез кирган бўлса, шундай тез қайтиб чиқди. Бироқ кираётганда Лочинга аллақандай сирли жилмайиб, тикилиб-тикилиб қўйган котиба, Кларахоннинг хонасидан қути ўчинқираб чиқди-да:

— Йўқ, қабул қилолмайдилар сизни! — деди кўрслик билан. Лочин нима дейишини билмай:

— Нега? — деб сўради.

Қиз энди унга ўқрайиб қаради.

— Нега эмиш! Райком котиби сизга ҳисобот бериши керакми? Вақтим йўқ, дедилар, эртага конференция. Доклад тайёрлаши керак. Гап тамом!

— Хўп! — Лочин ҳам қути ўчиб, жағ пайлари туртиб чиқди. — Ахир сиз тушунтириб айтдингизми... Тойчоқ... ўртоқ Тойчоқов келди, деб айтдингизми у кишига?

— Марҳамат қилиб, бақирмай гапиринг! Бу ер сизга от бозори эмас! — пичинг қилди котиба. — Ҳаммасини айтдим. Тойчоқ ҳам дедим, Тойчоқов ҳам дедим! Вақтлари йўқ! Гап тамом, йигитча!..

Лочиннинг миясида «Отам қамалганини эшитган!» деган фикр яшиндай ярқ этди. Ҳа, балони билади бу қанжиқ! Қамоққа олинган жиноятчининг ўғли билан учрашишдан қўрқаяптилар! Қандай замонга келдик? Қандай эл бўлди бу? Одам боласининг дардига қулоқ соладиган бир раҳбар топилмаса! Газеталар ўттиз еттинчи йилни ёзишгани-ёзишган, қоралагани-қоралаган бўлса-ю, бугун юртимизда ундан беш баттар адолатсизликлар бўляпгани билан ҳеч кимнинг иши бўлмаса?»

Лочин юрагида ғужғон ўйнаган бу исёнкор фикрлардан кўз олди қоронғилишиб, қоқиниб ташқарига чиқди.

У ҳозир энаси билан учрашади. Лекин учрашганда унга нима дейди? Мунгли кўзларига қандай қарайди? Лочин шуни ўйлаб, юраги яна зирқираб оғриди. Мана, ўша хиёбон, ана, энаси ўтирган скамейка. Лекин энаси кўринмас, скамейка бўм-бўш. Лочиннинг хаёлидан: «Энажоним... энажонимни ҳам олиб кетишган бўлса-я!» деган фикр ўтди-ю, Маржоний ўтирган жойга шилқ этиб тушди.

Маржоний ўз ўйи, ўз ғами билан овора, жойида қимир этмай ўтирганди. Лочин келишдан атиги ўн дақиқа олдин: «Ассалому алайкум, Маржоний опа», деган овозни эшитиб, хаёл оғушидан чиқди.

Тепасида... милиционер деса милиционер эмас, ҳарбий деса, ҳарбий эмас, лекин эгнида погонли кўкимтир либос, бошида кўкимтир фуражка, ёши элликлардан ошиб қолган бир одам турарди. Маржоний уни қаердадир кўрган, лекин ҳарчанд уринмасин, қаерда кўрганини эслай олмас эди.

— Сиз мени танимадингиз чоғи? — деди формали одам. — Мен... Умрзоқов бўламан. Маржонтовда сизнинг нон-тузингиздан кўп баҳраманд бўлганман.

«Ҳа, ҳа... нобуд бўлган беш юз қўй жанжалида борган эди бу одам! Район прокурори эди-ёв!»

Маржоний гўё қалбига нур қуйилгандай енгил нафас олди.

«Эрим шўрлик айтган эди, инсофли одам, яхши одам деб!..»

— Йўқ, нега танимай, танидим, Умрзоқов ака! — деди Маржоний энтикиб.

Умрзоқов гўё Маржоний олдида гуноҳкордай, нигоҳини Маржонийнинг илтижоли нигоҳидан олиб қочаркан:

— Аттанг, аттанг, — деб кўйди. — Чамаси, эрингиз масаласида юрганга ўхшайсиз.

— Ҳа, билар экансиз, — деди Маржоной.

— Биламан. Ноҳақ қамалди эрингиз! Ҳалол одам — Суюн бургут! Тухмат бўляпти унга!

Маржонойнинг кўзларида умид учқунлари милтиради.

— Раҳмат сизга! — деди энтикиб. — Бундан чиқди, эримга ҳеч нарса бўлмайди! Чиқади у, демоқчисиз-да?

Умрзоқов ҳамон унинг юзига қарашга журъат этолмай гудранди:

— Афсуски, мен сизга таскин беролмайман. Унинг иши анов... Шарановский бошлиқ марказдан келган терговчилар кўлида! — Умрзоқов хомуш хўрсинди. — Э-э, нимасини айттай, синглим, эрингиз у ёқда турсин, бизларнинг ҳам аҳволимиз оғир. Гўё биз шу маҳалгача райондаги ҳамма жиноятларни яшириб келган эмишмиз!

— Вой тавба, — деди Маржоной ёқасини ушлаб. — Ниҳоят сизларга ҳам ишонишмаса?

— Начора! — Умрзоқов елкасини қисди.

Маржонойнинг дилида ярқ этиб ёнган шам «лип» этиб ўчди-қолди. У лаблари аламли пирпираб:

— Бундан чиқди... тухмат қурбони бўп кетаверар эканлар-да? — деб сўради.

Умрзоқов қалин қошларини силади:

— Ҳарқалай, жуда унчаликка бормас. Халқимизда ҳақиқат эгилса — эгилади, аммо синмайди, деган гап бор-ку! Адолат ва ҳақиқат тантана қилади охир пировардида, — деди, сўнг:

— Сиз Шарановскийни кутяпсизми? — деб сўради.

— Нима қилай? Дардимга қулоқ соладиган бир мусулмон бўлмаса...

— Шарановский вилоятга кетган! — Умрзоқов пешонасини ишқаб, бир дақиқа иккиланиб тургач: — Қани юринг-чи, борайлик-чи ўша ёққа! — деди. — Ўша бўлмаса, муовини бордир? Балки муовин қабул қилар? — У шундай деб, Маржонойнинг тугунини кўтариб олди. Маржоной, зимистон дилида яна умид шами милтираб, итоаткорлик билан унинг кетидан эргашди.

Умрзоқов билан Маржоной хиёбондан чиқиб райком биноси олдидаги сувсиз фонтанга яқинлашаркан, атрофда тут ва қайрағоч соясида, бўш скамейкаларда ўтирган аёл-эркак, чол-кам-пир, ҳаммаси, худди ҳуркитилган бир гала қушдай «гүрр» этиб кўтарилдилар-у, уларни қуршаб олишди. Савол деганингиз ҳар ёқдан ёмғирдай ёғилди:

— Бизнинг арзимизга қулоқ соладиган бир мўмин борми, йўқми?

— Менинг улим звеновой! Урлик¹ қилган раис қолиб, уни қамашди! Гуноҳи не улимнинг?

¹ Урлик — ўғрилиқ демоқчи.

— Менинг инимни қамашгани етмагандек, кеча ёш келинимни-да қамашди! Келинимнинг айби не?

— Менинг отам қамалганига уч ой бўлди! Сўровсиз ётир! Бунга жавоб берадиган укумат қайда?

— Қонунди айт, қонунди! Қонун биз пуқорага жазилиб, укуматга жазилмаганма, қонун?

Умрзоқов қўлини кўтариб, ғала-ғовурни аранг босди.

— Уртоқлар. Гапимга қулоқ солинглар, ўртоқлар!

— Тиш-ш...

— Жим!

— Эштайлик, биродарлар!...

— Уртоқлар! Сизларнинг ишларингиз, яъни қамалган қариндош-уруғларингизнинг тергов ишлари бизнинг қўлимизда эмас. Уларни марказдан келган махсус терговчилар гуруҳи текширяпти!

У гапини тугатмаган ҳам эдики, майдонни яна ғовур-ғувур тутди.

Маржоний кўзлари Чўқморга айланган эркаклар, серажин юзлари ёш билан ювилган кампир-чоллар, болачаларни кўтариб олиб, тинмаётган ёш-ёш келинчақларни кўрганида ўз дарди дунёси ҳам эсидан чиқиб, қўшилиб йиғлади. Уларни қуршаган ҳалқа тобора торайиб борар, бироқ Маржоний ғазабдан жунбушга келган бу оломондан на ранжир, на чўчир, аксинча, улар қаттиқроқ ҳайқиришларини истарди. Ажабо: эри қамалгандан бери Маржонийнинг дили вулқон бўлиб қайнаган, лекин ҳали тилига чиқмаган дардларни мана шу оломон айтмоқда эди. Тўсатдан, бошига катта ўдана ўраган новча, қоқсуяк бир аёл икки қўлини баравар кўтариб:

— Москвадан келган бўлса... уйимизни бориб кўрсин! — деб қичқирди. — Порахўрсан деб қамаган улимнинг уйида гилам туғул, намат-та йўқ! Болалари ялангоёқ юрипти. Уч маҳал овқати — арпа гўжа! Ўғри бўлса, ўз бола-чақасини шу аҳволга солиб қўяма?..

— Менинг келиним ўзини пичоқлаб касалхонада ётипти! Улим билан чимилдиққа кирганига бир йил ҳам бўлмади!.. Улим раис эмас, бошлиқ эмас, тракторчидан чиққан бригадир! Порани ким беради унга?

Юзлари чуваккина, мункиллаб, икки букилиб қолган қоқсуяк бир чол оппоқ соқолини селкиллаб, бутун вужуди қалтираб гапирди:

— Умрим пахтазорда ўтди! Болам-да, боламнинг болалари-да, — баримизнинг умримиз пахтазорда ўтди. Қорнимиз нонга тўймади. Айт, бошлиқ: укуматга не ёмонлик қилдик биз?

Маржоний силласи қуриб, оёғида аранг турарди. Шу пайтгача у дунёнинг ҳамма дарду ҳасрати ёлғиз менинг бошимда, деб ўйларди. Энди билса ундан беш-баттар хўрланганлар, оёқости қилинганлар сон-саноқсиз экан! Бир зум унга шундай туюлдики, гўё бутун эл, еру кўк, бутун «Маржонтов» фарёд чекарди.

— Уртоқлар! Жон биродарлар! — ёлворди Умрзоқов. —

Йўл беринглар! Агар Шарановский келган бўлса — айтамиз!
Дардларингни етказамиз уларга!

— Чиқсин буёққа шул Шараноп!

— Арзимизни эшитсин!

— Ҳақиқат қилсин!

Бу шовқин-суронни эшитиб, ёрдамга келган уч-тўртта милиционерлар қайнаб турган оломонни орқага суриб, Умрзоқов билан Маржонхойга йўл очиб беришди, кейин қўл ушлаганича ҳамон ҳайқираётган, йиғлаб-сиқтаётган оломонни куч билан орқага итаришиб, майдондан чиқаришди. Кимдир: «Қонунсизлик, зўравонлик бу!» — деб хитоб қилган эди, милиционерлардан бири:

— Юм оғзингни! — деб ўшқирди. — Яна бир оғиз ҳукуматга қарши гапирсанг... қонунни кўрсатиб қўямиз сенга! Қамоқни соғинган бўлсанг, опкириб тиқамиз ертўлага!

Биринчи қаватга кирган жойдаги кийим ечиладиган хонада кўкраклари оқинчоқ-тақинчоқларга тўла бир мўйсафид ўтирарди. Умрзоқов ундан Шарановский келган-келмаганини сўраган эди, мўйсафид:

— Шарановскийми, Барановскийми, мен танимасам буларни! — деб пўнғиллади. — Ҳаммани ҳайдаб чиқариб, хўжайин бўлиб олишди бу бебошлар! Кундуз оғнаб ётишади, маишат қилишади. Кечалари тонг отгунча сўроқ қилишади! Ўзингиз кириб билинг — йўқлаган одамингиз шу ердами, йўқми?

Умрзоқов мармар полда сирпана-сирпана узун йўлакда ғойиб бўлди-да, сал ўтмай қайтиб чиқди.

— Шарановский келмапти. Лекин унинг ёрдамчилари ўзлари қидиришяпти экан сизни. Шу йўлакдан борасиз, чап қўлда ўн саккизинчи хона! — деди Умрзоқов ва овозини пасайтириб шивирлади: — Ўзингизни дадил тутинг! Дўқ-пўписи қилишса... бўш келманг! Эрингиз пок инсон, ҳақиқат сиз томонда, синглим!

Маржонхой (унга бир нима бўлди-ёв) боя одамларнинг арзи додига қўшилиб йиғлаган бўлса, энди Умрзоқовнинг илиқ сўзларию берган далдасидан кўнгли бузилиб, тор йўлак бўйлаб ўн саккизинчи хонани қидириб кетди.

Икки томонда аскардай саф тортган қатор эшиклардан одамлар бири кириб, бири чиқар, энди уйқудан турган кўзлари қизарган, қовоқлари шишган бу одамлар елкаларида сочиқ, қаёққадир шошилишарди. Баъзилар Маржонхойга бепарво нигоҳ ташлар, баъзилари, аксинча: «Хўроз қичқирмасдан бу хотин нима қилиб юрибди бу ерда?» дегандек ўқрайиб қарашарди.

«Э, худойим! — деди Маржонхой ичида. — Биттасининг юзида фаришта, кўзларида хайрихоҳлик бўлмаса-я!»

Мана, ўн саккизинчи хона!

Маржонхой, юраги гурс-гурс уриб, эшик олдида тўхтади, негадир рўмоли тагидан туртиб чиққан сочларини, кўйлагининг устидан кийган жемперини тузатган бўлди-да, эшикни аста тақиллатди. Ичкаридан:

— Марҳамат, киринг, кираверинг! — деган овоз эшитилди.

Сатҳи катта бўлмаса ҳам, шинамгина чорбурчак хонанинг

тўрида, чамаси, ташқаридан кўринмасин учун қоқ ярмигача оқ бўёққа бўялган баланд дераза олдида стол тўла оқ, қора, кўк, қизил папкаларга кўмилиб... тунов куни тинтувга борган Миржалолов ўтирарди.

Маржоной кириши билан ўнг қўлдаги эшик очилиб, тунқора хонадан елкасида сочиқ, сепкилли кўйлақчан бир одам чиқди. У пойгакда доводи раб турган Маржонойга тикилиб қаради-да, тўрда ўтирган Миржалоловга юзланиб:

«Шуми?» — дея имо қилди. Чамаси, сепкилли юзидан аллақандай соддароқ, раҳмдилроқ кўринган бу одам катталардан бўлса керак, Миржалолов аллақандай питирлаб ўрнидан турди-да, «шу», — деди. Кўйлақчан одам ўтирадиган стул қидириб, ён-верига аланглади. Буни кўрган Миржалолов:

— Ўртоқ... ўртоқ Доронин! — деди талмовсираб. — Мени кечирасиз... Махсус топшириқ бор. Хўжайиннинг махсус топшириғи...

— Ҳмм... махсус топшириқлар ҳам жуда кўпайиб кетди-да! — Доронин шундай деб пўнғиллади-да, худди аламини полдан олаётгандай, зарб билан одимлаб, ташқарига чиқиб кетди. Сепкил юзи, кўриниши, айтган сўзларидан аллақандай яхшиликнинг нафасини сезган Маржоной уни илинж билан кузатиб қолди, бир ўйи, ҳатто «Ўртоқ Доронин!» дея илтижо қилмоқчи ҳам бўлди, бироқ шу пайт Миржалоловнинг кутилмаганда мулойим, юмшоқ овози эшитилди:

— Келинг, синглим! Келинг, келинг, марҳамат, ўтиринг!

Маржоной силласи қуриб, Миржалолов кўрсатган курсига шилқ этиб ўтираркан: «Э, Худо! Ўзинг инсоф бер бу туллакка!» — деди ичида.

Тунов куни кечаси тинтувга борганида қовоғи булут, бир оғиз илиқ сўз айтмаган Миржалоловнинг бугунги юмшоқ муомаласида кишининг дилига ғулғула соладиган сирли бир шарпа бор эди. Бундан ҳайратга тушган Маржоной юраги алғов-далғов, у кўрсатган стулга ийманибгина ўтирди. Терговчи гапирмоқчи бўлиб, бир неча марта томоқ қирди, лекин, чамаси, сўзни нимадан бошлашни билмай чайналди. Ниҳоят, Маржонойнинг кўзига қарамай:

— Ҳойнаҳой, эрингизнинг иши билан келгандирсиз, синглим? — деди ҳамон ўша ғайритабиий меҳрибонлик билан.

Маржоной ҳаяжондан қулт этиб ютинди.

— Бошқа нима дардим бўларди, акажон?

Миржалолов «ҳим» деди-да, ўрнидан туриб, хонани яна бир айланиб чиқди.

— Мен сизнинг кўйингизни пуч ёнғоққа тўлдирмоқчи эмасман, — унинг лабларидаги табассум аста сўнди. — Эрингизнинг иши оғир, жуда оғир, синглим!..

Маржонойнинг дилида йилт этган илинж совуқ ҳадик билан алмашди.

— Эримнинг гуноҳи нима ўзи? — деди Маржоной бўғзига келган фарёдни аранг ичига ютиб.

— Наҳот, эрингиз сизга ҳеч нима демаган бўлса?

— Айтган... — Маржоной шундай деди-ю, лабини тишлади: «Нима деган? Нима деб валдираяпсан?»

— Хўш, нима деганди?

— Эрим... Суюн акам, яратган эгамнинг олдида ҳам, бошқасининг олдида ҳам тариқча гуноҳим йўқ менинг, деган эдилар.

— Бундан чиқди... биз бегуноҳ фариштани қамабмиз-да?

— Сизлар тухмат... Сизлар айтяпган эмишсизларки, гўё эрим вилоят котибига пора бериб директор бўлганмиш. Фирт ёлгон-ку бу?

Миржалолов юришдан тўхтади.

— Нега «гўё» бўлар экан? — Унинг овозидаги мулоимлик совуқ таҳдид билан алмашди. — Гўё эмас, катта пора берган эрингиз!

— Тухмат! — Маржоной ўрнидан қандай туриб кетганини билмай қолди.

— Утиринг! — буюрди Миржалолов. — Сиз шуни билиб қўйингки, — деди у салмоқлаб, — эрингиз бу жиноятини, яъни директор бўлиш учун катта пора берганини аллақачон бўйнига олди! Афсуски, Шарановский йўқ, бўлмаса... ҳозир унинг пора берганини тан олиб чеккан имзосини кўрсатардим сизга!

Маржоной:

— Бўхтон! — деб бақирмоқчи бўлди, назарида, шундай деб бақирди ҳам, лекин овози чиқмади. Кимдандир эшитган ваҳимали гаплар миясини бурғидай пармалади. «Калтаклашар эмиш! Ўғрилар, киссавурлар, қиморбозларнинг орасига ташлаб урдирармиш булар! Минг хил қийноқларга солиб, «иқрор» қилдирармиш! Наҳот унинг эрини ҳам, кимсан Суюн бургутни ҳам шу қўйларга солиб, дўзах азоблари билан «иқрор» қилдиришган бўлса?»

Аёлнинг кучи нимага етади? Икки кўзига етади! Маржоной, аъзойи-бадани зирқираб, яна бўғилиб-бўғилиб йиғлашга тутинди. Йиғи аралаш овлоқдан, жуда овлоқдан Миржалоловнинг хиёл юмшаган, гўё Маржонойнинг кўз ёшларидан ийган овози қулоғига чалинди:

— Бу йиғи-сиғининг фойдаси йўқ, сингилжон! Ундан кўра эрингизнинг қисматини энгиллаштириш йўлларини ўйлайлик. Ун беш йил беришадиган бўлса ўн йилга, ўн йилни беш йилга, уч йилга келтириш чораларини қидирайлик, жон синглим...

Маржоной йиғидан таққа тўхтади. Хаёлидан: «Бу одам нима деяпти? Ун беш йил бўлса ўн йилга, ўн йилни беш йилга келтирайлик», дегани нимаси? Қандай келтиради? Бегуноҳ одамни қандай қилиб ўн беш йилга қаматади? Бу қандай кўргулик, яратган эгам?»

Бу саволлар миясидан қуюн тезлигида чарх уриб ўтдию қанди кўриб авралган ёш боладай, умид билан Миржалоловга қаради. Миржалолов қаршисида оёқларини кериб турар, юзидаги қаҳр аломати яна илгариги шафқат ва ҳамдардлик билан алмашганди. У нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади. Лекин Маржоной ўзини тийишга сабри етмай:

— Ахир... қайси гуноҳлари учун эрим шўрликни ўн беш

йилга кесасизлар? — деб тавалло қилди. — Бегуноҳ у, акажон, ҳаммаси тухмат! Бегуноҳ у!

Миржалолов асабий кулди.

— Жуда қизиқсизлар-да, сиз аёллар! Эҳтимол, ўша вилоят котиби эрингизни йўлдан ургандир, чалғитгандир? Агар билгингиз келса... у ҳам эрингиздан-пора олганига иқрор бўлди. Эртиндин у ҳам қамалади!..

Маржоний, безгак тутгандай дир-дир титраб, бир сиқим бўлиб букчайиб қолди.

— Яна айтаман, синглим, ҳозир бу гаплардан фойда йўқ. Ҳозир эрингизнинг бошига тушган савдони энгиллаштириш йўллари ахтарайлик. Энди кўп нарса сизга боғлиқ, синглим!

«Менга боғлиқ? Нима қилишим керак? Қўлимдан нима келади менинг?» — Маржонийнинг мияси ғовлаб кетди. У ҳарчанд уринмасин, рўпарасида қоққан қоқиқдай қаққайиб турган бу одамнинг дам қаҳр тулпорига миниб, дам эгардан тушиб гапирётган гапларини ҳеч илғаб ололмасди. Мақсади нима унинг? У нимагадир шама қияпти! Лекин унинг шамасида... байроғига адолат учун кураш шиори ёзилган бу ташкилот мақсадига батамом зид муҳдиш бир нарса бор эдики, Маржоний буни ўйлашга ҳам кўрқарди. Ниҳоят у:

— Акажон! — деб ёлборди. — Гапингизга... мақсадингизга тушунолмаяман. Очироқ айтинг, акажон!..

— Айтсам... — Миржалолов яна чайналди, пешонасини силаб, нимагадир тунқора хона эшигига бир қараб олди. — Аммо гап ўртамизда қолсин. Оғзингиздан чиққудек бўлса тухмат деб баҳоланади. Тухмат учун эса... жавобгарликка тортиласиз.

Маржоний шоша-пиша бош ирғади:

— Ҳа, ҳа, тушундим, акажон, тушундим...

— Тушунсангиз... бироз пул керак! Эрингизнинг ишини тўғрилаш учун керак бу пул!

Маржоний юрагидаги ҳайрат ва саросимани аранг босиб, Миржалоловнинг ўзига ўхшаб:

— Қанча? — деди шивирлаб.

— Ҳа, шу... — Миржалолов дудуғланиб, пешонасини ишқади. — Сизнинг муаллима эканингизни инобатга олиб... кўп эмас... эллик минг бўлса етади!

Маржоний қичқириб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Миржалолов кути ўчиб яна бояги эшикка қаради.

— Нега бақирасиз? Айтдим-ку, оғзингиздан чиқмасин бу гап деб!

— Эллик минг! — деди Маржоний гўё унинг сўзини эшитмагандай. — Ахир қаёқдан оламиз мунча пулни?

— Агар эрингизнинг тақдирига қайғурсангиз — топасиз! Қўрада қўйларинг бор...

— Бор эди. Юзта қўйимиз бор эди. Анов ёнғинда ўлган қўйларнинг ўрнини тўлдираман деб...

Миржалолов бетоқат қўл силтаб:

— Қариндош-уруғларинг бордир ахир? — деб сўради.

— Бор. Бироқ, эллик минг?..

— Анов отларинг-чи? — Маржонойнинг ғапани бўлди Миржалолов. — «Волга»га алмашиб олган отларинг! «Қалдирғоч» дейсизларми уни?

— Қалдирғоч, — деди Маржоной бўшашиб.

— Сотсаларинг унга камида йигирма минг беришади!

— Қалдирғоч... — деди Маржоной мунғайиб. — Ўғлим шўрлик нима қилади? Жонидан ҳам яхши кўради уни ўғлим!

— Жонидан ҳам яхши кўрармиш! — пичинг қилди Миржалолов. — Чамаси сизга эр, ўғлингизга ота эмас, мол-дунё керак экан! Турмуш ўртоғингизнинг қисматидан кўра мол-дунё баланд турар экан сизлар учун!

Маржоной жон ҳолатда:

— Йўқ, йўқ, унақа деманг, акажон! — деб илтижо қилди. — Бойликни ўйлаётганим йўқ мен ўлгур... Шунчаки...

— Нима шунчаки?

— Шунчаки, — Маржоной оғзи қуриб тамшанди. — Сизлар... бегуноҳ бир одамни оқлаш учун пора олишларингиз...

Миржалолов дағ-дағ титраб:

— Йўқол! — деб ўшқирди. — Яхшиликка ёмонлик! Мен сендай тошбағир хотинни умримда биринчи кўришим, чиқ кабинетдан!

Маржоной энг сўнгги умиди чил-чил синаётганини сезиб яна «акажон»лашга тушган эди, йўлакда гурс-гурс оёқ товушлари эшитилдию эшик шитоб билан очилиб, хонага... Шарановский билан прокурорлик либосида яна бир барваста одам кириб келишди... Шарановский бир Маржонойга, бир Миржалоловга савол назари билан қаради-да, полни ларзон-ларзон қилиб, тунқора хона томон юрди. Маржоной апил-тапил ўрнидан турди.

— Уртоқ Шарановский!..

Шарановский қайрилиб ҳам қарамади. У жингалак соч бошини баланд кўтарганча виқор билан юриб, тунқора хонага кириб кетди. Миржалолов қаҳр билан Маржонойга қаради.

— Бор, — у қўлини бигиз қилиб ташқари эшикни кўрсатди. — Чиқ бу ердан! Чиқасанми ё милицияга топширайми?

Маржоной қўйилиб келган кўз ёшидан ҳеч нарсани кўрмай, сармаст одамдай гандираклаб хонадан чиқди.

Давоми келгуси сонда

Тўра Сулаймон

КҮНГУЛНИНГ ДОҒЛАРИ ГУЛЛАРА ТУШГАЙ

Тушгай

Ёр васлига етиш душвордин-душвор,
Усиз бўлиб дунё кўзларимга тор,
Йиғлаб ўтар бўлсам Машрабдай зор-зор,
Қайгуларим қадди доллара тушгай.

Ишқида бўлибман далли-девона,
Самандар мисоли ёна ва ёна,
Қайтиб келмас элга бўлсам равона,
Мунг-мусибат мажнунтоллара тушгай.

Етиб бўлмас Барчин, Кумушмидирсиз,
Ёхуд бошга қўнмас бир қушмидирсиз,
Ё ўнгидан келмас бир тушмидирсиз,
Кўзим қачон лаби лаъллара тушгай?

«Умр ўтмоқдадир дарё мисоли». Бирдан эсладингиз. Тўра Сулаймоннинг шеъридан. Тўра Сулаймон чинакам халқона йўсинда ижод қилаётган атовли шоир. Шеърларига хос пурмаъно курчлик, нисбату қиёсларга мўллик, қадрдон оҳангдорлик бунинг далили. Ижодкорнинг шеърларини ўқиш чоғида, тасаввурда, дўмбиранинг тошиб келаётган садоси, оқин кангулнинг туб-тубидан сизиб чиқаётган наъраси жонланади. Шоир ижодининг қуввати шунда, қурбати шунда. Мазкур қайдни келтириш баробарида, биз, Тўра Сулаймонни 60 ёши билан қутлаб, унга соғ-саломатлик тилаймиз. Янги шеърларидан намуналар эълон этамиз.

Таҳририят

Доворлик ярашмиш бунчалар сизга,
Ошиқ аҳли музтар фармонингизга,
Муносиб бўлмасам даргоҳингизга,
Қўлим кишан, бўйним гуллара тушгай.

Сурат, сийратингиз тозадин-тоза,
Номингиз ҳар элда, тилда овоза,
Сиздан олар бўлса қамар андоза,
Канизаклик юзи оллага тушгай.

Дийдорингиз менга, гар насиб бўлса,
Бундай бахтдан хонлар бенасиб бўлса,
Пойингизга жойим муносиб бўлса,
Хизмат қилиш чеки бойлага тушгай.

Сизга шоҳлик, бизга қуллик муносиб,
Бизга гўллик, сизга ҳурлик муносиб,
Бўлса яна бизга доллик муносиб,
Кўнгулнинг доғлари гуллара тушгай.

Сизни деб қай бирлар жунун бўлдилар,
Аҳволи кун-бакун забун бўлдилар,
Бирлари савдойи, беун бўлдилар,
Билмадим, қай бири тиллага тушгай?!

Тўшагим тикандин, тождин болишим,
Поёнига етди куйиб-ёнишим,
Етиб борган бўлса сизга нолишим,
Меҳр-мурувват муҳри диллага тушгай.

Ойни алишмасман жамолингизга,
Минглаб кент, шаҳарни бир холингизга,
Муносиб бўлсам аъмолингизга,
Тангри меҳри Тўра қуллага тушгай.

**Осмон ўртасинда ўртанадир ой
Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиевага**

Бу юлдузлар кимнинг канизаги, деб,
Кимни айтар туннинг кўрк, беагаги, деб,
Қуёшнинг кўкдаги эгизаги, деб,
Осмон ўртасинда нозланадир ой.

Ўйламанг бу Ҳулкар ҳамнафаси, деб,
Самовотнинг танҳо маликаси, деб,
Йўқ унинг ташвиши, таҳликаси, деб,
Осмон ўртасинда армонланар ой.

Хатар борга ўхшар ер юзинда, деб,
Шиддат йўқ бургутлар парвозинда, деб,

Нолиш бор андалиб овозинда, деб,
Осмон ўртасида ҳорғин сузар ой.

Бир гул теграсинда илон кўрдим, деб,
Шохинда булбулни нолон кўрдим, деб,
Бесоҳиб гулзорни хазон кўрдим, деб,
Осмон ўртасинда безовтадир ой.

Шоҳлар нечун ҳудуд талашурлар, деб,
Ҳаддидан ошиб ҳам адашурлар, деб,
Адашиб оловга ёндашурлар, деб,
Осмон ўртасинда тутилмишдир ой.

Дунё қалқиб турган солга ўхшар, деб,
Донишмандлар қадди долга ўхшар, деб,
Кўргуликлар ҳали мўлга ўхшар, деб,
Осмон ўртасинда тўлғанадир ой.

Нечун сойлар саёз тортиб борар, деб,
Йўрға қолиб ёби йўртиб борар, деб,
Эл ғами йил сайин ортиб борар, деб,
Осмон ўртасинда изтиробда ой.

Нега бешим ёруғ, бошим қора, деб,
Бирлар тўкис, бирлар жигарпора, деб,
Етолмасдин Ҳаққа ҳақ овора, деб,
Осмон ўртасинда тўхтаб қолар ой.

Бир насабдан бўлган башарият, деб,
Магар бир-бирини қилса ғорат, деб,
Охиратда кутар кимдан нажот, деб,
Осмон ўртасинда маъюсланар ой.

Бир-бирига тинмай отсалар тош, деб,
Алҳол, пастга энар бўлса куюш, деб,
Тирик жон бу ҳолга беролмас дош, деб,
Осмон ўртасинда азобланар ой.

Бу фоний саройни бўлдим кезиб, деб,
Бир тўлиб, бир тўлмай кун ўтказиб, деб,
Чиқишмас, ботишдан бўлдим бешиб, деб,
Осмон ўртасинда тебранадир ой.

То офтоб чиққунча ботмасам, дея,
Зулумот қўйнида ётмасам, дея,
Ётиб, бадном бўлиб қайтмасам, дея,
Осмон ўртасинда ўртанадир ой.

Зулматда қолмасин рубъи маскун, деб,
Йўқдир Яратгандан ўзга рукн, деб,

Қаҳри келса ер-кўк кунфаякун, деб,
Осмон ўртасида қўрғонлайдир ой.

Айланиб

«Эргаш Жуманбулбул ўғли эл кезади»
тизмаларидан

Эргаш бобонинг Бухоройи шарифга келганлиги хон мулозимларининг қулоғига чалиниб, оқинни Ўрдага чақиртирибдилар. Гўянда бир борар, бир бормас бўлиб охири:

— Хон ўз номи билан — хон. Унинг ўзидан кўра сарой атрофида изғиб юрувчи жугурдаклари жаман бўлади. Мен бор-йўғи бир гўянда бўлсам. Улар қайдаю мен қайда. Бормасам яна бошима бир балони жабиштириб ташламасинлар. Қолаберса, эл сийлаган жерида азиз, — деб, борибди.

Оқинни сийир-сифати билан кутиб олибдилар. Дастурхондаги ноз-неъматларни кўриб, бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг бир бурда нонга зор бўлиб кун кечираётганлари кўз ўнгига келиб, бахшининг кайфияти бузилибди. Уша йиллари бир қурғоқчилик, бир сурғоқчилик бўлиб, элдан файз-барака кўтарилган чоғлари экан. Афсунсоз ичида:

Қовуннинг жахшисини ит жейди, деганлари ҳақ рост экан. Камбағалнинг ули бўлгунча, бойдинг қули бўлган жахши, деб шуни айтадилар, дея иззат-нафси оғрибди.

Бунинг устига, ҳадемай шароббозлик бошланибди. Кимлар сархуш, кимлар беҳуш бўлабошлаши билан, пойга томонда мардош қуриниб ўтирганлардан бири дебди:

— Биз ҳар куни биргамиз. Энди гап навбатини бадикка берсак.

Шу биргина бадик сўзи оқиннинг дилини вайрон қилибди. Ҳақоратланибди. Даврадаги эс-ҳуши жойидагилардан бири ҳалиги оғзига кучи етмаган касни жеркиб, афсунсозга таскин-тасалли берган бўлибди:

— Бунинг топиб гапирганиям шу. Қопиб гапирганиям шу, акун. Ўз номи, ўз лақаби билан — Қолдирқул ғажир. Илинса бас, ғажийди, илинмаса алжийди, уккағорди боласи. Сиз эл одами-сиз. Биз эса бор-йўғи бир тунқатор — тунги соқчи. Бой ишини Бойтеват қизғанибди, деб эшитгандирсиз. Булам шунинг бири, ман сизга айтсам. Кейин, сизни чорлаган у эмас, биз эдик. Энди сиздан эшитайлук.

Қафасга тушган қушдай, бу давра ўнғи эмас, тушидай бўлиб ўтирган Эргаш бобо қўлига ота мерос, бобо мерос созини олиб тўлиб-тошиб куйлашга тушибди.

Уй айланиб яшар худбин, паҳлавон майдон айланиб,
Эр йигит қайтмас сўзидин, кетса-да замон айланиб.
Умр ҳам ўтиб борадир қора ер томон айланиб,
Кундин-кунга еру осмон ёмондин-ёмон айланиб.

Бирлар яшар ҳаром-ҳариш, чин туриб ёлғон айланиб,
Юқа-йўқсил, етим-есир бир умр армон айланиб.
Ажал келса фарёд қилма, танга кирмас жон айланиб,
Ким ўлимдин қутулмишдир, тахти Сулаймон айланиб.
Арконъ давлат яшарлар, қон ютиб хоқон айланиб,
Диндин кечиб бўлса ҳамки фармойиш, фармон айланиб.
Элнимас, Аркни кўриқлар, тунқатор кўрғон айланиб,
Ўрда атрофи хатарли, юрибди шайтон айланиб.
Бу манзилга қайта келмас, бу келган меҳмон айланиб,
Бир кунини кўрар энди, эл-улус Турон айланиб,
Яшар терма, дostonларим, бу ёруғ жаҳон айланиб,
Байту бандим қадрин топгай Лаъли Бадаҳшон айланиб.

Ёйма

Мен нени хор этмишам, шунга мен зор ўлмишам.

* * *

Ҳалолни ҳаром билан «уриб йиқитиш» мўмкин экан.

* * *

Хотини ўсма-сурмага, кўча-кўйга ўч кишига кишининг «ҳаваси» келади.

* * *

Чинорнинг сояси билан савлати қулаганда маълум бўлади.

* * *

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари одамларга эмас, одамига қараб хизмат қилади.

Унинг талантидан кўра, товламачилиги устувор.

* * *

У асли ижодкор эмас, ижодхор.

* * *

Саёз дарёнинг шовқини катта бўлади.

.

* * *

Бўридан бўри пайдо бўлади — овул айланиб қўй ейди. Шердан шер пайдо бўлади — тоғ айланиб тўлан ейди.

* * *

Мен сен билан саҳна талашмайман, майдон талашаман.

* * *

...Изм-измларнинг кетидан қувиб, имонимиздан айрилиб қолганимизни билмай қолибмиз.

* * *

Тақдир-толеингга азал котиблари битган нарсдан қочиб қутула олмассан. Битмаганига қувиб ета олмассан.

* * *

Эврилишини ҳам кўрдим. Қоврилишини ҳам. Соврилишини ҳам. Эндиги навбат — тозаришга.

* * *

Бозорнинг келиб-келиб мозорга қофия бўла тушганини қаранг. Қулоқ қофия бўлса ҳам кошки эди.

* * *

Қайси аравага ўтирса, ўша араванинг жирини жирловчи кимсаларга икки юз камлик қилади.

* * *

Мўл бўлса танлаюрлар,
Кам бўлса додлаюрлар.

* * *

Тўзимсизлар тўзаюр,
Сабрлилар ўзаюр.

* * *

Бир тўсиб, бир тўғон ташлаган билан, азим дарёларнинг ўзанини ўзгартириб бўларми эди?!

БОТАЁТГАН ҚУЁШ РУҲГА МУШТАРАК

* * *

Қарамайсан. Мен ҳам лоқайддек,
Гўё нигоҳ заҳмат, ишқ зарар.
Лекин... мана, титрар қўлларим,
Лекин... ана, юзинг қизарар.

Чиндан бир-бировни билмасак,
Тинчгина кун кўрсак қани эди...
...Типирчилаб шўрлик юраклар
Бир-бирини дарров танийди.

* * *

Жимжит оқиб ётар ариқларда сув,
Саодат бахш этиб ўтга-ўланга.
Нақадар ғаройиб ёз фасли бу боғ,
Сирлар ўлкасидир ҳар бир кўланка.

Толе таъмасида толлар тўлғанар,
Қушлар қий-чувлашар бахт илинжида.
Барқ уриб ям-яшил ором олади,
Гужумлар бир-бирин пинжида.

Оvloқ-овлоқларда ошиқлар сархуш —
Бўлсалар жимгина ҳайқирар.
Фаррош кампир ёлғиз... кузда хазонларни
Қандай супуришни қайғурар.

* * *

Сафаринг қариди, навқирон гулим,
Хайр дейсан, хўш дейман! Поезд жилади!
Қўл силкийсан — сипо, бамайлихотир,
Ғариб юрагимга тиғ санчилади.

Сенга қўл чўзмоққа ҳақим йўқ, ҳатто,
Четга бурмоғим шарт сендан йўлимни.
Қўксимга қўймоқни қилиб баҳона,
Ярамга босаман аста қўлимни.

* * *
Қачон сен додимга етасан,
Бир учкун бахш этиб кўзингдан.
Бораман ўзингдан кетасан,
Ўзингни топмайман ўзингдан.

Мўъжизалар бари сансиз жўн,
Уволлар бўлади фарёд ҳам, оҳ ҳам.
Кел, биргина нафас ерга кўн,
Маъбудам, фариштам, илоҳам.

Мени бир дам назарга ил сен,
Бўлмай турсин олам бир нафас қафас.
Бир нафас осмонни ер қил сен,
Ерни осмон этгил бир нафас.

* * *
Бугун бир орқайин тин олар Тошкент,
Тонгда бир хотиржам керишади.
Сен кеча Тошкентга жўнаб кетиб эдинг,
Тошкент дийдорингга эришади.

Энди миждаларим қилт этмас,
Балки неча кунлаб, балки ҳафталаб.
Келгунингча Урганч вайрона,
Келгунингча Урганч дабдала.

Ўтасан. Қишлоқлар зийнатланса ҳам,
Шаҳарлар берса ҳам ўзига оро.
Исмингни хутбага қўшади —
Бу тун армон билан Бухоро.

Бу тун алангалар совутар,
Менинг ловуллаган қонимни.
Йўлларга ҳайратда боқар Самарқанд,
Бир лаҳза унутиб Бибихонимни.

Қайтгунингча Урганч дили ғам ўрам,
Қайтгунингча Урганч кўзлари ёш кент.
Қайтгунингча энди, тан олмоқ керак,
Пойтахтлар пойтахти бўлади Тошкент.

* * *
Бугун келадирсан сен — куй, сен — наво,
Синдириб жудолик қафасларини.
Иккимизни кутган пинҳон ул маъно
Ичига ютадир нафасларини.

Бугун сен келасан... не-не ғурурларнинг
Аста-аста ерга тегар тизлари.
Бир-бирига қизғанар сен чиққан вагонни
Темир йўлнинг пўлат излари.

Урмонни соғинмай қўярлар ногоҳ,
Шпаллар тақдирдан бўлиб минг рози.
Элни дийдорингдан этади огоҳ,
Поезднинг чинқирган овози.

Тақвимларнинг совуқ varaқларида
Пусиб ётар неки байрам, тантана.
Ташриф буюрасан, сен ўзинг бугун
Қорақош, қорақўз салтанат.

Артиб қўйиб севинч ёшларимизни,
Айланиб ўргилар бизлардан сабо.
Қўшиб қўйиб ғариб бошларимизни,
Бугун бир тинч ухлар Тошқинжан бобо¹...

* * *

Кузатиб қўйишга чиқаман,
Ботаётган қуёш руҳга муштарак.
Исканжадек қисиб келар тўрт томон,
Серқатнов йўл берар ҳижрондан дарак.

Рўмолинг кифтингга тушаркан сирғалиб,
Қаддимни дол қилиб эгади.
Жим турар, меҳрибон жилғали
Дўрмоннинг шафқатсиз бекати.

Гоҳ андуҳни қилиб тилка ва пора,
Ишқнинг бахтга тиккан кўзидир бу йил.
Бугун эса минг-минг оғиздан иборат
Аждаҳонинг худди ўзидир бу йўл.

Увиллар, тўлғанар — дийдорхўр, бедард
Бу йиртқич, бу ваҳший, бу ёвуз.
Ямлаб олиб сени ютар-да кетар,
Ҳозир навбатдаги автобус.

Йўлингга минг ҳасрат билан қараб, оҳ,
Исмингни такрорлаб ҳар нафасида,
У ёқда Хоразм, Ганжиқорабоғ
Энтикади дийдор арафасида.

Бу ёқларда эса руҳимга ҳакам —
Мени андуҳ қилиб чекади,
Бунёд бўлиб, сендек сулув кўрмаган
Дўрмон бекати.

* * *

Қайдасан? Юрагим саргардон,
Ғойиб дийдорингга тўяйин.
Шундай топайинки мен сени,
Ўзимни йўқотиб қўяйин.

Шундай йўқотайки ўзимни,
Кўзингга ёш тўлиб, бўлиб лол,
Қўйма мени ғойиб бўлишга,
Топиб ол... топиб ол...

топиб ол...

¹ Урганчдаги қадамжо.

КЎҚДАН ЮЛДУЗ УЧСА

ЕЛКАНГ КУЙГАЙДИР

На керак!

Бир гулга бир дилдан дунё керакдир,
Бир дилга битта гул танҳо керакдир,
Бир элга меҳрдан дарё керакдир,
Меҳр гар бўлмаса, итоб на керак?

Тириклик бир азиз неъматдир азал,
Ўткармоқ жойиздир покиза, гўзал,
Насимлар наводир, япроқлар — ғазал,
Балоғат базмида шароб на керак?

Сийму зар ҳавоси рангларингдадир,
Не ҳасрат томоғинг, танглайингдадир,
Эй инсон, ҳисобинг манглайингдадир,
Бунчалар ҳисобу китоб на керак?

Садоқат дарсидан хабар бўлмаса,
Фаросат аҳлидан назар бўлмаса,
Кўнгулда ҳаёдан асар бўлмаса,
Ул ҳусну жамолга ҳижоб на керак?

Сув узра ярқ этган шуъладир умринг,
Осилган омонат тугмадир умринг,
Магар Ҳақ йўлида ўтмади умринг,
Сени бу чулғаган сароб на керак?

Илғагил дунёдан мунглуғ куйингни,
Энг аввал, супургил кўнгул уйингни,
Саволу жавоб эт ҳар бир кунингни,
Саволинг бўлмаса жавоб на керак?

Хуржуним

Соф булоқлар биқирлайди ер тагидан,
Йўлла чиқдим момоларим эртагидан,
Боботоғнинг ўрларидан, этагидан
Менга йўлдош бўлиб келган хуржуним.

Бошларимда ўйнаб Ҳисор чақмоғи,
Йўлларимда тошлар тошнинг қайроғи,
Ейилди хўб эшагимнинг туёғи,
Йўл азобин билиб келган хуржуним.

Жангал аро лопиллайди қўш қулоқ,
Қашқирлар оч, шум тулкилар кўз-қулоқ,
Булбул сайраб, наво айлаб қарқунок,
Сўқмоқлари хониш қилган хуржуним.

Биз сен билан берилмадик айшларга,
Дўст тутиндик майсалар ҳам хасларга,
Осмонларга тегиб ётган даштларда
Менга кўрпа-ёстиқ бўлган хуржуним.

Билдик надир дунёнинг кеч-кундузи,
Таниш бизга миннат юки, ғам тузи,
Битта кўзи тўла шамол, бир кўзи
Кўзёшларим бирлан тўлган хуржуним.

Олдда балки ҳали Чўли ироқ бор,
Қанча роҳу манзил, қанча сўқмоқ бор,
Аллақачон сенда қанча ямоқ бор,
Дуч келган ҳар тикон тилган хуржуним.

Гоҳ билмасман тушимми ё ўнгимсан,
Бор зийнатим, давлатим ҳам кўркимсан,
Сен, аслида, менинг яро кўнглумсан,
Менга ёлғиз содиқ қолган хуржуним.

* * *

Карвон бўлсам, маконингга қўнмасман.

Махтумқули

Номард, бўстониингни чаман қилмасман,
Унган гулларингни тикан қилмасман.

Кўрк очиб, кундан-кун сочсанг чиройлар,
Мулкингни Бағдоду Яман қилмасман.

Дунё бир кўрғондир куйлиғ, оҳанглиғ,
Хас бўлиб, фиштингни ватан қилмасман.

Кўкларга ўрласа оҳу афғонинг,
Ола тоғларимга туман қилмасман.

Қолсам забунлиғда хору саргардон,
Сен томон талпиниб сухан қилмасман.

Мен сенга асло кўз тикмадим, инон,
Улсам, матойингдан кафан қилмасман.

Эй дўст

Баланд, азим деворни ҳам бир кун нам ейди,
Рост умрни гоҳо нобоп бир қадам ейди.
Қаро тунни адо қилар битта шам, эй дўст,
Сени шароб ейди охир, мени ғам ейди.

* * *
Бу олам ҳамиша шундоқ чатишган:
Кимдир етишмаган, кимдир етишган.
Булбуллар ҳамиша қон ютган, эй дўст,
Қарғалар ҳамиша тезак титишган.

* * *
Эй дўст, дарёларда тўлқининг бордир,
Озод осмонларда чақининг бордир.
Менинг-чи, айни гул, айни ишқ фасли,
Бемаҳал сарғайган экиним бордир.

* * *
Яшайлик энг гўзал палла бўлгунча,
Мунглуғ тароналар алла бўлгунча.
Эй дўст, бизнинг бошлар чириб кетгайлар,
Бу ковоқ каллалар калла бўлгунча.

* * *
Ҳар тепа, ҳар дўнглик турбат эмасдир,
Ҳар қандай айрилиқ ғурбат эмасдир.
Ҳижрат саналмагай ҳар ҳажр, эй дўст,
Юртдан кетган ҳар зот Фурқат эмасдир.

* * *
Умр десанг, обу гил куяр, эй дўст,
Бир онда не ою йил куяр, эй дўст.
Кўкдан юлдуз учса елканг куйгайдир,
Ерга бағир берсанг, дил куяр, эй дўст.

* * *
Биз ўтган йўллардан қиссалар унгай,
Охир, ғам юкига жуссалар кўнгай.
Ой хилват боғларда кечалар, эй дўст,
Балки мену сенга ҳассалар йўнгай.

Тўртлик

Қаро зулфинг қаро қилди кунимни тунларимдан ҳам,
Куюк кўнгул иси келгай туним ҳам, кунларимдан ҳам.
Фалак тоши агар йиллар ун этса устухонимни,
Сенинг исминг садо бергай уним ҳам, унларимдан ҳам.

Ўлмас Умарбеков

ФОТИМА ВА ЗУХРА

Роман I

Ярим кечага ҳали анча бор бўлса ҳам, Зуҳра бетоқат бўлиб ҳовлиқаётганини сезди. Нима қилиш керак? Нима чала қолди яна? Фотимани кўриши ростми ўзи? Қушларнинг гапини у ростдан эшитдими? Ё хаёлида эдимми? Нима бўлса ҳам у кечаси қушлар айтгандек қилади. Уч жойдаги чироғдан ёришиб турган ҳовлиларини яна бир айланиб чиқди. Қачон йиғиштирди экан ҳаммаёқни? Қанча ўйламасин, эслолмади. Иттифоқо кўзи ошхона устунига суяб қўйилган хокандозга тушди. Фақат Фотимагина шу ерга, шундай қилиб кўярди. Зуҳра эса айвонга чиқиладиган зинапояннинг орқасига кўярди. Супургини ёнига ташларди. Мусичалар тўғри айтишибди. Фотима келиб кетибди. Демак, албатта бугун у дугоналари билан келади. «Фотима! Жонгинам! Қани энди, мен ҳам сен билан бўлсам?! Сенсиз, адамсиз эзилиб кетдим!...»

Зуҳра овози чиқмайдиган қилиб телевизор қўйди. Яна қандайдир кино кетаётган экан, ўчирди. Уйга кириб, қора атлас кўйлаги, бинафшаранг дуррасини шкафдан олиб, калавот устига ёзиб қўйди!

Аста-секин ҳалиги оқариб турган юлдузлар ёна бошлади. Қовун тилимидек ой бир томондан олтиндек сарғайиб кела-бошлади. «Вақт бўлди, — деди ўзича Зуҳра ва водопровод тагига бориб, шарқиратиб сувни очди-да, оёқларини тутди. Муздек сув сескантириб юборди. Аммо ёқди. Ҳаворанг шоҳи кўйлагини ёқаларигача ҳўл қилиб, мириқиб ювинди. Уйга кириб,

I Охири. Бошланиши ўтган сонларда.

ечинди, тайёрлаб қўйган кийимларини шошмасдан кийди. «Шам қаерда эди?» Бирпас ҳаяжонга тушиб, уйни қараб чиқди. Эсига тушиб, тинчлангандек бўлди. Жавоннинг тортамасидан битта шамни олиб айвонга чиқди. Чироқларни ўчириб қўйиши керакмиди? Қушлардан шуни сўрамабди. Улар ҳам айтишмади. Нима қилишини билмай, бирпас ўйланиб турди. Йўқ, ўчирмайди. Қоронғи бўлиши керак бўлса, шам ёқиб бор, дейишмасди. У шам ёқиб боради-ку! Демак, чироқлар халақит бермайди. Шундай ўйлаб, у ҳовлида уч жойда ёқиғлиқ турган чироқларнинг биттасини ҳам ўчирмади.

— Шамни ёқ! — деди кимдир. Овоз ўзиникимиди, ё бошқа биров айтдими, у фарқига етолмади. Аммо шамни ёқди. Қизғиш олов унинг учида липиллаб ёна бошлади.

Зухра уни шамол ўчириб қўймасин, деб, чап кафти билан тўсдию битта-битта босиб ёнғоқ томонга юра бошлади. Ҳаммаёқ жимжит эди. Водопроводни яхши беркитмабдими, чакиллаб томаётгани қулоғига чалинади. Беркитмоқчи бўлди-ю, аммо орқага қайтгиси келмади. Урикнинг тагидан ўтди. Бу ер ҳам жимжит эди. «Келишмаса-я?!» — у хавотирланиб юришини секинлатди. Ёнғоқ остига етиб қолган эди. Яна икки қадам босса етади. «Худо! Узинг мадад бер!» — деб юборди ичида Зухра ва қадамини санай бошлади. «Бир!.. Икки!..» У тўхтади. Нима бўлса бўлди. Қушлар айтганини барибир қилади. У шундай ўйлаб, шамни баландроқ кўтарди, ҳаяжондан бир-икки ютинди-да:

— Фотима! — деб чақирди, бўғиқ овозда.

Ҳеч ким жавоб бермади. Ҳаммаёқ жимжит эди. Ёнғоқнинг ҳар томонга кенг қулоч ёзган шохларида ҳам ҳеч ким кўринмасди.

— Фотима! Фотима! — чақирди яна Зухра.

«Уч марта чақирдим. Бўлармикан?» — хаёлидан ўтказди у ва атрофига қаради. Ёнғоқ ости секин-аста оқарабошлади. Ёнғоқнинг йирик баргларидан тушиб турган соялар ёйилиб, йўқ бўлиб кетди. Қандайдир қушларнинг қанот қоққанлари эшитилди.

— Зухра! Сингилгинам!..

Бу Фотиманинг овози эди. Зухра аланглаб атрофга қаради. Ораги дуқирлаб урабошлади. Аммо ҳеч кимни кўрмади. Бирдан кўлидаги шам сирғалиб тушди-да, ёнида, елкаси рўпарасида муаллақ туриб қолди. Шу пайт Зухра аввал Фотиманинг унга узатилган қўлларини кўрди. Кейин олдида чўғдек кўзлари, юзи айдо бўлди.

— Фотима?! — қичқирди Зухра.

— Манман, Зухра, менман!

Бу Фотиманинг овози эди. Бир маҳал унинг қўллари Зухранинг қўлларини олиб, ўзига тортди. Фотиманинг ёқимли ҳиди имоғига урилди. Зухра ҳозир юзи-юзига тегишини кутган эди, Фотима уни қучоқламади, ўзига тортди-ю, лекин бағрига босади. У ўша-ўша, Зухра ҳар куни неча марталаб кўрган гўзал, ырақош, қора кўз, юзларида доим табассум ўйнаб турадиган отима эди!

— Фотима! Жонгинам! Қанчалик хурсандлигимни билсанг эди!

Зухра шундай деб, ўзи уни бағрига босмоқчи бўлди. Аммо Фотима эътибор бермади, турган жойида қўллари билан унинг билакларидан ушлаганича тураверди.

— Мен ҳам, Зухра. Лекин мен сени кўраман. Кечалари кўзларинг бир зумгина илинганда кўраман, тепангда бўламан, сочларингдан силайман. Сен буни билмайсан.

Фотима унга меҳр тўла кўзларини қадади. Зухра бу кўзларни яхши танирди. Фотиманинг кўзлари эди улар. Лекин... Ҳозир уларнинг қорачиғлари чўғдек, қип-қизил бўлиб ёнарди.

«Фотимами бу ўзи? — кўрқув аралаш сўради ўзидан. — Нега қучоқламоқчи бўлсам, истамаяпти? Нимага кўзлари қизил бўлиб ёнаяпти?»

— Хавотир олма, мен Фотимаман, — деди кулиб Фотима. — Кўзларимдаги қизил чўғ менинг бедор ўтадиган тунлардаги чироғимдир. Бағримга сени босолмайман. Чунки мен руҳман. Мени кўришинг мумкин, қандай бўлган бўлсам, шундай тасаввур қилишинг мумкин. Зухра, бугун менинг куним. Мен каби жабр кўриб, у ҳаётдан беғуноҳ кўз юмганларнинг бугун мен бекасиман. Ҳар ойда бир марта биз каби аламдийда қизларнинг мажлисини қурамыз. Шу куни ҳеч ким ўз ўтмишини эсламайди. Фақат аянчли ўтмишнинг белгисигина қолади. У доимо эгаси билан бўлади. Мана, қара, бўйнимдаги чизиқни кўряпсанми? — Фотима узун, нозик бўйнига тақиб олган гулчамбарни кўтарди. Зухра у чизиқни таниди. — Ҳа, бу чизиқ сиртмоқнинг излари. Сиртмоқни ўзим боғлаганман. Лекин мендақалар кам. Ҳинд, Суматра қизлари шундай қилишар экан. Қолганлар ўзларини ёқишади. Ана, қара, дугоналарим йиғилишяпти. Кўряпсанми уларни? Фаришталар менга айтишди, қабристонга борган экансан бугун ҳам. Иккаламизга раҳм қилишиб, бизни учраштиришди. Мен улардан жуда миннатдорман.

— Мен ҳам! — деди юраги тўлиб Зухра.

— Ана, қара, — Фотима қўллари билан Зухранинг даҳанидан ушлаб, юзини бурди. — Ҳали кўп бўламыз бирга. Фақат менга қарайверма. Қизларга қара. Кўряпсанми? Бўйинларига гулчамбар осиб олганлар менга ўхшаганлар. Қолган қизларнинг юракларига қара. Оловдек ёниб турибди. Улар ўзларини ёқишган. Фақат ўзбек қизлари эмас, ҳамма оловбардор бўлган халқларнинг қизлари ўзларини ёқишади. Улар кўп. Ешига қараб гуруҳ-гуруҳ бўлиб олганмиз. Кўряпсанми? Ҳаммаси гўзал, ҳаммаси бир хонадонни гуллатадиган қизлар, элининг ғурури, элининг обрўйи бўладиган қизлар...

Зухра атрофга қараб, лол бўлиб қолди.

Ёнғоқнинг таги катта боғга айланиб қолган эди. Уртада кўз илғамас баландликка сувлари отилиб, қумуш тангалардек сочилаётган атласранг фаввора. Унинг атрофида, рангдор мармар тошлари кўриниб турган ҳовузчаларда камалактус ўрдаклар сузиб юрибди. Минг хил шакл, рангдаги гуллар орасида думларини ёйиб товуслар турибди. Ёнғоқнинг баланд шохларида

турли-туман қушлар ўтиришибди. Улар ҳам базмга келган. Тўтилар, майналар...

Шундай ёнғоқнинг тагида ўтирган Фотима бир маҳал енгил чапак чалди. Боғ оралаб юрган қизлар, унинг атрофига йиғилишди. Кимдир юмшоқ болишга ёнбошлади, кимдир арғамчи курсига ўтириб, тебрана бошлади. Лекин ҳамма бир жойга тўпланди.

Зухра уларга қараб маҳлиё бўлиб қолган эди. Шундай чиройли, шундай қувноқ, кўзларидан доноликлари ҳам билиниб турган қизлар Фотимадек, ҳаётдан жуда эрта кўз юмган эдилар. Уларнинг оппоқ, ҳарир кўйлаклари енгил шаббодада титрар, юраклари ўрнидаги муштдек чўғ эса улар билан бирга тебранарди ва қандай йўл билан умрларини қирққанларини билдириб турарди.

Муножотни эслатадиган сеҳрли куй янграй бошлади. Зухра ким чалаётганини кўрди. Юраги ловуллаб турган қизлардан бири эди у. Фотиманинг ёнида ёнғоқ танасига ёпишиб турган ёстиққа суяниб, бешикка ўхшаган катта қутининг олтин торларини чертарди у. Кўп ўтмай куй ҳамманинг эътиборини тортди. Зухрани ҳам сеҳрлай бошлади. Унда, бу куйда ҳамманинг нозик ҳис-туйғулари ўз аксини топган эди. У гўё майин овозда ҳамманинг дардини-айтиб йиғларди, ҳаммага чидам, сабр-тоқат тиларди. Бирдан куйнинг оҳанги ўзгарди. Ҳозиргина дилларни порадора қилай деган куй, момақалдиरोқдек гумбирлаб кетди. Қанчадан-қанча ҳали ҳаёт завқ-шавқини кўрмаган қизларнинг дод-фарёди ҳаммаёқни тутиб, чақмоқ чақди. Зухра сезиб турибди, чақмоқдан сўнг қуйилиб келган жала суви эмас, шу хўрланган қизларнинг кўз ёшлари эди. Куй яна ўзгарди. Жанговор тус олди. Бирин-кетин Фотиманинг, Зухранинг атрофида ўтирган қизлар ўртага тушишди. Ҳар ким бу жанговар куйни ўзича тушуниб, ўйнай бошлади. Зухра умрида бундай алам ва ғазаб тўла рақсларни кўрмаган эди. Уни Фотиманинг ўзи ҳам ҳайратга солди. Оҳиста, қўлларини зўрға кўтариб ўйин бошлаган Фотима қиличбозликда тенги бўлмаган афсонавий Рустамдек бўлиб кетди. Боягина қизариб турган кўзлари олов пуркаб ёнди, қўллари олтин қилич бўлиб куй оҳангига мос ҳавони кесабошлади.

— Зерикмадингми? — деди Фотима рақс тугагач, унинг ёнига келиб. — Энг қизиғи ҳозир бошланади. Ҳинд ва Турк дугоналаримиз ўйнайдилар. Биласан, улар ўз дардлари, орзуларини ўйинда ифода қиладилар. Ҳама шундай. Лекин буларники бошқача. Уларга ўйнагани йўл қўйишмаган. Ҳинд дугонамиз Приманинг оёқларини синдиришган, Зубейдани эса отаси бўғиб ўлдирган.

Икки хил оҳанг, икки хил ўйин бир-бирига қўшилиб, шундай бир гўзал манзара пайдо бўлдики, Зухра буни ҳеч қаерда кўрмаган эди. Иккала қиз ҳам бири-бирдан чиройли, рақсда бири-бирдан нозик ва тенгсиз эди.

Фотима уларни бўйинларига ишора қилди. Зухра эзилиб

кетди. Худди Фотиманикидек, иккала қизнинг бўйинларида ўлим излари — қора чизиқлар бор эди.

— Бу кетмайди, — деди Фотима. — Бу излар, доим биз билан. Шу чизиқлар, ловуллаб турган юраклар, биз чеккан дард, аламларни эслатиб туради.

— Фотима! Сени қийнаганлардан қасос оламан. Биттасининг уйини ёндирдим. Бу бошланиши.

— Биладан. Миннатдорман сендан, Зухра. Лекин қўй, бу шаштингдан қайт. Мен уларни унутдим. Сен ҳам унут.

— Йўқ, уларни деб, сен ҳаётдан кўз юмдинг. Мен ёлғиз қолдим. Адам уларнинг қўлида азоб чекиб ўлдилар. Уларнинг яшашга ҳаққи йўқ.

— Қўй, Зухра. Билсанг, адам ҳам уларни унутдилар.

— Кўрдингми?

— Йўқ. Лекин юрагим айтиб турибди. Улар ҳам шундай дейдилар.

— Кўрасанми уларни?

— Кўраман. Бир-биримизни албатта топамиз. Кейин биргалашиб ойимларни ҳам топамиз.

— Мендан салом айт. Зухра ҳар куни бизни ўйлайди. Биз билан гаплашади, де. Бизни жудаям-жудаям соғинган, де.

— Албатта, айтаман, Зухра, сингилгинам, сен ўзингни асра. Улар кўпчилик. Ер юзида ҳали бойлар, камбағаллар бор экан, безорилик, зўровонлик бўлади. Сени ҳам менинг кунимга тушишингни истамайман. Адамлар учун, мен учун сен яшашинг керак. Бизнинг авлоддан ҳам бир зот қолиши керак. Сенинг бурчинг бу.

— Фотий! Қачон яна кўришамиз? Агар бугун қабристонга бормаганимда сени кўрмасдим.

— Кўрардинг. Фаришталар сенга айтишарди.

— Уша мусичалар фариштами?

— Ҳа. Фаришталар истаган шаклларига кирадилар. Биз ҳам. Мен тез-тез сендан хабар олиб тураман. Мени кўрасан. Йиғла-япсанми?

Фотима Зухранинг бошини силай бошлади. Унинг муздек қўллари ҳаяжондан бутун вужуди ёниб турган Зухрага ёқди.

Зухра вақт қандай тез ўтганини билмай қолди. Ой бети оҳишта оқара бошлади. Дарахтлар шохларидаги қушлар сийраклашди.

— Зухра, шамингни ўчирсанг бўларди энди. Тонг отяпти. — Зухра овозни таниди. Уша мусичалардан бири эди. — Фотима билан кўришинг. Хайрлаш энди.

Зухра гап қайтармади. Аста-секин ўз шаклини йўқотаётган фаввора олдидаги қизлар билан гаплашиб турган Фотима томон юрабошлади.

— Зухра!

Фотима унинг қаршисига югуриб келарди.

— Фотима! — Зухранинг юраги ҳаприқиб кетди.

Республика прокурори Қодир Алиевни махсус ишлар бўйича терговчи вазифасига таклиф қилганини ва Алиев рози бўлганини эшитиб, Исмоилов ниҳоятда хурсанд бўлиб кетди.

— Энди ишлаймиз! — деди у Алиевга. — Қўлингиз энди ҳарқаёққа етади.

— Ким билади, — деди эҳтиётлик билан Алиев. — Бу ерда ҳам Султоновнинг ошналари чиқиб қолиши мумкин.

— Лекин прокурор кейинги пайтда нима билан шуғулланаётганингизни билади-ку?

— Билар экан, — Алиев прокурор билан бўлган суҳбатини хаёлидан ўтказди. — Ҳаммасини билар экан. Кейин мен ўзим ҳам айтиб бердим.

— Нима деди? — қизиқди Исмоилов.

— Бу ишни охиригача етказмагунингизча бошқа иш билан шуғулланмайсиз, деди.

Улар университетнинг эски биноси олдидаги боғ ичида ўтиришарди.

Алиев ишдан бўшаганидан бери эрталаб, пиёда олти-етти чақирим юришни одат қилган эди. Бугун ҳам у шу одати бўйича уйдан чиқиб, шу хиёбонга келиб қолган, қайтаётганида Исмоилов билан дуч келган эди.

— Қачон ишга чиқасиз? — сўради у сигарета тутатар экан.

— Бугун соат ўн иккида коллектив билан таништиришади.

— Соат ўн иккида, — ўйланиб қолди Исмоилов ва соатига қаради. Кейин Алиевга бурилиб деди. — Уч соат вақтингиз бор экан.

— Нима эди?

— Салоҳиддинова билан учрашиб келайлик?

— Улгурармиканмиз? Мен ҳали уйга бориб, бошқатдан кийинишим керак.

— Шундай ҳам зўрсиз!

Алиев жилмайди.

— Йўқ. Уйга ўтмасам бўлмайди. Жуда бўлмаганда, галстук тақиб олай.

Исмоилов устозининг ниҳоятда тартибли, ўта маданиятли одам эканлигини, бунинг устига ҳеч ғижим кийимда юрмаслигини яхши биларди. Шунинг учун эътироз билдирмади.

— Яхшиси менга соат бирда телефон қил, — деди Алиев.

Исмоилов рози бўлиб, ишхонасига йўл олди. Алиев кетганидан бери вазирликка оёғи тортмай борарди. Тузукроқ бир одам келишига умидвор эди. Битта у эмас, бўлимдагиларнинг ҳеч қайсиси Алиевнинг ўрнига Сиддиқов, ташаббуссиз, қоғозбоз, оғиркарвон одам келишини кутишмаган эди.

Собиржон ака ўзи билан бирга янги одам олиб келмади. Ким билади, балки Жалолов шундай маслаҳат бергандир? Бўлимдагиларнинг ҳаммаси билан яхши муносабатда бўлишга, иложи борица уларнинг кўнглини олишга интилди. Лекин иш тўхтаб қолди. «Оч қорним, тинч қулоғим». Бу мақол унинг энг

яхши кўрган мақоли ва ҳаёт дастури эди. Қизиғи шундаки, у раҳбарларнинг кўпига маъқул эди. Уни ҳурмат билан тилга олишарди, ўқимишли, доно офицерлардан, деб ҳисоблашарди. Исмоилов буни бир неча марта сизди. Аммо ҳамма нарса таққослаганда яққол кўринади. Алиев кетганидан кейин ходимлар вазири ўринбосари катта хато қилганини кўрдилар. У билан Сиддиқов ўртасида осмон билан ердек фарқ бор эди. Капитан Раҳмонов, лейтенант Маҳкамовлар бўшаб кетишди, ўринлари бўш қолди.

Исмоилов Алиевнинг бир кунмас-бир кун ишга келишини яхши биларди. Лекин шахсан республика прокурорининг чақиришини ҳаёлига келтирмаган эди. Йўғонтепа воқеаларига вазириликнинг муносабати билан прокуратуранинг муносабати кескин ажралиб турганини кўриб, у қувонди. Алиевнинг ўша ёққа чақирилганидан боши осмонга етди ва ичида у билан ишлайдиган одамларга раҳми келди.

Сиддиқов ходимларнинг биронтасига Йўғонтепа ишлари ёпилди, дегани йўқ. Лекин келганидан бери ҳеч кимни шу ишлар билан шоширгани ҳам йўқ. Қўлга туширилган юк машиналари, рефрежераторлар билан ҳеч ким кутмаган ҳодиса юз берди. Кўкнорининг ҳаммаси — янчилгани ҳам, поялиги ҳам қолхозга берилди. Шофёрлар озод қилинди. Сиддиқов уларнинг қўлида химфармзаводнинг наряди борлигини рўқач қилди. Юзаки қараганда, у ҳақ эди. Аммо капитан Раҳмоновни ҳам, Исмоиловни ҳам ўйлатган саволлар шу қадар кўп эдики, шофёрлардан ҳеч нарса суриштирмай, қўйиб юборилиши, Сиддиқов ҳақида оз бўлса ҳам дилларида бўлган илиқликни, ҳурматни мутлақо кўтариб ташлади. Алиевнинг гумони тўғри эканлигига яна бир марта ишонишди. Йўғонтепада юз берган воқеалар, бегуноҳ одамлар бошига тушган қулфатлар энди бу бўлимда очилмаслигига ҳеч кимда шубҳа қолмаган эди. Алиевнинг кетиши шунинг учун керак бўлганлигига ҳамма тушуниб етган эди.

Лейтенант Маҳкамов Одамбойни қочириб юборган куни, Исмоилов қўлига ғалати бир нарса — сопи фил суягидан ишланган қилич тушган эди.

Маҳкамов билан борган иккита милиционер Одамбой ғойиб бўлгач, боғдаги хоналарни қарашади. Милиционерлардан бири шу қилични кўриб қолди. Унинг гапича, қилич тошойналик стол устида ётган экан. Кўзига ғалати кўриниб, томоша қилибди. «Жойига қайтариб қўйиш» эсига келмай, ўзи билан олиб кетибди. Меҳмонхонага келишганда, Маҳкамовга кўрсатади. «Автомат, тўппонча даврида қилич нега керак бўлиб қолди экан?» — ўзича ўйлади Маҳкамов ва маслаҳат қилиш учун Исмоилов олдига кирди. Исмоилов қилични кўриб, ҳангу манг бўлиб қолди. Бу яқин орада ясалган қилич эмас эди. Уни ҳеч қандай пул билан ўлчаб бўлмайдиган тарихий бир мўъжиза, деса бўларди. Эртасигаёқ, Тошкентга тушиб, уни Алиевга кўрсатди ва у билан келишиб, республика фанлар Академиясининг археология институтига олиб бориб, шахсан академик Салоҳидиновнинг қўлига топширди. Сабоҳат опа Исмоиловдан кўпроқ ҳай-

ратга тушди. У қиличнинг тарихини билар экан. Қиличнинг сўнги эгаси Қўқон хонлигининг ҳарбий вазири ва лашкарбошиси Алимқулбек экан. Сабоҳат опа лупа билан қиличнинг сопи ёнидаги ёзувни Исмоилов олдида ўқиди. «Бисмиллоҳир Роҳман-ир Роҳийм. Ушбу шамширни қўлига олган дили, нияти пок одамга ҳазрати Али мададкор бўлсин!»

— Бу қилични биз кўпдан бери қидирамиз, — деди академик. — Икки-уч кун муҳлат беринглар, Дуркент экспедициясини янгидан ташкил этамиз. Сўнги экспедиция уруш бошланишидан олдин ишлаган эди.

Исмоилов институтга келганидан хурсанд бўлди. Сабоҳат опанинг гапларидан кейин қилич қандай қилиб Тешабоққа тушиб қолганини, кимдан буни суриштириш лозимлигини ўйлаб кетди. Қизик, Тешабой Султонов қиличнинг тарихини билармикан?

* * *

Алиев ҳам шу учрашув хаёлида уйига борди. Машхур лашкарбоши ҳақида у эшитган, аниқроғи, ўқиган эди.

Лекин ҳозир унинг учун энг муҳим нарса республика прокурорининг бугун чиқарадиган буйруғи эди. Ҳошим Ҳасанов ундан тўрт йил бурун юрфакни битирган, прокурор назоратига тегишли ишларнинг энг пастидан, энг юқорисигача ўрганиб чиққан республиканинг обрўли адлия арбобларидан эди. Алиев иш юзасидан унинг ёрдамчилари, ҳамкасблари билан учрашиб турар, лекин ўзи билан кам мулоқотда бўлган эди.

Таништириш одатда узоқ давом этмайди. Лекин саволлар қутилмаганда тушиб қолиши мумкин. Масалан, нима учун муҳим бўлимни ташлаб кетдингиз ва ҳоказо. Вазирликдаги вазиятни сўрашлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Алиев ҳаммасини рўй-рост айтишни ўйлаб қўйди. Гаплари етиб борса, ўзларидан кўришсин. Лекин Йўғонтепа ишларидан кўп гапирмайди. Шубҳаларини прокурорга айтади, шу кифоя. Прокурор уни қувватлаятти, шу катта гап. Энди унинг Сиддиқовга, вазир ўринбосарига ялинадиган жойи йўқ. Мустақил ўзи текшираверади. Улардан эса ўзи яхши билган, ишонган одамларни сўрайди фақат. Беришмасдан иложлари йўқ. Ҳа, Йўғонтепа ишлари янгича тус олди энди. Фақат, прокурор ҳақ. Ҳеч нарсада енгиллик қилиб қўймаслик керак. Улар кўпни кўрган одамлар. Ҳеч нарсадан тойишмайди...

Санобар унинг кийинишига разм солиб турарди.

Алиев кулди.

— Ҳа, янгидан хуштор бўляпсанми?

— Арзийсиз хуштор бўлсам!

У эрига яқинлашиб, елкаларидан қучоқлади. Галстугини тўғрилаб қўйди.

— Ишқилиб бу ишда қийналманг!..

Алиев индамади. Ойнага яна бир марта қараб, хотинини бағрига босди, пешонасидан ўпди.

— Нима овқат қилай?

— Ош-да...

— Биринчи кунданоқ ётиб олманг у ерда. Вақтлик келинг. Алиев бошини қимирлатди. Кўп вақтдан бери у ҳеч бундай тинч, хотиржам эмас эди.

Беш минути кам ўн иккида у прокурор қабулхонасига кириб борди. Котиба уни табриклар, кичик залга одамлар йиғилаётганини айтди. Бундай тантанали йиғилишларни кўп кўрган бўлса ҳам, Алиевни ҳаяжон босди ва ичида яна бир марта Ҳасановга миннатдорлик билдирди. «Яхши одамлар кўп. Ҳақиқат албатта юзага чиқади», хаёлидан ўтказди у.

Таништириш узоқдан чўзилмади. Ҳасанов билан иккалови залга кириб боришганида, одамларнинг қарашларидан ҳамма нарсани билишлари аниқ сезилиб турарди. Алиевнинг назарида уни «ёвқараш» билан кутиб олган одам залда йўқ эди.

Ҳошим Ҳасанов унинг ишларини қисқача таърифлади. Анчадан бери билишини айтди. Янги ишда ютуқлар тилади. Битта ҳам савол тушмади. Ҳасанов йиғилганларга жавоб бериб, Алиевни иш жойигача кузатиб қўйди. Аппарат ходимлари олдида унинг бу ҳаракати эътиборсиз қолмади. Ҳамма Алиевнинг яхши мутахассислиги билан бирга, прокурорнинг чексиз ҳурматини қозонган одам эканлигини англади. Буни Алиевнинг ўзи ҳам сизди. Таништиришни шахсан прокурорнинг ўзи ўтказиши шарт эмас эди. Умуман, мажлис қилиб таништириш шарт эмас эди. Аммо прокурорнинг шундай муносабатда бўлганидан Алиев хурсанд эди. Албатта, уни қандай кутиб олишгани, прокурор нима дегани, кабинетигача кузатиб қўйгани прокуратурада ўрнатилган демократик тартиб билан бир қаторда янги терговчига бўлган ишонч ва ҳурмат эканлиги вазирликка етиб боради, айрим одамларнинг ғашига тегади. Алиев Сиддиқовни, сўнг Жалоловни кўз олдига келтирди.

Хонада Ҳошим Ҳасанов яна Алиевнинг қўлини қисди.

— Ун кун сизни безовта қилмайман. Ун кундан сўнг ўзингиз Йўғонтепа воқеаларини гапириб берасиз. Келишдикми?

— Келишдик.

Бош прокурор хайрлашиб чиқиб кетди. Алиев эшикни ёпиб, топ-тоза ёзув столи ёнига, янги жойига келиб ўтирди. Хона вазирликдаги кабинетига ўхшаб кетарди. Дераза кўчага қараган, телевизор, учта телефон... Беихтиёр столнинг биринчи тортмасини очди. Унда янги блокнот, йиртма тақвим, Хитойнинг олтин пероли авторучкаси, бир қути рангли, бир қути қора қалам турарди. Кўз олдига прокурор қабулхонасидаги ўрта ёшли аёл келди. Унинг кулиб қўйганини эслади. Хонани тайёрлаб қўйган албатта ўша аёл бўлиши керак. Раҳмат унга. Дидли аёлга ўхшайди.

Телефон жиринглади. Қайси бири бўлди бу учта телефондан? Учалови ҳам бир хил оқ, учаловининг ҳам рақамлар терилган доирасида давлат герби бор эди. Овоз энг четдагисидан келаётгандек бўлди. Адашмади.

— Табрикласам бўладими энди?

Бу Исмоилов эди. Алиев беихтиёр соатига қаради. Соат беш минути кам бирни кўрсатиб турарди.

«Бундай одамлар билан тоғни талқон қилса бўлади!» — ўзининг собиқ ходимидан хурсанд бўлиб қўйди Алиев.

— Мен тайёрман. Сабоҳат опа боришимизни биладимми?

— Ҳа, кутяптилар.

Исмоилов билан улар археология институтига келишганда, институт директори билан академик Салоҳиддинова кутиб туришарди. Сабоҳат опа ўзида йўқ шод эди.

— Икки кундан бери ухлаганим йўқ, ҳаяжондаман, — деди у. — Ажойиб совға қилдиларинг биз тарихчиларга. Минг тўққиз юз қирқ биринчи йили июнь ойининг бошида Йўғонтепада ўн бир кишидан иборат экспедиция ишлаган. Экспедиция раҳбари менинг эрим, раҳматли Маъруфжон Салоҳиддинов эдилар. Биласизми-йўқми, Тошкентни ўн икки тепа ўраб туради. Шулардан биттаси Йўғонтепа. Минг саккиз юз олтмиш иккинчи йил чор Россиясининг босқинчи қўшинлари билан Қўқон хонлигининг аскарлари ўртасида қонли жанг бўлган. Жанг шу Йўғонтепа пастидаги ялангликда икки кун давом этган. Босқинчиларга қарши фақат хон аскарлари эмас, паркентликлар, тошкентлик, қўқонлик, қўйинг-чи, ҳар қаёқдан келган кўнгиллилар ҳам кўтарилишган. Лекин катта-катта замбараклари, янги чиққан, узоққа, олти юз-саккиз юз метрга отадиган милтиқлари бўлган армияга қарши бизникилар нима қилиша оларди? Жуда кўп одам қирилган, рус солдатлари қуролсиз, фақат теша, болта, калтак кўтариб жанг қилган одамларимизга қойил қолишган. Уша жангда Қўқон хонлигининг ҳарбий вазири, лашкарбоши Алимқулбек оғир ярадор бўлади. Уни жанг майдонидан олиб чиқиб қаёққадир яширишади. Бизгача етиб келган маълумотлар бўйича, қимматбаҳо қурол-аслаҳа, эгар-жабдук, лашкарбошининг дубулғаси, совути шу Йўғонтепадаги ғорларга яширилган. Маъруф ака экспедицияси кўп нарса топган. Уруш бошланиб қолиб, иш тўхтатилган, тахмин бўйича, Алимқулбекнинг дубулғаси, қиличи, Йўғонтепада бўлиши керак эди. Сизлар қилични топиб келдинглар. Демак, Маъруф аканинг тахминлари тўғри экан. Архивда Йўғонтепадаги қайси жойлар текширилгани ёзилган. Мана, директоримиз розилар, янги экспедиция уюштирамиз. Мен ўзим бораман. Иккита ғорга йўл йўқ. Бу ғорлар Қураманинг одам оёғи етмаган оралиғидан бошланади. Қаёққа олиб чиқади, маълум эмас. Шунинг учун иккита вертолёт оламыз. Гапга тушиб кетиб, сизларга чой ҳам қўймабман. Мен ҳозир.

Ёшлардек даст ўрнидан туриб эшикка чиқиб кетаётган Сабоҳат опани Алиев тўхтатди.

— Овора бўлманг. Чойни экспедицияда ичамиз. Ишингиздан хабар олиб турамыз. Биздан қандай ёрдам керак?

— Ҳозирча ҳеч қандай. Лекин экспедиция унумли бўлса, қимматбаҳо буюмлар чиқса, унда ёрдам берасизлар. Ўғри-пўғрилар биздан юлиб кетишмаслиги учун.

— Бўпти, — Алиев ўрнидан турди. — Вертолёт қачон берилар экан? Хабарингиз йўқми?

— Эртага ё индинга, — гапга аралашди директор. — Жой бор. Агар истовчилар бўлса, бемалол.

— Мен бораман, — деди Исмоилов.

Улар шунга келишиб хайрлашаётганларида, телефон жиринглади. Директор трубкини олди.

— Уртоқ Алиев, сизни сўрашяпти.

Алиев ҳайрон бўлди, прокурор ўн кун тегмайман, деган эди, нима бўлдийкин?

— Эшитаман, — деди у трубкини олиб.

— Ишлаш ўрнига, музейларда лақиллаб юраркансизда, — деди йўгон эркак овоз ва хаолаб келди.

— Кимсиз? — ҳеч нарсага тушунмай сўради Алиев.

— Қулоқ сол, Алиев! — Йўгон овоз бирдан дўққа ўтди. — Сени ишдан кетганинга хурсанд бўлган эдик. Ақл кибди, бола-чақасини, ўзини ўйлабди, деган эдик. Сен одам бўлмабсан. Агар Йўғонтепа ишларини ташламасанг, ўзингдан кўр. Бу охириги огоҳлантиришимиз. Агар қулоқ солмасанг, ўзингдан кўр.

— Мен нотаниш одамлар гапига қулоқ солмайман, — деди Алиев имкони борича совуққонлик билан. — Кимсиз, десам, жавоб бермаяпсиз. Учрашайлик. Нега учрашишдан қочасиз?

— Гапни чўзма, Алиев! — деди йўгон овоз. — Учрашиш қочиб кетмайди. Аммо қачон учрашишни сендан сўраб ўтирмаймиз. Бугун хотинингни қачон кўрдинг?

— Нима? — Алиевнинг юраги дуқиллаб уриб кетди. — Тушунмадим. Қайтаринг.

— Хотинингни ҳали соғинмабсан. Соғинсанг, Дендропаркдан қидир. Юмшоқ ўт устида мазза қилиб ётибди.

— Ярамаслар! Нима қилдиларинг?! — Алиев трубкага бақирди.

— Ўзингни бос. Хотининг ҳозирча омон. Лекин билиб қўй. Бундан кейин аяш йўқ.

Йўгон овозли шундай деб трубкини қўйди.

— Тинчликми? — хавотирланиб сўради Сабоҳат опа.

— Ҳозирча тинчлик. Кечирасизлар, менга рухсат.

Алиев шошиб эшик томон юрди.

— Мен ҳам сиз билан бораман, — Исмоилов унга эргашди.

Ўн беш минутда машина Дендропаркка етиб борди. Алиев шошиб тушаркан:

— Сен орқа томондан кир! — деди Исмоиловга.

Машина бир силтаниб, жойидан қўзғолди.

Алиев сомсахонанинг ёнидаги чойхонадан ўтиб, боққа кирди. Ҳаммаёқ жимжит. Боғда ёз бўлишига қарамай, ҳеч ким йўқ эди. Одамлар асосан овқат пишираётган жойда, чойхонада эди. Тахминан эллик кишича чиқарди. Лекин уларнинг юз-кўзидан бирон фожианинг гувоҳи бўлганлари билинмасди. Ҳамманинг диққати чаққонлик билан ош сузаётган ошпазда, унинг қўлидаги кафгирда, бир эгилиб, бир қаддини ростлаб узун чўмичда сомса узаётган қип-қизил юзли сомсапазда эди. Шу ҳолатда биронта одам паркнинг ичида бировни ўлдириб кетишса ҳам сезмасди,

кўрмасди, қўпол қилиб айтганда, парво ҳам қилмасди. «Уриш-япти, бир-бири билан», деб қўяқоларди.

Алиев негадир қозон ва тандир олдида тўдалашиб турган шу одамлардан хафа бўлди. Унинг хотинини қандайдир ярамаслар машинага босиб олиб келишса-да, боғда ҳеч ким бунга эътибор бермаса?! Алиев шу хаёли билан одамлар ҳақида нотўғри ўйлаётганини билса ҳам, ўзини алам ва жаҳлдан тиеълмасди. Наҳотки биронта одам Санобарни кўрмаган, унга ёрдам бермаган бўлса?!

Сомсахона, чойхона ортда қолди. Деворлар, дарахтларнинг тагида ҳеч ким кўринмасди. Нима деди? Юмшоқ ўт устида ётибдилар, деди. Ифлос! Қани ўша юмшоқ ўт? Алиев атрофга қаради. Боғнинг орқа томонида нимадир қурилаяпти. Пойдевори қазилган жойда тупроқ тоғ бўлиб ётибди. Шу томонга юрди. Аммо у ерда ҳеч ким йўқ эди. Шу тоб қулоғига кимнингдир инграган овози эшитилди.

— Санобар?! — деб қичқириб юборди Алиев.

Девор ёнидаги тарвақайлаб ўсиб кетган дарахтнинг остида нимадир қимирлагандек бўлди. Алиев шу томонга югурди. Уч-тўрт қадам қолганда, таниди. Кўк гулли кўйлагидан таниди. Санобар қўл-оёғи боғлиқ, хас-хашакка беланиб ётарди.

Алиев югуриб келиб унинг бошини кўтарди. Ҳайтовур кўзлари очиқ эди. Оғзига эса сариқ пакетга ўроғлиқ тўғралган сабзи тиқиб кўйилган эди. Алиевнинг биринчи қилган иши — шу пакетни олиб ташлади.

Кейин ингичка ипак арқон билан танғиб ташланган қўлоёқларини еча бошлади. Санобарни йўтал аралаш йиғи тутди.

— Бўлди, бўлди, Санобар, жоним!.. Ўзингни бос. Тирик экансан, шу катта бахт! — Алиев хотинининг боғланган жойлари, қабариб кетган қўллари, оёқларини силай бошлади. — Уришма-дими?

— Йўқ, уришмади. Лекин, Қодир ака, уришгандан баттар бўлдим. Нафасим қайтиб ўламанми, девдим. Ер юткурлар.

— Ким экан улар, билдингми?

— Йўқ. Лекин биттасининг оти Пўлат. Қулоғимга кирди. Кўрсам иккаловиниям танийман. Биттаси ёш. Иккинчиси, боғлагани, оғзимга сабзи тиққани сиз тенги, қирқ-қирқ беш ёшларда. Гавдали, полвон одам. Қўнғиздек мўйлов кўйган. Вой, Қодир ака! Улардан ҳар балони кутиш мумкин. Бу ёққа олиб келишганда ўлдиришади деб қўрқдим. Биттасини, каттасининг тўппончаси бор. Сизга ўхшаб қўлтиғида олиб юраркан. Ер юткурлар!

Санобар яна йиғлай бошлади.

— Бўлди, бўлди, Санобар. Шукр қил, омонсан.

Алиев унинг елкаларини, бошини силаб, ўтқазди. Узи олдига чўккалади.

— Бир чимчилаб кўринг. Ростдан тирикманми? Ҳеч ишон-маяпман.

Алиев унинг елкаларини ушлаб, енгил силкитди.

— Тириксан, ўзингни бос, Санобар. Ҳозир уйга кетамиз. Дам оласан, ювинасан. Туш деб ўйла буни. Ёмон туш, деб ўйла.

Айб менда, уйнинг эшигини икки қулфлик қилиб қўйишим керак эди. Шунини қилмадим. Қандай киришди айтгандек? Эшик очиқ-миди?

Санобар эрининг саволларидан бироз ўзига келди.

— Уйга келишгани йўқ. Уй қулф. Мен бозорда эдим.

— Бозорда? — ҳайрон бўлди Алиев. — Бозорда нима қилиб юрувдинг?

Шу пайт Исмоилов етиб келди.

— Соғмилар?

Санобар мажбуран жилмайди. У аста-секин ўзига кела бошлаган эди. Бунинг устига Исмоиловдан уялиб, ўзини анча босди.

— Қўрқмай-чи?! Бир кунда адойи-тамом бўлдим. Мелисага хотин бўлмай мен ўлай!

Алиев Уктам Қўчқоровичга қараб кўзини қисиб қўйди. У алам ва ғазабга тўла бўлса ҳам, хотинининг сўнги гапидан бироз юмшади.

Меҳр билан хотинига қараб, ўрнидан турди-да, қўлтиғидан кўтарди.— Қаердан олиб кетишди?

— Э, сўраманг. Айб ўзимда. Тўғралган сабзи олай деб, бозорга борувдим. Кийинганим ҳам йўқ. Чиқаётганимда иккита одам йўлимни тўсди. «Опа, сизни қидириб юрибмиз, — деди биттаси. — Уйингиз қулф. Қўшнингиз «бозорга кетдилар», дейишди». «Тинчликми»? — деб сўрадим, юрагим уриб кетди. «Тинчлик. Қодиржон акам аварияга учрадилар. ТошМИдалар. Хавотир олманг. Тузуклар. Сизни кўрмоқчилар», дейишди. Ҳеч нарсадан хавотир олмай, машиналарига ўтирдим.

— Қандай машина? Ранги қандай?

— Жигарранг «Жигули». Утирдим...

Санобар бир йиғлаб-бир овуниб, бўлиб ўтган гапларни айтиб берди.

Машинага ўтиришганда, Санобар анчадан бери чанқоқ қийнаётганини эслади.

— Тўхтанглар! Битта сув ичиб олай!

У машинадан тушмоқчи бўлиб, эшикни очди. Аммо Исмоилов уни тушгани қўймади.

— Мен ҳозир!

Зум ўтмай у икки шиша «Фанта» кўтариб келди.

— Тошкент суви йўқ экан.

— Шу ҳам бўлаверади.

Санобар битта шишани олиб, оғзига тутди. «Ҳаёт қандай яхши!» — хаёлидан ўтди унинг. Бир соат бурун у ўзини лаҳатда ётгандек тасаввур қилган, эри келишига, уни озод қилишларига ишонса ҳам, бундай аҳволга тушиб, қўл-оёғи боғлиқ ётишини тушида ҳам кўрмаган эди. «Яшаш яхши. Қодир акам буни билиши керак. Айтаман унга. Розини бўлсин. Наҳотки ўша кўкнори ўлгур биздан афзал бўлса?!»

— Зухра Салимовани қачон кўрдинг охирги марта? — деб сўради машина деразасидан кўчага қараб сигарет чекиб кетаётган Исмоиловдан.

— Ун кундан ошди. Ҳозир Тошкентда бўлса керак. Институтга ҳужжатларини топширяпти.

— Пединститутгами?

— Шундай девди. Ҳозир билмайман. Уни биласиз-ку, ғалатиноқ.

— Яхши қиз, — деди Алиев. — Уни ёлғизлатиб қўймаслик керак.

— Унинг хаёли акасида. Гўё ўлигим, тиригим топилса, ҳамма нарса равшан бўлади. Оиласи бошига тушган фалокатлар сабаби очилади.

— У биздан хафа. Арзийди хафа бўлса. Битта ярамасни бундай қўлидан ушлаб, мана отангни ўлдирган, деганимиз йўқ шу пайтгача.

— Бекор ҳам ўтирганимиз йўқ, — ўзини оқлаган бўлди Исмоилов. — Ҳамма жиноятлар бир-бирига боғланиб кетганлигини унга тушунтириш қийин бўляпти. Боргим, ҳол-аҳвол сўрагим келади. Сизга ўхшаб, хавотир ҳам оламан. Лекин борганимда шундай қарайдики, гўё мен қотилларнинг шеригиман. Жўрттага пайсалга солиб юрибман.

— Бечора нима қилсин? Сенга тиржайиб қарасинми?

Алиев эртагаёқ ундан хабар олишни, Тошкентда бўлса, уйига олиб келишни дилига тугиб қўйди. Нега телефон қилмади экан?

Зухра тинч эди. Лекин унинг шу кунлари қилган ишини биронта милиция ходими ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Дугонасининг илтимоси билан у ўн кундан бери Света билан бирга унинг холасиникида эди. Анна опанинг ҳеч кими йўқ эди. Олти сотихдан зиёд ҳовлиси бўлган тўрт хоналик уйда ёлғиз ўзи турарди. У битта катта хонани ўзига хос машқ залига айлантирган, ён атрофдаги ўн-ўн беш қизга каратэ усулларини ўргатар эди. Света билан Зухра аввал томоша қилиб ўтиришди. Кейин Анна опа уларни ўртага тортди. Зухра мактабда ўқил болалар қатори спортга қатнашиб юргани учун машғулот енгил кўчди. Ҳар кун кечқурун ётиш олдидан шуғулланадиган бўлди.

— Машғулот қўлдан ҳам кўра иродани мустаҳкамлайди, — дерди Анна опа. — Биронта ярамас дўқ урса, вой, деб қочмайсан. Тик борасан. Баъзилар шу қарашингдан ниятларидан қайтишади. Қайтмаганининг гарданигами, биқинигами, кутилмаганда туширсанг борми? Кисовур, қиморбоз халқи дўқ билан иш кўради, аёллардан-ку, ҳеч қаршилиқ кутмайди, ана шу пайтда сен ҳунарингни кўрсатсанг, у тамом бўлади-қўяди.

Анна опа яхшигина ўқитувчи ҳам эди. Зухра Светанинг

гапига кириб, ётоқхона сўрамасдан, холасиникида турганидан жуда хурсанд эди. Хужжатларни топширишди.

Уларнинг иккаловига Анна опанинг қандай яшаётгани, ҳукумат идораларига иши тушмай, ҳатто қарилик ғамини ҳам еб кўйганлиги жуда маъқул келган эди.

— Узинг учун ўл етим! Ўзбекларда яхши мақол бор, — дерди кўпинча Анна опа. — Одам ўз ғамини ўзи ейиши керак. Шунда обрўни йўқотмасдан, амалдорми, бойвуччами, ҳамма билан баравар гаплашадиган бўлади одам. Бировга озгина бўйин эгдингни, тамом, умрбод эгилиб ўтасан. Мустақиллигинг, ихтиёринг ўзингдан кетади.

Бир куни у иккаловига узунлиги тахминан бир қарич келадиган чуст пичоғидан олиб келиб берди.

— Сумкаларингда доим шу турсин. Замонга ишониб бўлмайди. Бир хил аҳмоқ одам бир сўм учун ҳам ҳужум қилиб қолиши мумкин. Кейин, ғира-ширада кўчада қолиб кетишларинг бор. Иккаловинг ҳам кўзга яқинсанлар. Фотиманинг куни бошларингга тушмасин. Қандоқ ишлатишни кўрсатаман.

Анна опа чиндан ҳам пичоқ ушлашни, уришни, отишни ўргатди. У жуда мерган эди. Ун қадамдан истаган жойни мўлжаллаб отиш мумкин эди.

Бир куни пичоқларини эмас, қўлларини амалда синаб кўриш имконияти пайдо бўлиб қолди.

Нима овқат қилишни ўйлаб, иккала қиз паловда тўхташди. Уйда памилдоридан ташқари ҳамма нарса бор эди. Кўкча бозорига икки чиқирим ҳам келмасди йўл. Иккови целофан сумка олиб кўчага чиқишди. Бозор ҳали гавжум эди. Олма нусха памилдоридан икки килограмм олишиб қайтишаётганида, битта қизча болалар аравачида иссиқ, ҳали буғи чиқиб турган нон олиб келди. Света билан Зуҳра ҳам олмоқчи бўлиб яқин боришди. Шу топ икки йигит келиб, уларнинг олдига ўтиб олишди-да, кўполлик билан нон танлай бошлашди. Битта нон ерга думалаб кетди. Аммо йигитлар эътибор беришмади. Қизча югуриб бориб, нонни олди. Келиб, йигитларга узатди. Аммо улар қизчага эътибор беришмади.

— Неча пулдан? — сўради биттаси, ингичка мўйловлиси.

— Бир ярим сўм, — деди қизча.

— Бир сўм ҳам етади! — мўйлов қўйган йигит шундай деб, бешта нон олди-да, беш сўм узатди.

— Кам бу, — деди қизча.

Йигитлар мазах қилиб кулишди ва кета бошлашди.

Света чидайолмади. Мўйловли йигитнинг тирсагидан ушлаб, тўхтатди.

— Қизчани хафа қилманг!

— Сен кимсан? — мўйловли йигит бир силтаниб, тирсагини бўшатди-да, Светанинг кўкрагини чангаллаб, итариб юборди.

Света гандираклаб кетди. Зуҳра шу пайтда нон олаётган эди. Нонни қўйди-да, мўйловли йигитнинг олдига бориб, ўнг қўлининг зиҳи билан томоғига урди. Йигит энтиқиб кетиб, бошини эгди. Зуҳра худди шуни кутиб тургандек, чап мушти билан орқа

мясига туширди. Йигит аввал чўккалади, кейин бошини ушлаб ёнига ағдарилди.

Қўлларини боксчиларга ўхшаб кўкраги устида туга бошлаган иккинчи йигит буни кўриб, орқага тисарилди. Бир зумда юз берган воқеадан у ҳайрон бўлиб қолган эди. Кейин бирдан ўзини Светага ташлади. Света яшин тезлигида энгашди. Йигит қўлларини чўзганича, унинг устидан ўтаман, деб йиқилди.

— Кетдик! — кичқирди Света.

Нон олишни қолдириб, иккалови ўз кўчаларига чопиб кириб кетишди. Юз метрча югуришганларидан кейин тўхтаб, орқаларига қарашди. Ҳеч ким йўқ эди. Шундай бўлса ҳам улар тез-тез юриб, дарров уйга етиб келишди. Киришлари билан эшикни занжирлаб олишди. Энтикиб, бирпас бир-бирларига қараб туришди-да, кейин ўзларини тутолмай кулиб юборишди. Иккови ҳам ўғил болалар билан шундай уришиб, ғолиб келишлари мумкинлигини хаёлларига ҳам келтиришмаган эди.

* * *

Света холаси кетиши билан шаҳарга тушиб чиқишни, жуда бўлмаса, институт томонга ўтиб келишни таклиф қиларди. Бир-икки кун Зухра бирга юрди. Кейин турли баҳона билан алоҳида юрадиган бўлди. Бекорчи одам одатда бозорни куннинг биринчи ярмида қилади. Зокир, Тўхта қийшиқлар агар Тошкентда бўлишса, албатта, бозорга бир кунмас бир кун тушишлари керак. Бекиниб юрганлари учун кун бўйи бекор. Демак, куннинг биринчи ярмида тушишлари мумкин бозорга. Акаси уларга ош қилиб берар экан, демак, ошни яхши кўришади. Уларни учта жойда кўриш мумкин. Нон бозорда, сабзи қаторда, гўшт қаторда. Эски шаҳар бозорида, нон қаторда уларни кутиш қулай эди. Зухра уч кун шу ерга келиб кеч киргунча турди. Зокир семиз кўринмади. Кейинги эски кун Олой бозорига бориб, сабзи қаторда айланиб юрди. Сабзифурушлар бу ерда қатор ўтиришарди. Эски шаҳар бозоридаги сингари бир кило, ярим кило қилиб қоғозга ўраб айланишмасди. Аммо бу ерда ҳам Зухра уларни учратмади. Кейин яна Эски шаҳарга, нон бозорга ўтди. Кейинчалик фақат шу ерга келадиган бўлди. Ун тақчил, нон дўконларида одам кўпайиб қолди. Зокирларни навбат кутиб, нон олишга албатта тоқатлари бўлмаслиги керак. Шу ерга келиб нон олади.

Қодир Алиевнинг хотинини ўғирлаб кетишган куни Зухра ниҳоят ниятига етди. Тахминан соат бирларда қора тўн, сидирға мошранг дўппи кийган тўладан келган одам унга танишдек кўринди. У қоғоз пакетга янги келган патирдан олиб солаётганда, Зухра уни кўриб қолди. Ҳеч шубҳасиз, бу Зокир семиз эди. Унинг қўлида бошқа — гўштми, ёғми солинган қоғозхалта ҳам бор эди. Патирларни жойлаб, ҳисоблашди-да, гўшт қатор томонга юрди. Зухра унга эргашди. Гўшт бозордан тушганда, Зокир семиз бешикчилар дўконлари ёқалаб Сағбонга қараб йўл олди. Зухранинг юраги дукиллаб уриб кетди. Зокир семизни

бозордан чиқиб машинага ўтиради, деб кўрққан эди. Йўқ, у пиёда кетди. Икки қўлида иккита қоғоз халтани кўтариб борар экан, уни ҳеч ким энди ўттизларга борган қирчиллама йигит демас эди. Одамлардан, милициядан қочиб юришнинг ўзи бўлмаса керак. Зухра у таниб қолмасин деб, анча орқа-роқда юрди.

Уч чақиримча йўл босилди. Зокир семиз тор кўча олдида тўхтади-да, ён-верига қаради. Кейин шу тор кўчага кирди. Зухра уни йўқотиб қўймаслик учун югурди. Тор кўча бошига етиб келганда, Зокир семиз кўчанинг охиридаги битта машина кира оладиган икки тавақали дарвозани елкаси билан итариб очаётган эди. Зухра жойида қотиб қолди. Ҳайтовур, Зокир семиз орқасига ўгирилмай, ичкарига кириб кетди. Дарвоза ўзи секин фирчиллаб ёпилди.

Зухра оҳиста юриб бориб, дарвоза олдида тўхтади. Ичкарига кириш хавфли эди. Орқасига қайтиб, милицияга телефон қилсинми? Алиев ёки Исмоиловга телефон қилиши ҳам мумкин. Иккаловининг телефонлари сумкада. Йўқ, телефон қилмайди. Милицияга ҳам хабар бермайди. Аввал ўзи улар билан гаплашадди. Шундай қасам ичган эди, қасамдан қайтмайди.

У дарвоза тирқишидан ичкарига қаради. Чорси ҳовлининг тўри иморат эди. Кундузи бўлишига қарамай, битта хонада чироқ ёниб турибди. Шу хонада Зокир пайдо бўлди. Қўлларини пахса қилиб, ерда ўтирган одамга нималарнидир гапирди, кейин орқасига ўгирилиб чиқиб кетди. Қаёққа кетди? Зухра дарвоза тирқишидан кўролмасди. Бу ердан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. Шунинг учун дарвозани секин итариб, қия очди, чап томонда, шундай дарвоза ёнида эшик ўрнига қоракуя юқи қоп тортилган ҳужра кўринди. Ени ҳожатхона бўлса керак, тор ғишт йўлкада обдаста турарди. Ундан кейин тор айвоннинг кичик бир бўлаги кўринди. Нима қилиш керак? Уйда албатта Зокир семиздан ташқари яна бир одам бор эди. Ким у? Наҳотки Тўхта қийшиқ бўлса? Мантиқан у бўлиши мумкин. Иккалови доим бирга эди. Бу ерда ҳам бирга бўлишлари керак.

Шу пайт катта куч билан «ғийқ» этиб тор кўча бошида битта машина тўхтади. Зухра беихтиёр ўгирилиб қаради. Бу жигарранг «Жигули» эди. Машина секин бурилиб, тор кўчага кирди. Зухранинг ичкарига киришдан бошқа иложи қолмаган эди. У қия очиқ дарвозадан кирди-ю, ўзини ҳужрага, қоракуя қоп орқасига олди.

Машина тўппа-тўғри шу ҳовлига келди. Дарвоза олдида тўхтади. Барваста, кўнғиз мўйловли бир одам дарвозани тарақлатиб очди-да:

— Зокирвой! — деб қичқирди ичкарига кириб.

Унинг овози худди арслоннинг ўқиришига ўхшарди.

Машина ҳовлига кирди.

Йўғон одам дарвозани ёпмади. Ҳожатхонага кириб кетди. Рулда ўтирган жиккак, ёш йигит машинадан тушиб, дарвозани ёпди.

Уйнинг бурчагидан, ўша томонда ичкари хоналарга йўл бўл-

са керак, Зокир семиз кўринди. У кафгир кўтариб олган эди. Демак, ўчоқбоши ўша томонда.

— Келдиларингми? — деди у тиржайиб. — Эллик минутда паловхон тўра тайёр бўладилар. Еб кетасизлар. Ишлар қалай?

Жиккак йигит елкаларини қисди. Ҳожатхонадан чиққан йўғон одам унинг гапларини эшитган кўринади, жавоб қилди:

— Ҳаммаси мўлжалдагидек. Ота хурсанд бўлдилар. Мунча ошга ҳаялламасанг?

— Бозорда жиндек қолиб кетдим. Қўчқор сўйилаётган экан, шуни кутдим. Аммо-лекин мазза қиласизлар. Эллик минут алаҳсиб турсаларинг бўлди.

Йўғон одам қўлларини ювиб бурчакда ғойиб бўлди. Уша томонга жиккак йигит ҳам йўл олди. Зокир семиз бирпас ўйла-ниб турди-да, кафгир билан пешонасини қашиб, бурчакка кириб кетди. Кўп ўтмай, ўша томондан тутун чиқди, доғ бўлаётган ёғ ҳиди келди.

Ош бир соатдан кейин тайёр бўлади. Ейишиб бўлгандан кейин нима қилишади? Зухра ўзи нима қилмоқчи? Тўрт киши уни эзиб, Фотиманинг кунини бошига солишлари ҳеч гап эмас. Нима қилиш керак?

Зухра шуларни ўйлаб, аввало қоронғу тушишини кутишга аҳд қилди. Ҳозир эса кетади. Уйга боради. Бир амаллаб кунни кеч қилади. Йўқ, уйга бормади. Борса, кечқурун чиқиши қийин бўлади. Анна опа, Света унинг қаёққа кетаётганини билмаслик-лари лозим.

У ҳовлига қаради. Кетмоқчи бўлиб, яғири чиқиб кетган қопнинг бир четини кўтараётганда бурчакдан жиккак йигит чиқиб келди. Машинанинг юкдонини очиб, бир яшик пиво, қандайдир ичимликлар солинган сумкани олди. Юкдонни ёпмай шуларни кўтариб, ичкарига кириб кетди. Зум ўтмай қайтиб келди. Юкдондан яна нима балоларни қидириб, сўкинди. Кейин чўккалаб, машина номерини ечабошлади. Зухра номерни кўрди. Эслаб қолишга ҳаракат қилди.

Жиккак йигит номерни ечиб бўлиб, бир чеккага қўйди-да, юкдондан бошқа номер олди. Бирпасд э тақиб қўйди. Кейин олдинга ўтди.

Зухра янги номерни ҳам яққол кўрди. Буни ҳам эслаб қолди.

Жиккак йигит юкдон олдига келиб, уни ёпди. Ечиб олган номерларни кўтариб, ичкари томон кетди. Ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. Учоқбошидан қовурилаётган пиёз билан гўшт ҳиди келиб, димоққа урилди. Кафгирнинг тез-тез қозонга урилаётганда чиқадиган таниш овози эшитилди. Машина номерини алмаштирганларидан икки киши кетадиганга ўхшайди. Ошни еб кетишади...

Зухра кўчага чиққанда, ҳеч кимни учратмади. Бу жуда тинч тор кўча эди. Афтидан бу ерда турадиганлардан камдан-ками кундузлари уйда бўлади. Ҳаммалари ё ишда, ё бозорда. Ҳаммалари ўзлари билан ўзлари овора. Уларни иккита нарса фақат бирлаштиради, йиғади. Улим ва тўй. Қолган пайтда ҳар ким ўз тирикчилиги билан шуғулланади. Зухра шундай тахмин қилди.

Тахмини тўғри эди. Ҳар бир ўзбек маҳалласида, кўча, тор кўча, боши берк кўчада аҳвол шундай. Ҳар ким ўз қозонини ўзи қайнатади. Бировникига қарамайди. Узининг ўчоғига ўхшаб, қўшнисиникидан тутун чиқиб турса, хурсанд бўлади. Кўпчиликнинг эътибори тутун, шовқин чиқиб турган хонадонда эмас, тинч, жимжит хонадонда бўлади. Уйдагилар соғмикан? Бирон фалокат бошларига тушмадимикан? Балки бир коса иссиқ овқатга муҳтожлик бордир? Бирин-кетин шу жимжит уйдан хабар олишади, ёрдам лозим бўлса, ҳаммалари бирдан ёпирилиб ёрдамлашишади, осойишталик бўлса, кўнгиллари тинчиб тарқалишади. Шаҳарда ҳам шундай, қишлоқда ҳам, Зухра буни болалигидан билади. Шунга барча ўзбек болалари сингари одатланган, қонига сингиб кетган.

У уйга бормасликка аҳд қилди. Кунни кўчада кеч қилади. Кинога боради. Бозорга яқинлашганда қорни очганини сезди. Сумкасида икки дона қоғозга ўроғлиқ Анна опа берган шоколад бор эди. Лекин егиси келмади. Иссиқ, гўштли нарсани кўнгли тусади. Нон бозорга ўтиб, уйда қилиб чиқишадиган тандир сомсадан иккита олди.

Зухра овқатланиб бўлиб болалар театрининг олдига келганда, телефон-автоматга кўзи тушди. Ишляпти шекилли, трубкани илиб, бир киши будкадан чиқди.

Зухра нимани гапиришини билмаса ҳам Алиевга телефон қилишни ўйлаб, будкага кирди. Сумкасидан кичкина дафтарчасини олиб телефонни топди. Икки тийинлик чақаси йўқ экан, ўн тийинлик ташлаб, номерни терди.

— Алло! Эшитаман! — эркак овоз келди трубкадан. Бу Алиев эмас эди.

— Менга Қодир ака керак эдилар, — сўради Зухра.

— Қодир ака, адамлар ишга кетганлар. Ким сўраяпти?

— Сиз ўзи ким бўласиз? — деди Зухра.

— Қизик, — трубкадан кулги эшитилди. — Қодир ака адам бўлганларидан кейин, мен ким бўламан? Ҳар эҳтимолга қарши мени тўғри тушунишингиз учун айтишим мумкин. Мен Қодир ака Алиевнинг ўғиллари бўламан. Отим Равшан. Эшитяпсизми? Энди кимлигимни тушундингизми?

— Тушундим.

— Адамга нима деб қўяй?

— Адангизнинг қишлоқи бир танишлари бўламан. Келганларида исмиمنى Зухра деб айтсангиз таниб оладилар.

XIV

Тўхтамурод билан Зокирларнинг ошиғи олчи эди. Ота бало. Ўзи эктирган кўкнорини хуфя кўкнори топилди, деб милицияни роса овора қилди, қидиртирмаган жойи қолмади. Уларнинг олдида ўзини кўрсатиб, бирга қидирди. Уша кўкнорининг ҳаммаси энди очикдин-очиқ ўзига қайтиб келди. Миллион-миллион пул бу. Ушандан Тўхтамурод билан Зокирга беш мингдан чиқибди. Исроилдан бериб юборибди. Фатхулла ака билан Пўлат

албатта кўпроқ олишган. Савдо уларда. Тўхтамурод яна бир марта отага қойил қолди. Шерикларини унинг саломатлигига ичишга мажбур қилди. Ойига беш мингдан тушиб турса, мана, уч йил бўлди шунга, ёмонми?

Ошдан сўнг Фатхулла ака, Исроил, жиккак Пўлат йўлга тушишди. Ота чакирибди. Исроилнинг онаси ёмонмиш. Ҳар ҳолда кўришиб қўйсин, дебди ота. Бўлмаса уни Йўфонтепага бормагани маъқул эди. Лейтенант Исмоилов уларнинг кетига астойдил тушган. Афтидан, Турсуновнинг кимлигини билиб қолди. Узи қидиряпти. Турсуновнинг одамларига ишонмай қўйди. Шундай бўлса ҳам Исроил қишлоққа бориб келади. Иложи бўлса, онаси ҳарҳолда ўлмайдиган бўлса, ғира-ширадаёқ қайтади. Уладиган бўлиб қолса, расво бўлади. Қўлга тушди деган гап. Эшик тагида туриши лозим. Жанозага қатнашиши зарур. Шуни ота билан кўришиб, маслаҳатлашади. Онасини қўйиб келишгунча аввало ҳеч ким унга тегмаслигини сўрайди. Қўйиб келгандан кейин олиб кетишса бир амаллаб чиқариб олишни илтимос қилади. Ҳаммасини ўзига олади. Ҳеч кимни айтмайди. Шунга яраша, тезроқ уни чиқариб олишларини, имкони бўлса, судгача чиқариб олишларини сўрайди. Отанинг қўлидан келади шундай қилиш.

Аслида улар билан Тўхтамуроднинг ҳам бориб келгани маъқул эди. Исроилни қамашларини кутиб ўтирмасдан, Исмоиловдан қутулиш масаласини қўярди. Лекин ҳеч ким отанинг гапини иккита қилмаган. Исроил онасини кўриб кетсин, дебди. Бошқа ҳеч нарса демабди. Демак, ҳали сенлар чиқадиган пайт келгани йўқ, деяпти. Индамай ўтириш керак. Зокир Исроилдан уйга нима бўлганини, ўт ўзидан-ўзи чиқиб кетибдими, бир суриштиргин, девди, Тўхтамурод жеркиб берди. Уларнинг соғлиги, озодлиги олдида, эллик-олтмиш минглик уй нима бўлибди?! Ота янгисини кўтартириб беради. Зокир қаршилиқ қилмади. Йигитларнинг гапи тўғри эди. Отанинг измидан чиқмаган одам ютади. Узбошимчанинг аҳволига вой. Узбошимчалик қилиб Ҳамидулла нима бўлди? Йўқ у. Қаерда, нима бўлган унга? Фақат ота-ю, унинг буйруғини бажарган одам билади. Зокир семиз анчагина довурак одам бўлса ҳам, отага ҳеч тик боқолмасди. Отанинг кўзида жин бор, дев бор. Битта қарадими, тамом, тиззалар ўзидан-ўзи қалтираб, бутун аъзойи-баданнинг қақшаб адо бўласан-қўясан. Уй нима бўлибди?! Омон бўлса, йигит киши бундай иморатдан беш-олтитасини қуриб юборади.

Зокир Фатхулла акаларни жўнатиб, дарвозани ёпар экан, соатига қаради. Қоронғу тушиши билан иккита жонон келади. Кеча келишиб қўйган. Аммо унинг дилини ғаш қилиб келаётган бир нарса бор эди. У ҳам бўлса Исмоиловнинг Йўфонтепада ўралашиб қолгани. Ёш бўлса ҳам бу одам Алиевнинг нўсхаси эканини у эшитган эди. Биринчи бўлиб уни мақтаган мактабдош дўсти марҳум Ашурали мелиса эди.

— Зокир, — деган эди у. — Кўзингга қараб юр. Алиев билан Исмоилов келяпти. Уни кўп эшитганман. Пўлатнинг ўзи. Ҳеч ким уни қайириб ололмайди.

— Ота қайириб олмаган одам йўқ! — қўшилмади Зокир. — Иннакейин биласан, мен якка эмасман. Қўрқадиган жойим йўқ.

— Мен айтдим-қўйдим. Елғизсан. Биринчи жувонмарг бўладиган сен бўласан. Отанг ҳам, ошналаринг ҳам биринчи сени қалқон қилишади. Мана мени айтди дейсан.

Ашурали тўғри фол очмади. Зокир мана, ҳаёт. Ашурали йўқ. Еш-ёш болалари билан хотини қақшаб қолди. Отанинг айтганини қилиб, уларга қўшилганда, Азимбекдек пичоғи мой устида бўларди. Энг муҳими, омон бўларди. Унинг гаплари тўғри чиқмади-ю, лекин Исмоилов ҳақида айтганлари қулоғида қолди. Исроилнинг онаси ҳақиқатдан ёмон бўлса, оламдан ўтса, Исроил қўлга тушди, деган гап. Унинг қандайлигини Зокир яхши билади. Бояги гаплари ҳаммаси қуруқ олифтагарчилик. Битта дўқдаёқ ҳаммани сотиб юборади. Биринчи галда уни, Зокирни сотади. Негаки, Зокирдан ҳеч нарса унга тушмаган. Иккалови тенг. Аяшига, чўчишига ҳожат йўқ.

Уйга кириб, Тўхтамуродга шу гапни айтди.

— Биринчи мени сотади у зикна. Сиздан, Тўхта ака, қўрқади.

— Хавотир олма. — Тўхтамурод қўлидаги бўш пиёлани унга узатди. — Аввало билиб қўй, ота уни қаматтириб қараб ўтирмайди. Исмоиловнинг кеткизиб юборса юборадики, уни қаматтириб қўймайди.

— Зокир, ўзингни бос, ука. Кемага тушганнинг жони бир. Менга ишон. Ота биттаميزни ҳам бериб юбормайди. Виз унга керакмиз. Яхши ишлаяпмиз унга. Битта одамнинг жони йигирма беш минг экан унингча. Бу яхши ишлаганимиз эмасми?

— Тушунмадим, очирроқ гапиринг, — Зокир унга тикилди. Тўхтамурод илжайди.

— Беш мингни нимага олдинг?

— Нимага?

— Абдулла муаллимга!

— Бештаميزга беш мингдан йигирма беш минг. Бу озми, кўпми?

— Билмасам? — елкаларини қисди Зокир.

— Оз! — Тўхтамурод пиёлани дастурхонга улоқтирди. — Оз! Лекин биз индамаймиз. Ота шуни билади. Чунки бошқа ҳеч ким бизга беш мингдан бермайди. Одамнинг қадри йўқ ҳозир.

— Муаллимнинг отага нима алоқаси бор? Мен тушунмадим. Биз уни ўлдирмасак, у бизни ўлдирарди. Ахир, қизи деб келди-ку бизникига?!

— Қизи деб келди, тўғри, — энсаси қотиб тушунтирди Тўхтамурод. — Биз отанинг одамларимиз. Биттаميزни ўлдирса, иш мелисага тушарди. Мелисада гап чувалашиб, отага бориб тақаларди. У муаллимни йўқотинглар, дегани йўқ. Лекин унинг йўқ бўлганидан тинчиди. Шунинг учун бизни уришгани йўқ. Қайтанга хурсанд қилди.

Зокир индамади. Тўхтамуроднинг мантиқига у барибир тушунмади. Дилида у ҳамма шерикларидан, отадан хавфсирарди. Уларнинг биттасига ҳам ишонмасди. Бўлар иш бўлди. Ноҳия марказидаги ҳунар мактабига қатнаб юрганида бир ошнаси унга

эговдан ясалган ханжарини кўрсатди. Узунлиги бир қаричгина келадиган олтиндек сап-сариқ ханжарни кўриб, Зокир ҳам шунақа бир пичоқми, ханжарми ясашга аҳд қилди. Мактабда ҳамма нарса бор эди. Фақат ўқитувчилар кўриб қолмаса бўлди. Ун кун дарсдан кейин қолиб, ўша ошнаси билан шундай ханжар ясадики, ўзининг ҳам ҳаваси келиб кетди. Сариқ темир йўқлигидан, унинг ханжари оқ эди. Бир куни у мактабдан қайтаётганида, тўрттами-бешта ўзи тенги бола унинг йўлини тўсди. Болаларни у танимасди. Ниятлари яхшимаслигини башараларидан билди. Ошиқча пули йўқ эди. Атига беш сўмми-олти сўм пули бор эди ёнида. Беихтиёр ханжари ёдига тушди. Брезентдан қин қилиб, камарига осиб юрарди. Улар ханжарни сўрашди. Битта-яримта уларга айтган бўлса керак, унинг ханжари борлигини. Нима қилиш керак? Йўқ, деса, улар кўпчилик. Баравар ёпишиб, тортиб олишади. Дўппослашади! Хўп, деб, бериб юборишга эса алам қилди.

Улардан қўрққан бўлиб, ҳозир, деди-да, ханжарига қўл узатди. Шундай қинидан суғуриб энг яқин турган боланинг қорнига бор кучи билан урди. Бола инграб юборди. Зокир ханжарни суғурганда боланинг қорнидан қон фонтандек отилиб кетди. Зокир қўрқувдан нима қилишини билмай, орқага тўсарилиди, кейин мактаби томонга қочиб кетди.

Эртаси куни уни милицияга олиб кетишди. Уша ерда ярадор боланинг ўлганини эшитди. Ушанда у ўн тўрт ёшда эди. Қамоқхона, колония ахлоқ тузатиш лагерлари уни кўп нарсага ўргатди. Биринчи галда, осон пул топишга ўргатди. Ҳаётнинг қадр-қиймати куннинг қандай ўтишига қараб белгиланади, деган фикрни миясига қўйди. Куни ўтса бўлди, эртага худо подшо! У билан бирга бўлганларнинг қонуни шундай эди. Зокир давлат тарбиячилари, назоратчиларининг қонунларини қабул қилмади, тақдирини бир акалари, тенгдошларининг фақат бугунги кун билан яшаш ҳақидаги қонунларини қабул қилди. Озод бўлиб Дуркентга келганида, Тўхтамурод уни бағрига олди. Икки йил уникида турди. Тўхтамурод уйланган йили эса, участка қилиб чиқиб кетди. Тўхтамуроднинг тўйи куни у пешонасига шапати туширди. Юрагини ғулғула босди. Қандай яшаётганини ўйлади. У ўзидан нори-зо бўлди. Қўлида гулдек темирчилик ҳунари бўла туриб, нималар билан шуғулланаяпти ўзи? Кундузлари юриш йўқ. Кечалари ўғрилиқ молларни ташийди, йўл пойлайди. Кимларнидир олиб келиб, Тўхтамуродга рўпара қилади. Шунга пул олади. Иш яхши унган куни зиёфат қуюқ бўлади. Ичкилик дарё. Зокир кўкнорига ҳам, нашага ҳам ўрганмади. Лекин Тўхтамурод нима қилса, шуни қилди. Ичди, юрди. Кўп пул топди. Лекин йиғолмади. Пул қўлнинг кири, деб бекорга айтишмаган экан.

Тўхтамуроднинг тўйидан кейин ҳам нима билан шуғулланаётганини ўйлади. Лекин ҳеч нарса қилмади: иродаси етишмади. Мухими, бошқа иш билан шуғулланишига ҳеч ким йўл қўймасди. «Нарёқдаги «покиза» одамлар, давлат идоралари одам ўлдирган, ўғри, қароқчига ишонмасди. Буни Зокир яхши биларди. Қамоқдан чиққан куниеқ билган эди. «Бериги ёқ»даги ўзига

ўхшаганлар эса, уни бир қадам бўлса ҳам четга силжитишмас эди. Сал йўлдан тойдими, тамом, ўлдириб юборишлари ҳеч гап эмас эди. Зокир буни ҳам кўрган эди. Шунинг учун у ҳаммадан, у томондаги, ўз тили билан айтганда «покиза»лардан ҳам, ҳам-товоқларидан, устоз акахон, отахонларидан ҳам хавфсирарди. Лекин иложи борица буни сездирмасди.

Тўхтамурод Фатхилла ака олиб келган пулларни «Абдулла муаллим» учун деб тушунтиргани билан, Зокир унга ишонмади. Тўхтамурод қанча тушунтирмасин, Зокирнинг миясига ўтиришиб қолган ўзининг мулоҳазаси бор эди.

У ота билан кам учрашган. Лекин унинг ўта муғомбир, ақлли, айёр одамлигини дарров пайқаган эди. Шунинг учун беш минг ўн кунлик югуриб-елиши эвазига катта пул бўлса ҳам уни қувонтирмади. Аксинча, унинг жуда секин, минг томонга алаҳсиб ҳаракат қиладиган миясига бир фикр келди-ю, маҳкам ўтиришиб қолди. Энди уни темирчининг болғаси билан ҳам уриб, чиқариш амримаҳол эди. Унинг назарида, ота ниманидир эвазига уларни сотган эди. Бешаловини бўлмаса ҳам, Фотимани зўрлаганларни, Абдулла муаллимни ўлдирганларни, яъни Тўхта акасини, Исроиловни, уни. Нега? Бунга ҳам Зокир ўзича жавоб топиб қўйган эди. Раис ота-болани нобуд қилганларга шерик бўладиган анойи одамлардан эмас. Сағбонга қаматтириб қўйгани — ўзидан четроққа ташлагани. Иккита ўлимни тан олиш аҳмоқлик. Шунинг учун пул жўнатгани — тек ўтиринглар, дегани. У ҳам Тўхтамурод билан Зокирдан кўрқадиган бўлиб қолган. Буни Зокир юрагидан сезади. Одамбойдан, Фатхулла акадан у кўрқмайди. Улар сотмайди отани. Тўхтамурод эпчил, уста бўлса ҳам сотқинлиги бор. Майда-чуйда нарсаларда билиниб қолади. Зокир ўзини жуда яхши билади. Қўлга тушса биринчи сўроқдаёқ ҳаммани сотади. Нега? Чунки уларга ишонмайди. Улар қўлга тушишса, ҳамма айбни биринчи галда Зокирга қўйишади. Қотил ҳам шу, ўғри ҳам шу, йўлтўсар ҳам шу. Буни Зокир билади. Бир куни ширакайф Тўхтамурод гап орасида очикдан-очиқ шундай деб юборган ҳам. Бу Зокирнинг эсидан чиқмайди. Шунинг учун Зокир пулни олатуриб, хаёлга чўмиб кетган эди. Унинг назарида эркин қушдек тўрт-беш йил юрганлари тугади, бугун бўлмаса, эртага уларни босишади. Ота ҳеч нарса қилмайди. Қайтанга, уларга қилмаган ишларини ҳам ёпиштиради.

Зокир шу хаёллардан қутулиш учун аёлларни чақирганини хурсанд бўлиб эслади. Ошхонага ўтиб, қозон кабобга керак бўладиган гўшларни, зира, пиёзни ҳозирлади. Кейин қозон ёнига қўйиб қўйган ароқдан тўлатиб бир пиёла ичди-да, Тўхтамуроднинг олдига келди. Тўхтамурод чалқанча ётиб, хуррак отарди.

Зокир деразаларни титратиб хуррак отаётган Тўхтамуроддан, ўзидан жирканиб кетди. Кўз олдига охирги гуноҳлари, Абдулла муаллимнинг ғазабли башараси келиб кетди.

Зокир яна тўлдириб бир пиёла оқидан ичди. Негадир унга ичкилик бугун таъсир қилмаётган эди. Учоқбошига бориб, газни

ёқди. Қозон қизиши билан зира сепиб қўйилган қўй қовурғаларини битта-битта тера бошлади. У овқат ейишдан ҳам кўра овқат қилишни яхши кўрарди. Бояги ош ҳам яхши бўлди. Бир косагина қолди. Беш киши бир ярим килолик ошни тит-питини чиқариб еб ташлашди.

Гўштни териб бўлиб, қозон тагида жизиллаган товуш чиқиши билан сопол лаган билан ёпди, устидан тахта тувоқни бостириб қўйди. Қирқ минутдан кейин очса бўлади. У соатига қаради. Тўртдан чоракта ўтган эди. Ҳозир қизлар келади.

Шу пайтда у яқин орада бир бало юз беришини, ота уларни бу ерга қамаб қўйиб, фалокатга йўлиқтиришини қандайдир ички бир сезги билан сезган бўлса ҳам, фалокат оёғи остида турганини ва уни ким бошлаб келишини билмасди. Зухранинг келишини эса хаёлига ҳам келтирмасди.

* * *

Зухра кинотеатрга борди. Одам кам бўлганлигидан, орқа қаторнинг энг четига бориб ўтирди.

Зухра кирганига ачинмади. Фильм воқеаси шу кунларда Америка Қўшма Штатларида юз беради. Ёшгина негр қизи онаси билан магазиндан чиқаётганида, иккита полиция ходими уларни тўхтатади. Онаси ҳайрон бўлади. Полиция ходимларидан биттаси уни ўғрилиқда айбланаётганини айтиб, полиция идорасига бориши кераклигини талаб қилади. Онаси, қизимни уйга қўяйлик, кейин майли, бораман, лекин бу қандайдир англашилмовчилик, дейди. Полиция ходимлари рози бўладилар. Қиз уйда қолади. Аммо тун билан мижжа қоқмай чиқади. Онаси келмайди. Эрталаб у онасини қидириб, полиция идораларини айлана бошлайди. Онасини олиб кетган полиция ходимларини қидира-қидира топади. Аммо улар бундан тонадилар ва қизни идорадан ҳайдаб чиқарадилар. Унинг бормаган жойи, мурожаат қилмаган одами қолмайди. Аммо ҳеч ким уни эшитмайди. Охири президент қабулига ёзилади. Бир неча кундан кейин президент ёрдамчиси уни қабул қилади. Эшитиб, ёрдам берамиз, дейди-ю чиқиб кетаётганда «иккинчи бу қизни киритманглар», деб телефонда буйруқ беради. Қиз буни эшитиб қолади. Уйга келиб, ўзини осади.

Зухра кинодан йўғлаб чиқди. Камбағал, қўли калта одамга ҳамма ерда қийин экан. Жаннат деган ўша америкаларида одамга муносабат шундай бўлгандан кейин... Зухра бундан буён нима қилиши кераклигини дилига тугиб қўйди. Йўқ, у негр қизга ўхшаб ўзини осмайди. Ҳақиқат йўлида қурбон бўлиб кетса-да, ҳеч кимга ялинмайди. Қурбон бўлса, тезроқ Фотимага етишади, адаси, онасини кўради.

Зухра сумкасини очиб, олволган нарсаларини бир кўздан кечириб қўйди. Гугурт, кичкина целофанда авиабензин, эзса отиладиган совун кўпик, бир боғлам ингичка ипак арқон — ҳаммаси жойида эди. Анна опа совға қилган пичоқ ҳам шу нарсаларнинг тагида ётарди.

Зухра дарвоза эшигини секин итарди. Эшик занжирлоғлик эди. Қия очилди-ю, занжири тортилиб қолди. Зухра чап қўлини секин суқди. Билагигача борди қўли. Ишқилиб, илгакдан чиқаролсин-да. Қулф солиб қўйилган бўлса, эплай олмайди. Унда ошиб тушишига тўғри келади. Тимирскилаб кўрди. Йўқ, қулф солинмаган экан. У эҳтиётлик билан занжирнинг учини илгакдан кўтара бошлади. Аммо бутунлай чиқаролмади. Илгакнинг боши кенг эди. Охири йўлини топгандай бўлди. Билагини бурмасдан занжирнинг сўнги ҳалқасини итарган эди, занжир илгакдан чиқиб, шириқ этиб пастга тушди. Зухра ҳеч ким эшитмадимикан деб, бирпас кутиб турди. Йўқ, сезишмади. Аммо уйда одам борлиги аниқ эди. Уч жойда чироқ ёқиб қўйилган эди.

Зухра ичкарига секин кириб, эшикни занжирлади ва дарҳол ҳужрага ўтиб олди. Шу ердан бутун ҳовлини, айвон ва уйнинг бурчагидаги ошхонагача кузатиш мумкин эди. Айвон томонда эшик очилгани ва оёқ шарпаси, кейин аёл кишининг кулгиси эшитилди.

Зокир аёлни қучоқлади. Иккови бирпас шу ҳолда туришди-да, сўнг гандираклаб ичкарига кириб кетишди.

Зухра ҳужрадан чиқиб, уйга яқинлашди. Дераза ёнига бориб, оқ суруп парданинг тепасидан ичкарига мўралади. Аёлнинг шериги Тўхтамуруднинг тиззасида ўтирарди. Тўхтамуруд сигарет тутатиб, унга нималарнидир гапирарди. Зокир билан кирган аёл ерга ёзилган дастурхон устидан коньяк шишасини олиб, иккита пиёлага қуйди. Биттасини ўзи олиб, иккинчисини Зокирга тутди.

Зухра деразадан кўзларини олди. Нима қилиш керак? Шу туришларида ёқиб юборсинмикан? Ё аёлларнинг кетишини кутсинми? Уларнинг ким, қандай бўлишларидан қатъий назар, Зухра уларга ҳам ачинди, ҳам жирканиб кетди. Уларда уят-номус йўқ экан. Бирга, бир хонада шу иш билан шуғулланишлари уларни ҳар нарсага тайёрликларини билдириб турарди. Шундай бўлса ҳам, Зухра кутишга қарор қилди-да, ошхонага ўтди. Бу ерда ҳам табиий газ йўқ эди ҳали. Иккита қизил баллон турарди. Ҳовлидаги чироғ ёруғида ошхонадаги ҳамма нарса аниқ кўринарди. «Керосин бормикан?» — ўзича хаёлидан ўтказди Зухра ва атрофни синчиклаб қараб чиқа бошлади. Йўқ, йўққа ўхшайди. Нима бор экан? Газ плитанинг ёнидаги стол устида уч-тўртта шиша кўринди. Бу пахта ёғи эди. Биттаси очиқ, озгина ишлатилган. Шу шишани олиб, Зухра дераза ёнига қайтди. Ичкарига қарамай, токчага қўйди. Ҳаммасини қуйди. Ёғ сизилиб токчадан деворга, девордан йўлкага оқиб туша бошлади.

Зухра иккинчи шишани бориб очди. Айвонга кўтарилиб, ичкари уй эшигига шиша оғзини тутди. Ёғ секин эшик зиҳларидан оқиб полга тушди. Эшик таги бирпасда қорайди.

Шу пайт, кутилмаганда, эшик очилди. Зухра шошиб, ўзини четга олди. Оёқяланг Зокир ёғдан тийғониб, гурс этиб айвонга йиқилди. Болахонадор қилиб сўкинди. Зухра бундай бўлишини,

Зокир ўзи чиқиб, оёғи остига йиқилишини кутмаган эди. Аммо фикри ўқдай ишлаб, сумкасидан яшин тезлигида ипак арқонни олдида, бир силкитиб ёзиб, иккала тирсагига тиралиб туришга интилаётган Зокирнинг тепасига келди. Аввал қўлларини боғлади. Кейин арқонни тортиб, оёғига ўтди.

— Нима қиялсан? Турғазмоқчимисан? — чайналиб, тили келишмай сўради Зокир.

— Турғизмоқчиман! — деди секин Зухра ва оёқларини бир-бирига чандий бошлади.

— Айнанай сендан! Вой! Оғритвоссан-ку оёғимни! — йиғламсираб ғингшиди Зокир.

Нима бўлаётганини у ҳамон тушунмас эди.

— Ҳой! Қаёқда қолиб кеттийд?!

Ичкаридан боя ҳовлига тушган аёл чиқди. Унинг ҳам афтибашарасига қарашга одам уяларди. Аёл ерда чалқанча ётган Зокирни кўриб тўхтаб қолди. Зухрани кейин кўрди. Кўрди-ю, ҳеч нарса демай, орқасига тисарила бошлади.

— Тўхтанг! — буурди дўқ билан Зухра. — Ҳозир бу уйни милиция босади. Дарров кетинглар. Чақиринг ўртоғингизни!

Зухра аёллар чиқиб кетгач, эшикни занжирлади. Айвонга чиққанида, Зокир пишиллаб ухларди.

Зухра ундан жирканиб кетди. Шундай бўлса ҳам унинг оёғи томонга ўтиб, сумкасидан пичоқни олди-да, арқоннинг ортиқчасини Тўхтамуродга атаб қирқиб олди. Кейин Зухра ўша хонага қадам қўйдию қотиб қолди. Яланғоч Тўхтамурод эшикка тикилганича, чордона куриб ўтирарди.

— Кел, келавер!..

Зухра унинг қаршидан, гап оҳангидан Зокирга ўхшаб ғирт маст эмаслигини пайқади.

— Ўртоғинг қани?

— Шўтта... Ҳовлида... — деди Зухра ва нима қилиши кераклигини ундан кўзини узмай ўйлай бошлади.

Биринчи галда пичоқни олиши кераг-ов. У секин сумкасини кўйлаги билан сидириб орқасига сурди. Очиб пичоқни олди. Лекин қинига солиб кўйган экан, қин тўп этиб, ерга гилам устига тушди. Бунини Тўхтамурод сезмади. У кўзларини унинг юзидан узмай тикилиб турарди. Афтидан у пичоқни олганини ҳам сезмади. Зухра аввал ҳайрон бўлди, кейин тушунди. У Зухрани танимади. Иккинчи аёл, деб ўйлади.

— Сен қачон келдинг? — сўради Тўхтамурод жойидан қимирламай. — Сани биламан. Кўрганман. Шу уйга келгансан. Келганмисан?

Зухра индамади. Секин унга қараб юра бошлади.

— Кел. Келақол. — Худди шуни кутгандек қўлларини ёзиб чақирди Тўхтамурод ва бирдан сакраб ўрнидан турди.

У нимадандир қўрқиб кетган эди. Аммо оёқда туролмади. Ёстиққа ўралишиб йиқилди.

— Сани, қаерда кўрганман? Айт, кимсан?

Тўхтамурод ўрнидан туришга интилиб эмаклай бошлади. Шу ҳолида у бесўнақай бир ҳайвонга ўхшаб кетарди.

— Мен Фотимаман!

Зухра шундай деб юборганини ўзи сезмай қолди.

— Сен ифлос қийнаб ўлдирган Фотима бўламан ман. Уч олгани келдим энди.

Тўхтамурод тахта бўлиб тили гапга келмай қолди.

Зухра шундан фойдаланди. Қўлларини орқасига қайириб боғлаб ташлади.

Унинг кўнгли ағдарилиб-ағдарилиб кела бошлади. Бир кўнгли, югуриб чиқиб кетгиси келди. Лекин ўзини тутди. Энди ёқиш керак бу уйни. Ёқиш керак!..

...Кўкчага қайси кўчалардан, қандай етиб келганини билмай қолди. Тўхтамурод чиқаолганмикан уйдан, ё қолиб кетдимикан? Кап-катта одам, ўлибдими оловни сезмай? Эмаклар бўлса ҳам чиққандир? Шундай ўйлаб бораётган Зухранинг кулгиси қистади. Агар уйга аввал қўшнилар киришган бўлса, иккита шармандани кўриб роса сўкишган бўлса керак? Маҳалладан кўчириб юборишлари аниқ. Лекин, қочиб улгуришган бўлса-чи?

Зухра Анна опанинг уйига етай деганда, шу хаёлга бориб қолди. Қочиб кетишса-чи, чиндан ҳам?

У орқасига қайтди. Кўкча бозорчасининг олдида телефон-автомат бор, Исмоиловга ёки Алиевга телефон қилади. Кимлар оёқ-қўли боғланиб, ёнаётган уйда ётганлигини айтади.

У телефон тираётган жойида тўхтади. Йўқ, телефон қилмайди. Уй ёнаётганини, отасининг қотиллари ўша ерда эканини у қаердан билади? Айтса, ўт қўйган у бўлиб чиқади-ку?

Зухра телефон қилмади. Қочиб кетишса ҳам энди уларни топиш қийин эмас.

Света хавотирланиб эшикни очди.

— Энди кўчага чиқмоқчи бўлиб турувдик! Қаёқда қолиб кетдинг?

— Кейин айтиб бераман. Ҳозир ўлгудек қорним оч.

Зухра ҳовлига тушиб, водопровод тагида уч-тўрт қайта атир совунда қўлини ювди. Зокир билан Тўхтамуродни қандай аҳволда кўрганини, ҳозир қандай ётганини эслаб, яна кўнгли ағдарилиб келди. Муздек сув ичиб, ошхонага борди.

Анна опа тошкентча ошга уста эди. Бу гал озгина нўхот ҳам солибди. Зухра кеч келганидан уялди. Роса уни кутишганга ўхшайди. Лекин мазза қилиб ошни еди. Бир сиқим ҳам косада қолмади. Анна опа хурсанд бўлиб кетди.

— «Тақсим»га олиб бораман, деб қўювдим ичимда сизларни. Яқинда битта ансамбл келар экан. Билет заказ қилиб қўйдим. Борасизларми?

— Бўлмаса-чи! — деди холасини қучоқлаб Света. — Кўп эшитганман шу клуб ҳақида. Бориш керак. Сен-чи?

— Мен ҳам жон деб бораман, — деди Зухра ва сумкасида шу клубнинг қоғози борлигини айтди. Дарров олиб, Анна опага узатди. Анна опа кўзойнагини тақиб, «визитка»га тикилиб қолди.

— Менимча, бу клуб аъзосининг ҳужжати. Номери ҳам ёзиб қўйилибди. Уч юз етмиш бир. Шу ҳужжат билан клубга бемалол ҳар доим кириш мумкин. Бегоналарга бўлса кириш

чегараланган. Кириш нархи ҳам қиммат. Бу кимнинг ҳужжати? Сеникими, Зуҳра?

— Йўқ, акамнинг хонасидан чиқди.

— Демак, акам клуб аъзоси бўлган.

— Билмадим, — Зуҳра ўйланиб қолди. — Йўқ, акамники бўлмаса керак бу ҳужжат. Агар акам клубга аъзо бўлганида билардим. Тўхтанг! Нега қоғозда фамилияси ёзилмаган? Одатда аъзолик билетида фамилия туради-ку? Бунда фақат номер.

Анна опа ҳам, бунга ҳайрон бўлди. Дарҳақиқат, нима учун фамилия ёзилмаган? Бунда бир сир бўлиши керак, ё бўлмаса, бу бошқа нарсанинг номери. Қанча одам аъзолигини ҳам билдириши мумкин бу рақамлар.

— Яхшиси, бориб кўриш керак, — таклиф қилди Света. — Зуҳра, ўзинг бориб кел. Биласан, қўясан. Ансамбл келганда ҳаммамиз бирга борамиз.

Бу гап Анна опага маъқул келмади.

— Мен олиб бораман. Биронтанг у клубга ёлғиз бормайсан. Қизлар рози бўлишди.

— Қани, энди айт-чи, қаёқда сандирақлаб юрувдинг? — сўради Света ётишгач.

Зуҳра бошини кўтарди.

— Ҳеч кимга айтмайсан, хўпми?

— Хўп.

— Ман Фотимани зўрлаганларни топдим. Кун бўйи шуларнинг кетида юрган эдим. Ҳозир Зокир ва Тўхта қийшиқ турган уйдан келяпман.

— Қаерда экан?

— Энди уларнинг уйи йўқ.

— Нега? — ҳайрон бўлди Света.

— Ёниб кетди, — деди хотиржамлик билан Зуҳра. — Ҳозир ҳам ёнаётган бўлса керак.

— Сен қаердан биласан? Нега ёниб кетади?

— Мен ўт қўйиб келдим.

— Сен-а?

— Ҳа.

Шу гапдан кейин Светадан ҳеч нарсани яширишга ҳожат қолмаган эди.

— Зокирнинг Йўфонтепадаги уйига ҳам мен ўт қўйганман.

— Вой! Зуҳра! Нималар деяпсан ўзинг? Қўрқмайсанми?

Света ўз каравотидан тушиб, ерда ётган Зуҳранинг ёнига келди. Ёнига ётиб, қучоқлади.

— Йўқ, кўрқмайман. Бошида қўрқувдим. Энди кўрқмайман. Бугун ҳатто уларни ўлдиришга ҳам тайёр эдим. Қўрққаним йўқ. Адам учун, Фотима учун, акам учун ҳам ўч олишга қасам ичганман.

* * *

Зуҳра Фотиманинг, адасининг қабрлари тепасида ўтирганида, бир одам уни кўриб қочганини эслади. Унинг назарида ўша

одам Одамбой эди. Одамбой ундан қўрқиши керак. Нега қочди бўлмаса? Толиб полвоннинг гапи тўғрига ўхшайди. Акасини у ўлдирган. Аммо ўз ихтиёри билан эмас. Кимдир унга буюрган. Ким? Зухра кимлигини узоқ ўйлаб ўтирмади. Акасини ўлдиришни буюрган Тешабой Султоновдан бошқа ким бўлиши мумкин? Албатта, ўша. Лекин буни Одамбойнинг ўзидан сўраш керак. Акасини у ўлдирмаганда, ундан қочмасди. Зухрадан чўчиган. Тагин уни қабристонда кўрди. Фотима, Зухра, Ҳамид акаси — учалови бир-бирига жуда ўхшаб кетишарди. Одамбой шундан чўчиган — Ҳамидулланими, Фотиманими кўргандек бўлиб кетган.

У билан ўзи гаплашиши керак. Шундай қилади. Эртагаёқ Йўғонтепага жўнайди.

Икки ўртоқ тун бўйи гаплашиб чиқишди. Севинишди, қайғуришди. Тонгга яқин, Зухра Светанинг бағрида ухлаб қолди. Унинг нозик қомати, озиб, чакка суюқларининг ўзи қолган юзига қараб, Света ҳайрон эди. Қандай қилиб ёш боладек сесканиб-сесканиб унинг қучоғида ётган қизда шунча куч, шундай ирода пайдо бўлди экан? Ҳам уни шундай қилдимми, ё азалдан шундай-миди?

Света секин унинг бошини кўтариб, ёстиққа қўйди. Устига юпқа чойшабни ёпди-да, ўз жойига ўтиб ётди.

* * *

Исмоилов водопровод ёнида, Анна опа қўйиб берган қашиш стулда ўтирарди. Зухрани кўриб ўрнидан турди-да, жилмайиб унга қўлини узатди.

— Бу ердалигимни қаёқдан билдингиз? — деди Зухра у билан кўришгач.

— Келган кунингиздан бери биламиз. Мен ҳам, демак, Қодир Алиевич ҳам. Билиш қийин эмас.

«Тўғри одамни қаердалигини билишади, жиноятчини топишолмайди» — аччиқ ўй Зухранинг юрагини бир тимдалаб ўтди.

Шу пайт Анна опа уларни чақирди.

— Зухра! Меҳмонни чақир. Чой тайёр.

У ток тагига жой қилган эди.

— Юринг, — дея Зухра ва ўзи йўл бошлади.

Исмоилов ийманиб орқасидан эргашди. Аммо ҳеч нарса демади. Чой ичаётганда ҳам нега келганини айтмай ўтираверди. Зухра унинг ўзини бундай тутишдан Анна опа олдида уялиб кетди.

— Булар адамнинг қотилларини қидиришяпти, — деб туншунтирди ноилоҳ.

— Ҳа, — тасдиқлади Исмоилов пиёлани столга қўяр экан. — Янги фактлар топилди. Қотиллар қўлимизда. Бугун кечаси қўлга туширдик.

— Иккаловиними? — шошиб сўради Зухра.

— Иккитасини, — совуққонлик билан деди Исмоилов. — Учинчиси ҳам бор. Лекин уни ҳали тутганимиз йўқ. Тутилади. Оз қолди.

— Тутинглар ишқилиб! — Анна опа тутоқиб, ғазабланиб гапирди. — Бу қанақаси? Мамлакат бедарвоза бўлиб кетдими? Ким нима қилса қилаверадимми? Одам ўлдириш, тагин, бегуноҳ одамни ўлдириш ҳеч гап бўлмаё қолди. Қоронғи тушди дегунча, юрагингни ҳовучлайсан одам.

— Эркинликни бизда нотўғри тушуниб кетишди-да, опажон. Энди бизга рухсат. Зухра, сизни ўртоқ Алиев кўрмоқчи эдилар. У киши янги ишга кирдилар.

— Тез қайтадимми? — Анна опа хавотирланди.

Зухра Исмоиловга қаради.

— Тез қайтади. Икки соат ичида ўзим олиб келиб қўяман, — деди Исмоилов.

Чамаси йигирма минут ўтганда республика прокуратурасига етиб келишди.

Алиев уни жуда илиқ, ўз қариндошидек кутиб олди.

— Безовта қилганимиз учун узр, — деди асосий мақсадга кўчиб. — Кеча адангизнинг қотиллари тутилди. Зокир, унинг шериги Тўхтамурод. Биз уларни тутишга шошилмаган эдик. Кўпдан бери кузатиб, кимлар билан алоқада бўлишаётганини билмоқчи эдик. Лекин кимдир бизни шошириб қўйди. Кеча Сағбонда раис бир пайтлар колхоз савдо мудирини учун олиб қўйган уй ёниб кетиб, уларни қамоққа олишимизга тўғри келди. Уйга ўт қўйган одамлар, ҳозирча бизга маълум эмас, иккаловини чилвир билан боғлаб ташлашибди. Улар чақирган аёллар ҳам тўтилди. Уларнинг гапи бўйича, бир ёш қиз уларни ҳайдаб юборганмиш. Шундан кейин кўп ўтмай уй ёниб кетган. Албатта уйга ким ўг қўйгани аниқланяпти, ким уларни боғлаб кетган, бу ҳам маълум бўлади яқин орада! Хафа бўлманг, шуғулланяпмиз. Отангизнинг қотиллари, ҳаммаси албатта тутилади, жазосини олади, мен шуни билдириб айтиб қўймоқчи эдим. Фақат биз ўйлагандек бўлиб чиқмади. Режамиз озгина бузилди. Улар ёлғиз эмас, уларнинг катталари ҳам бор. Анз шу катталарини жиноят устида қўлга туширмоқчи эдик. Кимдир шошиб, режамизни бузиб қўйди.

Зухра Алиевни индамай эшитди. У битта нарсани ўйларди: ким уйни ёндирганини, ким уларни боғлаб кетганини билишармикан, ё Алиев тусмоллаб гапираяптими?

— Майли, биз ундан хафа эмасмиз, — гапида давом этди Алиев. — Алами кучли бўлса керакки, шундай қилган. Лекин ўлдириб кетса ёмон бўларди. Жавобгарликка тортиларди.

— Қотилларни ўлдирган бўлса ҳам-а? — ўзини тўтолмади Зухра. — Улар ахир одаммас-ку?!

— Тўғри. Лекин қонун йўл қўймайди бунга. Қотилларни тутиб, суд қилиш керак. Назаримда уларни боғлаб кетган одамлар қонунларни озми-кўпми билишса керак. Билишмаса, ўлдириб кетишлари ҳам ҳеч гап эмасди. Иккалови ўзини билмайдиган даражада маст экан. Тўғри қилишган ўлдирмай. Мана энди суд бўлади. Тегишли жазони олишади. Ундан олдин биз сўроқ қилиб ҳаммасини суриштирамиз. Фотимани азоблаганларини акангиз билан қандай муносабатда бўлганларигача, адангизни

кимнинг топшириғи билан Тошкентга олиб келганлари ва ҳамма ҳаммасини суриштирамиз. Мен ўзим шуғулланаман. Шунинг сизга айтиш билан яна бир нарсани сиздан илтимос қилмоқчи эдим. Уларнинг уйига борган ўша қиз, шубҳасиз, довюррак қиз экан. Ниятлари ёмон эмас. Бундай қараганда, у милицияга, прокуратурага катта ёрдам қиляпти. Лекин шошилиб, хол қўяпти. Кўп нарса кўкнори савдоси билан шуғулланиб келаётган идора раҳбарларига бориб тақалаяпти. Буни биз биламиз, сиз ҳам хабардор бўлиб қўйинг, деб айтяпман буни. Келишдикми?

Зухра иккиланиб бош силкиди.

— Бамаслаҳат иш қилиш керак, дейсиз-да? Шундайми?

— Баракалла. Қани энди у ҳам шундай қилса. Аммо-лекин, ўша қизга жуда ҳавасимиз келди. Ботир қиз экан. Лекин булар билан ўйнашиб бўладими? Биз ташвишдамиз, унинг ҳаётига зомин бўлиб қолмасак эди деб.

Зухра индамай қўя қолди. Аммо ўзи улар ҳамма ишларидан хабардор эканликларини пайқаб ташвишга тушди.

— Колхоз фермасида Толиб ака деган одам бор, молбоқар. Ҳамма уни Толиб полвон дейди, — деди ниҳоят Зухра энди ўзи билган нарсаларни айтиши лозимлигини сезиб. — Ўша одам сизларни кўрмоқчи. Айтадиган зарур гапи бор экан.

— Яхши, — деди Исмоилов. — Мен бугун Дуркентга боришим керак, учрашаман.

— Мен ҳам қайтаман. Анчадан бери борганим йўқ уйга.

— Унда бирга кетамиз, майлими? — таклиф қилди Исмоилов.

У уйига таклиф қилмоқчи эди, хотини ҳали ўзига келмаганини эслаб, индамай қўя қолди. Зухрага нима бўлганини айтиб ўтирмади. Аммо Зухра унинг дилига малҳам бўлган бир хабарни — жигарранг «Жигули»ю, унинг қишлоқ номерини, Исмоил икки киши билан, биттаси йўғон, қўнғиз мўйловли, иккинчиси жиккак йигит билан шу машинада кетганини айтиб уни жуда севинтирди. Дуркентга бориши билан шуғулланади. Бу ерда ҳам йигитларга тайинлаб қўйса тузук. Балки шу номер билан ҳам шаҳар ичида юришгандир?

Зухра қўшнилариникида телефон йўқлигига ҳозир ачинди. Телефон бўлганида Светага тайёрланиб тур, кетяпмиз, деб қўярмиди?..

Исмоилов билан Зухра Анна опанинг уйига боришиб Светани ҳам олиб, Дуркентга жўнашди.

XV

Тешабой Султонов ҳаддан ташқари хуноб эди. Фатҳилла бозорқўм айтганингиз ҳаммаси бўлди, деб улгурмасидан, Тошкентдан янги хабар келди. Зокир семиз билан Тўхтамурод қийшиқ ушланди. Йигирма йилчадан бери, керак пайтларда ҳожатига яраб турган уй ёниб кетибди. Қизиғи шундаки, шу ишларни кичкина бир қиз қилибди. Афтидан, Зокирнинг Йўғонтепадаги уйига ҳам ўша ўт қўйган. Тешабой Султонов Сидди-

қовнинг гапларига ишонмай иложи йўқ эди. Телефонда узоқ гаплаша олмади. Сиддиқов кимдан гумонсираётганини эҳтиётлик билан айтди. Султонов тушунди ва унинг гумонига қўшилди. Тешабой Султонов Фатҳиллани Абдулла муаллимнинг уйдан хабар олгани жўнатди. Шундай, дабдурустан эмас, балки ёлғиз қолган қиздан ҳол-аҳвол сўраган киши сифатида юборди. Уйданикан, қаерда экан бу қиз? Уйда бўлмаса, қаердалигини суриштир, деб тайинлади.

Фатҳилла отанинг айтганини қилди. Сабзавот омборига ўтиб картошка, пиёз, сабзи олиб юк машинасига юклади. Шу ердан тўғри фермага борди. Тожибой ака уни кутиб турган эди. Кунжара, кепак, беда жойлаб берди. Шуларни олиб у Абдулла муаллимниқига бориб, эшигини тақиллатганда, ичкаридан бир корейс хотин чиқди. Қўшниси экан. Зухра унинг қизи билан Тошкентда эмиш. Фатҳилла шофёр билан юкларни туширибоқ қайтишга шошилди.

— Раис бериб юборди. Яна у-бу керак бўлса, келганида айтинг, раисга учрасин экан, — деди.

Аёл миннатдорчилик билдирди.

— Айтгандек, қачон қайтишади Тошкентдан? — сўради Фатҳилла.

— Қайдам? Ўқишга киргани кетишган. Синглимниқига туришибди.

— Ётоқхонадан кўра яхши-да. Айниқса, ҳозир, — маъқуллади Фатҳилла. — Институтларига яқинми ишқилиб.

— Кўкчада.

Фатҳилла шу тарзда осонлик билан қизларнинг адресини билиб олди.

Теша Султонов яна нима қилиш лозимлигини ўйлаб ўтирганда, Азим Турсунов кириб келди. Исмоилов Фатҳилланинг «Жигули»си кетига тушганмиш. Вилоят ГАИсидан телефон қилиб, машинани, унинг эгасини суриштиришибди. Исмоиловнинг ўзи бу ёққа келаётган эмиш.

— Машинани тоққа чиқариб юбор. Номерини ечиб қўйсин. Фатҳиллага айт, қариндошларимга бериб юборганман, десин. Унеча янги номер қилиб бер. Эскисининг ҳужжатларини йўқот.

Турсунов бўлианиб қолди. Ота айтганидек қилса, ҳамма машина унинг бошига тушади.

— Қўрқма, — деди Тешабой Султонов. — Фатҳиллага айт, тоғдагилардан биттасига ишонч қоғози қилиб берсин. Ўтган ой билан.

Турсунов шу нарса эсига келмаганидан ачинди. Раис бало экан.

— Исмоиловни нима қилай? — сўради у кетишга ҳозирланиб.

— Менга қолса, йўқот.

Турсунов ялт этиб унга қаради. Ота кейинги пайтларда «йўқот»ни кўп ишлатадиган бўлиб қолган эди. Қаридими, ё аҳвол чиндан ҳам ёмонлашяптими, ҳар ҳолда Турсуновнинг назарида у асабийлашиб, қаҳри қаттиқ бўлиб бораётган эди. Ферма-

даги воқеа унинг ҳам қулоғига етиб келди, ҳалигача нима учун Алиқулни йўқотганига тушунмаган эди. Мана энди Исмоиловни йўқот, деяптими — ҳаммаси тушунарли. Милиция офицерини йўқотиш осон эканми, бу ўзини балонинг оғзига рўпара қилиш билан баробар-ку. Наҳотки у шуни тушунмаса? Ё унинг учун энди ҳеч нарсанинг фарқи қолмадими?

— Бу... бу иш қўлимдан келмайди, — дея олди у зўрға.

— Қайси иш? — ҳайрон бўлди Султонов.

— Исмоиловни йўқотиш-да...

Султонов киноя билан кулди.

— Азимбой! Нима деётганимни яхши биламан. Шундай қилгинки, иккинчи бу ёққа қадам босмасин! Бунинг учун нима қиласан. Оёқ-қўлини синдирасан, тамом. Вассалом. Кейин уч-тўрт ой гипсга ўралиб ётаверади. Ёки яна бир ўғил бола гап — пора ваъда қил. Ун минг нақд мен ўзим бераман. Рози бўлишига кўзинг етса, икки баравар кўпайтир. Рози бўлмаса, кўрқит. Иккинчи менга қорасини кўрсатмасин. Ёш ҳали. Уссин. Болачақасини кийинтирсин. Тоғнинг этагидан, ёнғоқзор томондан ер берайлик. Яхши бир боғ қилсин. Нима дединг? Гапим маъқулми?

— Маъқул, ота.

— Ана энди бор. Фақат билиб қўй. Бир қадам ҳам ундан жилма. Бирон нарсанинг ҳидини билсанг, дарров айт. Қўлдан чиқарсанг, ўзингга ёмон.

Отанинг бу огоҳлантириши шунчаки гап эмаслигини Турсунов яхши билади. Фатҳилла аввал ким эди-ю, ким бўлиб қолгани, бунинг яққол исботи. Собиқ милиция майори эди, унинг гапига кирмагани учун милициядан кетишга мажбур бўлди, лекин бир амаллаб бозорга директор бўлиб олди. Аммо пора олаётганида қўлга тушиб, қамалди. Ана ўшандан бери тавбасига таяниб, отанинг тилсиз қулига айланган.

* * *

Султонов ҳамон жойидан жилмай ўтирар ва ўйларди. Оғир кунлар бошланган эди. Шунча ҳаракат қилди, лекин Алиевни қўлга ололмади. Республика прокурори ўзининг янгилигидан фойдаланиб, уни ишга олди-қўйди. Энди уни жойидан силжитиш осон эмас.

Тешабой Султонов соатига қаради. Ҳали пешинга анча бор экан, Тепабоққа чақиради ҳозир Усмоновни. Овқат устида у билан гаплашиб олсамикан?

У билан гаплашадиган гаплар кўпайиб қолган эди. Охирги кўкнори карвонидан унга ўз қўли билан юз минг олиб берди. Ҳарҳолда катта пул. Лекин Усмонов хурсандлик билан олгани йўқ. Кўнгли тўлмаганлиги шундайгина сезилди. Шунгами, «эхтиёт бўлинг, атрофингизда гаплар кўпайди» деди. Чиндан ҳам гап кўпайдимикан, ё ўзи тўқиётганмикан? Албатта унинг районда бўлгани яхши. Лекин норизо бўлиб юрадиган бўлса, иштаҳаси очилаверса, унда бунинг ҳам чорасини кўришга тўғри келади. Ҳали ҳеч қайси котиб районга усиз келгани ҳам йўқ, усиз

кетгани ҳам йўқ. Бу гал ҳам шундай бўлади. У шундай ўйлаб, телефон номерини терди. Трубкани котиба қиз олди.

— Ҳа, Лола, аканг ўзидами?

— Узларидалар. Лекин ҳеч кимга жавоб бермаяптилар. Ҳеч кимни қабул ҳам қилмаяптилар, — деди котиба.

— Нима бўлди?

— Нарсаларини йиғиштиряптилар.

— Йиғиштиряпти? Нега? — тушунмади Султонов.

— Ҳайронман. Менга ҳеч нарса деганлари йўқ.

— Радиодан ёзиб кетишувди. Эрталаб беришди. Бир яхши гапирдилар! Сиз эшитмадингизми?

— Гаплари ёқмаганмиш.

— Кимга?

— Нариги ёққа-да. Тағин билмадим. Буни Саида опам айтдилар. Тешабой ака нима, битта гап билан кетаверадимиз одам?!

Султонов трубкадан йиғи овозини эшитди.

— Ўзингни тий. Мен ҳозир бораман.

Қабулхонада ҳеч ким йўқ эди. Фақат Усмоновнинг котибаси ҳамон йиғидан ўзини тиялмай, кўзларига дастрўмол босиб ўтирарди.

— Мени ҳам киритмаяптилар!.. — деди у Тешабой Султонов келиши билан. — Ичкаридан беркитиб олганлар эшикни.

— Тавба!.. — ҳайрон бўлди Султонов. — Қани бир тақиллатиб кўрай-чи! Сен анави эшикни ёп.

Лола қабулхона эшигини ёпди. Султонов эшикни аввал секин, кейин қаттиқ-қаттиқ тақиллата бошлади. Ҳеч ким жавоб қилмади.

— Бу мен, Тешабой акангизман. Зарур ишим бор, очинг! Эшитаяпсизми? Мен Тешавойман!

Султонов шундай деб, эшикка қулоғини тутди.

Бироздан сўнг ичкаридан оёқ товушлари эшитилди. Кейин эшик секин очилди. Ранги қув ўчган, кўзлари киртайиб, кичкина бўлиб қолган Усмонов пайдо бўлди.

— Тинчликми? — деди Султонов орқасидан эшикни ёпиб. — Нега беркиниб олдингиз? Нимани қидираяпсиз?

Китоблару қоғозлар узун стол устига бетартиб сочиб ташланганини, сейф очиқ турганини кўриб, Султонов хавотирга тушди.

— Қидираётганим йўқ, — бўғилиб деди Усмонов ва столни айланиб ўтиб, ўзи яхши кўрадиган, қайси бир Тошкент театридан илтимос қилиб олган айланма креслога бориб ўтирди. — Мени жин урди, Тешабой ака, жин урди. Фафлатда қолдим.

— Нима бўлди?

— Тунов кунни Москва радиосидан бир мухбир келувди. Райондаги ишлардан интервью олган эди. Тилим қичиб тургандек, баъзи Политбюрони аъзоларини, секретарларни мақтаб кўювдим. Бугун азонда шу гапимни шарҳлаб, ёмонлаб эшиттирди.

— Нега ёмонлайди? Эси жойидами ўзи?

— Мухбирни-ку эси жойида. Мен аҳмоқлик қилиб қўйибман.
— Нега бундай дейсиз? Тушунмадим.
— Хабарингиз йўқми? — сўради Усмонов синчковлик билан Султоновга тикилиб.

— Йўқ. Нимадан?

— Мен мақтаган одамлар кеча ЦеКадан чиқарилди, партиядан ўчирилди.

— Кабинетни шунинг учун йиғиштиряпсизми?

— Мен энди кетдим. Ўзим кетмасам, кетқазишади.

— Ваҳима қилманг. Мен зарур бўлса Тошкентга тушиб чиқаман. Гаплашаман.

Усмоновнинг чеҳраси энди сал ёришгандек бўлди.

— Ҳозир бир иш қиламиз, — Султонов столни айланиб ўтиб, унинг елкасига семиз, япалоқ қўлини қўйди. — Бу ерда биқиниб ўтирманг-да, Тепабоққа борамиз. Бирпас мизғийсиз. Унгача яхши овқатлардан тайёрлатиб қўяман. Иккаламиз бир дам оламиз. Кечки салқинда мен Тошкентга жўнайман. Йўқ деманг. Бугун менга қулоқ соласиз.

Усмонов рози бўлиб жилмайди.

Кўп ўтмай иккови Султоновнинг машинасида Тепабоққа жўнашди. Боғда ўша куни қоровулдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Лекин Одамбой уйда бўлиши керак. У отанинг топшириғини кутиб, ҳеч қаерга жилмай ўтирарди доим. Шунинг учун Султонов боққа боришлари билан машинасини Одамбойни олиб келишга жўнатди.

— Бугун энди ҳеч қаёққа боришни, ишни ўйламайсиз, — раис Усмоновнинг тирсагидан олиб, меҳмонхонага бошлади. — Бугун бизнинг ихтиёримизда бўласиз.

У кенг хонанинг бурчагида турган музқутини очди. Музқути доим ичимлик, совуқ таомлар билан тўла турарди.

У бир шиша лимонли ароқ, бир шиша француз коньягидан олиб, журнал столи устига қўйди. Қазни, қарта, яхна гўшлардан қирқди.

— Нима ичасиз?

— Оқидан. Бошни оғритмайди, — деди Усмонов.

— Мен ҳам шуни ёқтираман.

Султонов рюмкаларнинг ўрнига иккита қизил гулли пиёла олиб келиб, ароқдан тўлдириб қўйди.

— Қани, олсинлар, Банияти шифо.

Номига уриштириб, Усмоновнинг ичиб бўлишини кутмасдан ўзи охиригача ичиб юборди. Усмонов ҳам иштаҳа билан ичди.

Султонов кресло суянчиғига бутун оғирлигини ташлаб суянар экан, янгидан тўлатган пиёласини қўлига олди:

— Биз бир игга боғланган одамлармиз. Сизни кетқазишса, ўз-ўзидан мен ҳам кетаман. Шунинг учун хотиржам бўлинг. Мен бор эканман, сизга гард юқмайди.

Кўнгли бўшашиб турган Усмонов унга меҳр билан тикилди.

— Раҳмат, Тешабой ака. Яхшиям буёққа олиб чиқдингиз. Бўлмаса кетаётувдим!..

— Сир бўлмаса қаёққа? — қизикди Султонов.

— Хўжандга. Укаларимнинг олдига. Биз асли ўша ёқданмиз. Коллективлаштириш йиллари бу ёққа бобомиз келиб қолганлар. Мен қолиб кетдим. Укаларим ўқишларини битириб кетишган. Ишлари, топиш-тутишлари яхши.

Султонов биринчи котибнинг жиддий гапираётганидан ва уни ниятларидан қайтариб қолганидан хурсанд бўлиб кетди. Қаёққа кетмасин, органдагиларнинг қўли узунлигини, уни ернинг тагидан бўлса ҳам тортиб олишларини биларди. Усмонов қўлга тушгандан кейин унинг ҳам кўп қилмишлари очилиб кетиши, бунга биринчи галда ўзи сабабчи бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас эди. Ноҳия партия комитетининг креслосидагина Усмонов букилмас иродали, бир сўзли одам эди, аммо ўзидан баландроқ одамнинг эса оёғигача йиқилишга тайёр эди. Султонов унинг шу одатини, амалпараст, молпарастлигини билганидан, кабинетини йиғиштираётганини кўриб хавотирга тушди. Энди кўнгли жойида, хотиржам бўлса бўлади. Ҳали-замон Одамбой келади. Қўли гул унинг. Яхшилатиб битта ош дамлайди, ундан олдин қўйнинг қовурғасидан серпиёз қовурдоқ қилади. Лекин ошгача бу чидармикан? Ҳозирданоқ кўзлари ола-кула бўлиб кетяпти. Боя хонасида дилидан ўтган фикр, Султоновни энди астойдил қийнай бошлади. Боя бу фикрни у ҳайдаган эди, ҳаттоки шундай фикр келганидан хафа бўлиб кетган эди. Усмонов кўп ишларда унинг ҳамфикри, шериги бўлиб келди. Нима деса шуни қилди. Лекин у ўйлаганидан кўп сўрай бошлади. Иштаҳаси очилиб кетиб, уят-андишани унутиб қўйди. Султонов унинг бунчалик беш панжасини оғзига тиқишини кутмаган эди. Бир уялтирди, бўлмади. Икки уялтирди, парво қилмади. Қўрқитган эди, кулди. Султоновнинг рози бўлишдан бошқа чораси қолмади. Бугунги унинг қўрқуви, саросимага тушиб, «кетаман»лаб қолишини у кутмаган эди. Илдизи бақувват деб ўйлаган эди. Ундан қутулиш керак, шекилли. Аммо қаерда? Шу ердами? Бу ерга бирга келганини котиба билди-ку?

Йўқ, унга қаёққа кетишаётганини айтмади. Ким сўрамасин, билмайман де, деб тайинлаган. Ўзим телефон қиламан, деди. Шу ерда бўлса, шу ерда-да. Ким ундан гумон қиларди? Шу ерда бўлса, Усмонов учинчиси бўлади. Биттаси Шўҳида эди. Иккинчиси Ҳамидулла. Шу пайтгача ким билди, улар нима бўлганини? Ҳеч ким. Албатта ундан, Одамбойдан бошқа. Одамбой... Нега ундан дарак йўқ? Эси паст қаерда юрган экан? Унга ишонса бўлади. Бу ишларда у унинг ўзи. На қўли титрайди, на ранги бўзаради.

Баъзан ўзи ҳам Одамбойдан қўрқади. Унинг назарида Одамбой ҳеч нарсадан тап тортмайдиган одам. Ҳазил қилиб, мени ҳам сиртмоққа сол деса, ҳеч иккиланмасдан бўйнига сиртмоқ тортиб юбориши мумкин. Шу хаёлига келганидан бери ундан аллақандай ҳайиқадиغان бўлиб қолди. Кимдир унинг эсини оғдириб, ўзига қаратиб олса, ўшанинг гапи унга гап бўлиб кетиши мумкин. Ҳозиргача Дуркентда бундай одам йўқ. Аммо Дуркентда Одамбойни ундан айнитадиган одам бормикан. Йўқ, чиқмайди. Лекин кўкнори бўйича Тошкентдан Алиевнинг одам-

лари тез-тез келадиган бўлиб қолганидан бери ўзи сезмаган ҳолда Одамбойнинг қадамини ҳисоблайдиган бўлиб қолди. Имкони борича ўздан жилдирмайди. Қари, касалманд онасидан аввалгидан тузукроқ хабар олдиряпти, ҳеч нарсага зориқтираётгани йўқ. Буни кўрган одамларни олдида Одамбойнинг баҳоси яна кўтарилди, ундан хавотир оладиганлар, қўрқадиганлар кўпайди. Шунинг учун ҳам Толиб полвон унинг таклифини қабул қилмади, кўрқди-да. Боғда бирга у билан ишлаб бир кунмас-бир кун раиснинг эъсасини қотириб қўйса, Алиқулнинг тақдири бошига тушиб қолишини ўйлади. Султонов ўшанда ундан хафа бўлмади. Одамбойнинг ёнида, тагин унга ёрдамчи бўлиб ишлаш дўзахга тушган билан баробар эканлигини, у яхши биларди. Қулдан чиққан қозидан худонинг ўзи асрасин, дейди халқ. Бекорга шундай демаган. Лекин лаънати қанчалик содиқ бўлмасин, бир кун ундан кутулиш керак. Қулнинг хўжасига содиқлиги янги хўжа чиққунича! Алиев у кутмаган даражада ақлли чиқиб қолди. Бир кунмас-бир кун Одамбойни қўлга олади. Агар аллақачон қўлга олмаган бўлса?! Лекин бунга ишониб қийин. Одамбойнинг кўзларида ўзгариш йўқ. Фақат бир нарса уни ташвишга солиб, кимни айблашини — ўзиними ё Одамбойними билмай турибди. Икки ҳафтача бўлиб қолди, балки ундан ҳам ошгандир, Одамбой ғордан топиб чиққан антиқа қилич йўқолди. Кейф устида Усмоновгами, ё унга ўхшаган қадрдонларига бериб юбордимиз? Балки Одамбой ўмариб кетгандир, айтиш қийин. Йўқолса ундан нари эди. Султоновнинг бундай нарсаларга ишқибозлиги йўқ, лекин кутилмаганда Тошкентдан археологлар келиб қолишди. Тепанинг нариги томонида тимирскиланиб юришибди. Бир академик хотин уларга бош экан. Султонов эс-эс билади, уруш арафасида шу томонларда археологлар изғиб келишган эди. Аммо ўшанда нима топишгани Султоновнинг эсида йўқ. Энди астойдил ҳаракат қилишяпти. Рус қўшинларининг бостириб келишига қарши турганларга оид материаллар бор эмиш шу тепаликда.

Султоновнинг ўзбеклиги қўзиб бир тили кичиди, алламбало қилич топганини, шу ердаги ғордан, яна у ерда дубулғами, қалқонми, шунга ўхшаш нарсалар бор эмиш, деб айтмоқчи бўлди. Аммо ўзини тўхтатиб қолди. Айтса, шарманда бўлиши, анави сирлар очилиб кетиши шубҳасиз эди. У Салоҳиддинова кетиши билан Одамбойни топтириб, ғор, ундаги нарсалар ҳақида зинҳор оғиз очмасликни тайинлади. Ўша куни боққа келиб, қилични яна бир кўрмоқчи бўлиб, ётоқхонага кирдию тополмади. Қилич йўқ эди. Қарамаган жойи қолмади. Одамбойдан сўради. Одамбой эса ўшандан бери кўрмаганини айтди. Унга ишонса бўлади. Лекин қилични ким олдийкан? Кимга бериб юборди? Қанча ўйламасин, тагига етолмади. Усмонов шундай нарсаларга ўч эди. У олдимикан? Кўрсатгани эсида. Лекин олиб кетган-кетмаганини билмайди. Усмонов қилични кўриб ҳангуманг бўлиб қолган эди. Ўзи Султоновга билдирмай олиб кетган бўлса-чи? Бўлиши мумкин. Султонов бир неча марта оғиз жуфтлади сўрагани. Лекин ботинолмади. Хафа қилиб кўйишдан

чўчиди. Аммо археологлар ишлаётганини айтди. Ҳозир шундай қизиқишлар ортиқча, бир баҳона қилиб тўхтатиш керакмиди? Одамларнинг гапича, Йўфонтепаннинг нариги томонида, ишчилар шаҳарчаси, кон томонда тўрт-беш киши ер қавлаётган эмиш. Султонов шуни эшитиб, Усмоновдан уларни бу ердан жилдириб туришни сўрамоқчи эди. Кетаманга тушиб қолгани учун лозим топмади. Ҳозир, анув тайинланган нарса нима бўлди деб сўраши мумкин. Султонов яна пиёлаларни тўлатди.

— Аммо-лекин, мени боя қўрқитиб юбордингиз, — деди пиёлани узатар экан у. — Сизсиз бу ёқдаги ишлар нима бўлади? Мен нима қиламан? Доричилик қўшма корхонаси сизнинг таклифингиз билан очилган. Мана, ёмон бўлмаёпти. Охиригидан улушингиз тегди. Ярми ўзимизнинг қоғоз пул, ярми бели синмаган доллардан.

— Ўзи қанча бўлди? — қизиқди пиёлани стол зихига қўйиб Усмонов.

— Бизники юз минг. Мингдан икки минг доллар.

— Доллари кам-ку.

Ҳозиргина қочишни ўйлаб турган одам, бирпасда ўзига келиб пул талашаётганидан раиснинг жаҳли чиқди.

— Мен нима олсам, сизга ҳам шунча бериб келяпман. Бир тийин кам эмас.

— Бўлмаса, ўзингиз ҳам кам олибсиз. Бизнинг кўкнори энг арзон баҳода сотилаётганини биласиз-ку? Сал савдолашиш ҳам керак-да. Клубдошларга айтинг. Ичкарини қўяверсин, четни ўйласин. Бизга чет керак.

Усмонов пиёлани бўшатиб, қазидан бир тилимини ҳидлади-да, ўйга ботди. У Султоновга ишонарди. Кечқурун у албатта боради Тошкентга, уни бўшаттирмайди. Лекин барибир кўнгли нотинч эди. Москвадагилар гапи ҳамон гап. Уни бир кечада олиб ташлашлари мумкин. Бундай воқеалар бўлган. Москва телевиденияси ўзбек «порахўрлари» ҳақидаги кўрсатувларини тўхтатганича йўқ. Аммо республиканинг янги раҳбарлари халқнинг нонини туя қилаётганларга қарши Москвадан ҳам қаттиқ курашяпти. Агар Усмонов, Султоновларнинг ишлари очилиб кетса, уларни аяб ўтиришмайди. Султоновнинг гапига кириб, боққа келгани яхши бўлди. Султонов ҳаракатини қилаверсин. Лекин Усмонов ниятидан қайтмайди. Йиққан молининг кўпи — тилла, дур, валютани укалариникига жўнатди. Ўзидан кейин уч-тўрт авлодга етади. Бутун дунёни чўнтакка ё қорнига солиб бўлмайди-ку. Шунинг учун ўзи битта яхши ариза ёзиб касалликми, қарилликми, майли, баҳона топади-да, ишдан бўшаб қўяқолади. Ҳозирги шароитда шу маъқул. Кейин бир гап бўлар.

Ҳа, унинг ғойиб бўлгани маъқул. Аризани ёзадию хайр-хўшсиз жўнайди. Бола-чақани кейинчалик укалари олиб кетишди. Энг тўғри йўл — шу.

Султонов унинг хаёлини бўлиб, археологлар ҳақида гап очди.

— Агар боққа туташган ғорни топиб қолишса, ҳаммамизга ёмон бўлади. Мени тушунинг.

— Айтдим. Вице-президентга телефон қилдим. Биласизми, академиянинг вице-президентини?

Султонов елка қисди.

— Яхши одам. Аммо ўлгудек қўрқоқ. Бу томонда радиация бор. Газетачилар тагин тўполон бошлашмасин. Бизга-ку барибир. Сизга, академияга қийин бўлди. Бошингиз ғалвадан чиқмайди, дедим.

— Яхши қилибсиз, — Султоновнинг кўнгли жойига тушди. — Аммо ҳеч ақлим етмаяпти. Бу экспедиция ўзи нега бирдан пайдо бўлиб қолди?

— Билмасам. Режадаги иш деб эшитдим. Кўпдан бери келишмоқчи экан. Бу ерда қазилма ишлари урушдан илгари бошланган экан.

— Лекин ҳозир бунинг ҳеч кераги йўқ. Бир йил, ярим йилдан кейин уларни ўзимиз чақирамиз. Бизнинг ерми, унинг тагидаги нарсалар ҳам бизники-да.

Усмонов кулди.

— Овқат нима бўлди? Овқат?

Султонов Одамбойнинг аллақачон келиб, эшик тагида буйруқ кутиб ўтирганини шунча сезгирлиги билан билмай қолибди.

— Нега индамайсан? Қачон келдинг?

— Ярим соатча бўлди, ота? Кўриндим. Деразадан. Қарадингиз. Кўрдингиз деб ўйлабман.

— Ҳамма нарсанг бутми?

Одамбой бош силкиди. Султонов шоширди.

— Қовурдоқни тез қил. Бир оёғинг шу ерда, бир оёғинг ошхонада бўлсин. Дарров ошни ҳам бошлаб юбор.

— Бўлди, ота.

Одамбой гап тамомми, дегандек унга бир қарадио ошхона томонга югуриб кетди.

Султонов бирпас ортидан қараб турди. Яхши хизмат қилди. Лекин чўзилиб кетди хизмати, — хаёлидан ўтказди у.

Ичкарига кирганида, Усмонов креслонинг орқа суюнчиғига бошини ташлаб ухларди. Унинг хурраги шу қадар кучли эдики, дераза ойналари худди паст учган самолёт тўлкинида титрагандек, дирилларди. Бир маҳал жим бўлиб қолди. Ҳеч қандай товуш чиқармади, юзи ўлик одамнинг башарасидек қотиб қолди. Ерга тегай деб креслонинг икки томонидан осилиб турган қўллари қимир этмади. Уйғотиш, уйғотмаслигини билмай, унга тикилиб қолган Султонов хавотирга тушиб, димоғига қўлини тутди. Қўлига биринчи котибнинг иссиқ нафаси тегди. «Тавба, бу қандай бўлди. Ё менинг кирганимни сезиб, хуррагини тўхтатдимми?» ҳайрон бўлди Султонов ва оҳиста чақирди.

Усмонов жавоб бермади. У жони узилган одамдек даҳанини осилтириб ётарди.

Султонов унинг бу ҳолатидан ғалати бўлиб кетди. Агар у чиндан ҳам ҳозир ҳаётдан кўз юмганда, анча тинчирмиди. Кўп ташвишлардан ўзидан-ўзи қутулиб қолармиди. Унга берадигани ҳам ўзига насиб қиларди. У шу ўй билан ётоқхонага борганини, у ердан катта пар ёстиқ олиб чиққанини ўзи билмай қол-

ди. Афтидан, у аввал ёстиқни кресло орқа суянчиғида осилиб ётган Усмоновнинг боши тагига қўймоқчи бўлди, лекин унга яқин келганида, унинг ҳамон қимир этмай ётганини кўриб, хаёлини бирдан исканжага олган фикрига ихтиёр бериб юборди. Усмоновнинг очиқ юзи, шипга қараган сертук бурун катаклари устига ёстиқни охишта қўйди-да, семиз панжаларини ёйиб босди. Усмонов бошини кўтармоқчи бўлиб бир-икки силтанди, кучи етмади. Энтикиб ғалати овоз чиқарди, оёқлари ўзидан-ўзи кўтарилиб, креслога энгашиб турган Султоновнинг орқасига тегай деди, бир-икки бетартиб уёқ-буёққа ташланди, қўллари ёстиққа ёпишди, аммо бир дақиқагина ёпишди, кейин шалвираб икки томонга яна осилиб тушди, оёқлари ҳам чўзилиб, ерга тиралиб қолди. Султонов ёстиқ устидан унинг боши ҳам бўшашганини, бор оғирлигини суянчиққа ташлаганини сезди.

Тақсимчада майда тўғралган оқ пиёз кўтариб келган Одамбой эшик олдида ичкарига киришини ҳам, қайтиб кетишини ҳам билмай, хўжайинининг ҳаракатларини кузатиб турарди. У Усмоновнинг кутилмаганда бошига тушган ўлим билан уйқутираб курашаётганидан ҳам кўра «ота»сининг авзойидан кўрқиб кетган эди. У Султоновни биринчи марта шундай даҳшатли иш устида кўриб, унинг совуққонлик билан, юзидаги биронта туки қимирламай, ёстиқни эзаётганидан вужудини титроқ босиб кетган эди. Бундай ишни одам ўзи қилгани бошқа-ю, биров қилаётганини кўриш бошқа экан. Одамбой қўллари, оёқлари бўғизланаётган қўйдек типирчилаган Усмоновга раҳми келди. Ораларидан нима ўтди экан? Иккалови қадрдон эди-ку? Нега уни чақириб ўтирмай ўзи гумдон қилиб қўя қолди?

Султонов ёстиқни кўтарган жойида уни кўриб қолди.

— Киравермайсанми? — деди у қандайдир зарда билан. — Ёстиқ қўймоқчи эдим. Бошини кўтармаяпти. Қара-чи!

Одамбой Султонов нима деяётганини фаҳмламади, одатдагидек айтганини қилишга шошилди. Тақсимчани столга қўйиб, креслони айланиб ўтди ва пастдан икки қўли билан Усмоновнинг бошини кўтарди. Кейин беихтиёр қўйиб юборди.

— Нима бўлди экан? — ҳеч нарсага тушунмагандек сўради Султонов.

— Ўлибди.

Одамбойнинг ўзгариб кетганини ва ғалати, ер остидан ўқрайиб унга қараб қўяётганини кўрган Султонов бўлган воқеадан хабардорлигини сезди.

— Ҳа?! Сен нега қалтираяпсан? — дўқ аралаш кулди у. — Улим ҳар бир кишининг бошида бор. Ҳамма меҳмон бу дунёга. Албатта, бу ерда ўлгани яхши бўлмади. Телефонни ол!

У Одамбойнинг жойидан қўзғолмаётганини кўриб, ўзи хонанинг бурчагидаги кичкина думалоқ стол устида турган оқ телефон олди борди.

— Райздравни ула! — деди у коммутаторнинг овозини эшитиб. — Райздравми? Салом. Мен Султоновман. Яхши. Яхши. Козимбек! Тез Тепабоққа етиб келинг. Тез келинг.

У трубкани қўйди.

— Мунча менга тикилиб қолдинг? — У хўмрайиб унга қараб турган Одамбойнинг олдига келди. — Одам ўлганини кўрмаганмисан? Нечтани ўзинг йўқ қилгансан? Қани, айт-чи! Қарама бундай менга!

У Одамбойнинг ёқаларидан ушлаб бир-икки силтади.

— Мен йўқ эдим. Ёстиқ олиб келсам, нафас олмаяпти. Сени чақирдим. Кўр-чи, дедим. Тўғрими! Айт! Сендан сўраяпман.

— Тўғри, — деди бўғилиб Одамбой.

— Баракалла! Бор, уйингга жўна. Дам ол. Ёш болага ўхшайсан-а! Тушундингми? Уйга кет. Валига айт, ташлаб келсин.

Одамбой ёқаларини тўғрилаб чиқиб кетди.

— Қозоннинг тагини ўчир! — қичқирди Султонов орқасидан.

Одамбой эшитди, аммо парво қилмади, у дарвоза томон юрди. Нима бўлди ўзи? Нега у ўзгариб кетди, кўрқди? Бундай одати йўқ эди-ку? Сўнги пайтда иккинчи марта шундай кўрқувга тушиши. Илгарилари бундай бўлмасди. Нимадан экан бу? Биринчи марта Фотимани қабристонда кўриб кўрқиб кетди. Қочди. Нега ўзи қабристонга борди? Фотима унга муштини кўрсатди-да тушида. Аввал имлаб чақирди. Кейин муштини кўрсатди. Кейин қанча ўзини орқага ташламасин, қабристон уни тортаверди. Борди. Қай кўз билан кўрсинки, Фотима ўз қабри олдида чўккалаб ўтирибди. Аввал анави Зухра, кичкинаси бўлса керак деб ўйлади. Яхшилаб қаради. Зухрани ҳам у яхши биларди. Йўқ. Чўккалаб ўтирган Зухра эмас, Фотима эди. Одамбой уни қарашидан таниди. Фотиманинг ўзи. Танидию юраги ўйнаб кетди. Беихтиёр орқага тисарилди.

Дарвозага яқинлашганда Фотима ўрнидан туриб у томон юра бошлагандек бўлди. Одамбой шошиб ўгирилди-да, чопиб кетди. Орқасидан баланд пошналик туфлининг тақ-тақ, туқ-туқ қилган товушлари эшитиларди. У қаттиқроқ чопди. Лекин Фотиманинг оёқ товушлари пасаймасди. Уйга етиб эшикни ичидан занжирлагунча эшитилиб турди шу овоз.

Ушанда бир кўрқди. Кечаси билан ухлолмай чироқларни ёқиб қўйиб, ҳовлини айланиб чиқди. Онаси ётган жойида уни чақириб сўради, аммо Одамбой айтмади, уялди айтгани.

Бугун у суюкли «ота»сининг қилган ишини кўриб, иккинчи марта кўрқувга тушди. Ота Усмоновни эмас, ёстиқ билан унинг нафасини бўғаетгандек бўлиб кетди.

— Ҳа, Одамбой?! Эрта кетяпсан? — қичқирди бир оёғи ёғоч қоровул чол.

— Хизмат битди, ака.

Шу гап оғзидан чиқиб кетганини ўзи сезмай қолди. Чиндан ҳам унинг бу ерда отасига охириги марта хизмат қилиши эди. Дилининг бир четида у шуни сезди. Тўғрироғи, шу гап оғзидан чиқиб кетганидан кейин сезди. Отасининг нима қилаётганини кўрмаганда, ҳатто, шу ишни унга топширганда, бундай ўйламасди. Ҳали кўп керак бўлишини, ўзини отага ниҳоятда зарурлигини ҳис қилиб юраверарди. Аммо отаси бугун уни хизматдан четлатди. Унга зарурати қолмаганини кўрсатди. Демак, унинг ҳам аҳволи танг. Шошяпти. Шундаймикан? Ёки фақат унинг кераги

бўлмай қолдимикан? Нима бўлса ҳам, Одамбой ёлғиз қолаётганидан кўрқиб кетди.

— Эрта келдинг, болам? — ҳайрон бўлиб, айна пайтда севиhib сўради онаси.

У айвонда очиқ дераза тагида ётарди.

— Хизмат битди, — қайтарди боғда қоровулга айтган гапини такрорлаб. — Қорнингиз очдими?

— Чой ичдим термосдан, — онаси ўғлини дуо қилиб қоқ қўлларини юзига олиб борди. — Озгина мастава бўлса ичардим, болам...

Одамбойга жон кирди. Бир нарсага алаҳсишни ўйлаб турган эди, онасининг илтимосини эшитиб, сакраб ўрнидан турди.

— Ҳозир-да, ойи! Бирпасда гатоп қиламан! Манам ичаман сиз билан.

— Умрингдан барака топ, болам!..

Онаси яна нималардир деди, аммо Одамбой эшитмади. Учоқбошига бориб, дарҳол маставага уннаб кетди. Йўқ, отага у ҳали керак. Ота уни шундай ҳайдаб юборолмайди! Гап фақат унинг қўлларида эмас. У ҳеч қачон отанинг гапини иккита қилган эмас. Нима деса, хўп, деб келди. Шундай одамдан индамай воз кечиb кетиb бўладими?!

Одамбой хаёллари тинчлик бермаса-да, яхшигина мастава қилди. Қатиқлаб, қуритилган райҳон кукунидан бир чимдим, бир чимдим мурч сепиб, бир коса онасига, бир коса ўзига сузиb келди.

Эти устихонига ёпишиб бораётган кампир терлаб-пишиб зўрға ярим коса ичди. Шу ҳам унинг учун катта қувонч эди.

Одамбой уни баланд ёстиққа ётқизиb, бирпас елпиb ўтирди. Кампир дуо қилди ва кўп ўтмай ухлаб қолди.

Одамбой идиш-товоқларни йиғиштириб, ҳовлида олманинг тагидаги ёғоч сўрига чиқди. Қуроқ кўрпачанинг учини қайириб, устига эски духоба ёстиқни ташлади-да, ёнбошлади. Шу алфозда қанча ётди, билмайди, нимадандир чўчиb уйғониb кетди. Шундай тепасида қора шойи рўмол ўраган, худди шундай қора шойи кўйлак кийган Фотима турарди.

— Фотма?!

Одамбой бошини кўтарганича қотиb қолди. Унинг қўллари, оёқлари сўрига чандиб ташланган эди.

— Акам қаерда? — деди у.

Одамбой тирсакларига тиралиб ўрнидан туришга ҳаракат қилди-ю, туролмади.

— Ҳамид... Ҳамидулла... — ғўлдиради у кўрқув аралаш, бошқа гап тилига келмади.

— Акам қаерда деяпман, ким ўлдирганини айтинг! Агар айтмасангиз, шу жойингиздан қайтиb турмайсиз.

Зухранинг қўлида пичоқ ялтираб кетди. Уткир тигдор пичоқни кўриб Одамбой бу оддийгина пўпси эмаслигини тушунди. Туш ҳам эмас эди. Рўпарасида жиддий ният билан келган Зухра турарди. У таниди. Пичоқни кўрмаганида, Фотима деб ўйлаши мумкин эди. Фотима қўлига пичоқ оладиган қиз эмас эди. Бу

Зухра. Демак, қабристонда ҳам уни кўрган. Ҳозир ҳам Зухра тепасида турибди. Қачон уни чандиб бѳглашга улгирди экан? Шундай қаттиқ ухлаб қолибдимми? Ҳа, бу Зухра. Ундан ҳар балони кутиш мумкин. Уғил боланинг ўзи у.

— Нега индамайси? — сўради Зухра ва пичоқнинг учини унинг этига яқинроқ келтирди.

— Аканг,.. Ҳамид ғорда, — ниҳоят тилга кирди Одамбой.

— Қайси ғорда? Қанақа ғор?

— Тепабоғнинг этагида шаршара бор. Шунинг ёнида ғор. Ҳеч ким уни билмайди. Отанинг рухсатисиз ҳеч ким у томонга ўтолмайди.

— Ота ким? Раисми?

— Ўша, — бўғилиб жавоб қилди Одамбой.

Зухра Одамбойнинг бундай тез гапга киришини кутмаган эди. Нима бўлди? Наҳотки ҳали ҳам Фотима деб ўйлаётган бўлса? Қабристонда уни кўриб қочган одам шулиги энди аниқ. Фотима, деб ўйлаган. Афтидан ҳозир ҳам шундай ўйлаб турибди.

— Мен Зухраман, Фотима эмасман.

— Билдим.

— Сиз қотилсиз. Акамнинг қотилисиз.

— Қотил — ота. Мен унинг айтганини қилдим.

— Нега? Акамнинг нима гуноҳи бор эди?

— Билмайман. — Одамбой рўпарасида турган қизга ҳеч нарсани яширмай айтиб бераётганидан ўзи ҳайрон эди. Бир «тўхта, нима деб валдираяпсан?» деган фикр хаёлидан ўтди. Аммо ўзини тўхтатолмади. Шундоқ Тепабоғдаги кўргани, суюкли отасининг Усмоновни ўлдириши ва ундан яшириши унинг фикрларию муносабатини ўзгартириб юборган эди. Кўз олдида отанинг ёстиқ босиб туриши, Усмоновнинг жон талвасасида оёқларини типирчилагани ўтарди. Ота истаган одамидан шундай қутулиши мумкин. Ундан ҳам. Боя боғда шу фикр хаёлига келди. Отага кераклигини билганида шундай ўйламас эди. Ота уни уйига жўнатди. Қилаётган овқати чала қолиб кетди. Демак, у раисга керак эмас энди. Бугун бўлмаса эртага, ё индинга ундан ҳам қутулиши мумкин. Одамбойнинг кўп нарсага ақли етмаса ҳам, боши устида қандайдир хавф туғилганини расмана одамларга қараганда эртароқ, аниқроқ ҳис қилади.

— Билмайман, — қайтарди Одамбой. — Гумоним бор. Отадан айниб қолди назаримда. Ота буни пайқади. Норизо бўлганларни ота ёмон кўради.

— Ғорда... кўмилганми?

— Ҳаммаёқ тош, кўмиб бўлмайди.

— Ҳайвонлар!

Зухранинг ғазабдан тишлари ғижирлаб кетди. Қўлидаги пичоқни олдида ҳайвондек ётган одамнинг, акаси қотилининг кўкрагига уриб, чавақлаб ташлагиси келиб кетди. Аммо нимадир, жирканишми, ҳазарми, қўлини тутиб қолди. «Тонгни кутиш керак», — хаёлидан ўтказди у. Тонг отиши билан, Светаларниқига боради. Унинг отаси билан Исмоиловни топади-

да, ўша ғорга боришади. Акасидан нима қолган экан? Кимларга, нималарга ем бўлди экан бечора?

Зухра кўча эшик томон юрганда, Одамбой уни чақирди.

— Зухра! Мени шарманда қилма. Тўхта.

Зухра орқасига қайтди.

— Мени бўшат. Биламан, гуноҳкорман. Қўрқма. Қочиб кетмайман. Сенга ҳам тегмайман. Мен кўр эдим. Бугун кўзим очилди. Истасанг, майли, шундай ташлаб кетавер. Истасанг, ишонсанг, бўшат. Акангни олдига ўзим олиб бораман. Истамасанг, илтимос қиламан, ўша пўлат пичоғингни бўғзимга санч-да кет. Улганим яхши бундай шарманда бўлганимдан кўра!..

— Зухра! Қизим!..

Зухра аёл кишининг ҳазин, ингичка овозини эшитиб, чўчиб кетди. Товуш айвондан келган эди. Наҳотки, Одамбойнинг онаси бўлса?

— Уни бўшат, болам!..

Ҳа, бу Одамбойнинг онаси эди. Зухра уни кўрди. Кампир ўрнидан туриб, айвон зинапоясигача келган, шу ерда устунга суяниб турарди.

— Одамбойда гуноҳ кўп. Нима ёмонлик қилган бўлса, раснинг гапи билан қилган. Тешабой ҳаром одам, дўзахи. Одамбойнинг отасини ҳам, ўзини ҳам хароб қилган, тўғри йўлдан қайирган шу Тешабой!.. Ташвишларингни биламан. Ёлғиз қолгансан. Айб Тешабойда. У бор экан, ҳали кўп одам қақшайди, ёстиғи қурийди. Одамбой! Зухрани алдама. Акасини унга ўзинг кўрсат.

Зухра нима қилишини билмай қолди. Кампирга раҳми келди. Бошқа ҳеч нарса демади-да, битта-битта босиб сўрига яқин келди.

— Ойингизни аядим.

— Айтганингни қиламан, Зухра.

Зухра уни бўшатди. Одамбой томири тортишиб қолган қўларини ишқалаб ўрнидан турди.

— Ой!

Одамбой айвонга кўтарилди. Зухра ортидан борди.

— Чироқни ёқ, — деди кампир.

Одамбой унинг айтганини қилди. Уй ёришди. Кампир Зухрага қараб майин жилмайди.

— Барака топ, қизим. Худо ўзи сени асрасин. Умринг узоқ бўлсин, дард кўрмагин.

Зухра дуога қўл очди. Нима бўлса, бўлди. Албатта Одамбойни боғлиқ ётгани, милиция олиб кетгани яхши эди. Лекин бир оёғи гўрда бўлган одамнинг гапини қандай қайтара олади?

— Кетдикми? — унинг хаёлини бўлди Одамбой.

— Боринглар, — кампир яна ингичка мадорсиз қўлларини фотиҳага чўзди. — Сени борма демайман, Зухра. Барчиндек довиюрак экансан. Бўлмаса келмасдинг. Одамбойдан одамлар кундузи ҳам қўрқишади. Кечаси келиб, ёш боладек белаб ташлабсан.

Одамбой уялиб, бошини эгди:

— Ухлаб қолибман.

— Яхшиям ухлаб қолибсан. Худо ўзи асрабди Зухрани, — кампир ўзича ўғлини уришган бўлди.

Одамбой ўрнинан турди.

Улар кўчага чиқишганда, тун яримлаган эди. Кўчада ҳеч зог йўқ. Зухра тинч бўлса ҳам, барибир Одамбойдан хавотир олиб борарди. Ундан ҳар нарсани кутиш мумкин. Лекин Одамбой Зухрани ўйламасди. Унинг хаёли ғорда, унинг қўли билан ўлдирилган иккита одамда эди. Биттаси Шоҳида, иккинчиси Ҳамидулла, ота хотинликка ваъда қилган Фотиманинг акаси. Шоҳида ҳаддидан ошди, отанинг гапига кўнмади. Қизиқ, аёлларни тушуниб бўлмайди. Емон йўлга кирдингми, эринг бўлатуриб, чида, айтганларини қил. Йўқ. Шоҳида чидамади. Ҳам беш бармоғини оғзига солмоқчи бўлди, ҳам фақат ота билан бўлмоқчи бўлди. Отанинг эса ниятлари бошқача эди. Уни овчи бургутга айлантириб қўймоқчи эди. Улжани кўрсатади. Шоҳида бориб олиб келади. Аммо у бу ўйинни қабул қилмади. Одамбой негадир унга ачинмади. Ингичка ипак арқон билан шаршаранинг панасида унинг бўйинини қисар экан, битта ҳаромдан отани халос қилгандек ҳис қилди ўзини. Ҳамидуллага жиндек ачинди. Ашурали ўзидан кўрсин. Нафси бузуқ эди. Тузалмади. Ота билан беллашганининг аҳволи вой. Лекин Одамбой илгари, ҳатто кечагача шундай ўйлар эди. Кеча унинг фикри ўзгарди. Бирдан, кутилмаганда ўзгарди. Отанинг ўша панжалари ҳидини ўзининг димоғида туйиб ўзгарди. Ота ундан юз ўгириб, Тепабоғдан ҳайдагандагина пайқади. Бу унинг қуёши ботганлиги билан баробар эди.

Агар Зухра келмаганда, у Тепабоққа бошқа қадам босмас эди. Отанинг башарасини кўрмасликка тайёр эди. Лекин иложи қанча, ваъда бериб қўйди. Онасига, ўша Зухрага. Ота ундан беркитиб, у қиладиган ишларни қилдими, тамом, орани очик қилади энди. Одамбой бирдан севиниб кетди. Усмоновни айтиб беради. Ҳойнаҳой ўзи ўлиб қолди, деган гап қилишгандир? Йўқ, Усмонов ўзи ўлгани йўқ. Ота уни «бўғиб» ўлдирди. Одамбой ўз кўзи билан кўрди-ку.

— Зухра! — Одамбой бу сирни ҳозироқ айтиб қўяқолишга қарор қилди. — Тепабоғдаги тўполонни эшитдингми?

— Қанақа тўполон? — ҳайрон бўлди Зухра.

— Биринчи котиб... Усмонов ўлган. Отанинг ўзи ўлдирди уни. Оғзи-бурнига ёстиқ босиб ўлдирди. Кейин дўхтир чақирди, ўзи ўлиб қолди деб.

— Боғда ҳозир одам бордир?

— Бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин...

Одамбой иккиланиб шундай деди. Ким бўлиши мумкин боғда? Нима қилади? Ҳамма Усмонов билан оворадир ахир? Чўлоқ қоровулдан бошқа ким ҳам бўларди? Боққа маишат қилгани келишади, холос. Одам ўлиб турган пайти маишатга бало борми! Тагин ким билади, дейсиз. Отадаъ ҳар нарсани кутиш мумкин. Ҳамидуллани ғорга жойлаб чиққанидан кейин ота уни ошга таклиф қилмаганмиди, ахир. Одамбой албатта унамади. Ҳеч маҳал раис билан лагандан овқат емаган. Одоб

сақларди. Лекин чой олиб кирганида, ота ҳеч гап бўлмагандек ошни иштаҳа билан туширарди. Темирдан ота. Агар ҳозир боғда одам бўлсаям унинг меҳмонлари бўлади, отанинг ўзи бўлади. Ноҳия соғлиқни сақлаш бўлими мудирини чақирган бўлиши мумкин. Милиция бошлиғи бўлиши мумкин.

Одамбой адашмаган эди. Тешабой Султонов Одамбойни жўнатиб, ўзи қозонга уннаб кетди. У безовта бўлганида, ҳаддан ташқари ҳаяжонга тушганида шунақа иштаҳаси очилиб кетарди. Лекин бу гал қорни очган бўлса ҳам, овқат ҳам ўтмади. Етилиб, ҳиди гуркираб турган қозон кабобга қараб қўйди-ю, орқасига қайтди. Босим икки-уч пиёла аччиқ қора чой ичди. Яна пича кутди. Козимбек Исабеков келганида, у мутлақо ичмаган одамдек тетик, аммо қаттиқ ҳаяжонга тушганлигини яширмай ўтирарди.

Биринчи тахминлари инфаркт бўлди. Исабековнинг айтишича, Усмонов бир марта инфаркт билан ётиб чиққан экан. Бу иккинчи инфаркт бўлиши керак. Бунинг устига қон босими ҳам баланд юрарди. Усмоновни олиб кетишгандан сўнг, бир соат ўтар-ўтмас Исабеков боққа телефон қилиб, бояги диагнозини тасдиқлади. Усмонов кенг инфарктдан қазо қилган, деди.

Анча хотиржам бўлган Султонов барибир тинчимади, кечаси соат бирларгача Усмоновнинг ташвиши билан юрди. Уйига бориб таъзия билдирди, шаҳарга, вилоятга телефон қилди. Кўмиш маросимига зарур бўладиган ишларни гаплашди. Шундан кейингина Исабековни олиб, боққа келди. Иккалови алламаҳалгача Усмоновни таърифлаб ўтиришди, ичишди. Султоновнинг елкасидан катта бир тоғ ағдарилган эди.

XVI

Одамбой боққа келишга келди-ю, ўзи яшириб қўядиган жой деворнинг қавагидан дарвоза калитини топа олмади. Калит йўқ эди. Бу унга отанинг ишончи йўқолганининг яна бир дарағи эди. Калит шу ерда туришини фақат уч киши — ота, у, қоровул Мамад чўлоқ билишарди. Дарвоза ёнидаги темир эшик қўнғироғини босишга тўғри келди. Ичкаридан Мамад аканинг овози эшитилди:

— Ким?

«Очмаса, нима қилади? Девордан ошиб тушадими?» Девор баланд, уч паҳсали. Лекин бошқа иложи йўқ.»

— Менман, Мамад ака. Очинг.

Одамбой кимлигини айтмади. Кимлигини билмоқчи бўлса, эшикни очади. Агар ота Одамбойни киритма, деган бўлса, очганда маълум бўлади.

Қоровул чолнинг ёғоч оёғини дўқиллатиб эшик олдига келгани эшитилди.

— Одамбой?

Одамбой индамади.

Қоровул эшикни очди.

— Бемаҳалда нима қилиб юрибсан?

— Э, Мамад ака, кўрмаяпсизми? Отанинг топшириқлари тугармиди?

Одамбой Зухрага ишора қилди.

— Қани, юринг, синглим!

Улар ичкарига киришди. Қоровул индамади. Демак, ота ҳали унга ҳеч нарса демаган. Азондами, ярим тундами, одамларнинг келиши, улар орасида аёллар бўлиши эса одатдаги ҳол эди. Қоровул буни биларди. Лекин эшикни қулфлаб, қоровулхонага кирди-да, меҳмонхонанинг телефонини терди.

— Кечирасан, Тешабой! Одамбой бир қизни етаклаб келди. Сен буюрган эмишсан!

— Нега киритдинг?! — дўқ қилди уйқу аралаш Султонов.

— Менга ҳеч нарса демадинг-ку? — ҳайрон бўлди Мамад чўлоқ.

Султонов жавоб бермади. Мамад чўлоқ трубкага бир-икки куҳ-куҳлаб, жойига қўйди. Катталарнинг ишларига унинг ақли етмасди. Тенгдош ўртоғи шу боғни қуриб битирганидан кейин уни чақирди. Икки меҳнат куни берадиган бўлди. Шунгаям ўн йилдан ошибди. Урушда бир оёғини ташлаб келган бесавод Мамад ака тинч ишли бўлди. Овқат текин. Пенсия, икки меҳнат куни, чол-кампирага етиб ортади. Болалар, невараларга ҳам у-бу чиқади. Колхоз инвалидлар минадиган «Москвич» машинаси ҳам берди. Ундан ўртоғининг нима талаб қилишини биринчи куниёқ билиб олди: мум тишлаб юриши керак. Кўзи бўлатуриб, ҳеч нарсани кўрмайди, қўли бўлатуриб, ҳеч нарсани ушламайди. Бу биринчи талаб. Иккинчиси, бегона одамни киритмайди. Ўртоғи ўзи айтмаса, подшоси келса ҳам киритмайди. Лекин ҳозир Одамбойни қўйиб у хато қилган эди. Бунда кўпроқ ўртоғининг ўзи айбдор бўлса ҳам у ранжиди. Бундай жойни топиш осонми?! Киритма, деб қўйса бўларди. Одамбой унинг сояси-ку?! Киритмай бўладими? Йўқ, бу катталарга ҳеч тушуниб бўлмади-бўлмади-да.

Одамбой Зухрани боғнинг чети ёқалаб тўғри ошхона томонга бошлади. Меҳмонхона билан ошхона ўртасидаги ҳовузли фонтан олдида Султонов уларни қўлларини белига тираб, қарши олди.

— Ҳа, Одамбой? Ярим кечада нима қилиб қиз етаклаб юрибсан?

Одамбой аввал бироз гангиб қолди. Отанинг салобати босди.

— Зухра бу. Фотиманинг синглиси.

— Шунақами? — ўзини билмаганга солди Султонов. Одамбойнинг ёнида келаётган қизнинг Зухра эканлигини у дарҳол пайқаган эди. — Абдулла муаллимнинг қизи дегин? Ҳей қиз! Бегона эркак билан бу ерда кечаси нима қилиб юрибсан?

— Акамни қидириб келдим.

Зухра Султоновни кўриши билан вужудини титроқ босганини сезди, аммо кўрқмади. Ким билади, нима унга далда бўлди — аҳдими, ё Султоновнинг белига қўлларини тираб, истехзо билан қараб туришига ғаши келдими? Ҳарҳолда Зухра ундан жудаям чўчимайди.

— Аканг шу ерда эканми? — қошларини чимирди Султонов.
— Ўзингизни билмаганга солманг! Сиз буни мендан яхши биласиз.

— Нима деяпсан ўзи? Эсинг-жойидами, Одамбой? Сен нега қараб турибсан?

— Ҳамидулла шу ерда, ғорда.

Одамбой ошхона томонни кўрсатди.

— Одамбой! Ҳой, эси паст! Ким айтди сенга Ҳамидулла шу ерда деб? Қанақа ғор? Бу ерда ғор нима қилади?

— Ўзингизни билмаганга солманг. — Одамбой ўзини анча босиб олди. — Ҳамидулла ҳам, Шоҳида ҳам шу ерда!

— Ё тавба! Ё тавба! Сен жинни бўпсан! Зухра, қизим! — Султонов Зухрага яқинлашиб, унинг тирсагидан ушламоқчи бўлди, аммо Зухра тисарилди-ю, бир силтаниб қўлини бўшатиб олди. — Бу жинни! Қип-қизил жинни бўпти! Менинг ҳеч қанақа ғордан, акангни шу ердалигидан хабарим йўқ. Бу ерда ғор борлигини энди эшитиб турибман. Одамбой! Қани ўша ғор? Нималар деяпсан ўзи, аҳмоқ бола?!

— Эсингиздан чиққан бўлса, юринг, кўрсатаман! — деди бамайлихотир Одамбой.

— Кўрсат! Кўрсат! Ғор бормиш! Ҳамидулла ўшатдамиш! Жинни бўпсан, Одамбой!

Ошхона ёнидан ўтиб шаршаранинг шовқини келаётган томонга юришганда, Султонов Одамбойни тўхтатди.

— Ҳой, эсингни йиғ-да, орқага қайт. Ғор нима қилади бу боғда?..

Зухра меҳмонхона айвонидан тушиб турган чироғ ёруғида Султоновнинг йўғон гавдасидан бошқа ҳеч нарсани кўрмасди. Лекин гапидан, Одамбойга қилаётган муомаласидан чўчиб кетганини пайқаш қийин эмасди.

Одамбой жавоб бермади. Зухра унинг Султоновдан ажралиб, олдинга кетаётганини кўрди. Султонов унга эргашди. У Зухрани ҳам унутган эди.

— Одамбой! Жиннилик қилма! Пушаймон бўласан, бола!

Одамбой қани қулоқ солса! Шаршаранинг шовқини кучая бориб, муздек ҳаво ва сув зарралари Зухранинг юзига урилди. Олдинда қора чодрадек бир нарса пайдо бўлиб, йўлни тўсиб қўйди. Одамбой ўнг томонга қўлини узатган эди, ҳаммаёқ бирдан ёришиб кетди. У темир устундаги электр тугмачасини босиб, шаршарадан ўн метрлар наридаги ариқ лаби бўйлаб тортилган чироқларни ёққан эди. Зухранинг хаёли нохуш воқеаларга қочган бўлса-да, буни кўриб ҳайратга тушди. Қурамининг бир этаги шу боққача чўзилиб келган, тўғрироғи, тоғнинг шаршарали этагига боғ ёндашиб тушган эди. Тик арчалар, йўлканинг икки томонидаги ҳисобсиз ранг-баранг гуллар бу ер каттагина сайилгоҳ эканидан дарак бериб турарди. Зухра арчаларнинг орқасида баланд ёғоч сўри турганини кўрди. Унинг ёнига, нақ гулзорнинг ўртасига оврўпоча стол, стуллар қўйилган эди.

— Одамбой! — Султоновнинг кескин овози эшитилди. — Бекор бошладинг шу машмашани. Ўзингга жавр қиласан. Онанг-

ни ўйласанг-чи! Эртага сени олиб кетишса, унга ким қарайди, эси паст!

Бунга парво қилмай Зухрани чақирди.

Зухра терак бўйи баландликдаги тошлар орасидан атласдек товланиб тушаётган шаршарани айланиб ўтиб, Одамбой турган жойга борди.

— Мана, — у катта харсанг ёнидаги ўрани кўрсатди.

Зухра беихтиёр орқага тисарилди. Одамбой кўрсатган ўранинг хунук қорайиб кўринган оғзи ютаман дерди. Агар харсанг бўлмаса, шаршаранинг орқасига ўтилмаса, шу ерда ғор борлигини одам зоти билмас эди. Харсанг ўранинг оғзини пана қилиб турар эди.

— Пастлигингни билар эдим, — деди Султонов ғижиниб. — Аммо бунчалик тез сотасан, деб ўйламаган эдим. Нонкўр эксан!

У шундай деди-да, орқасига ўгирилиб, битта-битта юриб кетди.

Одамбой қаёқдандир арқондан ясалган нарвон олиб келиб, ғорнинг ичига ташлади. Ошхонага бориб тўр симга ўралган қўл лампа кўтариб келди. Шу ерда ёқди.

— Аввал мен тушаман. Кейин сен. Қўрқмайсанми? Ё кун чиқишини кута қоламизми?

— Чуқур эмасми?

Зухра ҳаяжонга тушаётганини сизди. Аммо билдирмади.

— Ун метрча келади.

Одамбой тош лампани белига боғлаб, ғорга туша бошлади. Кўп ўтмай, тортилиб, қимирлаб турган нарвон бўшашди, сўнг қимирламай қолди. Одамбой ғорнинг тагига етган эди.

— Тушиб кетдимми?

Зухра чўчиб тушди. Рўпарасида Султонов турарди.

— Ким нима деса ишонаверасанми? Акангни қотили шу бўлади.

— Бекор айтибсиз! — деди Зухра. — Акамнинг қотили умас — сиз! Одамбой сизнинг гапингиз билан ўлдирган экан!

— Жим бўл, манжалақи! Султонов ғорнинг оғзига энгашди. Ёнидан, камарига осиглиқ пичоғини қинидан олиб, нарвонни кўтарди. Зухра унинг нима қилмоқчи бўлганини англаб, қўлига ёпишди.

— Тўхтанг! Нима қиляпсиз?

Кучи етмай елкасига тирмашди. Аммо қани жойидан жилдира олса! Ҳозир арқонни кесиб юборса, Одамбой ғорда қолиб кетади. Зухра то милицияга хабар бергунча, милиция келгунча анча вақт ўтади, ахир. Унгача Султонов Зухрани тинч кўярмиди. Тутиб олиб, ғорга ташлаб юборса, тамом, ҳаммасидан қутулади. Одамбойнинг онасидан бошқа ҳеч ким уларнинг бу ерга келганини билмайди. Қоровул кўргани билан айтармиди. У раиснинг одами-ку.

Султонов ҳамон арқон нарвон билан овора эди. Сунъий ипдан тўқилган йўғон арқонни кесиш анча қийин бўлди. Шу тобда Зухра ўнг қўлининг зиҳи билан унинг ялтираб турган

семиз гарданига туширди. Султонов «их», деб олдинга эгилди ва Зухра иккала қўлини бир қилиб, яна шу жойга, гарданига урди. Султонов чўккалади ва мувозанатини йўқотиб, ғорга қулади. Тортилиб турган нарвон, ярим кесилган жойидан узилиб, ғорга тушиб кетди. Кўп ўтмай ғор ичида нимадир гумбурлади. Кейин жим бўлиб қолди.

Зухра бундай бўлишини кутмаган эди. Жонҳолатда ғор озгига энгашиб, қичқирди.

— Одамбой ака!

Кўнғироқдек овознинг акс-садоси анчагача тўлқин-тўлқин бўлиб жаранглаб турди. Аммо Одамбой жавоб бермади.

Катта боғу аждаҳодек ғору қулоқни гаранг қилгучи шаршара олдида ёлғиз ўзи қолган Зухрани кўрқув боса бошлади. У беихтиёр орқасига тисарилди. Кейин, шаршарага ўгирилиб, унинг ортидан чиқди-да, ошхона томонга югурди. Шу ерга етганида меҳмонхона айвонидаги чироқни кўрди. Чироқ унга анча далда берди. «Ада, адажон! Энди нима қилай?» У ўзига шу саволни бераркан, айвонга қараб чопди. Шу ерда телефон бўлса керак. Милиция билан «тез ёрдам»ни чақирмаса иш чатоқ.

Айвонга етганида аллақаяқда милиция машинасининг чинқирган сигнали эшитилди. Дарвоза томон ёришиб кетди.

Биринчи милиция машинаси меҳмонхонага етиб келганида, Зухра айвон зинасида ўтирарди. У қаршисига югуриб келаётган Исмоиловни кўриб, йиғлаб юборди. Урнидан турмоқчи бўлди-ю, аммо мадори етмади. Уялиб, четга қаради.

— Қидирмаган жойимиз қолмади сизни! — деди Исмоилов унинг рўпарасига келганида.

Иккинчи машина қаттиқ тормоз бериб меҳмонхона олдида тўхтади. Ундан биринчи бўлиб Света тушди.

— Зухра! Соғмисан, Зухра?!

Зухра бошини қимирлатди. Света келасолиб, уни қучоқлади.

— Нега бизга айтмадинг? Улар қани?

— Ким?

— Одамбой, Султонов?.. — гапга аралашда Исмоилов.

— Улар... Улар ғорда.

— Ғор? Қанақа ғор?

— Даҳшатли ғор, — деди ўзини босиб олиб Зухра. — Икки-та ўлик ётган ғор. Акам, Шоҳида опа.

Зухра ўрнидан туриб, Исмоилов билан келган милиция ходимларини, Светани шаршара томонга бошлади.

— Улар шу ерда, Одамбой айтди.

Зухра йиғлаб юборди. Света уни бағрига босиб, овулган бўлди.

— Света! Сиз Зухрани олиб кетинг,— илтимос қилди Исмоилов. — Машина ташлаб келади.

Лекин Зухра кўнмади.

— Акамни кўришим керак. Одамбой олиб чиқаман деган. Исмоилов индамади...

Тонг ота бошлаганида Ҳамидулла билан Шоҳиданинг жа-

садларини олиб чиқишди. Ҳамма ҳайрон эди. Иккалови ҳам худди бир неча соат илгари жони узилган одамдек ётишарди.

— Ака! — қичқириб юборди Зухра.

У жасадга тегмоқчи бўлиб энгашганда, Исмоилов қўлидан ушлаб қолди.

— Тегманг. Форда, ҳаво ўтмайдиган бўшлиқда ётишган. Бузилмаганлари шундан. Ҳозир тегсангиз, тўкилиб кетади жасад. Кўряписизми, қорая бошлади.

— Бўлди энди, кетдик.

Света унинг тирсагини ушлаб тортди.

Зухра қаршилиқ билдирмади. Қўлларига кишан солинган Одамбойга у бир нарса демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлади. Унга яқин борганда эса айниди, ҳеч нарса дея олмади.

Милиция ходимлари форнинг ҳамма йўлларини қараб чиқишди.

Лекин Тешабой Султонов ҳеч қаерда йўқ эди.

Исмоилов жасадларни «Тез ёрдам» митти автобусида Тошкентга жўнатиб, Алиевга телефон қилди. Султонов қаёққа ғойиб бўлиши мумкин? Иккалови ҳайрон бўлишди. Ҳар эҳтимолга қарши уйи, колхоз идораси, райком биноси назоратга олинсин деб буйруқ берилди. Алиев ҳозироқ йўлга чиқишини айтди. Кеча кечқурун жумҳурият прокурори Усмонов билан Султоновни қамоққа олиш ҳақидаги ордерга қўл қўйган экан. Энди кечикилгани маълум бўлди. Алиев хуноб эди. Усмонов билан қанча сир кетди экан? Қанча нарса очилмай қолди экан? Агар Сиддиқов халақит бермаганда, Усмонов балки ҳозир тирик бўлармиди, Султонов ғойиб бўлмас эдими? Қандай йўқолиши мумкин-а, тавба? Бу ўзи қандай форки, ичида одам йўқ бўлиб кетади?

Алиев билан Исмоиловни яна бир ҳайратга солган нарса — бу Шоҳида, Ҳамидулла жасадларининг бузилмай шунча вақтдан бери ётгани эди. Уларнинг жасадлари ётган жойда қандайдир сир бўлса керак. Фақат археологлар эмас, энди у ерга тиббиёт олимлари ҳам тушиши керак, текшириш керак.

— Зухра қалай? — сўради Алиев.

— Ҳозир уйига жўнатдим. Нега менга ёки сизга хабар бермади? Шунга ҳайронман. Улдириб қўйишлари ҳеч гап эмас эди, ахир.

Исмоилов ундан ранжигани билиниб турарди.

— Сен уни тушун. Биз ҳали ҳам унинг ишончини қозонганимиз йўқ. Аммо унга қойил қолиш керак. Довюррак қиз экан.

— Уни Тошкентга жўнатиш лозим. Султоновнинг одамлари пайига тушишса ёмон. Ё ўзи яна бир иш қилиб қўйиши мумкин. Ҳарҳолда, энди у четроқда тургани яхши.

Алиев уни тезда бу ердан жўнатишни таклиф қилди.

— Ўзим олиб бориб қўяйми?

— Қаёққа?

— Ўша корейс қўшнисиникига-да, қаёққа бўларди.

Алиев кўнмади.

— Ҳозир хавфли. У ерга ҳам қидириб боришлари мумкин.

Кейин, кечгача узоқ. Равшанга айтаман. Ҳозирроқ уни чақираман.

Кўп ўтмай иккита машина, давлат «Волга»си билан «Жигули» Тошкентдан Йўғонтепа томон йўлга чиқди.

Шу пайт Тешабой Султонов ўз уйида шилинган юзию пешонасига муз босиб ўтирарди. У бугун бир ўлимдан қолди. Шундай жаҳаннамнинг оғзидан бутун чиқдими, умри узоқ бўларкан.

Мувозанатини йўқотиб, у ғорга қулаганда, ҳаётдан умидини узган эди. Кесилмай қолган арқон уни сақлаб қолди. Муккаси билан қулаётганида, пичоқни ташлаб, икки қўли билан арқонга ёпишди. Шу уни қутқариб қолди. Ғор тубига етай, дегандагина узилди, уни кўтара олмади. Тирсакларига таяниб, атрофига қаради-ю, ҳеч нарса кўринмади. Ҳаммаёқ қоронғулик қўйнида эди. Одамбой қаёққа кетди экан? Шуни ўйлаб, севиниб кетди. Демак, соғ қолибди. Бели, тошга теккан пешонаси оғрияпти, холос. Ўтиб кетар булар. Оғрияптими, ўйлаяптими, демак соғ. Соғ одам йўлини топади. Одамбой юрибди-ку?! У ҳам йўлини топар. У эмаклаб беш-олти қадам юрди. Кафтларидан ҳам кўра, тиззалари тошга ботиб оғрий бошлади. Бу аҳволда узоқ юришга кўзи етмади. Секин ўрнидан турди. Ҳеч нарсага боши, қўллари урилмади. Демак, тик юрса бўларкан. Бундан қувониб, қўлларини ёзди. Ўнг қўли деворга, унинг муздек нам тошларига тегди. Шаршара шу томонда эканлигини у тахмин қилди. Шу томондан кўзини олмай юриб кўрди, қани қаёққа чиқар экан? У бирор нарсага қоқилиб кетмаслик учун оёқларини судраб босар экан, қоронғиликка секин-секин ўргана бошлади. Буни сезди-ю, бирдан кўрқиб кетди. Одамбой уни кўриб турган бўлса-чи? Энди улар душман. Одамбой уни соғ қолдирмайди.

— Одамбой?! — секин чақирди Султонов тўхтаб.

Овоз илон вишиллагандек акс-садо бериб ғор ичини тўтиб кетди. Аммо Одамбой жавоб бермади.

Султонов олдинга яна нам деворни пайпаслаб юрабошлади. Юз қадамча босди-ёв. Одамбой ҳам, бошқа нарса ҳам унга дуч келмади. Оёқ ости текис, қуруқ эди. Девор ҳам юрган сари қурий бошлади. Нам юқмай қолди қўлига. Бирдан у сесканиб кетди. Деворни пайпаслаб бораётган ўнг қўли ялт этиб қизариб кетди. Султонов кўрқиб қўлини тортиб олди. Аммо ялтираган тангадек нарса деворда қолди. Бу нур эди, офтобнинг нури эди. Қаердан тушаётган экан?

Султонов ўзини босиб олиб, нурнинг йўлини кузатди. У тепадан эмас, олдиндан тушаётган экан. Султонов шу томонга юрди. Енги калта йўл-йўл кўйлагининг нўхотдек тугмалари ялтирай бошлади. Кейин кўйлагининг сариқ йўллари ҳам кўринди. Сариқ брезент этиги энгашганида кўзига тушди. Хайрият. Бир ўлимдан қолди. Энди умри узоқ бўлади. Соғ, ўйлаяпти, кўряпти, демак, тирик. Бунинг устига йўли ёришди. Йўлига нур тушди. Шу нурга қараб юради. Албатта, нур ғордан олиб чиқиши керак. Деворда нам йўқолгани ҳам яхшиликка. У тепага қараб кетяпти. Шунинг учун намлик йўқолди. Ташқарига йўл бор. Унинг эсига беихтиёр Одамбой шу ғордан топиб чиққан қилич тушди. Демак,

қилични ҳам қачондир олиб киришган. Демак, йўл бор, кирадиган йўл. У ғордан чиқади. Омон қолдимми, йўл ҳам топилади.

У олдинга юрган сари, ғорнинг ичи ёриша борди. Ниҳоят, одам бўйи келадиган баландликда туйнукдек жой оқариб кўринди. Шу пайтгача ўзини овутиб келаётган Султонов бирдан яна кўрқиб кетди. Туйнуккача чиқаолмасачи? Сиғмасачи унга? У йўлнинг кескин тепага кўтарила бошлаганини кўрди. Чарчаганиданми, ё ҳаво етишмай қолганиданми, терлаб кетди, нафас олиши қийинлашди, ҳансирай бошлади. Аммо тўхтагани йўқ. Тўхтаса, дам олгани ўтирса, негадир шу ерда қолиб кетадигандек эди. Туйнукка яқинлаша бошлади. Қизиқ, туйнук одам боши сиғадигандек кўринган эди, қанча яқинлашмасин, у кенгайгани йўқ. Биринчи кўрганида қандай бўлса, шундай турибди. Султоновнинг кўрқуви зўрайди. Йўқ, бир амаллаб чиқиб олади. Бу туйнук бўлмаса бошқасини топади. Одамлар қандай киришган? Киришган-ку?! Нега у одамлар кириб чиққан жойни тополмайди? Одамбойга йўлнинг кераги бўлмаган, шунинг учун қарамаган, қидирмаган. Боғдан тушиб, боққа арқон билан чиққан. Йўл топиш кераклигини у хаёлига ҳам келтирмаган. Унинг-ку, эси паст. Султонов нега беҳафсалалик қилди? Нега йўл топтирмади? Ҳозир осон бўларди. Бундай қийналиб юрмасди. Лаънати қиз! Нимжонгина кўринарди, гарданни еди, ҳали ҳам оғриғи босилгани йўқ. Майли, чиқиб олсин. Ҳеч биттасини соғ қўймайди.

Султонов туйнукка етганда, бутун аламлари, кўрқуви тарқаб кетди. Туйнук ташқаридан тош билан беркитилган ғорнинг оғзи эди. Иккала қўли билан у харсангни итарди. Тош оҳиста жойидан жилди. Султонов яна кучаниб итарди. Ёруғликдан қамашган кўзларини ишқалаб атрофига қаради. Йўғонтепанинг орқа томони эди бу жойлар. Баланд-паст тепаликлардан иборат бўлгани учун биронта дарахт йўқ эди, ҳар ер — ҳар ерда тўп-тўп бўлиб янтоқми, чўгир ўтми сарғайиб турарди. Уларнинг ёнида нимадир ғимирлагандек бўлди. Султонов дарров уларнинг нималигини билди. Севинганидан кўзлари ёшланиб кетди. Ғитирлаган нарсалар шу ердаги тошлар, ўтлар сингари сап-сарик қўйлар эди. Улар бошларини кўтармасдан иштаҳа билан ерни чимдилар эди.

Султонов ўрнидан турди. Қон қотган пешонасини кафти билан сидирди.

Ҳозир у тезроқ уйига бориши керак. Сиддиқовни, Фатҳилларни топиши керак.

Уни чўпон йигит кўрди. Аммо қаердан пайдо бўлиб қолганини билолмади. Югуриб олдига келганида, Султоновнинг ўзи айтиб берди:

— Тўриқ олиб қочди. Машинанг борми пастда? Юр! Уйга элтиб қўй. Лекин ҳеч кимга айтма. От топилади. Мен уялиб қолмай!

Чўпон йигит Султоновдек одамни ўз машинасида уйига олиб бориб қўйишдан боши осмонда эди.

— Чой ичиб кетмайсизми? Яхши қимиз ҳам бор эди.

— Бошқа сафар. Қани бўл.

Улар ўн минутлардан сўнг, чўпоннинг дарё лабидаги ўтовни олдида пайдо бўлишди. Иккита катта бўрибосар уларни кўриб, вовуллаб келди. Аммо эгасини таниб, жим бўлди. Чўпон йигит ўтов орқасида турган қизил «Москвич» машинасини бирпасда юрғизиб, юз-қўлини юваётган Султоновнинг олдига келди.

— Келинга ҳам айт. Овоза қилмасин.

Қоп-қора обдаста ушлаб турган аёл бошини қимирлатди.

— Хотиржам бўлинг! — тинчитди Султоновни чўпон.

У машинани аямай ҳайдаб, раисни уйига етказиб келди.

Аммо ичкарига кирмади. Султонов ҳам зўрламади.

Салтанат опа эрининг аҳволини кўриб қўрқиб кетди.

Султонов жавоб бермади.

— Эшикни қулфла. Ҳеч кимни киритма. Темир қаерда?

— Уйда эди. Ҳозир яна қарайман. Дамир Тошкентда.

— Бисотингни йиғиштир. Ҳозироқ Самарқандга жўнайсан.

Наримонникига. Ҳамма темир-терсақларингни, пулларингни ола. Уқдингни?

Салтанат опа ҳеч нарсага тушунгани йўқ. Лекин фалокат юз берганини сезди. Шунинг учун хўп, деб, қўя қолди.

— Темирга айт. Машинани тайёрласин. У олиб бориб қўяди.

Дам ўтмай Темир кирди.

— Дада, нима бўлди? Нега ойимларни Самарқандга элтишим керак?

— Шундай қилиш керак. Бу ердаги тўполондан онанг нари тургани маъқул.

— Қанақа тўполон, дада?

Темир дадаси ёнига келиб, диванга чўкди.

— Мен кўп иш қилдим, ўғлим. Биласанми шуни?

Темир бош силкиди.

— Сезганман, дада.

— Сезган бўлсанг, яхши. Лекин бир нарсани билиб қўй.

Нима қилган бўлсам, сенларни деб қилдим. Мендан кейин хор бўлмаларинг, дедим. Ҳаммангга омонат китобчаси очдириб қўйганман. Эҳтиёт қилиб ишлатсаларинг, умр бўйи ҳеч кимга, ҳеч нимага зор бўлмай ўтасанлар. Мендан хафа бўлма. Қани қўлингни бер.

Темир унга қўлини узатган эди, Султонов уни бағрига тортиб қучоқлади, пешонасидан ўпди.

— Энди менга Фатҳилла акангни топиб кел. Кейин жўнайсизлар.

Темир индамай чиқиб кетди. Султонов тахмонда турган темир сандиқнинг тортмасини ёнида доим олиб юрадиган калит билан очди. Икки қатор териб қўйилган пул боғламлари билан унинг тагида турган омонат дафтарчаларини олди. Улар олтилами, еттита эди.

— Салтанат, — қичқирди у.

Қичқирмаса ҳам бўларди. Салтанат опа бутун вужуди титраб эшик тагида киришини ҳам, кирмаслигини ҳам билмай турарди.

— Лаббай? — деди у ичкарига ўтиб.

— Алиевлар изимга тушди. Бир-икки ойга йўқ бўламан. Сен

Наримонникида тур. Манавилар сенда бўлсин. Сеники, болалариники. Пулларни ҳам ол.

— Озгина тақинчоқларимни Одамбойнинг онасига бериб қўювдим. Нима қилай? Тураверсинми?

— Йўқ! Ол! Кетаётганингда кириб ола кет. Одамбой сотқин чиқди. Вақт зиқ. Фатҳилла келиши билан жўналаринг.

Салтанат опа одати бўйича ҳеч нарса сўрамади, ҳеч нарса демади.

Улар шахсий «Волга»ларида Дуркентдан чиқишганда, Сиддиқовнинг келаётганини кўришди. Лекин унинг машинаси жуда тез келаётганидан сўрашиш имконияти бўлмади.

— Ойи, — сўради Темир Сиддиқов ўтиб кетганда. — Ишлар чатоқми?

— Қайдам? — Салтанат опа эрининг ишлари қанчалик чатоқлигини билмасди. Лекин кўнглида бу гал умидсизлик, хавф кўпроқ эди. — Даданнинг бошидан чатоқ ишлар кўп ўтган. Ҳаммасидан қутулиб, қайтанга обрў орттириб чиққан. Ажаб эмас, бу гал ҳам шундай бўлса...

— Кўп нарса кечиришлари мумкин. Дадамнинг тажрибалари катта. Одамларни яхши ишлатиб, пул топиш йўлларини биладилар.

* * *

Хотини билан ўғлини Самарқандга жўнатгандан кейин, уй унинг назарида бирдан ҳувиллаб қолди. Ёлғизлик ҳиссидан қутулолмай, фикрларини анчагача жамлай олмай ўтирди. Аммо шошилиш керак эди. Фатҳилла уйни кузатишаётганини айтди. Ҳали-замон ўзлари ҳам келиб қолишлари мумкин. Қамоққа олиш тартибларини у яхши биларди. Бундан у чўчигани йўқ. Фақат озгина беҳафсалалик қилганидан, бир-иккита иши чала қолганидан у ранжиди. Кейин Усмоновнинг уйига ўтмади. Бир-ров кўриниш бергани яхши эди. Энди эса илож йўқ. Владивостокдан келадиган мижозлари билан учрашди-ю, ҳисоб-китоб қилолгани йўқ. Лекин улар қочиб кетмайди, алдамайди ҳам. Алдагани унинг азаматлари йўл қўймайди.

— Фатҳилла! — чақирди у нимадир эсига тушиб.

Дарвозанинг олдида қизил «Жигули»ни тайёрлаётган Фатҳилла қўлларини артиб, унинг олдига келди.

— Иккита иш қиласан. Биттаси, колхознинг «Волга»си идоранинг олдидан қимирламасин. Уқдингми? Қизларга ҳам айтиб қўй. Узлари ҳам қабулхонадан кетишмасин. Иккинчиси — Сиддиқовнинг машинасига телефон қил. Биласанми? — Фатҳилла бош ирғади. — Айт. Бу ёққа келмасин. Топ дарров!

Фатҳилла отилиб чиқиб кетди. Султонов идорага ўзи телефон қилди:

— Ҳа, тинчликми? Яхши. Қулоқ сол. Мен ўзимдаман. Зарур иш билан ўтирибман. Ҳеч кимни кабинетга киритмаларинг. Уқдингми? Баракалла.

Ҳа, унинг режаси ўзгарди. Шошганда шундай бўлади, тўғри

фикр кейин келади. Уни ҳозир Сиддиқов билан кўришмагани маъқул.

Нима учун у бирдан шундай фикрга келиб қолди? Ҳеч кимга буни айтгиси келмади. Айтадиган одами ҳам йўқ эди. Битта Фатҳилла уни кутиб ўтирибди, холос. Хотини бўлганида ёнида, балки унга айтармиди. Йўқ, унга ҳам айтмас эди.

Ҳовлиқиб Фатҳилла кирди.

— Кеч қолдик. Яқин келиб қолибдилар. Қайтмайман, деяптилар.

— Чой қўй. Кейин ертўлага туш. Анави «Наполеон»дан, арманниқидан катта уйга олиб чиқ. Уч-тўрт шиша машинанга солиб қўй. Қазӣ, гўшт, нон!.. Хуллас, икки-уч кунлик ейдиган нима бўлса, ол!

Фатҳилла ховлига чиқиши билан Сиддиқов кириб келди. У формада эди.

— Қаердалар? — омонатгина қўлини узатар экан, сўради.

— Ётоқхонада. Телефоннинг олдидалар. Ҳозир чақираман.

Фатҳилла югуриб Султоновнинг олдига кириб кетди. Сиддиқов кетидан борди.

— Бўлар иш бўлди. Хафа бўлманг, — қаршисига чиқиб келаётган Султоновни кучоқлади. — Одам кўпайган сари хавф ҳам кўпаяди. Одамбойингиздан олдин анави Тошкентга жўнатганларингиз бири олиб, бири қўйиб гуллаб беришди.

— Таги кўрмаганлар шунақа сотқин бўлади.

Султонов майорни белидан қучиб, меҳмонхонага бошлади.

— Нега мени келмасин, дедингиз? — сўради ўтириб фотиҳа қилишгандан сўнг Сиддиқов. — Фатҳилла телефон қилганда, кўчангизга кирган эдим.

— Сўраманг, Собиржон!.. Минг хил фикр мияни қовуриб ташлади. Аввал сизни жудаям кўргим келди. Кейин бундай ўйлаб қарасам, бугун-эрта кўришмаганимиз маъқул экан.

— Барибир айтмаяпсиз...

Султонов кулди.

— Энди фойдасиз деяпман-ку?!

— Аҳвол кеча жиддийлашган. Прокурор Алиев тўплаган ҳужжатларни Президентга айтиб берган. Президент сизни, ёнингизда бор ёрдамчиларингизни, фармзаводнинг баъзи раҳбарларини қамоққа олишга, уйларда тинтув ўтказишга розилик берган. У қорадори, кўкнорифурушларни ўлгудек ёмон кўради. Халқнинг инқирози биринчи галда кўкноридан дейди. Хуллас, бугун эмас, сизнинг масалангиз кеча кечқурун ҳал бўлган эди. Азонда шунӣ айтиш учун йўлга чиқмоқчи бўлиб турганимда вазир йўқлаб қолди.

— Дилим сезган эди! Кўришмаслигимиз керак эди бугун... Куним битганини сезиб турибман.

— Нафасни совуқ қилманг.

— Сизни келманг деганимда жон бор. Аввал эшитинг, Собиржон. Мен тутилдим ҳисоб. Номимни энди булғашади. Сизни четда бўлишингизни истардим. Кераксиз бизга. Мени улар барибир қўлга олишади. Чиқариб олиш сизнинг бўйнингизда. Бу

бир. Иккинчидан, болаларимнинг тақдири энди сизнинг қўлингизда. Уларга ҳеч ким тегмасин. Биронтасини менга олиб бориб тақашмасин. Мол-мулк, уй-жойни мусодара қилиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас!

Султонов фиким бўлмайдиган япон матосидан тикилган ва почалари кўкимтир брезент этик қўнжигга тикилган кулранг шими чўнтагидан худди шундай кулранг омонат дафтарчасини олиб Сиддиқовга узатди.

— Сизга омонат дафтарча очдириб қўйганман. Ярми ўзингизга. Ярми мени олиб чиқишга, болаларга доғ теккизмасликка ишлатасиз. Етмаса яна кейин ҳисоблашамиз.

Сиддиқов дафтарчани олиб, кўриб чиқди, кейин оқ қўйлагининг кўкрак чўнтагига солиб қўйди.

— Айтганингиздек бўлади. Лекин уларнинг қўлига тушишни ҳозир ўйламанг. Мен битта режа билан келяпман. Алиев прокуратуранинг машинасида иккита ёрдамчиси билан ўғлини юбориб, ўзи шахсий «Жигули»сида келяпти. Қандайдир бир мўлжали бўлса керак-да. Демак, ўз машинасида қайтади. Йўлда ёнидан, масалан, трактор чиқиб қолиши мумкин, кўприк олдидами, тутзордами, Тангатопдидами, майли-да, уни ўйлашиб кўрармиз. Трактор билан тўқнаш келгандан кейин машина ҳам, ундаги одамлар ҳам нобуд бўлиши мумкин. Лекин на илож? Ҳамма ҳужжат ҳозирча Алиевнинг қўлида. У йўқолса, ҳужжатларни қайтариб олиш қўлимдан келади.

— Барака топинг! — Султоновнинг кўзларидан ёш чиқиб кетди.

— Шунинг учун сизни бир-икки кунга холироқ жойга элтиб қўяйлик. Ўша ерда қимирламай, мени кутиб ўтиринг. Аммо раисликни энди унутинг. Яхшиси, ўзингиз истеъфога чиқинг. Ҳозир бу сизга жуда керак. Кейин халқ ўзи яна сизни сайлаб олади. Халқ ўзимизнинг халқ, гапга тушунади. Қани, қаёққа борасиз? — Сиддиқов ўрнидан туриб, хонани айлана бошлади.

— Нанайга. У ердаги уйни кам одам билади. Боргансиз-ку? Фақат ўзингиз Йўғонтепадан мени олиб чиқиб қўйинг.

— Тешабой ака! Одам одам билан тирик...

Майор Сиддиқов сидқидилдан шундай деди. Беихтиёр у Султоновга ўгирилди. Икки кун ичида филдек одам... елкалари тушиб, қўллари шалвираб қолибди. Сиддиқов сидқидилдан унга ачинди, айни вақтда ундан ранжиди. Султоновнинг булганги аҳволи унинг қариганидан, илгариги эҳтиёткорлигини йўқотганидан, нафси бузилиб, беш панжасини оғзига тиқа бошлаганидан далолат берарди. Тоғдаги кўкнорига, ўзингиз хабар қилдингизми, бўлди, тегманг, ўшанинг даромадидан кечинг, деб маслаҳат берди, аммо Султонов кўнмади. Юк қўлга тушмаганида, ўқитувчини ўлдирган безориларнинг айтганлари тўхмат бўлиб чиқарди. Бриллиант соатларни ҳам «тўқликка шўхлик» тарзида давлатга ўтказиб юбориш мумкин эди. Сохта ҳужжатлар билан қўлга тушган кўкнори ҳамма ишни бузди, тўғрироғи, ҳамма ишни бир ипга тизиб берди. Ип Алиевнинг қўлида. Оғзаки рес-

публика прокурори билади, Президент билади. Хужжатлар Алиевда. Алиев йўқ бўлиши билан хужжатлар йўқолиши керак. Буни қила оладиган одамлар бор. Эртагаёқ, балки бугуноқ Сиддиқов уларни топади, хурсанд қилади.

XVII

Алиев Тепабоққа келиши билан Султоновни сўради.

— Кечикдик, — уялинқираб жавоб берди Исмоилов. — Ярим соат илгари майор Сиддиқов билан чиқиб кетишибди. Сиддиқовнинг машинасида ўтиришгани учун ҳеч ким тўхтатишга журъат қилолмабди. Мен шу ерда эдим.

— Хўш, нима қиламиз энди?

— Менимча, энг аввало Сиддиқов билан боғланиш керак.

— Тўғри Тошкентга олиб кетган бўлса-чи? — гумон қилди Алиев.

— Бўлиши мумкин. Аммо ордер сизда-ку?

— Кечаги топшириқ унга маълум бўлиши керак. Аксинча, бунчалик шошилмас эди. Турсунов қаерда?

— Уни мен археологлар ёнига юбордим. Энди ёрни қидириб нима қилишади? Шу ердан тушаверишин.

— Қани, Сиддиқовга телефон қил-чи!

Улар меҳмонхонага киришди. Исмоилов майор Сиддиқов машинасидаги номерини терар экан, Толиб полвон билан учрашганини айтиб берди. Бечора бир чўпон ўртоғиникида беркиниб юрган экан, Султоновдан қўрқиб. Жиянлари чақириб келишди.

— Нима дейди?

— Анави клуб мудирасини Одамбой бўйнига сиртмоқ солиб ўлдирганини машина уриб юборган отбоқар Алиқул кўрган экан. Ҳамидуллани ҳам Одамбой ўлдирган эмиш.

— Лекин асосий қотил Султонов-ку.

— Жавоб бермаяпти. — Исмоилов трубкани қўйиб, номерни қайтадан терди. — Мен бир нарсага тушунмаяпман, Қодир ака. Қимматбаҳо соатни Шоҳидага совға қилгани маълум. Нега совға қилганини тахмин қилиш мумкин. Лекин Фотимага шундай совға қилишдан мақсади нима эди?

— Мақсади битта. Бир кун келиб ундан ҳам Шоҳидадек фойдаланмоқчи бўлган.

— Собир ака? — қичқирди трубкага Исмоилов. — Салом, бу мен Уктамман. Қодир акам сиз билан гаплашмоқчилар. Исмоилов трубкани узатди.

— Яхшимисиз, — сўрашди ҳеч нарса бўлмагандек Алиев. — Йўфонтепага келдим. Сизни шу ерда юрибдилар, дейишди. Шунга безовта қиялпман. Яхшимисиз, Собир ака?

— Раҳмат, — Сиддиқов ҳам сир бой бермай Алиев таклиф қилган хотиржам оҳангда жавоб қилди. — Тешабой акангизда бир иш бор эди.

— Кўришдингизми? Яхшимилар?

— Кўришдим. Иш битди. Шу ерга келиб, қариндошларни

кўрмасдан кетиб бўлмайди. Синглимникида эдим. Энди кет-
япман. Усмоновнинг уйга ўтмоқчиман. Бормайсизми?

— Кечирасиз, Собир ака! Султонов ҳозир қаерда? Бизнинг
ҳам бир зарур ишимиз бор эди.

— Менимча, идорасида. Қаердасиз?

— Тепабоғда. Ўтмайсизми?

— Раиснинг боғига раиссиз кириб бўладими?

— Тушундим, Собир ака. Лекин мени кечиринг. Кечадан
бери Тешабой Султонов «Шифокор» колхозининг раиси қамоқ-
қа олинган ҳисобланади. Ордер менинг қўлимда.

— Шошилинг бўлмаса,— деди ҳамон овозини ўзгартирмай
Сиддиқов.— Тоғли жойда нима кўп, яширинадиган жой кўп.

Сиддиқов трубкани қўйиб қўйди.

— Раис ўзидами,— деди Исмоилов.— Ўзи трубкани ол-
маяпти. Лекин котиба ўзларида, деб жавоб қиляпти.

— Югур! — буюрди Алиев.— Икки кишини олиб югур. Мен
боргунча чиқарма. Равшанни Зухраникига ташлаб ўтаман.

Исмоилов югуриб чиқиб кетди.

Алиев билан Равшан иккита машинада Зухраларникига ке-
лишганда, эшик очик эди. Ичкаридан тиловат қилаётган қори-
нинг овози келиб турарди. Алиев эшик олдида тўхтади. Фотиҳа-
дан сўнг, ҳовлига кирди. Айвонда, ҳовлидаги сўрида ўтирган
эркаклар ўринларидан туриб эшикка йўл олдилар.

— Ҳамидуллахоннинг жасади топилганини эшитиб кирув-
дик,— деди Алиевни илгари кўрганлардан бири.— Раҳматли-
нинг жойи жаннатда бўлсин.

Зухра уйда йўқ эди. Одамлар кетиши билан ошхона томон-
дан Света ва унинг онаси чиқиб келишди.

— Чойга туришмади. Керак эмас экан,— негадир уялиб
тушунтирган бўлди Светанинг онаси.

— Зухра қаерда?

— Билмадим. Тепабоғдан қайтганимиздан кейин йўқ бўлиб
қолди. Адашмасам, қабристонга кетган.

— Битта ўзи-я? — ҳайрон бўлиб сўради Равшан.

— У ҳеч нарсадан чўчимайди,— гапга аралашди Светанинг
ойиси.— Кечаси билан уни қидириб чиқдик. У бўлса акасининг
қотили Тепабоғда юрган экан.

Светанинг ойиси ранжиб гапирдими, ё Зухрадан ғурурланиб
гапирдими, Алиев ҳам, Равшан ҳам тушунмади.

— Бориб келайми? — сўради Света.

Алиев ўғлига қаради.

— Мен энди кетаман. Сен Света билан бирга бор. Илтимо-
симни айт. Уйга олиб кет. Бугун у бу ерда қолмагани маъқул.

Улар «Жигули»га ўтириб, йўлга тушишди. Қабристон олис
эмас эди. Кун тиккага келиб қолганидан ҳаво исиб кетган, маши-
нанинг олди жимирларди. Баланд гулдор темир панжарадан
ясалган дарвоза олдида улар машиналарини қолдириб, ичкари-
га киришди. Гуп этиб, муздек ҳаво юзларига урилди. Яна алла-
қандай, қабристондан бўлак ҳеч қаерда сезилмайдиган майин,
ёқимли ҳид димоғларига урилди. Бу ҳид турли хил ўтлару хина

билан ювилган сочнинг ҳидига ўхшаб кетарди. Аммо шу ҳид, шу салқин ҳаво биринчи-қўйилган қадам биланоқ одамнинг кайфиятини ўзгартириб юборади. Ҳозиргина дилни қийнаб турган ташвишлар, алам, хафагарчилик йўқолиб, унинг ўрнини қандайдир сокинлик эгаллайди. Фикрлари ойдинлашади, вужудини ҳаммага, ҳамма нарсага бирдан пайдо бўлган меҳр қоплайди. Дарахларнинг шатир-шутурига, қушларнинг сайрашига мутлақо бошқача диққат ва қизиқиш билан қулоқ солади одам.

Катта йўлқадан бир-икки қадам юришгач, Света тўхтади.

— Балки у ёлғиз бўлмоқчидир? Шу ерда кутақолайлик?

— Тўғри, халақит бермайлик,— рози бўлди Равшан ва серсоя тут тагида турган узун ёғоч курсига ишора қилди.— Утиринг.

Абдулла акаларнинг хилхонаси шундай дарвозадан кириш билан кўринади. Аммо Зухра чўкка тушиб тиззаларига тиралиб ўтиргани ва бутун диққати янги сувоқдан чиққан икки ёнидаги қабрда бўлгани учун уларни кўрмади.

Унинг назарида тут шохига яна ўша таниш мусичалар келиб қўнгандек бўлдилар. У бундан сезиниб кетди. Балки шу қушларни кўриш истаги билан уйдан отилиб чиқиб, қабристонга келгандир?

Мусичалар ку-кулаб, бир-бирларига яқинлашишди. Зухра бошини эгиб қимирлашга ботинмай, қулоқ соларди. Аммо қушлар бир-икки ку-кулаб, қанот қоқишди-да, учиб кетишди.

Бир маҳал кимдир чинқиргандек бўлди. Зухра бошини кўтариб овоз келган томонга қаради. Эндигина қанот ёзиб учишни ўрганаётган қарқуноқ бошқа шохга учиб ўтишни билолмай, эгилган ингичка шохга тирмашиб чинқирар, юқорироқда ўтирган онаси эса хотиржамлик билан бошини сарак-сарак қилиб уни кузатарди.

Зухра ўрнидан турди ва шундагина дарвоза олдидаги узун курсида Света билан бир нотаниш йигит ўтирганини кўрди.

Буни кўриб, Света қаршисига юрди. Йигит унга эргашди.

— Таниш, бу Равшан,— деди Света улар бир-бирларига етишганда.— Қодир ака Алиевнинг ўғиллари.

— Салом,— Равшан унга қўлини узатди.

Зухра қўлини этагига артиб, кўришаркан юзига қаради.

Равшан бўйи биланми, ё кўзлари билан майин, сезилар-сезилмас жилмайиб боқиши биланми, унга акасини эслатди ва бирдан дилида бу бегона йигитга яқинлик пайдо бўлди.

— Адам сизни топишни тайинлаб кетдилар,— деди Равшан, ҳаммалари дарвоза томонга юра бошлашганда.

— Тинчликми? — сўради Зухра.— Назаримда ҳамма иш тугади шекилли?

— Билмадим. Менимча жиноят юз берган жойда ҳеч маҳал иш тугамайди. Битта жиноят иккинчисини тортиб чиқаверади.

— Сиз ҳам юристмисиз? — қизиқди Зухра.

— Ҳали студентман. ТошДУнинг учинчи курсидаман. Сизнинг ҳақингизда уйимизда кўп гапиришади.

Зухра беихтиёр ўгирилиб, бошини у томон бироз кўтариб қаради.

— Афсуски, менинг ҳақимда яхши гап йўқ.

— Аксинча. Фақат яхши гап айтишади, Зухра! Аввало бутун оиламиз номидан, шахсан ўзим номидан сизга чуқур таъзия изҳор қиламан. Бошингизга оғир мусибатлар тушибди. Адамлар шундан хижолатдалар. Вақтида фалокатларнинг олдини ололмадик, дедилар. Илтимос, бугун бизникига борасиз. Сизни олиб кетгани келдим. Кечқурун бафуржа адам билан гаплашасизлар.

Зухра бир нарса деб, эътироз билдирмоқчи эди. Равшан қўймади.

— Истаган пайтингизда, эртагами, индингами олиб келиб қўяман. Фақат бугун ёлғиз қолишингизни адам истамаяптилар.

— Мен ёлғиз эмасман. Ана, Света бор. Жуда қўрқсам, уларникига чиқиб ётаман.

— Тушунаман. Лекин мени ҳам тушунинглар, яхши қизлар. Адамларнинг гапларини иккита қилолмайман.

Равшан айтганидан қайтмаслигини Зухра сезди.

— Майли, олдин уйга ўтайлик. Кейин...

Уйда Зухра меҳмон ҳурмати янги кўрпача олиб чиқиб ёзди, дастурхон тузади-да, ўчоқбошига ўтди. Чой дамлаб келиб нон синдирди. Аммо Равшан бир пиёлагина чой ичган бўлиб, ўрнидан қўзғолди.

— Адам билан учрашиб келай. Икки соатларда қайтсам бўладими?

— Майли, мен тайёр бўлиб тураман,— деди Зухра унинг таклифига кўниб.

Равшан чиқиб Зухра ёлғиз қолди. Энди у бундай ёлғизликка одатлана бошлаган эди. Хонадонлари бошига тушган мушкулотнинг барча тугунлари ечилиб, энди ҳамма нарса ойдинлашган, ноаниқликлар тугаган эди. У энди ёлғиз. На ота-онаси, на опа-укаси бор. Ҳаммаси бу дунёдан ўтиб кетишди. Унинг ўзи қолди. Бу ёлғизлик қанча давом этади? Энди кимга ишониб, кимга суянади?

* * *

Султонов Фатҳилланинг янги қизил «Жигули»сида Нанайнинг ёнғоқзори ичидаги кўздан йироқ боғга етиб келганда, кун пешиндан оғган эди. Бу жойни жуда кам одам биларди. Ўзи ҳам кам келарди. Баъзи-баъзида овни ихтиёр қилиб қолган яқинлари катталарни олиб келарди, холос. Ёввойи эчки, жайрон овлашарди. Албатта номига. Ов баҳона, бир кун — икки кун дам олиб, жаннати овқатлардан оз-оз тамадди қилиб кетишарди. Тинибтинчимас Султоновга бу жой унча маъқул эмас эди. Бўғилиб кетарди. Ҳозир ноилож. Ҳозир у шу ерда бўлиб, Сиддиқовдан хабар кутиши керак эди. Хабарнинг яхши бўлишига Сиддиқовнинг ишончи комил эди. Лекин Султоновнинг дили ёришмади.

Камгап, қўпол, ҳазилни мутлақо тушунмайдиган Фатҳилла қандай қилиб унинг кўнглини олишни билмасди. Боғнинг темир дарвозасини ёпиб, машинасини ошхонанинг орқасига қўйганидан бери, қандай қилиб, нима деб унинг олдига боришни ўйлар-

ди. Бирдан хаёлига бир пайтлари тузлаб кетган зирали бир тўрва бедана келди. Уйдан олиб келган нарсалар ҳам яхши-ю, лекин шу беданаларни серпиёз қилиб қовуриб берса, отанинг чеҳраси ёришармиди.

... Фатҳилла ошхонадаги ишни тугатиб, уйга, ота ёнбошлаб ётган хонага кирди.

Султонов французча коньяк шишасини яримлатиб қўйган эди.

— Кел,— деди у Фатҳиллани кўриб.— Утир. Бир бало қил-япсан шекилли?

— Бедана қовурипман. Сур бедана бор эди.

— Яхши. Ма, ич. Менга қарама. Кайфим йўқроқ, Собиржон ваъда қилди. Ишимиз эрталарга тинчиб кетади. Мабодо тинчимаса, отангни Сибирда кўрасан...

— Ундай деманг. Сизни қамайдиган одам, ўзи қамалиб кетади. Мана мени айтди дейсиз. Собиржон ака хушхабар билан келадилар эртага.

Фатҳилла пиёлани бўшатиб ўрнидан турди.

Кўп ўтмай иккови бир лагандан иштаҳа билан овқатланишни бошлашди. Фатҳилла бошқа ичмади. Аммо отани тўхтатишга ҳам ботинмади. Султонов иккинчи шишани ҳам яримлатди. Сиддиқов қанчалик ишонч билан уни тинчитишга ҳаракат қилмасин, негадир ўзини қопқонга тушган қуёндек ҳис қилар эди. Боққа келиши билан пайдо бўлган шу ҳис қанча ичмасин, қанча вақт ўтмасин барибир тарқамади. Бу бежиз эмас эди. Ҳамма нарса битта Алиевга боғланиб қолгани йўқ. Алиев кўп нарса тўплади унга қарши.

Ақлли одам шундай пайтларда оиласи, бола-чақаси, қариндош-уруғларини ўйлайди. Уларга гап тегмайдиган йўлларни қидиради. Султонов учун шундай йўллар борми? Жуда бўлмаганда, битта йўл топилар?

— Қуй! — буюрди у Фатҳиллага.

Фатҳилла аччиқ ҳинд чойидан қуйиб узатди.

— Анавидан қуй! — жеркиб берди Султонов.— Эсинг борми?!

Фатҳилла истар-истамас қуйди. Султонов пиёладагини ярмини ичиб, ўрнидан турди. Ҳайтовур, у тетик эди. Ҳарҳолда Фатҳиллага шундай туюлди.

Султонов ҳовлига тушиб, боғни бирпас айланди. Боғнинг пастида, ёнғоқзорнинг орқасида нимадир жимирлаб кўринди. Султонов нималигини эслолмади. Оқар сувми, йўлми, билолмади. Йўл тушса, боғнинг тинчи йўқолади. Қайси аҳмоқ шуни ўйлаб топди экан? У дарвозадан чиқиб, шу ёққа йўл солди.

Кетаётиб, Фатҳиллага буюрди:

— Бир ошам бўлса ҳам кечга ош қил.

Фатҳилла озгина бўлса ҳам отанинг чеҳраси ёришганидан хурсанд бўлди ва шу заҳотиёқ ошга уннай кетди.

Ҳа, ақлли одам бола-чақасини ўйлайди. Боғнинг панжара деворини айланиб ўтиб, ёнғоқзорга тушар экан, Султонов миясига шу фикр маҳкам ўтиришиб қолганини пайқади. Қачон

пайдо бўлди ўзи бу фикр? Кечами? Форда эмакляб, жон-жаҳди билан ундан қутулиб чиқиш йўлларини қидиргандами?

Орқадан самосвалнинг овози эшитилди. Афтидан, у бўшга ўхшайди, ўкириб келяпти, тез келяпти. Яқинлашганда сигнал берди. Султонов эшитди, ўтавер, ўтавер, деди ичида у ва чап қўли билан йўл кўрсатди, аммо ўзини четга олмади. Самосвал яна сигнал берди. Султонов тўхтаб ўгирилди ва бир қадам чапга оёқ қўйди. Шу топ девдек ўкириб келаётган машинанинг ҳаворанг тумшуги Султоновнинг кўзларига рўпара келди. Нимадир гурсиллаб унга урилиб кетди. Султонов учиб кетаётгандек, қўлларини ёзди, учгандек ҳам бўлди, кейин нимадир бўйни аралаш юзига ботди. У ерда ётганини, самосвалнинг қулочга сиғмайдиган филдираклари уни кўраги, юз-кўзи аралаш босиб ўтаётганини сезди. Хаёлидан бояги ўйлаган гапи «Ақлли одам!..» — лекин давомини эслолмади, тили айланмади, ҳаммаёқ бирдан қоронғилик ичига фарқ бўлди. Султонов ўлаётганини, оғзига ичидан иссиқ бир нарса қуйилиб келганидан билди. Бу қон эди, у ачинишга ҳам, севинишга ҳам улгурмади.

...Султонов ўз ўлими билан Сиддиқовни талай ташвишлардан халос этган, хотини, бола-чақасига, жаноза ташвишларини ҳисобга олмаганда, осойишталик ва етарли бойлик қолдириб кетган эди. Фатҳилла телефон қилиб, бўлган фожиани батафсил айтиб берганда, Сиддиқов чин юракдан ачинди, айна пайтда унинг ақли ва жасоратига қойил қолди, кўп ташвишлардан қутулганига севинди. Аммо Алиевни йўқотиш учун кўрилган чораларни тўхтатмади. Алиевнинг ҳаёт бўлганидан, йўқ бўлиб кетгани унга маъқул эди. Султоновнинг ўлими билан иш тўхтамайди. Озгина танаффусдан сўнг узилган арқонлар тиклановчи, шогирдлар мустақил ишга ўтадилар. Колхозга, ҳатто Усмоновнинг ўрнига Наримон Султоновни олиб келиш мумкин! Отасининг ўнг қўли эди у. Олим, институтда ишлайди. Халққа ош берилса, керакли ваъдалар қилинса, бегона одамдан кўра, ўзиникини маъқул кўриб сайлаб олади. Жалоловга айтиш керак. Балки у киши ўзи шуни Сиддиқовдан яхши билар. Аммо нима бўлмасин, Алиевни бир ёқли қилиш керак.

* * *

Равшан ваъда қилган вақтида келди. Света шаҳарга тушмайдиган бўлгани учун Зухрани олиб йўлга чиқди.

Эртанги кун ташвишли, оғир бўлса ҳам Зухра ҳозир Алиевнинг ўғли билан Тошкентга, уларникига кетаётганидан хурсанд эди. Алиев «соат ҳақида гаплашамиз», дебди. Майли, нима ҳақида гаплашса, гаплашаверсин. Зухра тайёр. Соатни қайтариб беради. Унга ҳаром соат керак эмас. Пули ҳам. Ҳамма саволларига жавоб беради. Аммо Алиев бу билан на адасини, на акасини, на Фотимани тирилтириб беради. Улар энди йўқ, мангу йўқ. Уларни Зухра фақат тушида кўради, ёлғиз қолган пайтлари уларни чақириб дилдан гаплашади, маслаҳатларини олади. Бошқа улар учун қиладиган иши йўқ, қолмади ҳисоб. Анави ифлос

Султоновни тутишса, шу билан Зухра тинчийди. Ҳозир ҳам анча тинчида. Шунинг учун Алиевнинг таклифини қабул қилди. Кўпдан бери уйига чақирарди. Вақт-соати бугунга тўғри келган экан.

«Жигули» худди дарёда сузиб бораётган қайиқдек қалқиб борарди. Йўғонтепа ортада қолиб кетди. Йўлнинг икки четида баъзилари битган, баъзилари ҳали битмаган, қўғирчоқдек-кўғирчоқдек боғ уйлар бошланди. Кўп ўтмай Зухра яхши кўрадиган жой келди. Жумабозордан ўтилганда йўлнинг икки километрча келадиган қисми тутзорнинг ичидан ўтади. Шу жойга кириш билан одам ўзини ҳаммаёқдан, умуман ҳаётдан узилиб қолгандек ҳис қилади. Зич экилган сербарг тут шохлари орасида атроф кўринмас, бирдан ҳаммаёқ жимжит бўлиб қоларди. Фақат ғилдиракларнинг асфальт йўлда чипиллаб бориши тинчликни бузарди.

Бирдан олдинда, йўлнинг ўртасида кимдир кўринди. Оппоқ кўйлақда эди у. Бошида ҳам оқ дурра. У машина томон қўллари билан силкитиб, югуриб келарди. Бир неча қадам югурганидан сўнг, бошидаги оқ дурраси учиб кетди. Сочлари тўзғиди. Аммо у парво қилмади. Зухра ҳаяжонланиб кетди. У Фотима эди!

— Тўхтатинг! — Зухра шошиб Равшаннинг елкаларига қўллари қўйди.

— Нега? — ҳайрон бўлди Равшан ва ғалати назар билан унинг елкаларидаги оппоқ, кичкина қўлларига қараб қўйди.

— Фотима! Фотима! — қичқирди Зухра.

Шу пайт унинг қулоғи остида Фотиманинг овози жаранглаб кетди:

— Тўхта, Зухра! Тўхтанглар! Тўхтанглар!

Зухра аниқ эшитди. «Нима бўлди ўзи? Фотима қаёқдан пайдо бўлди?» — хаёлидан ўтди.

— Равшан! Сизга айтяпман! Тўхтатинг! Фотимани босиб кетамиз!

— Қани? — Равшан тормозни босди.

— Ана! Югуриб келяпти-ку!? Фотима-ку! — дедию бирдан уни йўқотиб қўйди. Йўлда энди ҳеч нарса йўқ, кимсасиз эди.

— Қани? Ким эди? — деди Равшан ҳамон ҳеч нарсага туншунмай.

— Мени кечиринг. Менга кўринган экан. Балки хайрлашгани, балки кетишимни истамай йўлимни тўсиб чиққандир, — деди Зухра ҳардамхаёллик билан.

Сўнг бироз кўзини юмиб туриб, очди.

— Кетдик... — деди зўрға. Мижжаларида икки томчи ёш кўринди.

Ҳамидулло Юсуф

СУЛАЙМОННОМА

Достондан

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Сулаймоннинг туғилиши

Набиюллоҳ Довуд алайҳиссалом,
Илтижо қилурди Оллоҳга мудом:
«Эй Роббим, ўзингсан халлоқи олам,
Меҳрибон буюксан ҳам соҳибқарам.
Қудратинг тенгсиздур, танҳо абадий,
Борки мавжудотга ўзинг мураббий.
Эҳсонинг бениёз саттори олам,
Воҳиду жовидсан жаббори олам.
Шоҳ сайлаб ҳам соҳиб нубувват қилдинг,
Сендин не тиласам ижобат қилдинг.
Бу кун карамингга эрурман муҳтож,
Мурувват баҳрингни айлагил маввож.
Менга ато этгин бир солиҳ фарзанд,
У поклик нурунган бўлсин баҳраманд.
Бергин унга шафқат ҳам собит иймон,
Айлагил собиру зоҳиду комрон.
У сенинг маҳбубинг, ҳабибинг бўлсин,
Мен каби сожидинг, муҳибинг бўлсин.
Анга шундай бир тахт айлаким насиб,
Ҳеч ким бундай тахтга бўлмасин соҳиб».
Арзи расул Довуд Раҳмонга етди,
Унинг муножотин мустажоб этди.
Алқисса, пайғамбар кўрди бир фарзанд,
Илоҳий нурдан у бўлди баҳраманд.
Ғайбдин ёрлиғ олгач алайҳиссалом,
Сулаймон деб анга қўймиш гўзал ном.

Иблис макри ёхуд нигини Хотам

Довуд қазо қилгач, Раҳимаҳуллох,
Тахтни Сулаймонга қолдирди Оллоҳ.
Ул зот ҳам Тангрининг шокири бўлди,
Содиқ итоату зокири бўлди.
Марҳамат кўрсатиб Холиқи олий,
Мўъмин Сулаймонни сайлади набий.
Бир кеча пайғамбар гўзал боғ аро,
Пурзавқ сайр этибон борарди танҳо.
Ногоҳ, қаршисида бўлдиким падин,
Эгнига оқ либос кийган мўсафид.
Деди: «Эй Сулаймон, тинглагил сўзим,
Бу олам хожаси фақат мен ўзим.
Мен сени ҳабибим қилиб яратдим,
Изингдан нубувват нурын таратдим.
Энди сен ҳамиша итоаткорим,
Нени фармон қилсам ижобаткорим».
Дафъатан Сулаймон қалтираб кетди,
Бор вужудин даҳшат қиёмат этди.
Ботил сўзларидан нафрати ортиб,
Нафрат эмас, балки, ваҳшати ортиб,
Дедиким: «Эй гумроҳ даъвиди Раҳмон,
Билгинки, эмасман шаккоку нодон.
Менинг яратувчим ҳайи зул-жамол,
Ҳам қодир бирдур, ҳайи зул-жалол.
Холиқлиги бирла яратди олам,
Яратди мени ҳам, сен осийни ҳам».
Қаҳрли нигоҳин яшириб алҳол,
Сохта меҳрибонлик ила деди чол:
«Мен сени имтиҳон қилмоқчи эрдим,
Ҳақни танурмисан, билмоқчи эрдим.
Мен бир фариштаман аҳли жаннатдин,
Хушпаён келтирдим Роббинг Раҳматдин.
Мана бу тумморни ол, Набиюллоҳ,
Ани йўқотмагил чун берди Оллоҳ.
Ҳар қандай кулфатдан асрагай сени,
Ижобат айлагай тиласанг нени!..
Қўлин чўзган эди ҳамки Сулаймон,
Ғайбдан овоз келиб деди ногоҳон:
«Олмагин тумморни, эй Ҳақ муниси,
Андин таралмоқда жаҳаннам иси».
Пайғамбар билдики, бул зот Шайтондур,
Ал-кофиру биллоҳ фирибгар жондур.
Шунда, «Ла илаҳа иллаллоҳ!» дебон,
Иблисга тош отди ҳазрат Сулаймон.
Ул алайҳиллаъна бўлдию ғойиб,
Мўъжиза рўй берди ногоҳ ғаройиб.
Сокин тун кўйинини этиб мунаввар,
Гўё кўкдин қулаб тушгандек қамар,
Улкан қанотларин ёйиб самода,
Саҳобдек муаллақ туриб ҳавода,
Фаришта Жабройил алайҳиссалом,
Улуғвор товушда бошлади калом:

«Аё Расулulloҳ! Меҳрибон Холиқ
Сени ўз ажрига сайлади лойиқ.
Амри маъруф ила бугундин буён,
Сен ушбу жаҳонга танҳо ҳукмрон.
Ҳақ сени сайлабдур соҳибсалтанат,
Ҳам яна айлайбдур соҳибитальят!»
Бир гулнинг оғзида ярқираб алҳол,
Пайдо бўлди узук заршабнам мисол.
Олтиндек товланиб ёндирди ҳар ён,
Гўё ёғдусидин нурланмиш жаҳон.
Унга битик эрур илоҳий муҳр
Ва ёхуд жо эрур илоҳий сеҳр.
Эшитилди ногоҳ жаранглаб шу тоб:
«Узукни ол!» деган бир қатъий хитоб.
Лек, бунга Сулаймон ботинолмади,
Ҳаттоки, бир лаҳза қарай олмади
Ва яна янгради шунда ногоҳон:
«Узукни ол!» деган иккинчи фармон.
Бу садодан кўрқиб жаноб пайғамбар,
Базўр ул нигинга ташлади назар.
Боқдию оғриқдан ушлаб кўзини,
Йиғлаб баён этди жавоб сўзини:
«Аё Рухул амин, қандай ҳикмат бу,
Ахир, кўзларимни куйдирар ёғду?»
Оламни титратиб сўнг учинчи бор,
Таралди: «Ол!!!» деган хитоби Жаббор.
Набиюллоҳ деди титраб вужуди:
«Эй буюқ оламнинг буюқ Маъбуд!
Холиқи моҳирсен, хилқатда танҳо,
Ҳақими моҳирсен, қисматда танҳо!»
Нигиндан таралган нурлар шу замон,
Узукнинг кўзига бўлди тез пинҳон.
«Бу не мўъжиза?» деб, ушбу фурсатда,
Жаноб расулulloҳ қолди ҳайратда.
Жабройил ҳар недан воқиф бўлубон,
Кўк узра муаллақ турарди ҳамон.
Бирдан эшитилгач Тангрининг сўзи,
Ҳазратга узукни тақмишдур ўзи.
Сўнг оқ қанотларин кўк узра қоқиб,
Деди Сулаймонга масъудвор боқиб:
«Аё Расулulloҳ, сўзим этгил ёд,
Сен энди жаҳонга шоҳсан умрбод.
Хушжамол парилар сенгадир тобе,
Девлар, жинлар аҳли амрингга соме.
Даҳшатли, суронли ел, бўронлар ҳам
Ҳукмингга мунтазир турурлар ҳар дам.
Барчасин узукка банд этиб Қаҳдор,
Сени комкор қилди, ҳам мўъжизакор!»
Сўнг уни бошқариш дуосин, айтиб,
Жабройил ортига учмишдур қайтиб.

Вухушлар ҳамласи

Пешин намозини ўқиб пайғамбар,
Девларнинг ишидан олмишдур хабар.

Лек, алар қутуриб, кўтариб исён,
Гулзору боғларни этганча пайҳон,
Ҳар бири лаиндек ҳайқирмиш ҳадеб,
«Шайтон хоҷамиздур, Шайтон улуг!» деб.
Расулulloҳ сезди, уларни яна
Алдамиш Азозил алайҳиллаъна.
Амри ҳазрат ила бўлди тез зоҳир,
Жинларнинг сардори Жаҳаҳинжассир.
Сулаймон ул жинга бир қамчи берди,
Мақсад — фосиқларни жазолаш эрди.
Нафратдан ул махлуқ гўё қутуриб,
Девларни аёвсиз савалаб уриб,
То улар танидан чиққунча Шайтон,
Тинмай азоблади қилганча сурон.
Қаттиқ уввос солиб тўлғаниб шу зум,
Кўринди ваҳшатли қуюни самум.
У ҳам девлар сари бостириб келмиш,
Улар боши узра айланиб елмиш.
Иссиқ ҳароратга қилолмай тоқат,
Куйиб жон бермишлар навбатма-навбат.
Мотам куни каби гўё ушбу кун,
Дод-фарёдга тўлди замин у гардун.
Даҳшатдан мавжланиб баҳрул адоват,
Гўё уйғонгандек ёвуз қабоҳат,
Даҳшатли ўкириб қутурганнамо,
Чиқмиш икки бошли етти аждаҳо.
Алар наърасидан титрарди жаҳон,
Мотамий либосни киймишдур осмон.
Кўк юзин қузғунлар қоплаб олмишдур,
Қуёш ҳам зулматлар аро қолмишдур.
Жаҳаннам ғоридек оғзин очибон,
Гўё дўзах ўтин пурқаб ҳар томон,
Қонга ташна бўлиб ул тўққиз вуқуш,
Қанотларин ёзиб бамисоли қуш,
Девларнинг халоскор дўсти сингари,
Шиддат-ла учмишлар пайғамбар сари.
Қора булут каби кўк узра елмиш,
Ғайир нийят ила бостириб келмиш.
Даҳшатли бўлса-да ушбу манзара
Ва лекин халойиқ қўрқмасди сира.
Дейишар: «Сулаймон расули Оллоҳ,
Тангри ўзи бизга бергайдур паноҳ!»
Набиуллоҳ Ҳақни нажоткор билиб,
Ояти Забурдин тўловат қилиб,
Такбир айтиб, сажда айлаб беадад,
Мавло таолодан сўради мадад.
Вазир Осаф шошиб деди шу замон:
«Сиздан хавотирда аҳли мусулмон.
Хатарсиз панага беркининг дарров,
Даҳшатли ўкириб келмоқдадир ёв».
«Сўзимни ёд этинг, эй ҳайрул вазир,
Яширинмоғимдан наф йўқ барибир.
Бу ерда қолмоғим хавфлидур, албат,
Чунким, салтанатга келгай кўп кулфат.
Муфсидлар ҳар ёқни вайрон эткайдур,
Унда халқимга ҳам зиён еткайдур.

Енгилмас фотиҳсен, ғолиб муқаррар,
Буюк Раҳмонингни ёд э муқаррар!»
Бирдан олов ичра бўлибон зоҳир,
Самандар келтирди сеҳрли шамшир.
Малъунлар тўдаси оловин пуркаб,
Пайғамбарни қувиб етдилар, ё раб!
Нишли панжаларин ўқталиб бебок,
Маҳв этмоқ бўлдилар улар ғазабнок.
Лек, ул зот бир лаҳза ростлаб нафасин,
Кесиб ташламышдур ёвлар панжасин.
Сўнги зарбаларга беролмайин тоб,
Қилич тенг иккига бўлинди шу тоб.
«Воҳ, менинг қисматим ушбудир, наҳот?»
Дея расулуллоҳ қилди муножот:
«Ё, Мавло таоло меҳрибон эгам,
Қувватим қолмади билегимда ҳам.
Узинг қодий, ўзинг айла ҳидоят?»
Жабройилдан жавоб келди ниҳоят:
«Сенинг илқингдаги қудратли Раҳмон,
Покиза қалбингга кўчирди бул он!»
Ушбу лаҳза ҳазрат деди баралла:
«Субҳаноллоҳ, изи авва ва жалла!»
Хунхўр аждаҳолар қаҳрга тўлиб,
Уни хокитуроб айламоқ бўлиб
Ғажиб ташлашмоқчи эдилар, ногоҳ.
Ул зотга тишлари ўтмади эвоҳ!
Албатта, Тангрининг хоҳиши бирлан,
Шундайин мўъжиза юз берди бирдан.
Шу лаҳза саждалар айлаб пайғамбар,
Наъра тортиб айтди: «Оллоҳу акбар!»
Овозидан ер, кўк ларзага келди,
Қўзғалиб бўронлар, довуллар елди.
Гўё беланчакни тебратган мисол,
Уммонлар чайқала бошлади алҳол.
Ўз бағрини чок-чок этгандек афлок,
Чақмоқ чақиб турди тинмай қаҳрнок.
Дарғазаб самодан тушдию яшин,
Қўҳитанг тоғини қилди чилпарчин.
Унинг парча-парча тошлари шул он
Ёвларга сочилди бўлиб тошбўрон.
Улар азобларга беролмай чидам,
Мангу ер қаърига қочдилар илдам.
Девлар воқеадан бўлгач бохабар,
Қўрқиб ваҳимага тушдилар баттар.
Ўз қилмишларидан қилиб пушаймон,
Бир-бирин қучоқлаб йиғлашди нолон.
Одил ҳукм ила алайҳиссалом,
Барчасин занжирбанд айлагач тамом,
Ўзларин гуноҳдан тийиб олдилар,
Ҳазратнинг амрига содиқ қолдилар.
Рўзи зафар билан қутлашиб ҳуррам,
Аҳли мусулмонлар бўлди жамулжам...

ИМТИХОН

Набий узоқ юрди қирларда сарсон,
Сув тополмай ҳоли бўлди паришон.
Маъбуднинг фармони ила ушбу чок,
Узин ниҳон тутди жумлаи булок.
Азобдан тўлғаниб забун пайғамбар,
Бу сирли жумбоқдан кўрқарди баттар.
«Наҳот ёвуз Иблис аср этди мани,
Ё раб! Билакдаги қувватим қани?
Нечук сукут сақлар қалбим туғени,
Шайтон макон тутди наҳотки они?
Ё ҳукми носахиҳ этдимми бир бор,
Гуноҳдин асрагин, соҳиби асрор!»
Мадорсиз кўзлари тиниб шу фурсат,
Ерга юзи билан йиқилди ҳазрат.
Бирдан қаршисида мўъжизасимон,
Кимхобий бир чодир бўлди намоён.
Сулаймон ҳайратдан лол бўлиб шу тоб,
Уйлади: «Бу тушми ва ёким сароб?»
Сирдан воқиф бўлмоқ учун пайғамбар,
Қароргоҳ ичига ташлади назар.
Шул пайт, қарши олди, бир гўзал дилдор,
Гўёки малаклар аҳлига сардор.
Дилни телба қилур париваш юзи,
Кўриб хижилдурур Зухро юлдузи.
Фасоҳат боғининг фасиҳ гули — у,
Нафосат боғининг нафис гули — у.
Ул дилбар ноз ила айлаб эҳтиром,
Бошин эгиб аста бошлади калом:
«Эй олам жалоли, соҳиби жаҳон,
Улуғлар улуғи, эй меҳри рахшон.
Бу жаҳон аҳлининг ҳукмпарвари,
Обидлар аҳлининг маҳбуб сарвари.
Бу фақир даргоҳга хуш келибдурлар,
Бахт кўшиб жонимга хуш келибдурлар.
Пурқутлуғ ташрифдан нурланди кулбам,
Марҳамат, меҳмоним бўлингиз бир дам!»
«Эй гўзал маҳлиқо, рўйи гулбаҳор,
Мени бир жумбоқдин айла хабардор,
Бу ҳолат тушда рўй бермоқдами ё,
Мен ақлдин қолдим, сен эса рўё?
Гар ҳақиқат бўлса, айт, моҳитобон,
Не сабабдин қирни этдинг ошиён!»
Ул ожиза жавоб бермади, аммо,
Хандон отиб кулди масхаранамо,
Сўнг, олтин қадаҳга тўлдириб шароб,
Минг лутфу ноз ила сўзлади шитоб:
«Ҳазратим, қир оша кезмоқлик душвор,
Кўп қолдан толибсиз, дам олмақ даркор.
Ташналик жабридин чекиб азият,
Ҳолингиз сарзабун бўлибдур ғоят.
Мен-ла, май ичмакни қилмасалар рад,
Узимни энг бахтли ҳис этгум минбаъд!»
Лутфу карамлардан эриб Сулаймон,

«Бисмиллоҳ»ни айтган эдики, шу он
Суббуҳу Қуддуснинг қудрати бирлан,
У тилло паймона синди дафъатан
Ва лекин заифа лол бўлмай ногоҳ,
Яна пайғамбарга узатмиш қадаҳ.
Расулulloҳ майни ичмоқдин илк бор,
Яна бисмиллоҳни ёд этди такрор.
Воҳ, яна рўй берди аввалги ҳолат,
Қаттиқ ҳаяжонда қолмишдур ҳазрат:
«Жумбоқнинг устига, ажаб, яна сир,
Буларнинг жавоби бормикин, ахир?
Эй Самӣул ниёз, айла бохабар,
Ўзинг ҳикматлисан, Оллоҳу акбар!»
Расулulloҳ такбир айтаётган он,
Ногоҳ соҳибжамол лояқилсимон
Хандон отиб кулди, сасидан бу дам,
Сомитга айланди замин у олам.
Қора парда бирлан рўйин тўсди кун,
Сувга шўнғиб кетди нилуфар дилхун.
Бу ҳолат ҳазратни баттар лол этди,
Вужуди жумбоққа айланиб кетди.
«Наҳот, телба бўлдим, наҳотки, наҳот?
Акрамал акрамин, ўзинг бер нажот!»
Бир нени сезгандек шул пайт пайғамбар,
Қизнинг рухсорига ташлади назар.
Қизнинг кўзларида қабоҳат ниҳон,
Жодулик, осийлик, разолат ниҳон.
Жумбоқнинг ечими фoш бўлди, мана,
Ҳа, бу ўша Иблис алайҳиллаъна.
Раҳматлар эгаси меҳрибон Раҳмон,
Жаноб Сулаймонни айлаб имтиҳон,
Шайтоннинг макрига қилганди дучор,
Шайтон қиз шаклида бўлиб падидор
Унга тутган эди суроҳий шароб,
Шаробким, ким ичса элтар мангу хоб.
Лек, ҳазрат Оллоҳни этган учун ёд,
Даҳшатли ҳолатдин қилинди озод.
Бу сирдин Сулаймон этилгач воқиф,
Қаҳр ўти аланга олди бетаъриф.
Унинг бу аҳволи кўрқувга солди
Ва дарҳол Азозил кўздин йўқолди.
Набиюллоҳ ҳақдин сўраб истиғфор,
Тасбеҳу такбирни ёд этди такрор.
Мўъжиза юз бериб пойидан шул дам,
Отилиб чиқди воҳ, чашмаи малҳам.
Лек, булоқдин қониб ичмай ҳайрунос,
Қақроқ лабларини намлади, холос.
Сўнг, эса Тангрига раҳматлар айтди
Ва саройи томон фориғбол қайтди.

Нигини Ҳотам маҳви

Тонг. Жаноб таҳорат — олмоқчи эрди,
Узугин канизак Жамроҳга берди.

Бу қулай фурсатнинг огоҳи бўлиб,
Ғайир ниятидин севинчга тўлиб,
Девларнинг маккори Ҳақиқ жодугар,
Сулаймон шаклида бўлиб падидор,
Нигинни каниздан олгач, шу фурсат,
Анга жину девлар қилди итоат.
Набийнинг тахтига чиқиб олиб ул,
Ҳукм эта бошлади буткул номақбул.
Пайғамбар чиққандан сўнг мустароҳдин,
Нигини Ҳотамин сўрди Жамроҳдин.
Лек, каниз танимай дедиким ҳайрон:
«Узукни олмишдур ҳазрат Сулаймон».
Тахтига боқдиким, ишонмай сўзга,
Ўзин сувратида ўтирмиш ўзга.
Энди Ҳақиқ мани қилгай деб ҳалок,
Алҳолда қасрдин қочди ҳавлноқ.
Юртларни пиёда кезиб саргардон,
Ақволи бўлмишдур забун, паришон.
Унинг рўи буткул ўзгача эрди,
Ҳақ иродаси-ла бу ҳол юз берди.
Одамлар сўрдилар: «Кимсан, эй ғариб?
Не учун бунчалар ҳолинг мустариб?
Либосинг йиртиқдир, дасторинг лой, чанг,
Ўзингда ранг йўқдир, оёғинг яланг».
Йиғлаб жавоб қилди: «Аё, халойиқ!
Бу мен, Сулаймонман, Расули Холиқ!»
Лек, одамлар уни лояқил-телба,
Ҳақга осий бўлган бир дайди, дея.
Хунук сўзлар ила сўкишиб қат-қат,
Тошбўрон қилдилар, уриб бешафқат...
... Анинг тахтин минган Ҳақиқ — қаллоб шоҳ,
Номашруъ ҳукм эта бошлади ногоҳ.
Амридин норизо бўлгач халойиқ,
Дев ўзин шоҳлиққа кўрмади лойиқ.
Эл қаҳридин кўрқиб, кўзлаб бир дамни,
Қочди ва денгизга отди Ҳотамни.
Улуғ яратувчи айлагач ёрлиғ,
Уни ютди Архам отлиғ бир балиғ.
Набиюллоҳ ночор, ҳоли сарзабун,
Сарсон яёв юрди тушгунича тун.
Қаршисида пайдо бўлди ногоҳон,
Тавқи лаънат илган бадният Шайтон.
«Сендан юз ўғирди минбаъд Оллоҳинг,
Энди фойдасиздур фарёду оҳинг.
Сен уни меҳрибон, буюк билурсан,
Кечаю кундузи сажда қилурсан.
Лек, у эл ичинда айлаб хусумат,
Бошингга солмишдур не-не мусибат.
Ҳақ сени унутди, сен ҳам ундан кеч,
Унга сифинмоқни одат этма ҳеч.
Шунда у хатони ўзидан кўрар,
Ҳам сендан Раҳмонинг кечирим сўрар!»
Ҳазратнинг кўзлари жавдираб кетди,
Лаблари қалтираб бирдан қаҳр этди:
«Эй қалб қароқчиси — алайкаллаъна,
Билгинки, ҳамиша азза ман қанаъ!»

Фикримда, зикримда Оллоҳ мунфарид,
Ҳолим забун, аммо, иймоним шадид.
То сокин бўлгунча дилда тугёним,
То томчи қолгунча эътиқод қоним,
Елкамга ғам тоғи ағдарилса ҳам,
Тангримга ибодат қилурман ҳар дам.
Таоло роҳимдур ва танҳо масжуд,
Қудрати абадан ва ҳайи вадуд».
Иблис ниятига етолмай шу тоб,
Кўздин ғойиб бўлди мисоли сароб.
Тун. Зулмат кокилин қилди паришон,
Мунаққаш либосин кийди кенг осмон.
Неча маъволарни кезиб дарбадар,
Денгиз соҳилига етди пайғамбар.
Улкан тош устига ўлтириб ул зот,
Ягона маъбудга этди муножот:
«Е Самиъул ниёз, соҳиби карам,
Ўзинг субҳон эгам, саттори олам.
Ўзинг мани расул ҳам шоҳ сайладинг,
Сўнг, яна баридин жудо айладинг,
Тақдир китобимга битсанг-да, нени,
Сарзабун ўтсам-да, васф эткум сени.
Майлига умрбод айла хору зор,
Лек, сендин, Илоҳим, бир ўтинчим бор.
Шайтон макр этганда қилмагил ожиз,
Иймоним машъалин сўндирма ҳаргиз!»
Расулуллоҳ инграб чекканида оҳ,
Пўртана денгиз ҳам жим қолди ногоҳ.
Ҳар томчи кўз ёши томганда, ё раб,
«Оллоҳ!» деган садо чиқмиш жаранглаб.
Ҳазратнинг ҳолига айлабон назар,
Заъфарон ой рўйи сарғайди баттар.
Бирдан еру осмон этдиким нидо:
«Расулинг гуноҳин авф этгил, Худо!»
Парвардигор тинглаб улар дилхоҳин,
Мағфират айлади набий гуноҳин.
Сўнг, денгиз чайқалиб, тошиб ҳар ёққа,
Баҳайбат бир наҳанг чиқди кирғоққа.
Улкан балиқларнинг подшоҳи Архам,
Оғзида келтирмиш нигини Ҳотам.
Сулаймон қалбида шодлик уйғониб,
Узугин олди ва тақди қувониб.
Пайғамбар ҳамд айтиб Робби ваҳдатга,
Яна қайтиб борди тахт, салтанатга...

Қирқ кун ибодат

Аста айлантириб бу чарх дунёни,
Ўтиб бораверди вақтлар қарвони.
Набиюллоҳ ҳамон бақувват-бардам,
Иймонин машъали шадид яна ҳам.
Умр баҳоридин тўкилган гуллар,
Сочларига безак бўлиб кўнмишлар.
Гарчи келса ҳамки кексалик ёши,
Ҳануз балқир эди рўйин қуёши.

Даъват тулпорини минганча мудом,
Пайғамбарлик бурчин эттирди давом.
Бир кун туш кўрди расули раҳмат,
Фалакларни кезиб қилмиш саёҳат.
Олтинчи фалакни титратиб чунон,
Қадамлар товуши янграмиш, шу он.
Бу эса кўкни пора этгудек эрди,
Юлдузлар тўкилиб кетгудек эрди.
Ҳайбатли товушни эшитиб ногоҳ,
Сулаймон демишки: «Паноҳ бер, Оллоҳ!»
Шул пайт, Рухул амин бўлиб падидор,
Бул ажиб ҳикматдин қилмиш хабардор:
«Аё Расулulloҳ, бўлма ҳеч ҳайрон,
Ул зот Азроилдир-фариштаи жон!»
Шоҳ Сулаймон, алҳол, уйғониб кетди,
Туш унинг вужудин ҳушёрроқ этди.
Атрофга боққанча ҳаёлга толди:
«Демак, қазо яқин, умрим оз қолди».
Ҳазратни бахт нури чулғаб батамом,
Қалбига тушмишдур илоҳий илҳом.
Вужуди тўлган пайт нажиб қудратга,
Ул зот кириб кетди байтул тоатга.
Икки кун ўтдиким йўқ эрди дарак,
Қошига кирмоққа йўқ ботир юрак.
Узоқ давом этди ул ибодати,
Кўп хавотир олди муслим уммати.
Кимлардур оҳ чекди бўлиб гирёна:
«Шоҳимиз ужмоҳга бўлмиш равона».
Вазир Осаф деди: «Аҳли эътиқод!
Қайғуни унутинг, қилмангиз фарёд!
Ҳаргиз дилингизда тутмангиз мотам,
Пайғамбар тирикдир, валлоҳу аълам!
Оллоҳ номи бирла айтгум муқаррар,
Расулulloҳ бир кун чиқгай муқаррар!»
Шундан сўнг кўркувни тез унутдилар.
Ва фараҳли кунни илҳақ кутдилар.
Тулпорини миниб вақт ўтаверди,
Неча бор тонг отиб ҳам ботаверди.
Ниҳоят келганда қирқ биринчи кун,
Уфқнинг қонига белангач гардун
Поклик эҳромига ўралиб шодон,
Ибодат уйидан чиқди Сулаймон.
Рўйидан кенг олам нурланиб кетди,
Қалбларни қайғулар бартараф этди.
Барча мусулмонлар ёқасин ушлаб,
Бу не мўъжиз дея айтмишлар: «Ё раб!»
... Бир кун, бор мусулмон аҳли жам бўлиб,
Қуддус кўчалари лиммо-лим тўлиб,
Вазир Осаф чиқиб катта минбарга,
Наът, мактовлар айтди ул пайғамбарга.
Сўнг, ваъз баён айлаб ҳабиби карим,
Деди: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!
Эй навофат аҳли, эй ибодиллоҳ,
Бизларни яратган алҳамдулиллоҳ.
Тоат бирла мудом кўнгул чоғлангиз,
Дилга ҳаблulloҳни маҳкам боғлангиз.

Иймон дури бирла зийнатланг дилни,
Оллоҳ зикри бирла банд этинг тилни.
Кимки, «Бисмиллоҳ»ни зикр этса ҳар дам,
Ҳаттоки заққум ҳам болдек берур таъм.
Эътиқод нурига чулғаб вужудни,
Ҳар лаҳза ёд айланг буюк Маъбудни.
Ҳаргиз унутманглар, ёд сақланг ҳар он,
Энг хатарли душман — нафс ила Шайтон.
Мўъминлар, бўлингиз содиқ итоат,
Ҳамиша Тангридин тиланг шафоат.
Ғофил вужудларни тезроқ ҳушёрланг,
Поклик эҳромингиз тезроқ тайёрланг.
Бир кун келгайдурким, унда бўлгай кеч,
Афсусу надомат наф бермагай ҳеч.
Вақт келиб қиёмат уфқи тонг отар,
Мадфун ўтмишни ҳам қайта уйғотар.
Ногаҳон кўшилиб кундуз ила тун,
Тоғу тошлар ёниб бўлганда тутун.
Ой, қуёш заррага айланиб кетгач,
Даҳшатли она ер бағрин чок этгач,
Қачонки, маҳшарнинг чироғи ёнар,
Қабр аҳли нилуфар гулдек уйғонар.
Ғар кимнинг устида бўлса оқ либос,
Демакким, ул мўъмин пок жаннатга хос.
У кун мусулмонлар уйғонгай масрур,
Уларни кутгайдур равзаи маъмур.
Малаклар қанотин қилиб пойандоз,
Ужмоҳга кузатиб қўяр, чалиб соз.
Ё раб! Умматимга ўзинг қарам қил,
Муқаддас боғингга соҳиб қадам қил!
Осийлар қабрдан яланғоч турар,
Даҳшатдан қочолмай ўз-ўзин урар.
Аммо, ҳеч қаердан тополмай паноҳ,
Қўрқинчдан махлуққа айланар ногоҳ.
Улар ўз-ўзларин ўлдирмоқ бўлур,
Лек, мангу оламда, ахир, ким ўлур?
Ёр узра тўлғаниб қилурлар фарёд,
Бироқ, ҳеч ким минбаъд бермагай имдод.
Дўзах найзаларин санчиб аларга,
Азоб малаклари ҳайдар сақарга.
Ул даҳшатли маскан жазо ўчоғи,
Ловуллаб ёнажак ҳатто тупроғи.
Кўкда сузиб юрар қора тутунлар,
Янграйди фарёду чинқирик унлар.
Иссиқ ҳароратга қилиб бўлмас дош,
Қошида учқунга ўхшайди қуёш».
Ҳазратнинг сўзларин халойиқ тинглаб,
Дедилар: «Бизларга паноҳ бер, ё раб!»
Ул зот кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёш,
Ортиқ сўзламоққа йўқ эди бардош.
Тўйиб нафас олиб, энг сўнгги бора,
Солиқ умматига қилди наззора.
Муборак кўзларин тикиб кўк томон,
Дуога қўл очди расул Сулаймон:
«Наузибиллаҳи мин ғазабиллоҳ,
Наузибиллаҳи мин азобиллоҳ!..»

Абдуғафур Расулов

ҚАТРАНИНГ ИМҚОНИЯТЛАРИ

Бундан саксон йил илгари «Садон Туркистон» газетасида (1914 йил, 15-сон) ўн етти ёшли Чўлпоннинг «Адабиёт надур?» номли миттигина мақоласи босилди. Кутилмаган бу савол каттадан-кичик ҳамманинг диққатини жалб этди. Чиндан ҳам, адабиёт қачон, нега пайдо бўлган, вазифаси, бурчи, масъулияти нима? Кўндаланг қўйилган мазкур савол юзлаб асарларни яхлит вужудга уюштиргандай, яратилиши зарур бўлиб қолган адабиётшунослик тарихини намоён этгандай бўлди.

«Адабиёт надур?!» саволига, Чўлпоннинг ўзи шундай жавоб берди: «...ҳаётимизнинг бетўхтов ҳаракат қилиб турмоғи учун сув, ҳаво нақадар зарур бўлса, кундалик маишатимиз йўлинда руҳимиз ва вужудимизни заҳматкаш фалакнинг қора кирлари, аччиқ қурумларидан ювиб турмоқ учун адабиёт шу қадар зарурдир.

Ўз адабиётининг тараққиёти борасинда жустужў қилиб, ҳар тоифа адиб ва шоирлар етиштирмоқ ғамини емаган миллат ахир бир кун ҳиссиётлардан, ўй-фикрлардан маҳрум қолиб, охир-натихада маънан инқироз сари юз тутар. Муни инкор қилиб бўлмас, асло. Инкор қилғон халқ ўзини инқироз дарёсига фарқ бўлури иқдор қилғонидур». Чўлпон ўз саволига истиқбол, истиқлолга юз тутиб жавоб берди.

Мазкур саволга узоқ йиллар давомида жавоб бериб борилди. Дарслик, назарий тадқиқот, мақолалар тўплamlари ёзила бошланди. Абдурахмон Саъдий «Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари» (1924) дарслигини, Фитрат «Адабиёт қоидалари» (1926) қўлланмасини яратди. Икки-уч йил орасида С. Айнийнинг «Намунаи адабиёти тожик», Фитратнинг «Ўзбек адабиёти намуналари» номли асарлари пайдо бўлди. 30-йилларда Ж.Бойбўлатов, Миён Бузрук, О. Шарафиддинов ва С. Хусайнларнинг ўзбек адабиёти тарихи масалалари ёритилган асарлари китобхонлар ҳукмига ҳавола этилди.

«Адабиёт надур?» дея кескин қўйилган савол йироқ асрлар қаъридан бошлаб шаклланиб келаётган адабий тарихимизни муносиб баҳолаш ва тўғри даврлаштиришни тақозо этади. Инсоний қадриятларни бойитишга сал-пал бўлса-да ҳисса қўшган асар борки, у халқ маданиятининг таркибий қисми, ундан воз кечиб бўлмайди. Афсуски, ҳар бир замон ва даврнинг ҳукмрон мафкураси бўлиб, у ҳамиша ҳам умуминсоний қадрият-

лар талаби мезонларига мос келавермайди. Аниқроғи, жорий сиёсат, мафкура билан инсоний қадрият орасида кўпина номутаносиблик, зиддият рўй беради. Инсоният тарихида ҳамиша ғоялар, мафкуралар, ранг-баранг таълимотлар кураши давом этиб келган. Биронта оқим, ғоявий ақида ўзини зинҳор инсоний қадриятларга эид деб билмайди. XIX аср ўрталаридан бошлаб шаклланган, XX асрда ер куррасининг анчагина қисмида ҳукмронлик қилган марксча-ленинча таълимот ҳам ўзини умуминсоний қадриятларнинг ҳақиқий ҳимоячиси, бойитувчиси деб эълон қилди. Лекин айни вақтда, умуминсоний қадриятлар манбаи ҳисобланган динни бутунлай инкор этди. Бошқача айтганда, марксизм ҳар хил баҳонаи сабаб билан ўтмиш маданиятини, хоссатан бизда Исломи дини асосида шаклланган, ривожланган фанлар, санъатлар ва адабиётларни инкор қилди. Минг йиллар давомида яратилган кўплаб асарлар яроқсиз деб топилди. 1917 йилдаги Октябрь тўнтаришигача мавжуд бўлган мумтоз адабиёт ҳам бўйига, ҳам энига бўлак-бўлак қилиб ташланди. Марказий Осиёдаги халқларнинг бой санъати ва адабиёти сунъий равишда «прогрессив» ва «реакцион» қисмга ажратилди. Фожиа шундаки, бундай ажратилишнинг илмий асоси, аниқ-равшан меъёри, ўлчови йўқ эди. Аввалига илғор ҳисобланган асар ёки ёзувчи ижоди бирдан зарарли бўлиб қолиши ҳеч гап эмас эди. Ўтмишда яшаб ўтган даҳо санъаткорлар тақдири, ўлмас асарларнинг қадрияти коммунистик мафкуранинг чаламулла амалдорлари кайфиятига боғлиқ бўлиб қолди. Масалан, 1917 йил Октябрь тўнтаришидан то 1938 йилгача Алишер Навоийдек буюк даҳо ижоди гоҳ «реакцион», гоҳ «прогрессив» қирғоққа улоқтирилди. Жумладан, Абдураҳмон Саъдий 20-йилларда Алишер Навоийни йирик «феодал», «аристократ» сифатида инкор этган бўлса, 40-йилларда ёзган докторлик илмий ишида уни буюк инқилобчи сифатида кўрсатишдан ор қилмади. Аҳмад Яссавий, Ҳусайн Бойқаро, Бобур, Нодиралар ижоди, ўнлаб халқ дostonлари ҳам шу тарика овораи сарсон бўлди. Миён Бузрукнинг «Ўрта Осиё ва ўзбек адабиёти тарихига умумий қараш» (1930) китобида ўтмиш адабиёти ҳар томонлама яроқсиз, янги турмуш тақозосига ёт деган хулосага келинди:

«Эски чифатой адабиётиндан янги пролетар адабиётга руҳ, мазмун ва шакл эътибори ила қараганда, фойдаланув йўли кўринмайди, яъни эски адабиётни тузатиб, янги турмуш тақозосига жавоб берарлик бир ҳолга келтириш учун имконият кўринмайди. Эски ва янги адабиёт ораларида кичик бир муқояса қилиб кўраимиз.

1. Эски адабиёт устида ҳоким бўлган руҳ, деганимиз каби дин ва тасаввуфдир; у дунёнинг — ҳаётнинг ҳар бир талаб ва тақозосига дин-тасаввуф ойнаги ила қарайди. Янги пролетар адабиёти эса диннинг ҳокимиятига қарши курашади; унинг дин ила келишув-муроса қилиб яшаши учун имкон йўқдир... Пролетар адабиёти руҳ эътибори ила эски адабий меросдан фойдалана олмайди.

2. Эски чифатой адабиётининг ғояси саёз, подшоҳ ва умумият ила кучли ҳоким шахслардир; унинг кучсизлантирилган ва маҳкум омма, халқ ила бўлган кичик ва чегарали алоқасида яна у юқори табақанинг фойдаси учундир. Янги пролетар адабиётининг мақсад ва ғояси эса инсонлар орасида роҳатни умумлаштирмақдир: унинг назарида шахслар эмас, инсонлар жамяти туради».

Кўрамизки, ўзбек шўро адабиётшунослари адабиёт тарихини даврлаштиришда марксча-ленинча таълимотга суянганлар. Аниқроғи, бу таълимот зўра боргани сайин адабиётшуносларда қизиллик, тарафкашлик кучайди. Профессор Фитрат «Ўзбек адабиёти намуналари» асарига адабиёт тарихини қоплови (қулдорлик даври), феодализм ҳамда савдо сармойеси даврларига ажратади. Олим марксизмнинг ижтимоий тузум ҳақидаги назариясига таянган. Ж. Бойбулатов бу фикр замон руҳига мос

келмаслигини сезиб, ўз мулоҳазаларини матбуотда баён қилади. Фитрат эса унга қарши «Ёпишмаган гажжаклар» деган мақола ёзиб, «марксизм усулининг талаб қилгани йўл менинг тақсимиmdir», дейди.

Миён Бузрук юқорида айтилган китобида профессор Самойлович туркий ёзма адабиётни «Қорахонийлар даври адабиёти», Сирдарё бўйлари ва Хоразмда туғилган қипчоқ-ўғуз даври адабиёти» ва «XV-XVI асрдаги Чигатой адабиёти» даврларига бўлганини айтади. Узи эса, Аҳмад Яссавий даври адабиёти, Олтин Урда адабиёти, Чигатой адабиёти, Узбеклар давридаги адабиёт, Олтин Бешик даври адабиёти ҳақида анча кенг маълумот беради. У ҳар бир давр адабиётини санфий, партиявий руҳ жиҳатидан текширади ва Октябрғача бўлган сўз санъати бизга мерос, қадрият бўла олмайди, деб нотўғри хулоса чиқаради.

Олим Шарафиддинов ва Сотти Ҳусайнларнинг «15 йил ичида ўзбек совет адабиёти» тўпламига кирган «Ўзбек адабиёти» мақоласида коммунистик мафзуранинг ўтмиш адабиётга муносабати ижобийлашаётган бир паллада ёзилганлиги сезилиб туради. Муаллифлар Алишер Навоийни улуғлайдилар. Бобур, Убайдий, Азизий сингари хонлар ижоди ҳақида самимий фикрларни айтадилар. Абулғозийнинг «Шажарайи турк» асари, Аранг хон саройида яшаган шоирлар ижоди, Амир Умархон, Мадалихон ижоди тўғрисида маълумот берадилар. Утмиш маданий меросга менсимасдан қараган Миён Бузрукни, «Чигатойизми, пантуркизмми?» асари муаллифи Ж. Бойбулатовни қаттиқ танқид қиладилар.

Ўзбек адабиёти тарихини даврлаштиришга оид фикр-мулоҳазалар қадимий, бой адабиётимизни бўлим, давр, босқичларга ажратиб кўрсатишни такозо этади. Бўлим ва босқичларга ажратиб даврлаштириш билан узвий боғлиқ. Адабиёт тарихида ёнма-ён, ўзаро яқин даврлар бўладики, уларни алоҳида бўлим сифатида ўрганиш мумкин. Ўзбек совет адабиётшунослари Н. Маллаев, В. Абдуллаев, Ғ.Каримовлар адабиётимиз тарихини уч бўлимга ажратиб, ҳар бир бўлим ҳақида алоҳида-алоҳида дарслик яратган эдилар. Лекин уч дарсликдаги бўлиниш назарий жиҳатдан исботланмаган. Аниқроғи, дарсликлар яратишдаги бўлинишларда назарий-методологик қонуниятлардан кўра соф амалиёт, дарслик яратувчиларнинг хоҳиш-қизиқуви асос қилиб олинган эди.

Ўзбек адабиёти тарихи яна бир муҳим бўлинишга дучор бўлган эди. Маълумки, ҳозир ҳам ўзбек адабиёти — 1917 йилдан кейинги ўзбек совет адабиётига ажратилади. Совет даври ўзбек адабиёти адабиёт тарихининг мантиқий давоми дея эътироф этилса-да, аслида у ўтмиш адабиётга қарши қўйиларди. Ўзбек совет адабиёти ўтмиш адабиётга нисбатан қиёсан ўрганилди. Ўзбек совет адабиёти қанча улуғланса, ўтмиш адабиёт шунча камситилар, ғоявий жиҳатдан яроқсизлиги «исботланар», «санъат санъат учун» назарияси асосида «пайдо бўлган асарлар» реакция адабиёт мулкига айлантиллар эди. Ўзбек совет адабиётини беқиёс ўтмиш адабиётини ўзига хос йўсинда «таъмирлаш» ишлари авж олиб кетди. Навоий асарлари, масалан, бузиб-ёриб, қайчилаб китобхон ҳукмига ҳавола қилинди. Бадий адабиётда Навоий, Ҳамза борзлари янги тузум ўлчамларига мослаб яратилди. Утмиш адабиёти талқин этишда «оқ»ни «қора», «кун»ни «тун»қилиб кўрсатиш авж олди. Совет ҳукумати, коммунистик фирқа ва унинг доҳийларини баланд руҳда куйлаш, «халқлар дўстлиги»ни мадҳ этиш, халқнинг «фаровон турмуши»ю коммунистик онглилигини кўрсатиш авж олди. Бошқача айтганда, сохталик, кўзбўямачилик совет адабиётинида ниҳоятда кучайди.

Ўзбек совет адабиётшунослиги қадимдан давом этиб келаётган аруз вазнини ёмонотлиқ қилди: миллат учун фидойилик қилган қаҳрамонларни миллатчиликда, дин йўлида фидойилик қилганларни динчиликда айблади. Социалистик реализм деб аталмиш метод ёзувчи учун торгина, чеклангангина бир йўлакчани очиб қўйди, холос. Ўзбошимчилик

қилган, ижодий изланишларга эрк берган ёзувчилар қаттиқ қораландилар, таъкиб қилиндилар. Хуллас, совет адабиётшунослиги томонидан ўзбек адабиёти тарихини икки бўлакка ажратиш, уларни бир-бирига зид қўйиш ёмон оқибатларга олиб келди.

Коммунистик мафкура инқирозга учраб, совет империяси барбод бўлгач, миллий халқлар ўз илдизларини топишга, асрий аънаналарини тиклашга ғайрат билан киришдилар. Туркий халқлар аро қардошлик туйғуси кучайди: туркий халқлар тарихи, дини, санъат ва адабиётига оид кўпдан-кўп манбалар юзага чиқа бошлади. Илмий-тадқиқот ишларида туркий битиклар, туркий дostonлар, туркий аънаналар тарихи ёритила бошланди. Биз халқимиз тарихи, адабиётига янгича қарашлар нуқтан назаридан адабиётимиз тарихини уч бўлакка ажратишни маъқул деб билдик. Бўлаклар аро узвий боғлиқлик, алоқадорлик мавжуд. Масалан, «Қадимги туркий адабиёт» бўлимида Ислом дини белгилари, хусусиятлари аниқ сезила бошлайди. «Турк-мусулмон адабиёти» бўлимида диний ғояларнинг чуқурлашиб бориши, XIX асрга келиб соф диний мазмун ўрнига бидъатларнинг кучайганлиги, аини вақтда, санъаткорликнинг ўсиши, фикрни ниҳоятда нозик, ингичка ифодалаш кучайганлиги сезилади. Учинчи — «янги ўзбек адабиёти» бўлимида реализмнинг чуқурлашуви, ғоявийликнинг изчиллашуви кўзга ташланади. Янги ўзбек адабиётида ижтимоий-сиёсий воқеалар сероб бўлди. Хусусан, XX аср бошларида устма-уст инқилоблар рўй берди. Оддий кишилар сиёсий воқеаларни ўз вақтида баҳолай олмадилар, хатоликларга йўл қўйдилар.

Демак, ўзбек адабиёти тарихи, бизнингча, қуйидаги уч бўлимга ажралади:

1. Қадимги туркий адабиёт
2. Турк-мусулмон адабиёти
3. Янги ўзбек-турк адабиёти.

Бўлимларнинг бошланиш ва тугалланиш муддатини аниқ белгилаш мушкул. Хусусан, Қадимги туркий адабиётнинг қачондан бошланганлигини аниқ айтиш қийин. Бу масалани очиқ қолдирамиз. Қадимги турк адабиёти билан Турк-мусулмон адабиётининг чегараси Аҳмад Яссавийни бунёдга келтирган муҳитга келиб тақалади. Янги ўзбек (турк) адабиёти XIX асрнинг учинчи чоригидан бошланади, десак тўғри бўлар. Бехбудий, Айнийлар янги муҳит нафасидан баҳраманд бўлиб вояга етдилар. Муқимий, Фурқат, Исмоил Ғаспирли, Аҳмад Дониш, Абай Қўнонбой ўғли сингарилар ижодида икки давр хусусиятлари сезилади.

Қадимги туркий адабиёт ҳамда Турк-мусулмон адабиёти бўлимларини ҳам бир неча даврларга ажратиш мумкин. Биз қуйида, асосан, учинчи бўлим — Янги ўзбек-турк адабиёти ҳақида сўзлашга жазм этдик.

Марксча-ленинча таълимот ҳақиқий илм кишиларини хийла саросимага солиб, кўп олимлар бу таълимотни асос қилиб олдилар. Лекин совет давлатидан ташқаридаги олим-тадқиқотчилар илмдаги холислик қонунларига биноан иш кўрдилар. 60-йилларга келиб СССРда яшайдиган бир гуруҳ ёш ижодкорлар социалистик реализм адабиётининг истиқболи йўқ эканлигини англадилар. Совет адабиётида 60-йилларда ноқ коммунистик мафкурага қарши турган, зимдан ва ошкора ижодларига жаҳон адабиётининг етакчи тамойилларни асос қилиб олган кучлар пайдо бўлди. Ўзбек совет адабиётининг кейинги 25-30 йили давомида хоҳ бадий ижодда, хоҳ адабиётшуносликда бўлсин, илғор қарашларни илгари сурган кучлар топилади. Кейинги 5-6 йилда ёш ўзбек адабиётшунослари илғор фикрларни олға сурмоқдалар. «Туркистонда XIX аср охирида бошланган жадидчилик (янгилашиш, замонавийлашиш) ҳаракати узоқ пайтдан бери давом эттириляпти, маданий масалалар борасидаги муноқашалар ва музокараларнинг янги шаклдаги кўриниши эди», деб

ёзади Боймирза Ҳайит («Эрк газетаси, 1991. 1-сон). «Хорижда чиққан илмий асарларда «Жадидчилик адабиёти билан Туркистон адабиёти тарихининг янги даври бошланди, деб белгиланган, «Абдулҳамид Сулаймон Чўлпон шу адабиётнинг энг улуғ вакиллари билан бири», деб ёзади Чўлпон шеърятининг хорижда ўрганилишига доир» мақоласининг муаллифи Иброҳим Ҳаққул («Ўзбек тили ва адабиёти» журналі, 1992, 3-4 қўшма сон, 17-18-бетлар).

Еш адабиётшунослардан Мусурмон Номозов, Баҳодир Каримов ўзбек адабиёти, адабиётшунослигининг янги даврини жадид адабиётдан бошлаш маъқуллигини билдирадилар. «Агар биз инқилобдан аввалги ёки XX аср бошлари адабиёти деб номласак, табиийки, фақат йилларга мурожаат қилган бўламиз, йиллар оралиғи эса ўз-ўзича ҳеч нарсани англамайди. «Жадид адабиёти» деганда эса, моҳият бирдан англашилади», деб ёзади М. Номозов («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1991, 8-ноябр). «Менинча, XX аср биринчи чорагидаги ўзбек адабиётшунослигининг ўша ранг-баранг саҳифаларини алоҳида давр сифатида белгилаш ва ўрганиш мақсадга мувофиқдир», деб ёзади Б. Каримов, («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1992, 16-октябр). Боймирза Ҳайит, Иброҳим Ҳаққул, ёш адабиётшунослар жадид адабиётини алоҳида давр сифатида олишни ва ўрганишни таклиф қиладилар.

Жадид адабиётини умуман ўзбек адабиёти тарихининг алоҳида даври сифатида олиб бўлмайди. Жадид адабиёти Янги ўзбек адабиёти бўлимининг даври сифатида ўрганилиши мумкин. Шунда ҳам жадид адабиёти Янги ўзбек адабиётининг илк даври бўла олмайди...

Профессор Бегали Қосимовнинг адабиётшунос Раҳмон Кўчқоров билан суҳбатидаги бир нуқтага диққатингизни қаратмоқчиман:

«Раҳмон Кўчқоров: — Халқнинг юрак товуши бўлган адабиёт эркизлик шароитида алоҳида сифатга кириши шубҳасиз. Қодирни ва Чўлпонни қўя турайлик, ҳатто Фуқратдек лирик шоирнинг ижоди, унинг чор амалдорлари билан муносабати хусусида янги тафсилотлар шуни исботлаптики, истило у ёки бу шаклда беистисно ҳар бир ижодкорга ўз таъсирини ўтказган. Кимнидир у ўзига бўйсундирган — шоир маддоҳга айланган, кимдир таслим бўлган — ижодкорга «тарихий чекланган» ва «халқ душмани» деган ёрлик ёпиштирилган.

Бегали Қосимов: — Худди шунинг учун мен Октябр тўнтаришидек сиёсий кийим алмаштириш ҳодисасига чалғийвермасдан, кейинги 130 йиллик (1865-1991) адабиётимиз тарихини «Мустамлака даври ўзбек адабиёти» умумий номи остида ўрганишни таклиф этаман» («Муштум» журналі, 1992 йил, 9-10-сонлар).

Бегали Қосимов таклифи жиддий мулоҳаза юритишга лойиқ. У «Прогрессив-демократик адабиёт»ни, «Инқилобий адабиёт»ни, «Ўзбек совет адабиёти»ни (бундан 30-40 йил муқаддам XIX асрнинг иккинчи ярмидан ҳозиргача бўлган адабиёт шундай даврларга ажратиларди — А. Р.) яхлит бир ҳолда ўрганишни таклиф этади. «Мустамлака даври ўзбек адабиёти» деган ибора биз учун янгилик эмас. Асримизнинг 40-йилларида ҳам XIX асрнинг иккинчи ярмидан 1917 йил октябригача бўлган адабиёт талай илмий адабиётларда шу ном билан аталган. Чет эл адабиётшунослари Урта Осиё чоризм, сўнг совет империясининг мустамлакаси эканлигини доим очиқ-ойдин ёзганлар. Чоризм Урта Осиёни мустамлака қилиб олганлиги, кейинчалик бу диёр совет империализмининг ҳам мустамлакаси бўлганлиги бизнинг матбуотда энди-энди эътироф этиляпти. Қизил империянинг мустамлака сиёсати чор ҳукуматиликдан ўта нозик ниқобланганлиги билан фарқланса-да, моҳиятан ўша-ўша эди. «Мустамлака даври адабиёти» деган атама ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ўзини оқлайди. Лекин у адабиёт вужудида (руҳи, ҳужайрасида) рўй берган ўзгаришларни ифодалай олмайди. «Мустамлака даври адабиёт»

ти»ни «Янги ўзбек адабиёти» билан алмаштирсак ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам маънавий-руҳий, ҳам адабий-маданий жабҳани бўламиз. Қолаверса, «Мустамлака даври адабиёти» десак, мантиқан озодлик, эрк учун курашқан адабиётнигина тушунган бўламиз. Ваҳоланки, XIX аср ўрталаридан то ҳозирги адабий жараёнгача бўлган муддатда ҳар хил йўналиш, моҳият, кайфиятдаги адабий оқимлар мўл эди. Совет ҳукумати, коммунистик мафкура марксизм-ленинизм таълимоти ваъда қилган саробни ҳақиқий эрк, ҳуррият, ёрқин истиқлол сифатида улуғлади. Саробни бахт деб куйлаш, сохта таълимот, унинг асосчиларини кўкларга кўтариб мадҳ этиш бутун бир авлод ёзувчиларининг фожиаси бўлди.

«Мустамлака даври ўзбек адабиёти»ни «Янги ўзбек адабиёти» номи билан алмаштиришни таклиф қилар эканмиз, қуйидаги мулоҳазаларга асосландик:

1. Тарих илмида «Янги тарих», «Энг янги тарих» деган фан бор. Икки-уч минг йиллик тарихга эга халқнинг 150-200 йиллик ҳаёти, тақдири шаклланаётган тарих ҳисобланади. Бу ҳаёт, тақдир ҳали узил-кесил тўхтамагача келиб, тарихга айланмаган. Унда ўсиш-ўзгариш, ҳаракат давом этаётган бўлади. Тараққийнинг муҳим бир бурилиши 150-200 йиллик ҳаёт, тақдирни янгитдан намоён этиши, уни ўзгартириб юбориши ҳеч гапмас... Адабий ҳаётда ҳам шундай ҳолатлар рўй бериши мумкин.

Тарихчиларда «Энг янги тарих» қанчалик аҳамиятли бўлса, адабиёт-шуносликда ҳам «Ҳозирги адабий жараён» фани шунчалик муҳимдир. «Ҳозирги адабий жараён» ёхуд «Ҳаракатдаги адабий жараён» адабий танқиддаги изланишларни, назарий-методологик ўзгаришларни, бадиий адабиёт шакли, моҳиятида рўй бераётган янгилекларни ўрганади.

2. Босқинчилик — башарият томонидан қораланиб келинган ҳодиса. Ҳеч ким ҳеч қандай босқинни, у қандай шакл, шароитда рўй берган бўлмасин, оқламайди.

Чоризмнинг Ўрта Осиёни босиб олиши ўта салбий ҳодиса, халқ қалбидаги битмаган жароҳат. На чор, на совет амалдорлари Ўрта Осиёни обод қилиш, унинг халқига бахт-саодат беришни хаёлларига келтирмаганлар. Аксинча, мустамлакачиликнинг ҳар икки босқинчида халқнинг боши дўқ-пўписа, қўрқитиш, оммавий қирғинлардан чиқмади. Чор Россияси зўравонлик билан Ўрта Осиёни босиб олганда қамчисидан қон томадиган босқинчилар халқни аёвсиз эза бошладилар. Лекин худди ўша паллада Россияда муҳим ўзгаришлар рўй бераётган, тараққий инқилобга тайёрланаётган эди. Оврупа XX асрдаги илм-фан инқилобининг бир оёғи Оврупада эди. XIX асрнинг иккинчи ярмида Оврупада чиндан ҳам бир шарпа кезмокда эди. Лекин у «коммунизм шарпаси»мас, тараққий, илм-фан инқилоби шарпаси эди...

3. Русияда XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб рўй бераётган руҳий-маънавий ўзгаришлар Россия ҳудудидаги туркий халқларга таъсир этди. Исмоил Ғаспрали фаолияти янги ҳолат, янгича кайфият, янгича таълим-тарбияни вужудга келтирди. Жадидчилик ҳаракати туркий халқлар ҳаётининг барча жабҳаларига кириб кела бошлади. Жадидчилик адабиёт ва санъат соҳасида киши билмас инқилоб ясади.

4. Русияда рўй берган ижтимоий-сиёсий, маънавий-руҳий ўзгаришлар мустамлака мамлакатларидаги илғор кишилар қарашларида, руҳиятларида ҳам акс этди. Аҳмад Дониш, Исмоил Ғаспрали, Собир Тоирзода, Фурқат, Абай Қўнонбой сингари илғор кишилар Русиядаги ўсиш-ўзгаришларни қабул қилиш билан бирга, ўз халқлари ҳаётидаги қолюқликни, бу қолюқлик сабабларини юракдан ҳис қилдилар. Тимсоғий айтганда, улар рус маданияти ва фанини кўзда ёш, лабда табассум билан куйладилар. А. Қодирий, Чўлпон, С. Айний романларида, Бех-

будий, Ҳамза, Фитрат драмаларида XIX асрнинг II ярмида шакллана бошлаган янги кишилар — жаҳидлар образи яратилди.

5. XIX асрнинг иккинчи ярмида инсоният ҳаётида, сажиясида кескин ўзгариш рўй берди: маънавий-руҳий баркамоллик, фан-техника соҳасидаги кашфиётлар, ижтимоий-сиёсий жаҳадаги кураш-бахслар ёш авлод тарбияси, руҳиятига таъсир этди. Бехудий, Мунаввар қори, Садриддин Айний, Фитрат, Ҳамза, Авлоний сингари XX аср бошларидаги ёрқин сиймоларимизнинг сажия-афъоллари Аҳмад Дониш, Исмоил Ғаспрати, Фурқат сингариларнинг бадий оламини чуқур ўзлаштириш, Оврүпадаги ўзгаришларни билвосита қабул қилиш орқали шаклланди. А. Қодирий, Мағжон Жумабой, Чўлпон, Элбекларнинг болалигида Оврүпа, Русиядаги ижтимоий-маънавий ўзгаришлар Туркистонга бевосита кириб кела бошлаган эди.

6. XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон халқлари адабиётида ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгариш рўй берди. Бадий асарларда инсон турли-туман пардалар ортида эмас, бевосита, холис тасвирлана бошлади. Бадий асар қаҳрамонида ижтимоий асос бўртиб кўринди. Инсонни тўлиқ кўрсатиш, борлигини акс эттириш истаги бадий проза, драматургия, бади-мақола навислик сингари янги жанрларни кашф этди. Шеърят руҳида оддийлик, ҳаётийлик, мазмунида ижтимоийлик, лирик қаҳрамонида табиийлик кучая борди.

7. Бадий адабиётнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мавқеи ортди. Янги усул мактабларда бадий адабиёт маънавият тарбиячиси, руҳият тиргаги вазифасини ўтади. Маърифатпарвар — ижодкорлар асарлари ёш авлод қалбига битилган ҳаёт дарслиги бўлди.

Ўзбек драматургиясининг илк намуналари асар ҳолида чоп этилмади, саҳнага «йўл олди», томоша сифатида халқ қалбидан жой олди.

8. XIX аср пироварди ва XX асрда диннинг ижтимоий ҳаётдаги, кишилар тақдирдаги мавқеи ўзгарди. Алишер Навоий замонида дин, тасаввуф фалсафаси ниҳоятда ўткир, таъсирли эди. XIX аср охириларига келиб диннинг тамал асослари бузилиб, хурофот кучайди. Хурофот эса, ўз навбатида дунёвий тараққиётга тўсиқ бўла бошлади. Илғор кишилар билан хурофоту бидъатчилар қуршовида қолган одамлар орасида зиддият кучайди. Абдулла Қодирий, Чўлпон романларида хурофотга берилган «намояндалар»нинг субтсизлиги, иккиюзламачилиги ишонарли кўрсатилган. Фитрат асарларида бидъат кишиларининг ҳақиқий башараси очилган. Аҳмад Заки Валидийнинг «Бугунги турк эли Туркистон ва янги тарихи», Алихонтўра Соғунийнинг «Туркистон қайғуси» асарларида айрим дин намояндаларининг тараққиётдаги салбий моҳиятлари ишонарли мисолларда кўрсатиб берилган.

9. XIX аср охири XX асрда янги типдаги ёзувчи шахси шаклланди. У реал ҳаёт, ижтимоий муносабатлар доирасида фаолият кўрсатди. Фан-техника соҳасидаги кашфиёт-янгиликлар унинг қалбини тоғдай кўтарди. Муҳими, янги ёзувчида ижтимоий-сиёсий қарашлар тез-тез ўзгариб турди. Бундай ўзгаришлар кўпинча унинг эътиқоди, изчил муносабитига манфий таъсир этди. XX асрда ўз эътиқоди туфайли қатл этилган ижодкорлар ниҳоятда кўп бўлди. Кўпчилик ижодкорлар коммунистик мафкура йўриғидан четга чиқмадилар — алдов, сохталик қўрбони бўлдилар. XX асрда яшаган ёзувчилар ҳаётидаги қандай камчилик, хато кечирилмайди? Ўзи қалбан ишонмаган эътиқодни ҳимоя қилиб, эътиқодли санъаткорларни «фош қилишда» қатнашганлар қилмиши оқланмайди. XX аср ёзувчилари алдов, мафкуравий-сиёсий зуғум қўрбони бўлдиларки, бу янги адабиётнинг фожиасидир.

10. XIX аср охири ва XX аср ўзбек адабиётида бадий образ яратиш жиддий масалалардан бири бўлди. Аср бошларида яратилган образлар ҳаётий, айна вақтда жуда жўн, оддий эди. 20-йиллар адабиётида ҳам

шаклан, ҳам мазмунан миллий образлар яратилди. А. Қодирий, Фитрат, Чўлпон асарларида бундай тимсол-характерларни кўплаб учратамиз.

30-йилларнинг иккинчи ярмидан эътиборан характернинг ўзлиги эмас, ижтимоий моҳиятини ёритишга эътибор берилди. Шу пайтдан бошлаб марксча-ленинча таълимот талабларига мос келадиган, лекин ҳаётдагидан фарқ қиладиган образлар пайдо бўла бошлади. Узлигидан маҳрум, мазмунан социалистик бўлган совет адабиётининг қаҳрамони китобхонни қизиқтирмай қўйди. Совет адабиётининг инқирози сунъий, жонсиз қаҳрамонларда илк марта кўринди.

11. Янги ўзбек адабиётини янги ижодкорлар бунёд этдилар. Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Машраб, Огаҳийлар миллий моҳиятни мусулмон эътиқоди, комил инсон тушунчаси билан бойитган эдилар. Бу санъаткорлар асарларида имони-эътиқоди бутун, доим мукамалликка интилган инсон образи яратилди. А. Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ҳамзалар яратган тимсоллардаги бош хусусият ҳаётийлик, ҳаққонийлик, миллийлик бўлди. Инсон характери яратишда бу санъаткорлар XX аср ўрталаридан аниқ сезила бошлаган мукамаллик, етуклик даражасига кўтарилмаган бўлсалар-да халқ руҳи табиатига мос образлар яратдилар. Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Ҳамид Фулом авлодига минсуб ижодкорлар мафкура, коммунистик сиёсат таъқиби остида ижод қилдилар: булар ижодида замонга мослашув, сиёсат билан келишув руҳи етакчилик қилди.

П. Қодиров, О. Еқубов, Э. Воҳидов, А. Ориповларнинг 70-80-йилларда яратган ясарларида ҳаётий жозибига, миллий моҳиятга эга қаҳрамонлар образи яратила бошлади. Мазкур санъаткорлар адабиётга янги мазмун, руҳ олиб кирдилар.

Ўзбек адабиётида янгилик йўлида изланувчи, XX аср руҳини миллий кўринишда акс эттиришга интилувчи ижодкорлар пайдо бўляптики, бу янги ўзбек адабиётининг нурли истиқболидан дарак беради.

Ўзбек адабиёти тарихининг бўлим, давр, босқичлари ҳақида гап борар экан, яна бир масалага эътибор бериш керак. Янги бўлим аввалги бўлим таркибида, янги давр ўзидан аввалги давр кучоғида, босқич босқичнинг бағрида пайдо бўлади. Шунинг учун бўлим, давр, босқичнинг пайдо бўлиши, тугалланиши муддати ўта қатъий, аниқ эмас. Бўлим, давр, босқичга ажратганда хусусиятлари аниқ белгиланган муддатдан инқирозга учраши, таъқиб этилиши жараёни кучайган нуқтагача олмоқ мақсадга мувофиқдир.

Бўлимлар ҳудудини белгилаш, даврлар чегарасини аниқлаш масаласи жиддий тортишувларга сабаб бўлди. Ҳар бир тадқиқотчи ҳар бир бўлим, давр, босқични чуқур ўзлаштирган, унинг хусусиятларини яхши билиб олган бўлса, ўз нуқтаи назарини исботлай олади. Гап бўлимлар, даврлар оралиғидаги, бориб-келиб турадиган 10, 20, борингки, 60-70 йилда ҳам эмас. Масаланинг моҳияти ҳар бир бўлим, давр адабиёти концепсияси, бетакрор хусусиятини англаб етишда. Мутахассис ўз адабиёти тарихини қанча пухта ўрганса, бўлим, давр адабиётлари қиёфасини, моҳиятини ишонарли ёрита олади.

Мақсуда Эгамбердиева

ЯПРОҚЛАР УЧИДА ЖАРАНГЛАР КЕЧА

Ёлғизлик, гултожим

Ёлғизлик, гултожим, мен сеникиман,
Бир йилми, уч йилми, беш йилми, ўн йил.
Йўлларимни пойлар такдир — ёсуман,
Хоинлар кўзимга боқарлар дадил.

Ёлғизлик, гултожим, атрофим бўшлиқ,
Қўлимга илинар на тош, на чечак.
Имдод қил, капалак қаноти янглиғ
Зил кўнглум айлагил енгил ва кичик.

Ёлғизлик, гултожим, сабабчи ўзинг —
Майсадаги шудринг мисол борим йўқ.
Менманми, менманми кўргани кўзинг,
Қара, ўчоғимда қолдимми бир чўғ?!

Ёлғизлик, гултожим, унда бир кимса,
Ўзининг кимлигин билмай ўтар-ку!
Бир кун умр йўлин оппоқ қор кўмса,
Рад этилган баҳор бағрин ўртар-ку!

Ёлғизлик, гултожим, музлаган дилда —
Тийғаниб йиқилди ёлғон салтанат.
Энди қолиб кетди олис манзилда —
Уқувсиз муҳаббат янглиғ сир-синат.

Ёлғизлик, гултожим, найзаларинг санч,
Тишимни-тишимга қўйиб чидайман.
Сенга ҳеч ким халал бермас, кўнглум янч,
Айтавер музлатар қўшиғинг, шайман.

Аччиқ оғриқларга бир тўяй ўзим,
Музлаб-музлаб юрак ўтларин боссин.
Ёлғон севинчлардан поклансин кўксим,
Ой келиб сочимга хандасин оссин.

Ёлғизлик, гултожим!

* * *

Йиғласа, кўзидан дур тўкилмаган,
Оғзидан гул сочмай қўйган пари — мен.
Уша, даврон чертиб кўрганга синган
Жонон пиёланинг синиқлари — мен.

Чегараси бордир олам, заминнинг,
Сабр ила тоқатнинг чегараси йўқ.
Бирор тўн киймадим ўз бўйимга тенг,
Олов юрак билан билганим — тийиқ.

Севгига айланиб улгурмай бир ҳис,
Бевалик кўйлагин кийди навжувон.
Умрни қамраган ўша дард боис,
Олмишдир юрагим азобдан унвон.

Тириклик дарахтин бир шохи — талаш,
Эпчиллар қайирган битта четини.
Кўнглим-эй, қор ёғса ёмғир аралаш,
Муҳаббатнинг гулдан қилган ўтини!..

* * *

Бахт ҳақида эртак тўқийди қуртлар —
Уларни шамоллар олиб учади.
Ўзига зеб бериб яшар манқуртлар,
Кўнглумнинг болини дардлар ичади.

Эридан сўз очган аёллар ичра —
Ўлтириб, боқарман олис уфққа.
Жунжиккан борликқа ўйларим — хужра,
Тўлқиндай урилар оқшом тўпиққа.

Сочимга тангалар сочар кўкдан моҳ,
Япроқлар учида жаранглар кеча.
Бўронли бекат бу! — Қиларлар огоҳ,
Қоронғидан кўрқиб бурканар ғунча.

Фалак «манглай» отлик бир тошни босар,
«Қушман, учай», деган қошим устига,
Ёлғизлик шарпасиз келар-да, ёзар —
Кўринмас чодирин бошим устига.

* * *

Иккала қўли банд, ишидан келиб,
Тўртинчи қаватга чиқар бир аёл.

Тўртинчи қаватга яшар осилиб,
Бахмал кенгликларни севган бир хаёл.

Утади бир жонон, кўйлаги зарли,
Утади бир жувон, дуррачаси дол.
Ёз ўтар, куз ўтар, ўтар қиш қорли —
Тўртинчи қаватга чиқар бир аёл.

Чайган кириш осар тонг кипригига,
Соғинчин ўрар ел йўрғакларига.
Тугмадир зангори тиллақўнғизлар —
Қизғалдоқ шодлигин кўйлақларига.

Бедардга қўшни кун отар ўзини —
Қоронғи йўлларга, бағрида — малол.
Армонлар қизғаниб яшар кўзини —
Тўртинчи қаватга чиқар бир аёл.

Майин нафасидан қор эримайдир,
Болари экан ул, эмас экан бол.
Кўзидан пинҳон бир сир аримайдир,
Тўртинчи қаватга чиқар бир аёл...

Ўғлимга

Жажжи қайиқчангни қўйдинг оқимга
Ва ортидан чопдинг завққа тўлиб шўх.
Қайиқчанг тушунмас менинг тилимга,
Ул сузар дарёнинг бир қирғоғи йўқ.

Сен англаб борасан буни кун-бакун,
Дардинг ўсмоғидан ўсади дардим.
Сен олов бўлиб ўс, ўсмагин дилхун,
Қурбон бўлай сенга, бўлиб ўс мардим.

Тиғдор сўроқларинг олдинда ҳали,
Билмайман, нелар бор қисматимизда?!
Ҳол билмас, дард билмас ғофиллар аҳли —
Кўп бор бўлмасайди хизматимизда.

Қўшиғи бутунлар — сен учун ҳавас,
Талпиниб борурсан — итарар улар.
Қўй, ўғлим, хор қилма ўзинг бир нафас,
Бир кун қадамингдан очилгай гуллар.

Уксимагин, менинг қоракўз болам,
Иккинчи қирғоқ ҳам ўзим бўлурман.
Жажжи қайиқчангни кутар кенг олам,
Мен эса ортидан қараб қолурман!..

Қўқон

ЮРАГИМНИ ТОНГДА УЙҒОТДИМ

* * *

Ниш урган майсада умидим яшнар,
Фунчаларда болам кулгусин кўргум.
Шаббода меҳрибон онамга ўхшар,
Ортидан боладай эргашиб юргум.

Қапалаклар мени етаклаб кетар,
Ранглар ардоғида кўзим тинади.
Гуллар ёноғида шабнамлар титрар,
Бўғзимда энтиккан сўзим синади.

Лойшувоқ томларнинг қувончи бўлиб,
Қуёшни ўпади лолақизғалдоқ.
Тошни тарс ёради юраги тўлиб,
Сойларнинг лабида кўз очган булоқ.

Оқшом ой юзидан ювади доғин,
Меҳримдан момикдай сочиқ тутаман.
Болишимга ёқиб кўнглум чироғин,
Мен яна баҳорий тонгни кутаман.

Қалдирғоч

Йўллар юриб, мўл юриб, ҳориб келган, қалдирғоч,
Қанотида баҳорни олиб келган, қалдирғоч,
Қарғалардан, зоғлардан ғолиб келган, қалдирғоч,
Сенинг қаро қошингга жон керакми, ол, қушим,
Кел, уйимни тўлдириб айвонимда қол, қушим!

Вижир-вижир тилингдан қувончлар тўкилади,
Қанотингдан қарсиллаб ишончлар тўкилади,
Ҳасаддан қарғаларнинг қадлари букилади,
Ҳар баҳорда, ҳар дилга олам ишонч сол, қушим,
Кел, уйимни тўлдириб айвонимда қол, қушим!

Қалдирғочим, оҳ, сеи си суқ нафасдан асрасин,
Гар тиллодан бўлса ҳам тўр, кафасдан асрасин,
Уйлагани кин, риё ҳар нокасдан асрасин,
Қанотинг қайрилмасин, кўрмагил завол, қушим.
Кел, уйимни тўлдириб айвонимда қол, қушим!

Бу само пештоқида ҳар кушнинг ўз изи бор,
Қуш тилини қуш билур, банда билмас сўзи бор,
Ҳар тирик жонни асли севган бир гул юзи бор,
Мендек дилинг хунмасми, бу сенга савол, қушим.
Кел, уйимни тўлдириб айвонимда қол, қушим!

Сенга боқиб ногаҳон қуш бўлгим келар менинг,
Қанотларинг қатида хуш бўлгим келар менинг,
Бу бевафо дунёга туш бўлгим келар менинг,
Маҳмудга чин баҳорлар, сен — оппоқ хаёл, қушим,
Кел, уйимни тўлдириб айвонимда қол, қушим!

* * *

Менинг кўнглум каби увада бу кун,
Сенинг кўзларингдек йиғлоқи осмон.
Балчиққа қоришган хазонлар беун,
Бўзлайди — шамолларга яшамоқ осон.

Юзингдан изғирин бўсалар олар,
Менинг юрагимни тилворди чақин.
Энди мен кетаман! Бу дунё қолар!
Қўрқма! Сен бахтиёр яшайсан тагин!

Билмагайсан

Изларингни оҳим ўпар, бағритошим, билмагайсан,
Кўзёшимда жоним чўқар, хасча кўзга илмагайсан.
Бу дунёни ахтариб, мен, тишларингдек дур топмадим,
Бир кўрарга кўзим гирён, кулар дейман, кулмагайсан.

Бағрим тилим-тилим менинг, малҳамими тилингадир,
Воҳ, соғинчим райҳон бўлди, уфорлари йўлинггадир.
Жон керакму сенга, ёр, ол, ҳар дами у қўлинггадир,
Жон олурда бир боқур деб, умидворман, олмагайсан.

Ҳажр ўтида қовжирайман, кимса кўрса олмас таниб,
Ким кўрибди юрганини Мажнуннинг вафо ахтариб,
Ошиқ аҳли ичра Ғариб, ҳеч бўлмаган мендек ғариб,
Шоҳсанамлар шоҳи сенсан, қулман парво қилмагайсан.
Изларингни оҳим ўпар, бағритошим билмагайсан.

Турғун Файзиев

ҲУСАЙН БОЙҚАРО

Ҷожеий шахс қисмати

Шаҳаншоҳнинг яна уруш ҳаракатларини бошлаганини эшитган улуғ амир Алишер Навоий 28 августда Ҳиротдан чиқиб 29 август чоршанба куни ҳукмдор ҳузурига келади ва ўғли билан сулҳ тузишга тарғиб қилади. Дўстининг сўзлари эл-юртнинг осойишталиги, салтанатнинг манфаати йўлида қилинаётган саъй-ҳаракат эканлигини ҳис қилган шаҳаншоҳ сулҳга рози бўлади. Бинобарин, Фароҳ ва Сейистон вилоятларини Султон Бадиуззамон Мирзо тасарруфига ўтказилгани ҳақида фармон берилади. Шаҳаншоҳ фармонни амир Шайх Алига топшираркан: «Сен аввалгидек шаҳзоданинг мулозиматида қолиб, шундай қилгинки, Сейистон ҳукмдорлигига рози бўлиб, исёндан юз ўгирсин!» деб кўрсатма беради. Индинига жума куни Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро Уланғишиндан кўчиб, душанба куни Боғи Жаҳонорога қадам қўяди.

Фармон етиб боргач, Султон Бадиуззамон Мирзо Ғур вилоятидан Сейистонга жўнайди. Сейистоннинг собиқ ҳукмдори Муҳаммад Маъсум Мирзо эса Ҳиротга қайтиб келади.

Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг иккинчи ўғли Шоҳғариб Мирзо 1471 йили Хадича бегимдан туғилган эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг ёзишича, Шоҳғариб Мирзо буқри бўлиб, сийрати хийла кўримсиз бўлган. Гарчи гавдаси нотавон ва кўримсиз бўлса-да, табиати чиройли, лафзи пок, сўзлари ёқимли бўлган. Унинг шеърятга ихлоси баланд эди. «Ғарибий» таҳаллуси билан туркий ва форсий ғазаллар битарди. Девон ҳам тартиб қилган эди.

Шаҳаншоҳ Ҳирот шаҳрининг ҳокимлигини Шоҳғариб Мирзога инъом қилган эди. У бир неча муддат давомида мазкур мансабда қойим бўлиб, 1496 йили Оллоҳнинг раҳматида ноил бўлади. Шоҳғариб Мирзонинг жасадини Гозиргоҳнинг ўнг томонидаги ҳужралардан бирига дафн этадилар. Қабри устига юксак санъат обидаси бўлмиш «Сангги ҳафт қалам» — қора мәрмар қабр тоши ўрнатилади (мазкур тошнинг тарихи сўнгги саҳифаларда баён қилинади).

Шаҳаншоҳнинг учинчи ўғли Абутуроб Мирзо бўлиб, у 1472 йил Ҳиротда Минглибий оғача бегимдан туғилган эди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо Абутуроб Мирзо ҳақида бундай ёзади: «Бурунлар андин хили рушди (яхши, етуклик) ривоят қилурлар эди. Отасининг беҳузурлиги ортганда ўзгача хабар эшитиб, иниси Муҳаммад Ҳусайн Мирзо била қочиб Ироққа борди. Ироқда сипоҳий-

¹ Охири. Боши ўтган сонларда.

ликни тарк қилиб, дарвешлик ихтиёр қилибдур, яна андин хабари топилмади. Бир ўғли бор эди, Сухроб Мирзо отлик. Мен Ҳамза Султон била Маҳди Султон бошлиқ султонларни босиб, Ҳисорни олганда, менинг қошимда эди. Бир кўзи кўр эди. Ғариб бадҳайъат (хунук кўринишли, ёмон шаклли) эди. Ахлоқи ҳам ҳайъатидек эди. Бир безътидоллик (меъёрдан ортиқ ҳаракат) қилди, тура олмади, кетди. Астробид навоқисиди бир безътидоллиғидин Нажим Соний азоб била ўлтурди».

Шаҳаншоҳнинг тўртинчи ўғли Абул Муҳсин Мирзо 1472 йилда Ҳиротда туғилган. Унинг укаси Муҳаммад Муҳсин Мирзо (Кепак Мирзо) 1474 йилда туғилган бўлиб, бу икки шаҳзоданинг онаси Латифа Султон Оғача бегим эди.

Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро ўғли Абул Муҳсин Мирзога Марв вилоятининг ҳокимлигини, Муҳаммад Муҳсин Мирзога эса Обивард вилоятини инъом қилган эди.

Муҳаммад Мўмин Мирзонинг фожиали ўлимидан сўнг шаҳзодалар Хадича бегимнинг маккорона кирдикорларидан нафратланиб, ўз оталарига бўлган ихлос ва эътиқодлари сусайиб, ёвлаша бошлайдилар. Жумладан, Абул Муҳсин Мирзо ўз укаси Муҳаммад Муҳсин Мирзо билан маслаҳатни бир жойга қўйиб, шаҳаншоҳга қарши бош кўтардилар.

Бу хабар 1498 йил сентябр ойида Ҳиротга етиб келгач, Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро амир Қувомиддин Ҳасан Соримийни Абул Муҳсин Мирзо ҳузурига йўлларкан: «Шаҳзодага панду насихатлар қилинг, токи муҳолифат йўлидан қайтиб, итоат камарин белгига боғлаб, укаси Муҳаммад Муҳсин Мирзони ҳам исёндин қайтарсун», деб топшириқ беради.

Амир Қувомиддин Ҳасан Соримий шаҳзода ҳузурига бориб, исёндан вужудга келажак жароҳатлар ҳақида кўп тимсоллар келтириб, насихат қилади. Аммо шаҳзода амир Қувомиддин сўзини эътиборсиз қолдиради.

Ноилоҳ, 1498 йил 19 декабрда Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро Марвага Абул Муҳсин Мирзога қарши қўшин тортади. Айни вақтда Ҳайдар Муҳаммад Мирзо ва амир Шайх Аҳмад Сухайли бошлиқ қўшинни Муҳаммад Муҳсин Мирзога қарши Обивардга жўнатади. Шаҳаншоҳ Марвни қамал қилади. Шаҳар мудофаачиларининг жонбозлиги туфайли қамал уч-тўрт ойга чўзилиб, ҳар икки томон ҳам ҳолдан тоядилар ва сулҳга мойиллик билдирадилар. Ниҳоят, Абул Муҳсин Мирзонинг хоҳишига биноан, шаҳаншоҳ улуғ амир Алишер Навоийнинг укаси амир Дарвеш Алини шаҳзода ҳузурига элчи қилиб жўнатади.

Амир Дарвеш Али шаҳзодадан бўлажак сулҳнинг шарт-шароитлари ҳақида сўраганда, шаҳзода «Падари бузургворимиз гуноҳимизни кечириб, шаҳарни қамалдан озод этсалар ҳамда қўшинларини Сарахс томон олиб кетсалар, алҳол мен исёндин воз кечиб, итоат камарин белга боғлаб, ўз ихтиёрим билан Ҳирот дорус-салтанатига борсам», дейди. Амир Дарвеш Али шаҳаншоҳ ҳузурига келиб, шаҳзоданинг илтимосини баён қилади. Бу таклиф шаҳаншоҳга маъқул бўлиб, 1499 йил баҳориди ота-бола ўртасида сулҳ битими имзоланади.

Аммо Муҳаммад Муҳсин Мирзога қарши жўнатилган қўшин мағлубиятга учраб, ноумид қайтиб келади.

Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро Марв қамалини бўшатиб, Сарахс томон юргач, шаҳзода Абул Муҳсин Мирзо Марвни ўз яқин кишиларидан бирига топшириб, ўзи укаси шаҳзода Муҳаммад Муҳсин Мирзо ҳузурига — Обивардга жўнайди. Муҳаммад Муҳсин Мирзо акаси Абул Муҳсин Мирзони эҳтиром билан кутиб олади. Ака-ука шаҳзодалар иттифоқ тузиб, оталарига қарши иккинчи марта бош кўтардилар.

Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро Бобо Ҳоки мавзеида исён хабарини эшитади. Ҳирот шаҳрининг доруғаси (бошлиғи) Аҳмад Мирзо (1499 йил) вафот этганлиги туфайли ўрнига янги доруға тайинлаш лозим эди. Бинобарин, шаҳаншоҳ амир Муборизиддин Муҳаммад Валибекни Ҳирот

шаҳрининг доруғаси мансабига тайинлаб, уни Ҳиротга жўнатади. Узи дарҳол кўшинни жамлаб, худбин ўғилларининг адабини бериб қўйиш учун Обивардга юради.

Ака-ука шаҳзодалар 5-6 минг отлиқ аскар тўплаб, жангга тайёрланар эдилар. Шаҳаншоҳнинг катта кўшин билан келаётган хабарини эшитишгач, ўз кўшинларини шаҳар ташқарисига олиб чиқиб, Нисо шаҳари томон юра бошлайдилар. Бу хабарни эшитган шаҳаншоҳ исёнкор ўғилларини жангдан қочапти деб гумон қилиб, Музаффар Ҳусайн Мирзо, Ҳайдар Муҳаммад Мирзо, ибн Ҳусайн Мирзо ва амир Шужоъиддин Муҳаммад Бурундуқ барлосларни «қочоқ» шаҳзодалар кетидан қувлаб бориб, қўлга олишни буюради ва ўзи кейиндан боради.

Аммо «қочоқ» шаҳзодалар Халвачашма мавзеига етганларида, тўсатдан орқага бурилиб, шаҳаншоҳнинг илғор кўшинига ҳужум қиладилар. Кўп ўтмай Ҳайдар Муҳаммад Мирзо ва ибн Ҳусайн Мирзо жангга бардош беролмай, жанг майдонини ташлаб қочадилар. Музаффар Ҳусайн Мирзо ҳам қочиб тараддуланиб турган аснода Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг ўзи етиб келиб жангга киради. Шундан сўнг зафар шабадаси шаҳаншоҳ томондан эсиб, Абул Муҳсин Мирзо ва Муҳаммад Муҳсин Мирзолар мағлубиятга учрайдилар. Абул Муҳсин Мирзо Марвага ва Муҳаммад Муҳсин Мирзо эса Астрободга қочадилар. Ота эса шаҳзода Муҳаммад Муҳсин Мирзони таъқиб қилиб, Астробод томон йўл олади.

Шаҳаншоҳнинг келаётганини эшитган Муҳаммад Султон Мирзо биродари Муҳаммад Муҳсин Мирзо ҳамда аркони давлати билан кенгашиб, Астрободни ташлаб, Терек дарёсидан ўтиб, туркманлар ҳудудига ўтишга қарор қилади. Йўл асносида Муҳаммад Муҳсин Мирзо Муҳаммад Ҳусайн Мирзодан ажралиб, Хуросон томон йўл олади ва акаси Абул Муҳсин Мирзо ҳузурига бориб, бўлган воқеаларни батафсил хикоя қилади.

Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро Астрободга киргач, шаҳзода Муҳаммад Муҳсин Мирзонинг Марва борганини эшитади. Шундан сўнг шаҳаншоҳ Машҳад ҳокимлигини унга инъом этиб, нишон хат ёздириб жўнатади. Шаҳзода Муҳаммад Муҳсин Мирзо нишон хатни олгач, бениҳоя шодланиб, Машҳадга келади ва умрининг охиригача итоатдан бош тўлғамайди.

Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг олтинчи ўғли Музаффар Ҳусайн Мирзо 1473 йил Ҳиротда туғилиб, онаси Хадича бегим эди. Музаффар Ҳусайн Мирзо табиятан худбин, ўжар ва тантик бўлган. Шунга қарамай, Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг энг суюкли ўғли эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо унинг ҳақида: «Агарчи ҳили суйгидек ахлоқ ва афъоли ҳам йўқ эди», деб ёзган эди. Бинобарин, шаҳаншоҳнинг бошқа ўғиллари шу боисдан оталарига ёвлашавердилар.

Музаффар Ҳусайн Мирзонинг онаси Хадича бегим эрининг ўғлига бўлган муҳаббати ва эътиқодидан фойдаланиб, қандай бўлмасин Музаффар Ҳусайн Мирзони тахтга валиаҳд қилиб тайинлатмоқ фикрида эди. 1497 йилда шаҳаншоҳ Астробод вилоятини Музаффар Мирзога инъом қилади. Аммо 1498 йилнинг ёз ойларида Муҳаммад Ҳусайн Мирзо Астрободга тўсатдан ҳужум қилиб, вилоятни тасаруфига киритади. Музаффар Ҳусайн Мирзо биродари билан бўлган жангга енгилиб, Сабзавор вилоятига қараб кетади. Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро шаҳзода Муҳаммад Ҳусайн Мирзога қарши Астрободга юриш қилиш нияти бўлса-да, бироқ мамлакатда кетма-кет вужудга келаётган исёнлар бунга йўл бермаган.

Айни вақтда Султон Бадиуззамон Мирзо ўз қайнотаси амир Зуннун арғун билан бирга лашкар тортиб, Ҳиротга яқинлашадилар. Ҳирот хавф остида қолган эди. Аммо улуг амир Алишер Навоий ва амир

Муборизиддин Муҳаммад Валибеклар шаҳарни мудофаага тайёрлайдилар. Шаҳзода Муҳаммад Маъсум Мирзо бошчилигида кўшин тартибга солинади. Бу пайтда амир Зуннун арғуннинг кўшини Ҳирот атрофидаги қишлоқларни талашга киришади.

Амир Муборизиддин Муҳаммад Валибек шаҳзода Муҳаммад Маъсум Мирзо бошчилигидаги кўшин билан шаҳардан ташқарига чиқиб, жанг қиладилар. Кучлар тенг эмас эди. Бинобарин, Ҳирот аввалгидек хавф-хатар остида кун кечирарди. Бундай вазият қирқ кунга яқин давом этади. Ниҳоят, Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг Астрободдан келаётган хабари маълум бўлади.

Бу пайтда Султон Бадиуззамон Мирзо Улангнишинда турарди. Шаҳаншоҳнинг келаётган хабари маълум бўлгач, улуғ амир Алишер Навоий Султон Бадиуззамон Мирзога элчилар юбориб, аввало, падали бузурғворга нисбатан исён кўтариб ёғий бўлмақ гуноҳи азим эканлигини яна бир марта таъкидлаб, ҳеч бўлмаганда шаҳаншоҳнинг йўлини тўсмаслик, токи кўз-кўзга тушиб, кўнгул мулки абадул-абад хира тортмаслигининг чорасини кўрмаклик лозим ва лобуд эканлигини илтимос қилади.

Зийрак шаҳзода улуғ амирнинг самимий маслаҳатини дарҳол қабул қилиб, Улангнишин ўрдугоҳидан кўчиб, Мурғоб дарёси қирғоғига бориб тўхтади.

Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро Ҳиротга етиб келгач, ўғли Султон Бадиуззамон Мирзога қарши жанг тадорикини кўра бошлайди. Аммо жанг қилиш учун кўшин салоҳияти ночор эди. Чунончи, аскарлар узоқ масофадан ҳориб келган, отлар эса чарчаган. Шаҳаншоҳ улуғ амир Алишер Навоий билан машварат қилиб, сулҳга мойиллик билдиради. Ниҳоят, Султон Бадиуззамон Мирзо билан сулҳ тузилади. Битимга кўра, Балх вилояти ҳамда Амударёдан то Мурғобгача бўлган ерлар Султон Бадиуззамон Мирзо тасарруфига ўтади. Шунингдек, хутбада Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро номи билан бирга Султон Бадиуззамон Мирзо номи ҳам кўшиб ўқилади. Шу воқеадан сўнг, ҳатто амир Ҳусравшоҳ ҳам Султон Бадиуззамон Мирзо ҳукмронлигини тан олиб, Қундуз, Бақлон, Термиз, Қубодиён, Хисори Шодмон, Хутталон ва Бадахшонда унинг номини хутбага кўшиб ўқитиш ҳамда пул зарб қилишга рози бўлади.

Султон Бадиуззамон Мирзо Балхга кириб боргач, Балхнинг собиқ ҳукмдори шаҳзода Иброҳим Ҳусайн Мирзо Ҳиротга қайтади. Султон Бадиуззамон Мирзо Балхга ўрнашгач, Сейистон вилоятининг ҳокимлигини амир Зуннун арғуннинг укаси амир Султон Али арғунга ҳавола этади.

Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг еттинчи ўғли Муҳаммад Ҳусайн Мирзо 1476 йилда Ҳиротда туғилган, онаси Минглибий Оғача бегим эди.

Муҳаммад Ҳусайн Мирзо отаси шаҳаншоҳнинг бетоблик пайтида ўз акаси шаҳзода Абутороб Мирзо билан тил бориштириб, Ироқ ва Озарбойжон томонга қочади. Улар бир неча вақт Озарбойжонда ночор аҳволда кун кечирадилар. Унинг ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо шундай ёзади: «Ироқда муни ва Шоҳ Исмоилни бир ерда банд қилган экандурлар. Ул вақт анча мурид (Шоҳ Исмоилга — Т. Ф.) бўлиб, экандур, сўнгра ғализ рофизий бўлиб эди. Бовужудким, ота-оғанини бори сунний, бу мундоқ рофизий. Астрободда ўшул гумроҳлик ва батолат била ўлди. Ани хили мардона ва баҳодир дерлар эди. Ҳеч андоқ иши зоҳир бўлмадиким, битмакка лойиқ бўлғай. Таъб назми бор экандур. Бу байт анингдурким:

**Олудан гарди зи кайи сайдки гашти,
Ғарқи арақи дар дили гармики гузашти.**

Мазмуни:

**Ов кетидан юргандинг, гардига булғанибсан,
Ҳароратли қалбинг терига фарқ бўлиб ўтибсан.**

...Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро ноаҳил, исёнкор ўғилларининг қилмишларидан ғазабланиб, 1500 йил август ойида Ҳиротни улуғ амир Алишер Навоий билан амир Муборизиддин Муҳаммад Валибек ихтиёрига топшириб, ўзи маҳофада катта қўшинга бош бўлиб, Астрободга жўнайди. Йўлда Музаффар Ҳусайн Мирзо ўз қўшини билан келиб, шаҳаншоҳ қўшинига қўшилади.

Отасининг катта қўшин билан келаётганини эшитган шаҳзода Муҳаммад Ҳусайн Мирзо шаҳаншоҳ қўшинига бардош беролмаслигини сезиб, Астрободни ташлаб, яна Терек дарёси томон қочади. Шаҳаншоҳ Астрободга кириб, осойишталик ўрнатиб, уч-тўрт кун қўшинга дам беради. Бу орада Муҳаммад Ҳусайн Мирзо шаҳаншоҳга қарши қилган хатти-ҳаракатларидан афсусланиб, узр сўраб элчилар юборади. Фарзанди аржумандига нисбатан шаҳаншоҳнинг оталик меҳри жўш уриб, яна Журжон мулкини Муҳаммад Ҳусайн Мирзога инъом қилиб, Ҳиротга қайтади.

Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг Астробод юришидан зафар билан қайтаётганининг хабари Ҳиротга етиб келгач, одатга кўра, аркони давлат, барча яқин кишилар, шу жумладан, улуғ амир Алишер Навоий ҳам шаҳаншоҳни кутиб олиш учун Хўжа Аббос мавзеига пешвоз чиқади-лар. Амир Алишер Навоий шаҳаншоҳ билан кўриша туриб, бирдан ҳолсизланади ва ҳушидан кетади. Уни махсус маҳофага солиб, шаҳарга йўл оладилар. Амир Алишер Навоийга табибларнинг муолижаси фойда бермай, икки кун ҳушсиз ётиб, 1501 йил 3 январь яшанба кун тонгда оламдан ўтади.

Фаридун Ҳусайн Мирзо шаҳаншоҳнинг саккизинчи ўғли, 1478 йилда Ҳиротда туғилган. Онаси Минглибий Оғача бегим эди.

Фаридун Ҳусайн Мирзо ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо бундай ёзади: «Ёйни кучлук тортиб, ўқни яхши отар эди. Узи хили мардона эди, вале ферузжанг (моҳир жангчи) эмас эди. Ҳар ердаким урушди, мағлуб бўлди».

Шаҳаншоҳнинг тўққизинчи ўғли Ҳайдар Муҳаммад Мирзо 1477 йилда Ҳиротда туғилган. Онаси Поянда Султон бегим эди.

Шаҳаншоҳ бу ўғлига аввал Машҳад вилоятининг ҳокимлигини берган эди. Кейинчалик Балхда ҳукмронлик қилган. Шаҳаншоҳ Ҳисорни муҳосара қилганда, Султон Маҳмуд Мирзонинг Хонзода бегим исмли хотинидан туғилган қизи Бекабегимни Ҳайдар Муҳаммад Мирзога никоҳ қилиб, Ҳисор қамалини бўшатиб, сулҳ тузиб қайтган эди.

Шаҳаншоҳнинг ўнинчи ўғли Муҳаммад Маъсум Мирзо 1476 йилда Ҳиротда туғилган. Онаси Попо Оғача бегим эди. Шаҳаншоҳ бу ўғлига Кандаҳор вилоятининг ҳокимлигини инъом қилган эди.

Хондамирнинг ёзишича, 1490 йил 3 февралда Кобул ҳукмдори Улуғбек Мирзо Кобулийнинг қизини Муҳаммад Маъсум Мирзога никоҳ қилинади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг ёзишича, Муҳаммад Мажум Мирзо ака-укаларига қараганда, иқтидорсизроқ бўлган. Гарчи Кандаҳорнинг ҳокими бўлса-да, бироқ ҳукумат ишлари амир Зуннун аргуннинг ўғли Шоҳбек аргуннинг қўлида бўлган. Шаҳзодада эса ҳеч қандай ихтиёр бўлмаган. Бинобарин, Муҳаммад Маъсум Мирзо Кандаҳорда тура олмай, Хуросонга қайтиб келади. 1501 йил сентябр ойида жигар ва ичбуруғ касали билан 25 ёшида оламдан ўтади.

Шаҳаншоҳнинг ўн биринчи ўғли Иброҳим Ҳусайн Мирзо 1478 йилда Ҳиротда туғилган. Онаси Попо Оғача бегим.

Шаҳаншоҳ бу ўғлига аввало Балх ҳукмдорлигини беради. Аммо

давлат ишлари улўф амир Алишер Навоийнинг укаси амир Дарвеш Алининг қўлида эди. 1490 йилда амир Дарвеш Али Балхда ҳокимиятни бутунлай ўз қўлига олиш ва шаҳзода Иброҳим Ҳусайн Мирзони четлаштириш мақсадида қўзғолон кўтаради. Аммо қўзғолон Ҳўжа Ғиёсиддин Муҳаммад Дехдор томонидан тинч йўл билан бостирилади. Амир Дарвеш Али Ҳиротга жўнатилади. Шаҳаншоҳ унинг гуноҳини кечиради. Шундан сўнг шаҳаншоҳ ўз қўшини билан Балхга бориб, 1491-92 йил қиш мавсумини ўша ерда ўтказди.

Кейинчалик Қўйин вилояти шаҳзода Иброҳим Ҳусайн Мирзога суюрғал қилиб берилади. Аммо шаҳзода кейинги пайтларда айш-ишратга берилиб, шаробхўрликни авжига чиқаради. У кеча-кундуз ичишдан ташқари ҳатто наҳорга ҳам ичишни одат қилади. Натижада 1504 йилда ўнгламайдиған бедаво касалга чалиниб, 1505 йил март ойида 27 ёшида оламдан ўтади.

Шаҳаншоҳнинг ўн иккинчи ўғли Фарруҳ Ҳусайн Мирзо 1480 йилда Ҳиротда туғилган бўлиб, онаси Попо Оғача бегим эди.

Шаҳзода Фарруҳ Ҳусайн Мирзо 1503 йилда вафот этади.

Ун учинчи ўғил ибн Ҳусайн Мирзо эди. У 1480 йилда Ҳиротда туғилган, онаси Попо Оғача бегим. Ибн Ҳусайн Мирзо барча шаҳзодалардан ёшроғи бўлса-да, жасур ва шижоатли эди. Жангу жадалда акаларидан қолишмасди.

Шаҳаншоҳнинг ўн тўртинчи ўғли Муҳаммад Қосим Мирзо, 1482 йилда Ҳиротда туғилган. Онаси Попо Оғача бегим бўлиб, у шаҳаншоҳнинг энг кичик ўғли эди...

Бу вақтга келиб ўзбеклар ҳукмдори Муҳаммад Шайбонийхоннинг толеъ юлдузи шуъла соча бошлади. У 1501 йилда Самарқанд ҳукмдори Султон Али Мирзони қатл қилдириб, Мовароуннаҳрни ўз тасарруфига киритди. Эндиликда Муҳаммад Шайбонийхондек хавфли ва забардаст душман куланкаси Хуросон узра солмоғи муқаррар эди.

Аммо Хуросонда аҳвол ўзгача кечмоқда эди. Зотан, мамлакат устига оғир дамлар яқинлашаётган, Хуросоннинг аввалги шон-шўхрати сўнаётган эди. Кейинги пайтларда Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг саломатлиги кундан-кун ёмонлашиб, куч-қувватдан қолиб борарди. Шунингдек, мамлакатнинг ички аҳволи ҳам айтарли яхши эмас, шаҳаншоҳ билан шаҳзодалар орасидаги қонли низолар, адоват ва хусуматлар салтанат пойдеворига раҳна сола бошлаган эди.

Шу вазиятни ҳисобга олган шаҳаншоҳ яқинлашиб келаётган офатнинг олдини олиш мақсадида ўғли Султон Бадиуззамон Мирзога ўзбекларга қарши жанг қилиш мажбуриятини юклайди. 1502 йили Султон Бадиуззамон Мирзо амир Зуннун арғунга мактуб йўллаб, Заминдовар ва Сейистон қўшини билан етиб келишини сўрайди. Амир Зуннун арғун Заминдовар ва Сейистондан қўшин тўплаб, шаҳзода ўрдугоҳига келиб қўшилади. Султон Бадиуззамон Мирзо 12 минг қўшин билан Амударё соҳилига келиб ўрнашади. Шундан сўнг, аввалги битимга мувофиқ, Султон Бадиуззамон Мирзо Ҳисори Шодмон ҳукмдори Ҳусравшоҳни тезликда ўз қўшини билан келиб қўшилишини таъкидлаб, амир Султон Ҳусайн, амир Зуннун ва амир Абдуллоҳ Қорақулоқни элчи қилиб жўнатади. Аммо амир Ҳусравшоҳ сўзидан қайтиб, қўшин юбормайди. Шундан сўнг Султон Бадиуззамон Мирзо юришни давом эттиришга ботинмай, Балхга қайтиб келади. Шу воқеадан сўнг, Султон Бадиуззамон Мирзонинг аркони давлати орасида фитна ва ихтилофлар вужудга кела бошлайди.

1503 йилнинг ўрталарида Муҳаммад Шайбонийхон Балхга лашкар тартади. Султон Бадиуззамон Мирзо якка ўзи Муҳаммад Шайбонийхонга қарши кураша олмаслигини англаб, ўғли шаҳзода Муҳаммад Замон Мирзони ўрнига қолдириб, амир Султон Қулихонни унинг мулозиматига

тайнлаб, ўзи шаҳаншоҳ Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро ҳузурига кўмак истаб кетади. Хондамирнинг сўзига қараганда, Султон Бадиуззамон Мирзо Муҳаммад Шайбонийхоннинг ҳозир Балх шаҳрини қамал қилиб турганини, эртага буюк Хуросон музофотига хавф солажагини таъкидлаб, отаси ҳузурига бир неча бор мактуб йўлласа-да, бироқ шаҳаншоҳ ўғлининг сўзларига қулоқ солмайди. Зеро, Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро ўғли Султон Бадиуззамон Мирзодан кўп марта дили оғрингани туфайли унинг сўзига эътибор бермай, ўзини тағрифилга солиб, кўмак беришни хаёлига келтирмасди. Лекин Мурғоб дарёсининг қирғоқларида мустақкам мудофаа иншоотларини қуриш учун амир Абдуллатиф билан амир Абулқосим Бахшини мутасадди қилиб жўнатади. Султон Бадиуззамон Мирзо эса Чечакту қўрғонини мустақкамлаш учун кетади. Шунингдек, Султон Бадиуззамон Мирзо Муҳаммад Шайбонийхонга қарши курашда ҳамжиҳатлик истаб, Ҳисор ҳукмдори Ҳусравшоҳга мактуб юборади. Ҳусравшоҳ ўз укаси амир Валибекни қўшин билан шаҳзода ҳузурига жўнатади. Амир Вали ҳали Султон Бадиуззамон Мирзо билан учрашмасиданоқ амир Умарбек туркманга йўлиқади. Амир Умарбек туркман Шибирғон вилоятини Бадиуззамон Мирзодан ажратиб олиш васвасасига тушган эди. Бинобарин, амир Умарбек туркман амир Валининг ҳузурига ярим тунда келиб, гўё Султон Бадиуззамон Мирзо амир Валини ушлаб йўқ қилиш тараддудида эканлигини айтади. Амир Вали бу хабарни эшитгач, шаҳзода ҳузурига боришдан чўчиб, ўз қўшини билан Қундузга қайтиб кетади.

Амир Умарбек туркман ўз қўшини билан Шибирғонга жўнайди. Султон Бадиуззамон Мирзо амир Умарбекнинг хиёнатидан воқиф бўлгач, уни ихтилоф йўлидан қайтариш учун бир неча марта кишилар юбориб панду насихатлар қилади, аммо фойда бермайди — амир Умарбек туркман ўз йўлидан қайтмайди. Шундан сўнг Султон Бадиуззамон Мирзо Заминдовар ҳукмдори амир Зуннун арғунга элчи юбориб, тезлик билан Шибирғонга амир Умарбек туркманга қарши юришни буюриб, ўзи Чечактуга жўнайди. Зеро, амир Умарбек туркман ихтилофи туфайли Чечакту қўшинида ҳам тартибсизликлар кучайган эдиким, агар Муҳаммад Шайбонийхон қўшини бостириб келгудек бўлса, ҳеч бир қаршиликсиз сувдан кечиб ўтиши мўқаррар эди.

Амир Умарбек туркманнинг Шибирғонга кетиб қолиши ҳамда Султон Бадиуззамон Мирзонинг Чечактуга қайтиб келиш воқеаси ҳаммага маълум бўлади. Жумладан, Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро ҳам бу хабарни эшитгач, амир Умарбекни ихтилофдан қайтармоқ ҳамда ўжар ўғли Султон Бадиуззамон Мирзони ўз ройишига киритмоқ мақсадида Мурғоб дарёси томон қўшин тортади. Аммо шаҳаншоҳ йўл асносида ўзини ноҳуш сезади. Қўшин Тарноб манзилига етганда шаҳаншоҳнинг аҳволи оғирлашиб, дам-бадам ҳушидан кета бошлайди. Аркони давлат машварат қилиб, юришни тўхтатиб, пойтахтга қайтишга қарор қиладилар.

Бу пайтда Султон Бадиуззамон Мирзо Олатамур тоғининг этагида турарди. Отаси шаҳаншоҳнинг тўсатдан бетобланганини эшитгач, фарзандлик меҳри товланиб, олий ўрдугоҳга бориб, шаҳаншоҳни зиёрат қилмоқ фикрига тушади. Бинобарин, шаҳаншоҳ билан мулоқотда бўлиб, унинг ҳусни таважжўҳидан баҳраманд бўлмоққа изн сўраш учун амир Султон Боязид барлосга қуйидаги сўзларни таъкидлаб, олий ўрдугоҳга элчи қилиб жўнатади:

«Агар шаҳаншоҳ ҳазратлари бу маслак саргардонининг гуноҳларини авф ва марҳамат суви билан ювиб, биноан алайҳи, қайтадан қасд ва тажовуз қилмаслик ҳақинда Ҳирот дорус-салтанатиндаги шаҳзодалар ҳамда саййидлар ҳузурига аҳду паймон қилсалар, токи бу гуноҳкор банда итоат ҳалқасин қулоққа тақиб, тобеълик ридосин бўйнига солиб,

ул зоти бабарокотнинг шафқат ва марҳаматлари соясинда абадий ором олиш бахтига мушарраф бўлса».

Амир Султон Боязид барлос Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро ўрдугоҳига бориб, шаҳзоданинг пайғомини маълум қилади. Шаҳаншоҳ бу мўждадан хушнуд ва масрур бўлиб, дарҳол Ҳиротга чопар юбориб, барча шаҳзодаю ақобирларни қақиртириш тараддудига тушади. Аммо Хадича бегим бошлиқ бир гуруҳ аъёнлар маслаҳатлашиб, «алҳол шаҳаншоҳнинг вужуди касалдан батамом фориг бўлгани йўқ. Инчунин, ўрдугоҳда Музаффар Ҳусайн Мирзо ҳам йўқдир. Шундай ночор вазиятда Султон Бадиуззамон Мирзо бу ерга келса, ногаҳон хиёнат эшиги очилиб, салтанатни ўз тасарруфига киритмоғи эҳтимолдан холи эмасдур. Зеро, қўшин орасида шаҳзода тарафдорлари кўпдир. Бинобарин, Султон Бадиуззамон Мирзони бу ерга келтирмаслик лозим», деган қарорга келадилар ва шаҳаншоҳни ҳам кўндирадилар. Натижада Султон Бадиуззамон Мирзонинг илтимоси шаҳаншоҳ томонидан кейинга сурилади.

Нихоят, 1504 йил сентябр ойида Корруҳ ёнидаги Ғори Аббос мавзеида Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро билан шаҳзода Султон Бадиуззамон Мирзо ўртасида яраш маросими бўлиб, ота-бола бир-бирлари билан йиғлашиб кўришадилар. Бу маросимда Султон Бадиуззамон Мирзо томонидан амир Зуннун арғун ва амир Ҳусравшоҳ ҳам қатнашадилар. Шаҳаншоҳ бу икки амирнинг ҳам гуноҳларини кечиб, юксак илтифотлар курсатади. Шаҳзода ва амирлар бир неча кун шаҳаншоҳ ҳузурини меҳмон бўладилар.

1505 йил феврал ойида шаҳаншоҳ Султон Бадиуззамон Мирзо билан Музаффар Ҳусайн Мирзони Мурғоб дарёси соҳилидаги ҳарбий истеҳкомни мустаҳкамлаш ва қўшин билан таъминлаш учун жўнатади. Токи, Муҳаммад Шайбонийхон қўшини дарёдан кечиб ўтишга муваффақ бўлмасин. Султон Бадиуззамон Мирзо Мурғобга жўнаб кетгач, амир Ҳусравшоҳ ўз қўшини билан Қундузга йўл олади. Аммо Қундуз шаҳри Муҳаммад Шайбонийхон қўшини томонидан мусаххар қилинган эди. Бинобарин, Қундуз шаҳрининг доруғаси ўз қўшини билан Ҳусравшоҳга қарши ҳужум қилади. Ҳар икки қўшин ўртасида қаттиқ жангу жадал бўлиб, амир Ҳусравшоҳнинг қўшини мағлубиятга учраб, жанг майдонини ташлаб қочади. Амир Ҳусравшоҳнинг ўзи жанг майдониди асирга олинади. Уни эшакка миндириб, Қундуз шаҳрига олиб кириб, шаҳарни айлантирадилар. Чунки амир Ҳусравшоҳ Қундузнинг собиқ ҳукмдори эди. Уни шу ерда қатл қиладилар. Бир вақтлар амир Ҳусравшоҳ ўткинчи дунёнинг ҳою ҳавасига учиб, салтанат ва мулкғирлик дағдағаси билан ўз валинеъматини, Самарқанд ҳукмдори марҳум Султон Маҳмуд Мирзонинг катта ўғли Султон Масъуд Мирзонинг кўзига нил тортириб, кўр қилган ва кичик ўғли Султон Бойсунқур Мирзони бўғиб ўлдириб, Ҳисор, Хутталон, Бақлон ва Қундуз вилоятларига ҳукмрон бўлган эди. Ал-қасосул минал-ҳақ, деганларидек, фалакнинг гардиши билан андак фурсат ўтмасданоқ интиқом ханжари ўз бўғзига тақалади.

1505 йилнинг ёз ва куз ойларида Муҳаммад Шайбонийхон қўшини Маймана ва Фарёб вилоятларини босиб, талон-тарож қила бошлайдилар. Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро бу хабарни эшитгач, салтанат тақдирдан ташвишланиб, душманга қарши кураш тараддудига тушади. Шунингдек, Султон Бадиуззамон Мирзонинг Муҳаммад Шайбонийхонга қарши барча куч-қудратни бирлаштириш борасида қилган таклифига ўз вақтида қулоқ солмаганига афсус ва надоматлар қилади. Дарҳол арқони давлатни йиғиб, кенгаш ўтказди. Кенгашда Султон Бадиуззамон Мирзони зудлик билан Ҳиротга таклиф қилишга қарор қилинади. Шаҳзоданинг ҳузурини саройнинг энг обрўли аъёнларидан Хўжа Шамсуддин Муҳаммад Муншини элчи қилиб жўнатадилар. Хўжа Шамсуддин Му-

ҳаммад Мунши шаҳзода ҳузурида шаҳаншоҳнинг шафқат ва марҳамати беқиёс ҳамда саховат ва муруввати беназир эканлигини мафтункор иборалар билан баён қилиб, шаҳзодани отаси шаҳаншоҳ билан учрашишга кундиради.

1506 йил январига Султон Бадиуззамон Мирзо амир Зуннун арғунга Заминдоварга бориб, қўшин тўплаб, аввал баҳорда Мурғоб дарёси соҳилига етиб келишни буюради ва ўзи Ҳиротга — олий даргоҳга йўл олади.

Ҳиротга келиб, шаҳаншоҳ ҳузурида йигирма кун туради. Шу аснода Муҳаммад Шайбонийхон қўшинининг Балх, Андхуд, Шибирғон, Маймана ва Фарёб вилоятларини босиб олгани хабари келади. Шаҳаншоҳ дарҳол Султон Бадиуззамон Мирзони Мурғоб дарёси соҳилига илғор қилиб жўнатади ва ўзи кейиндан боришга қарор қилади. Шунингдек, шаҳаншоҳ барча вилоятлардаги ўғиллари ҳамда бекларга тезликда олий ўрдугоҳга қўшин билан етиб келишлари ҳақида фармон беради. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг ёзишича, Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро Муҳаммад Шайбонийхонга қарши биргаликда курашмоқ учун Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ҳузурига Сайид Афзални элчи қилиб юборади.

Шаҳаншоҳ хасталигига қарамай, Хуросон қўшинини йиғиб, Муҳаммад Шайбонийхонга қарши Мовароуннаҳр ҳудуди томон йўл олади. Бироқ тез суръат билан жангга отланиш ҳамда йўл машаққатлари қариб қолган шаҳаншоҳнинг бусиз ҳам ночор бўлган саломатлигига таъсир кўрсатиб, касаллик аломатлари ботиндан зоҳирга ружу қилади. Бобо Илоҳий мавзеига етганда шаҳаншоҳнинг аҳволи оғирлашиб, қўшинни тўхтатишга қарор қилинади. Бу вақтда Султон Бадиуззамон Мирзо Сарипул мавзеида шаҳаншоҳни кутиб турарди. Аркони давлат кенгашиб, шаҳаншоҳнинг оғир хасталигидан айрим шаҳзодалар ва қўшин бошлиқлари фойдаланиб, фитна-фужур йўлига ўтишлари эҳтимолдан холи эмаслигини назарда тутиб, Султон Бадиуззамон Мирзо ҳузурига чопар юбордилар. Бу хабар Султон Бадиуззамон Мирзога етиб келгач, у ўзининг яқинларидан 300 киши билан йўлга чиқиб, олий ўрдугоҳдан бир фарсах берида тўхтади. Эртаси шаҳаншоҳнинг ҳузурига кириб, уни ниҳоятда беҳол ва оғир аҳволда кўради. Шаҳзода отасининг аҳволидан ғоят даражада маҳзун бўлиб, ўрдугоҳда кўп тўхтамай, ўз манзилига қайтиб кетади.

Султон Бадиуззамон Мирзо кетгач, аркони давлат яна кенгашиб, алҳол шаҳаншоҳнинг сиҳат топишидан умид йўқ, бинобарин, мамлакат ва эл-улуснинг осойишталиги борасида, шунингдек, шаҳаншоҳдан сўнг шаҳзодалар итоатдан бош тортиб, тахт талашмасликлари учун салтанат тахтига Султон Бадиуззамон Мирзо билан Музаффар Ҳусайн Мирзони номзод этиб тайинланса, деган қарорга келадилар.

1506 йил 2 май кuni амир Муҳаммад Бурундук барлос, амир Муҳаммад Валибек, Амир Носириддин Умарбек ва амир Низомиддин Абдуллатифлар шаҳзода Музаффар Ҳусайн Мирзо, Муҳаммад Қосим Мирзо, Сайид Абдулло Мирзо ва Абдулбоқи Мирзолар бошчилигида олий ўрдугоҳдан чиқиб, Султон Бадиуззамон Мирзо ҳузурига келадилар. Султон Бадиуззамон Мирзо тарафидан амир Жаҳонгир барлоснинг ўғли амир Султон Боязид, амир Шайх Али Тағойини ҳамда шаҳзода Музаффар Ҳусайн Мирзо тарафидан Мирзо Алибек, амир Муҳаммад Жаъфар ва амир Муҳаммад Бурундукни битим анжуманига таклиф қилдилар. Султон Бадиуззамон Мирзо билан Музаффар Ҳусайн Мирзо қўлларини Қуръони Каримга қўйиб, маврусий салтанатни бир-бирлари билан аҳиллик ва ҳамжиҳатликда бошқариш ҳамда зимдан адоват ва таъаддий қилмасликка аҳду паймон берадилар.

Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг дарди кундан-кун кучайиб бо-

рар, табибларнинг муолижаси фойда бермас эди. Ниҳоят, 1506 йил 5 май душанба куни кечқурун салтанат соҳиби Абулғозий Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро сактаи қалб (апоплексия) касали билан 69 ёшида оламдан ўтади. Шаҳаншоҳнинг бемаврид вафоти аркони давлат ва қўшин учун мушкул вазиятни вужудга келтирган эди. Зеро, ташқаридан Муҳаммад Шайбонийхондек забардаст ёғийнинг бостириб келиш хавфи кун сайин яқинлашмоқда эди. Шунингдек, шаҳаншоҳ вафот қилганда унинг ўн тўрт нафар ўғлидан еттитаси оламдан ўтган бўлиб, еттитаси эса ҳали барҳаёт эди. Мазкур шаҳзодалар энг катта акалари Султон Бадиуззамон Мирзони тахт соҳиби деб тан олсаларда, бироқ Хадича бегимнинг эркатой ўғли Музаффар Мирзони тахтга муносиб деб билмасдилар. Ҳатто Марв вилоятининг ҳукмдори шаҳзода Абулмуҳсин Мирзо Музаффар Ҳусайн Мирзога нисбатан ёши улў бўлгани туфайли унинг ҳузурига келишга бўйни ёр бермасди. Бундай вазиятда шаҳзодалар орасида ўзаро низолар чиқмаслигига ҳеч ким кафиллик беролмасди.

Шулардан келиб чиқилса, зудлик билан шаҳаншоҳни дафн этиб, салтанат ишларини йўлга қўйиш, қўшин салоҳиятини мустаҳкамлаб, умумий душманга қарши курашиш чораларини излаш лозим эди.

Хондамирнинг ёзишига қараганда, Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг жасадини Ҳиротга келтириб, ўзи қурдирган мадрасага дафн қилинди ва таъзиянинг еттинчи куни юртга ош тортилди.

...Маълумки, 1967 йили Кобул шаҳрида қўлёзма асарлар ёдгорликларини ўрганишга доир халқаро анжуман бўлиб ўтган, унинг ишида Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтидан Убайдулла Каримов ва Қувомиддин Мунировлар ҳам қатнашган эдилар. Анжуманда тингланган маърузалардан бирида Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг ўлими ва дафн қилинишига оид ғалати ва мунозарали фикрлар ҳам айтилган экан.

Ҳикоя қилишларича, Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро Муҳаммад Шайбонийхонга қарши урушга кетаётди, йўлда — Бобо Илоҳийда вафот этади. Гарчи уруш бошланмаган бўлса-да, бироқ жангу жадалга жазм қилиб йўлга чиққан саркарданинг тасодифан йўлда вафот этиши истикболда Муҳаммад Шайбонийхон ғалабасидан башорат эди. Бинобарин, аркони давлат ва шаҳзодалар шаҳаншоҳнинг ўлими ҳақидаги хабар атрофга тарқалиб, Муҳаммад Шайбонийхонга етиб боргунга қадар, шошилнч равишда дафн этиб, қўшин салоҳиятини тузатиб, жанг тадорукни кўришга жазм қиладилар. Аммо қандайдир сабабларга кўра, шаҳаншоҳнинг жасадини мадраса ичидан оддий қабр қаздириб, омонат дафн қиладилар (Балки шаҳаншоҳ учун жиҳозланиши лозим бўлган қабр ёки мақбара битмагандир). Шундан сўнг бир неча муддат ўтгач, шаҳаншоҳ жасадини ҳақиқий қабрга олиб қўйиш мақсадида аввалги қабрни очадилар. Ҳайҳот! Қай кўз билан кўрсинларки, лаҳад ичиде шаҳаншоҳ тўнтарилиб ётар, устидан кафанлари тушиб кетган, лаҳаднинг деворлари қўл билан тимдаланган ҳолда бўлади. Гап шундаки, Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро сакта касали билан вафот этган. Беморнинг томирлари бир неча муддат беҳол уриши натижасида ҳаёт учқуни сезилмай қолган. Касалликнинг бундай пинҳоний сирларидан воқиф бўлмаган табиблар ва шаҳаншоҳнинг яқинлари уни оламдан ўтди деб ҳисоблаб, дафн этганлар. Бироқ, совуқ лаҳадда бирмунча муддат ётгач, беморнинг томирлари яна ўз меъёрида ҳаракатга келган бўлса керак. Ва бемор ўзига келиб, қоронғу лаҳаддан чиқишга ҳаракат қилган. Аммо барча ҳаракат зое кетган...

Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг қабри устига ўрнатилган қора мәрмәр тош «Санги ҳафт қалам» деб аталади. Мазкур мўъжизавий нақшинкор, нафис қора тошни XV асрда Камолиддин Беҳзод тарҳи

асосида унинг Ҳиротдаги шогирдларидан бири ишлаган. «Санги ҳафт қалам» дейдишининг сабаби шундаки, бу тошга етти қатор хат етти хил услубда ўйиб битилган, мутлақо бир-бирига ўхшамайди.

Шарқшунос олим Ориф Усмонов мазкур қабртошнинг ясалиш тарихига оид афғонистонлик олимларнинг оғзидан эшитган бир ривоятни айтиб берди.

Кунлардан бир кун Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро ўз замонасининг машҳур ва моҳир сангтарошларидан бирини ҳузурига чорлаб, ўзи учун қабр тоши ясаб беришни буюрибди. Сангтарош уста етти йил муттасил меҳнат қилиб, мазкур «Санги ҳафт қалам»ни тайёрлашга муваффақ бўлибди. Аммо ҳали қабр тоши тугал битмай туриб, шаҳаншоҳнинг севикли ўғли ШоҳҒариб Мирзо вафот қилибди-ю, шаҳаншоҳ сангтарош устани чорлаб, ишлаётган қабр тошига ўғлининг номини ёзишни, ўзига эса бошқасини ясаб беришни буюрибди. Сангтарош уста шаҳаншоҳга қараб замзама оҳангиде: «Шоҳим, мен қариб қолган кишиман, битта тошга етти йил умр сарф бўлди, яна иккинчи тош учун умрим кифоя қилармикан?» дейди. Шунда шаҳаншоҳ устанинг замзамасидаги нозик маънога тушуниб, ҳазил-мутоиба аралаш амр этадики: «Мен ҳам ҳали-бери ёруғ дунёдан кўз юмишни истаётганим йўқ. Боринг, зудлик билан ишга киришинг».

«Санги ҳафт қалам» ҳақидаги ривоятларни исботловчи айрим ёзма маълумотлар ҳам мавжуддир. Чунончи, афғонистонлик олимлардан Ризо Мойил Ҳеравий машҳур Абдуллоҳ Ансорийнинг туғилганига 1000 йил тўлиши муносабати билан қўлёзма асарлар асосида ёзган «Пири Ҳирот» номли асарида «Санги ҳафт қалам» ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Санги ҳафт қалам — жаҳондаги ҳаттотлик санъатининг бебаҳо дурдоналаридан бўлиб, Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро тарафидан шахсан ўз қабрига атаб буюртирган қабртош эди. Аммо тақдир тақозоси билан 1496 (902 ҳ.) йил ўғли ШоҳҒариб Мирзо вафот этади ва мазкур қабртош шахзоданинг қабрига қўйилади».

Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг қабрига эса, юқорида зикр қилинганидек, ўша моҳир сангтарош уста томонидан иккинчи «Санги ҳафт қалам» ясалади. Мазкур тошларнинг бири Гозаргоҳнинг ўнг томонидagi ҳужралардан бирига дафн этилган шахзода ШоҳҒариб Мирзонинг қабри устига, иккинчиси Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро қабри устига қўйилган.

Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг жасади ўзи қурдирган мадраса гумбази остига дафн қилинган. Мазкур мадраса Мусалло ёнига қурилган бўлиб, салобати ва муҳташамлиги билан кишини лол қолдирган.

Бироқ, XIX асрда Афғонистон амири Абдураҳмонхон замонида инглиз мушовирлари «Руслар Ҳиротни забт этмоқчи, бинобарин, мазкур баланд ва улкан миноралар уларнинг замбарақларига нишон бўлиши муқаррар», деб минораларни бузиб ташлашни маслаҳат берадилар. Шундан сўнг маҳаллий ҳукмдорлар мазкур мадраса-минораларнинг остига динамит қўйиб портлатадилар. Натижада бир неча осори атиқа ёдгорликлари култепага айланади. Жумладан, Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро қурдирган мадраса ҳам вайронага айланган. Ҳозирги кунда Афғонистонга бориб, Ҳирот осори атиқаларини зиёрат қилиб қайтган кишиларнинг сўзига қараганда, Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро қабри вайроналар орасида, очиқ майдонда қолиб, бир оз ерга чўккан, устидаги «Санги ҳафт қалам» бир томонга оғиб, қийшайиб қолган.

Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро вафотидан сўнг, аввалги битимга мувофиқ маврусий тахтга Султон Бадиуззамон Мирзо билан Музаффар Ҳусайн Мирзо ўтирадилар. Бу ҳақда Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо шундай ёзади: «Бадиуззамон Мирзо жонибидан шахр доруғаси Шайх Али Тағойи, Музаффар Мирзо тарафидин Юсуф Али кўгалдош.

Бу ғариб амре эди, ҳаргиз подшолиқта ширкат эшитилган эмас. Шайх Саъдий сўзининг мазмунининг хилофи воқиб бўлди. Нечукким, «Гулистон»да келтурубтур: Даҳ дарвеш гар гилеме биҳусбанд ва ду подшоҳ дар иқлиме нагунжанд».

(Мазмуни: Ўн дарвеш бир гиламга сиғиб ётадилар-у, икки подшоҳ бир иқлимга сиғмайдилар.)

1506 йилда Муҳаммад Шайбонийхон Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг вафоти хабарини эшитгач, Хуросонни забт этиш тараддудига тушади. У мавлоно Хитойи исмли кишини Ҳиротга элчи қилиб жўнатади. Элчи Султон Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзо ҳузурига дохил бўлиб, Муҳаммад Шайбонийхон пайғомини етказди. Пайғомда жумладан шундай дейилган эди: «Сизларнинг ота-боболарингиз аввалги вақтларда бизнинг шонли ҳукмдор хон ота-боболаримиз қўл остида бўлганлар. Алҳол, сизлар ҳам ўз боболарингиз суннатига иқтидо қилиб ихтилофсиз таслим бўлмоғингиз лозим. Токи қалъаю шаҳарлар вайрон, фуқаролар қирғинга дучор бўлмағайлар».

Султон Бадиуззамон Мирзо барча аркони давлатни йиғиб кенгаш ўтказди. Кенгаш асносида Балх ҳокимидан чопар келиб, Муҳаммад Шайбонийхон Балх шахрини қамал қилганини айтади. Кенгашда Шайбонийхонга қарши курашмоққа қарор берилади. Дарҳол қўшинни йиғиб, Балхга қараб юрадилар. Қўшин Чилдухтарон мавзегга етганда, Марвдан шаҳзода Абулмуҳсин Мирзо ўз қўшини билан келиб қўшилади. Қоин вилоятдан ибн Ҳусайн Мирзо ва Сейистондан амир Султон Али арғунлар ҳам етиб келиб, қўшинга қўшиладилар.

Шу аснода Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро руҳига фотиҳа ўқиш муносабати билан Ҳиротга келаётган хабари лашкаргоҳга етади. Шаҳзодалар ва аркони давлат улуғ меҳмонни муносиб кутиб оладилар. Бобур Мирзо шаҳзодалар ҳам Хуросон аъёнлари билан учрашиб, сўзлашгач, шаҳзодалар ўртасида ҳам, аркони давлат орасида ҳам ҳамжиҳатлик йўқлигига, аксинча, бир-бирига хусумат ва зимдан душманлик мавжудлигига ишонч ҳосил қилади ва афсуснадоматлар билан Кобулга қайтиб кетади.

Дарқақиқат, Машҳадда ҳукмронлик қилаётган шаҳзода Муҳаммад Муҳсин Мирзодан хавфда эдилар. Чунки Хуросон қўшини Шайбонийхон дафъи учун Ҳиротдан чиққач, дарҳол Муҳаммад Муҳсин Мирзо Ҳиротга босиб кириши ҳамда тахтни эгаллаши муқаррар эди. Бинобарин, Султон Бадиуззамон Мирзо Ҳиротга амир Зуннун арғун билан амир Низомиддин Шайх Али Тағойини қўйиб, ўзи Бодғиз яйлоғида лашкаргоҳ қуриб, қишлайди. Уша пайтда, яъни, 1507 йил май ойида Султон Бадиуззамон Мирзонинг қизи Чучук бегим Ҳиротда оламдан ўтади.

1507 йил май ойининг ўртасида Муҳаммад Шайбонийхон Амударёни кечиб ўтиб, Андхудга яқинлашгани ҳақида маълумот олинади. Муҳаммад Шайбонийхон Андхуддан чиқиб, 19 май пайшанба куни тонг пайтида Бодғизга етиб келади. Унинг қўшинига ўғли Темур Султон ва Убайдуллоҳ Султон ибн Маҳмудхон саркардалик қиларди. Султон Бадиуззамон ва Музаффар Ҳусайн Мирзо ҳам қўшинни жангга ораста қилиб, душманга қарши юрадилар. Ҳар икки қўшин жангга кириб, беадад қурбонлар берилади. Аммо жанг ниҳоясида Хуросон қўшини мағлубиятга учраб, жанг майдонини ташлаб, рўпара келган томонга қоча бошлайдилар. Амир Зуннун арғун жангда ажал шарбатини ичади. Амир Шайх Али Тағойи эса барча аскарлари билан ўзбеклар қўлига тушади.

Хуросон қўшини мағлубиятга учрагач, шаҳзодалар ва умароларнинг ҳар қайсиси ўзи хоҳлаган томонга қараб қоча бошлайдилар. Жумладан, Сайид Абдулло Мирзо бир неча умаролар билан Муҳаммад Муҳсин Мирзо ҳузурига — Машҳадга қочиб боради. Абдулбоқи Мирзо ва Муҳаммад Бурундук барлос бир неча ҳарбий гуруҳлар билан шаҳзода ибн

Ҳусайн Мирзо ҳузурига — Сабзаворга қочадилар. Султон Бадиуззамон Мирзо Ҳирот томон бориб, шаҳар ташқарисидаги Боғи навда тунаб, бир оз дам олгач, шаҳарда Кандаҳорга кетади. Музаффар Ҳусайн Мирзо Ҳирот ташқарисидан тунни ўтказишдан хавфсираб, шаҳар ичидаги боғга кириб, шайхулислом мавлоно Сайфиддин Аҳмад Тафтазонийни, амир Ғиёсиддин Муҳаммад бин амир Жалолиддин Юсуф ар-Розийни ва Қози Ихтиёрдинларни ҳузурига чорлаб, Ҳиротни сақлаб қолишни илтижо қилади. Улар: «Шаҳарни сақлаб қолиш фақат қўшинга боғлиқдир», деб жавоб берадилар. «Қани қўшин? Мен билан бирга фақат учта навкар келди, холос», дейди Музаффар Ҳусайн Мирзо ва афсус-надоматлар билан онаси ва ҳарами билан видолашиб, тонг отгач, барча мулозимларини олиб, Ҳиротнинг Ферузобод дарвозасидан чиқиб, Туршиз орқали юриб, Астробод вилоятига кетади.

1507 йил 23 майда Муҳаммад Шайбонийхон қўшини Ҳирот шаҳрига кириб, талон-тарож қилади. Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг, Султон Бадиуззамон Мирзонинг, Музаффар Ҳусайн Мирзонинг ҳарамлари ва мол-мулкларини, шунингдек, бошқа аъёнларнинг хотин-қизлари, болачақаларини ҳибсга олиб, ғолиб хон — Муҳаммад Шайбонийхон ҳузурига олиб борадилар. Музаффар Ҳусайн Мирзонинг Хонзода бегим исмли хотини хонга манзур бўлиб, ўз никоҳига киритади. Хондамирнинг таъкидлашча, Музаффар Ҳусайн Мирзо мазкур Хонзода бегимни бундан икки йил муқаддам талоқ қилган экан. Музаффар Ҳусайн Мирзонинг Хонзода бегимдан туғилган Меҳрангиз исмли кизини эса Убайдуллоҳ Султон ўз никоҳига киритади. Бошқа маликалар қўшин сардорлари, амир ва бекларга инъом қилинади. 27 май жума куни Ҳиротнинг жомеъ масжидида ғолиб хон — Муҳаммад Шайбонийхон номи хутбага қўшиб ўқилади.

Шундан сўнг Ихтиёрдин қалъасини таслим қилдириш учун ҳаракат бошланади. Султон Бадиуззамон Мирзо Шайбонийхонларга қарши жангга кетаётган пайтда ўз ҳарамидаги севиқли хотинларидан Улуғбек Мирзо Кобулийнинг қизи Кобулий бегимни ҳамда «Андалиб» (Булбул) номи билан шуҳратланган Руқия Оғо бегимни мазкур қалъага қўйиб кетган эди. Шунингдек, шаҳаншоҳнинг севиқли беваси Хадича бегим ҳамда амир Ошиқ Муҳаммад арғун ва Шайх Абдуллоҳ баковуллар ҳам Ихтиёрдин қалъасига беркинган эдилар.

Муҳаммад Шайбонийхон қалъага элчилар юбориб, таслим бўлишни таклиф қилади. Қалъадагилар қабул қилмагач, ер остидан лаҳм (йўл) қазишга буйруқ беради. Шундан сўнг қалъа бошлиғи омонлик сўраб, таслим бўлади. Қалъа ичидаги мол-мулклар мусодара қилиниб, Кобулий бегимни Қанбар Мирзо Кўкалдош ўз никоҳига киритади. Андалибни эса Темур Султон ўз ҳарамига жўнатади.

Муҳаммад Шайбонийхон Хуросонга киргач, шаҳзода Абулмуҳсин Мирзо ўз хазина ва дафинасини Сарахс қалъасига беркитиб, 1507 йил июн ойида укаси Муҳаммад Муҳсин Мирзо ҳузурига — Машҳадга боради. Ака-ука шаҳзодалар шайбонийларга қарши курашмоқ режасини тузадилар. Бу пайтда Темур Султон ва Убайдуллоҳ Султоннинг қўшини Шом вилоятида турарди. Шаҳзодаларнинг ҳаракатидан воқиф бўлган шайбоний султонлар Машҳадга қўшин тортадилар. Айни вақтда ака-ука шаҳзодалар ҳам душманни Машҳад ташқарисидан кутиб олишга қарор берган эдилар.

Шаҳзодалар ўз аркони давлатлари билан тунни маишат билан ўтказиб, саҳар пайтида эндигина роҳат уйқусига кетганларида, чопар келиб, душман бостириб келаётгани ҳақида хабар беради. Шаҳзодалар ва ҳарбий бошлиқлар мастона уйқудан уйғониб, гарансиган ҳолда қўшинни душманга қарши кўядилар. Жанг майдонида ака-ука шаҳзодалар қаттиқ жонбозлик кўрсатадилар. Бироқ ўзбек қўшини ҳар жиҳатдан

устунлик қилади. Натижада шаҳзодаларни ўраб олиб, қўл-оёқларини боғлаб, ғолиб ҳукмдор ҳузурига олиб борадилар. Муҳаммад Шайбонийхон ҳар икки шаҳзодани дарҳол қатл қилдиради.

Хондамирнинг ёзишича, Абулмуҳсин Мирзонинг уч ёшли ўғли бўлиб, исми шарифи Султон Муҳаммад Бойқаро эди. Абулмуҳсин Мирзо қатл қилинган, унинг яқин мулозимлари ўғлини Ўрдунга (Иордания) қочирадilar. Султон Муҳаммад Бойқаро Ўрдунда улғайиб, яшаб, бир неча йиллардан сўнг ўз ажали билан вафот этади.

Абулмуҳсин Мирзо ва Муҳаммад Муҳсин Мирзо Машҳад яқинида тор-мор этилганда, шаҳаншоҳнинг энг кичик ўғли Муҳаммад Қосим Мирзо Нисо вилоятига қочган эди. У бирмунча қўшин йиғиб, 1507 йил куз пайтида Машҳадга келади. Машҳад ҳукмдори Сайид Ҳоди Хўжа Машҳаддан қочиб Марвга боради ва содир бўлган воқеани Муҳаммад Шайбонийхонга арз қилади. Муҳаммад Шайбонийхон шаҳзода Муҳаммад Қосим Мирзони даф этишни Убайдуллоҳ Султонга топширади. Убайдуллоҳ Султон Бухородан қўшин тортиб, Чоржўй кечигидан ўтиб Марвга келади. Марв ҳукмдори Қанбарбийнинг ҳамда Сайид Ҳоди Хўжанинг қўшинларини ўзига бирлаштириб, Машҳадга юради. Шаҳзода Муҳаммад Қосим Мирзо шаҳар дарвозаларини беркитиб жангга ҳозирланади. Ниҳоят, ҳар икки қўшин жангга кириб, жанг асносида шаҳзода қўшинидан кўп киши ҳалок бўлиб, қолганлари эса шаҳар мудофаасига ожизлик қиладилар. Ўзбек қўшини шаҳарга ёриб кириб, шаҳзода Муҳаммад Қосим Мирзони ушлаб қатл қиладилар.

Маълумки, 1507 йилда Султон Бадиуззамон Мирзо жангда енгилиб, Кандаҳорга кетган, Абдулбоқи Мирзо, Сайид Абдулло Мирзо ва бир неча қўшин бошлиқлари Шоҳ Ҳусайн Мирзо ҳузурига — Қоин вилоятига борадилар. Ибн Ҳусайн Мирзо Хуросонни шайбонийлардан мудофаа қилишга бел боғлаб, Нишопур ва Сабзаворга қўшин тортади.

Шаҳзоданинг ниятидан воқиф бўлган Темур Султон ва Убайдуллоҳ Султон зудлик билан қўшинни Сабзаворга бурадилар. Қаттиқ жанг бошланади. Жанг асносида ибн Ҳусайн Мирзо Убайдуллоҳ Султонга захм етказди. Жангнинг биринчи палласида хуросонликларнинг қўли баланд келади. Ғалабага ишончлари комил бўлган хуросонликлар ўлжа йиғиш билан овора бўлиб турганларида, шайбонийлар кўққисдан ҳужум қиладилар. Натижада Хуросон қўшини енгилиб, Сайид Абдуллоҳ Мирзо ва Абдулбоқи Мирзолар жанг майдонида ҳалок бўладилар. Ибн Ҳусайн Мирзо шайбонийлар таъқибидан қочиб, ўз яқинлари билан Ироқ ҳудудига ўтиб кетади. У Кошон ноибининг ҳимоятида шоҳона ҳаёт кечириди. Бироқ, 1513 йилда ногаҳоний фалокатга учраб, 34 ёшида вафот этади.

Султон Бадиуззамон Мирзо Шужоъбек арғун билан Кандаҳор чегарасига етганда Шужоъбекдан бевафолик гумон қилиб, Нимруз вилоятига ўтиб кетади. У ердан бир кишини амир Султон Али ҳузурига йўллаб, ўғли Муҳаммад Замон Мирзони юборишни буюради. Амир Султон Али арғун фармонга мувофиқ Муҳаммад Замон Мирзони Султон Бадиуззамон Мирзо ҳузурига жўнатади.

Султон Бадиуззамон Мирзо ўғли Муҳаммад Замон Мирзони олиб Астрободга кетади. Музаффар Ҳусайн Мирзо ҳам Ҳиротдан қочиб чиққач, Туршиз орқали юриб Астрободга келади. Ака-ука шаҳзодалар яна Астрободда учрашадилар. Астрободда ҳукмроқ бўлган укалари Фаридун Ҳусайн Мирзони Дамғон вилоятига юбориб, ўзлари Астрободда қоладилар. Шу кундан эътиборан Хуросон музофотида сарсонсаргардон юрган темурийлар улусига мансуб бўлган сипоҳийлар Астрободга тўплана бошладилар.

Султон Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзонинг Астрободда эканликлари ҳақидаги хабар Ҳиротга ҳам бориб етади. Шундан сўнг Хадича бегим, Поянда Султон бегим ва шаҳаншоҳнинг бошқа

хотинлари Ҳирот доруғаси Жон Вафо Мирзодан рухсат олиб Астрободга келадилар. Аммо бир неча муддат ўтгач, Музаффар Ҳусайн Мирзо тузатиб бўлмайдиган оғир дардга мубтало бўлиб, 1509 йилда вафот этади. Таъзиядан беш-олти ой ўтгач, Муҳаммад Шайбонийхоннинг Астрободга келаётган хабари тарқалади.

Султон Бадиуззамон Мирзо Муҳаммад Шайбонийхонга қарши турломаслигига ақли етгач, ўғли Муҳаммад Замон Мирзони Дамғонга — Фаридун Ҳусайн Мирзонинг ҳузурига жўнатади. Узи эса яқин кишилари билан Озарбайжонга кетади.

Муҳаммад Шайбонийхон Султон Бадиуззамон Мирзонинг Озарбайжонга кетганини эшитди ва Астрободни қўлга киритиб, сўнг Дамғонни қамал қилади. Дамғон қалъасида турган Фаридун Ҳусайн Мирзо ва Муҳаммад Замон Мирзо хон қўшинига бардош беролмасликларига иқрор буладилар ва Муҳаммад Шайбонийхон ҳузурига омонлик тилаб элчи юборадилар. Ғолиб хон элчини мамнуният билан қабул қилиб: «Шаҳзодалар ҳузуримга келсинлар, ҳеч бир зиён-заҳмат етказилмайди», деб ваъда беради. Шаҳзодалар шаҳар дарвозаларини очиб, хон ҳузурига борадилар. Хон уларни авф этиб, озод қилади. Шаҳзодалар хондан ижозат олиб, Муҳаммад Замон Мирзо Озарбайжонга ва Фаридун Ҳусайн Мирзо эса туркманлар орасига кетадилар.

1509 йилда Фаридун Ҳусайн Мирзо бир оз қўшин тўплаб яна Хурон ҳудудига кириб, Келот қалъасини забт қилади. Бу хабарни эшитган Марв ҳокими Қанбарбий барча ўзбек қўшинини йиғиб келиб Келотни муҳосара қилади. Фаридун Ҳусайн Мирзо қалъа муҳофазасига ожизлик қилади ва ўзбеклар қўлида ҳалок бўлади.

Султон Бадиуззамон Мирзо Озарбайжонда уч-тўрт ой тургач, Эрон шоҳининг кўрсатмасига мувофиқ Рай шаҳрига келиб истиқомат қилади. У ердан ўзининг атрофига йиғилган қўшини билан Астрободга боради. Астробод ҳокими Хўжа Аҳмад Қўнғирот билан жанг қилади. Жангда мағлуб бўлиб, ўз яқинлари билан Ҳиндистоннинг Синд вилоятига ўтиб кетади. Султон Бадиуззамон Мирзо Синдда бир йилдан кўпроқ истиқомат қилгач, 1513 йилда яна Эрон шоҳининг ҳузурига қайтиб, Табризда истиқомат қилади.

1514 йил сентябр ойида турк султони Салим I (1512 тахтга ўтирган) Табризга келганда Султон Бадиуззамон Мирзони ўзи билан бирга Истамбулга олиб кетади. Султон Бадиуззамон Мирзо Истамбулда уч-тўрт ой истиқомат қилади. Аммо кўп ўтмай, вабо касалига чалиниб, 1515 йил бошида 58 ёшида Истамбулда вафот этади.

Унинг ўғли Муҳаммад Замон Мирзо эса Эрон шоҳининг мулозиматида эди. Аммо отаси Истамбулга кетгач, ўз атрофида йиғилган қўшин билан Астрободга боради. Астробод ҳукмдори Амир Ҳусайн шаҳзода Муҳаммад Замон Мирзонинг Астробод вилоятига бўлган маврусий ҳуқуқини тан олиб, Астробод ҳокимлигини шаҳзода ҳукмига топширади. Бироқ шаҳзода Астрободда бир неча муддат ҳукмронлик қилгач, 1516 йилда Балх вилоятини ўз тасарруфига киритиш иштлигида ўзини тортади. Аммо Балх ҳукмдори шаҳарни Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзога таслим қилади. Ниҳоят, Бобур Мирзо мулозимлари Муҳаммад Замон Мирзони қўлга олиб, Кобулга келтирадилар. Бобур подшоҳ Муҳаммад Замон Мирзони юксак эҳтиромлар билан қарши олиб, саройнинг гўзал, моҳпора қизларидан бирига ўйлантиради. Уч-тўрт ой Кобулда сақлаб, сўнгра Балх вилоятига ҳоким қилиб тайинлайди.

Шундай қилиб, 1516 йилга келганда амир Темур соҳибқироннинг иккинчи ўғли Умар Шайх Мирзо зурриётига мансуб бўлган шаҳзодалардан фақат Муҳаммад Замон Мирзо қолган эди.

Валлоҳу аълам биссавоб.

ҚАШҚАДАРЁ ОҲАНЛАРИ

Очил Тоҳир

Кузак ўйлари

Замин туйди куз соғинчини,
Дарахтларда заъфарон либос.
Турналар йўқотди тинчини,
Саслар инар мезонларга хос.

Саркаш дарё Норазмсой ҳам,
Ажаб, ўшар қуйилган қизга.
Мирза малим айтгандек: «Одам
Сувдек сокин тортади кузда».

Ҳорғин қадам ташлар қари от,
Ёлларида йилларнинг гарди.
Чавандозни қийнай бошлар бод,
Ҳавонинг авзойи ўзгарди.

Йўл таноби тортилиб борар,
Поёнига етади нигоҳ.
Баҳоргача ўртада қиш бор,
Керак эмас ортиқча изох.

Сўқмоқларда

гул бор, тикан бор...

Қўй, дўстим, эгмагин бошингни,
Кенг дунёни қилиб бугун тор.
Шароб янглиғ симир ёшингни,
Сўқмоқларда гул бор, тикан бор.

Зада кўнгул кенгликни истаб,
Сени олисларга етаклар.
Таскин берар дўстим шивирлаб:
Сўқмоқларда гул бор, тикан бор.

Қашқадарёнинг вилоят сифатида ташкил этилганига етмиш йил тўлди. Маълумки, минтақавий чегара ва масофалар нисбий ва шартлидир. Кейинги даврларнинг маҳсули. Аслида, Қашқадарё — қадимий диёр. Катта маданияти ва ўзининг бўй-басти бор бўлган ўлка. Унинг тупроғи қаъридан тарихнинг кўп кўҳна излари ва ранглари сизилиб, тўриқлар туёғининг садолари сас бериб туради.

Қашқадарёнинг «Шарқ юлдузи» ойномаси билан мустақкам кадрдонлиги бор. Ойномамизга хайрихоҳлиги ҳамда муштарийлари мўллиги борасида олдинги қаторда туради. Бундайин мададкорлик, айниқса, бугунги кунда катта қувватга эга. Бунинг учун раҳмат деймиз. Таҳририятимиз номидан Қашқадарё аҳлини вилоятнинг етмиш йиллиги билан қутлаймиз. Уларга йилнинг баракасини тилаб, вилоятда истиқомат қилаётган бир гуруҳ ёш ижодкорларнинг шеърларидан намуналар эълон этамиз.

ТАҲРИРИЯТ

Орзуларим кемтигида жим,
Юпингина армоним йиғлар.
Тўзим берсин, сенга чап кўксим,
Сўқмоқларда гул бор, тикан бор.

Сўқмоқларки, жуда ҳам узун,
На ибтидо, на интиҳо бор.
Алмашгандек оддий куну тун,
Сўқмоқларда гул бор, тикан бор.

Очилар гул, қайтар қалдирғоч,
Нисбат бўлур умрга баҳор.
Умид билан тонгга қулоч оч,
Сўқмоқларда гул бор, тикан бор.

Ҳаёт асли шундай азалдан,
Уқтиради ўз фикрин тақрор,
Байт келтириб кимдир ғазалдан:
Сўқмоқларда гул бор, тикан бор...

Кўринар

**Баланд-баланд тоғ устида
Ламбар-ламбар қор кўринар.**

«Гўрўғли» достонидан.

Сунбул сочинг ҳар толаси,
Еш умримга дор кўринар.
Дарди йўқлар кесак эмас,
Улар бахтиёр кўринар.

Куйлай десам сулувларни,
Қовоғида қор кўринар.
Улар кўнглуга қўл солсам,
Ҳоллари душвор кўринар.

Ҳамма сиққан бу кенг дунё,
Менга бугун тор кўринар.
Улуғланган наҳрул ҳаёт,
Бағри тўла зор кўринар.

Дўстим дея айтсам сирим,
Ипак тили мор кўринар.
Одамсурат асли шайтон,
Ҳаётда бисёр кўринар.

Қайсдек саҳрога юз тутсам,
Чўллар пахтазор кўринар.
Қошимга келмас кийиклар,
Сергагу ҳушёр кўринар.

Балки, менинг бу байтларим
Сизга нола, зор кўринар.
Менинг эса кўзларимга,
Зулфи гажак ёр кўринар...



Рустам Қобил.

* * *

Чамбарак ўралган менинг бошимда —
Қузак гулзорлари тутган мурувват,
Ҳаёл рангларидан чизилган суврат —
Чамбарак ўралган менинг бошимда.
Осмон қучади — бўсалари хор,
Дунлар эмганади — кунлари абгор,
Умидим йўлига тортилган девор —
Чамбарак ўралган менинг бошимда.
Камалак эшилиб, тўқилар кафан,
Кўксиз юлдузимга — сизсиз яшаган,
Ҳадсиз, бешамойил Ватан шаклидан
Чамбарак ўралар менинг бошимда...
Васлга етмаган висол ёшимда.

* * *

Тупроқ тилагани бир сиқим лоша,
Осмон асрагани бир олам хаёл,
Кўзлар излагани кўнгулдек дунё,
Кўнгул сўрагани бир шаккок савол:
Бу тупроқ, бу дунё, бу осмон адаш?!.
Милён йил зимистон асраган хилқат —
Кунининг кўрмагани зиёзоҳир моҳ,
Сиёҳ кўзгудаги зим-зиё суврат —
Кунининг кўрмагани тунга сингган доғ:
Шу хилқат, шу кўзгу, шу суврат — бир доғ...

Юз бурма, ғам сенга юрак бўлғуси,
Йиғлама, шодликлар болаларинг-ку!
Сен топган, сен топган, сен кечган абад,
Тунда-да,
Ундан-да қаттолроқ оғу:
У — бахт! У — андуҳ! У — ...ёҳу!

* * *

Кун надир, чигиртка, зулматга ошиқ,
Йиғлагин, шу кеча кечмиши абад.
На хаёл, на лаҳза чизолмас суврат —
Шу кеч йўқлигига инган муҳаббат.
Чигиртка, айт, куфр қўшиқда калом —
Сени ёт дунларда асраган юпанч.
Бир лаҳза олдингда, маъшукдек комил,
Бир дунё орқангда аянчдан-аянч.
Кун надир, чигиртка, нафрат куйини
Куйлагин, бу кеча эшитар абад.
Бу кеча туганмас куйингдек мискин,
Куйлагин, қайтмагай тунига минбаъд —
Муҳаббат!



Ойбек Тўрақул

Тонгги оҳанг

Мени уйғот,
ҳали қушлар уйғонмай туриб,
миллиардлаб юлдузларни
осмон бир-бир териб,
улкан қўйнига яшираётган пайт.

Зулумот
ер узра тўшаган қора пардасин,
оҳиста йиғиштириб олаётган дам.

Замин
ғаройиб бир рангга бурканаётган чоғ,
уйғот,

мени уйғот, эй сирли шарпа!
Юзимдан ғафлатни сидириб ташла,
титраб турай токи ўрнимдан.
Титроқ қуршовида чиқиб ташқари,
илоҳият қаъридан бош кўтараётган
күёшга тиз чўкиб тикилай.
Шунда, чулғасин вужудни ажиб бир туйғу,
чулғасин,
чулғасин,
буткул чулғасин —
осмоннинг нақадар буюклик сеҳри!

Сен ўтмаган йўл

Кетаяпман...
Кўринмайди йўлнинг охири,
қадамларим оғир, зил-замбил.
Эй қўлларим тегмаган хаёл —
ҳали сен ўтмаган,
тушингга ҳам кирмаган йўл бу.

Кетаяпман...
Ичимга игнадай санчилар,
бўм-бўш ва мазмунсиз бир дард.

Тўхтамоқдан қўрқаман —
бунга барибир етмайди кучим.
Ортимга қарайман.
Оҳ, иложи бўлсайди қайтишинг!

Кетаяпман...
Кўзларимни йириб-йириб боқаман олдга,
ҳамон кўринмайди йўлнинг охири...



Ҳусан Эшмурод

* * *

Тун чодир ёймоқда қишлоққа секин,
Чағирларни ялар ҳорғингина сой,
Зарлар таратганча атрофга текин,
Уйчан суза бошлар осмонда ҳумой.

Омонат ёнишдан хижолат бўлган,
Шамларнинг айбини қўяр бўйнига.
Кеча сирларини айтолмай қолган,
Ошиқлар ошиқар унинг қўйнига.

Йигитлар дардларин сўйлайди бир-бир,
Айтган юлдузини узиб беради.
Қизларнинг кўнглида яширинган сир,
Ой билан қўшилиб сузаверади...

* * *

Ғалати дунё экан, бундок ўйлаб қарасанг,
Йиллар бўй чўзаётир кунлар елкаси оша.
Ҳув тоғлар чўққисида энсаси қотиб харсанг,
Безрайганча одамлар ҳолин қилар томоша.

Оломонда тиним йўқ, кўзларин қисар шайтон,
Баъзан англамоқ мушкул ким мағлубу ким ғолиб.
Барчасига баравар елкасин тутар замон,
Дунё эса югурар, кўзларин юмиб олиб...



Тўрабек Тоҳир

Қўнғиротда тўй

Йўлларимга мушарраф эрур,
Сунбул сочли, ой рухсор.
Қўнғиротнинг бекаларига,
Ёқармикин, билмам, бу ажҳол?!

Денгиз тўлқин ҳада этганми,
Қирлардаги қўй сурувига.
Моҳ ҳамсоя, юлдуз дугона,
Қўнғиротнинг сулувларига.

Сунбул сочли, ой рухсор,
Юрак кузги баргдай омонат.
Бахт томизган омад томчисин,
Кўзёшларга алмашмам, ҳеч вақт.

Ҳид олади итлар олқиши,
Бўлғуси гап, макр, шафқатдан.
Ол юзингга жоним қурбонлик,
Қарз сўрама қаҳр, нафратдан.

Мен — Қўнғирот дайди боласи,
Ўтинчим бор гуллар, ўтлардан.
Дилгинамнинг шу шўх ноласи,
Отларингга бўлар узанги.

Қўлларингни ёзгин, эй тоғлар,
Дуо бергин, эй олис осмон.
Ардоқлагин масъум чечагим,
Асрамоққа изн айт, изн...

* * *

Кўнгул қасабаси ичра нотинчлик,
Умиди — қўрқувнинг бечора ити.
Зарнигор! Елкангда порлар ўкинчим,
Тўкилар юрагим жомидан шароб.

Дунё — зоти пастлар тўкиган ташбеҳ,
Фиғоним — юзингнинг сарғиш тупроғи.
Мени шайдоликка ружу кўйдирган,
Ул буюк кунимга минг ва минг шароф.

Кўкрагим ёлида маъюс қўлларинг,
Ўйнайди тақдирнинг омадсиз юкин.
Билмайсан, бу кўкрак — бу дўзах аро
Неча бор ўлишинг ва тирилишинг.

Оламда шу нарса тўғри ва мунгли —
Муҳаббат — кўзингнинг ўргимчаклари,
Мени жудо қилди, ҳам гадо қилди,
Йўлимга қучоғинг элтган изтироб.

Уммонни севмаган қушлардек ҳориб,
Кийимим иламан ялтироқ танга.
Бағримда оройиш тиллақош ясар,
Юрагим измидан чиқиб кетар соз...



Самад Худойназар

* * *

Жоним, сенинг сочларинг қаро,
Менинг эса қаро тақдирим.
Етти осмон пардаси аро
Чирқирайди бағри қон сирим.

Заҳри қотил ҳижрондан бўлак,
Узга нарса кўрмадим тотиб.
Минг йил яшай олади фалак,
Менинг мастур сирларим сотиб.

Майли, менга солмагил қулок,
Бу дунёда ёлғизим, бирим.
Фақат, гоҳо жим фалакка боқ,
Унда мавжуд бағри қон сирим.

* * *

Юрагимни ўртаган ғамдан
Ҳам аламдан бир лаҳза безиб —
Аста чиқиб ётоқхонамдан
Телбаларча юрибман кезиб.

Қаро тунда нафрати келиб,
Гуллар тортиб олар гардимни.
Гўёки тўрт ёнимда елиб,
Дарахтлар илғайди дардимни.

Мен, ногаҳон кетганча ўздан,
Юрагимда чарчоқ сезаман.
Нафратимни сидириб кўздан,
Дайдиб яна кўча кезаман...



Жумақул Ражаб

Армон

Номингни такрорлаб, пичирлар лабим,
Вужудим титратар, ахир, армоним.

Гул тонгни соғиниб яшаган каби,
Мен сени соғиниб яшайман, жоним!

Бу қирғоқ ҳижрондир, у қирғоқ — висол,
Уртада оқар сув — менинг имконим.
Банди қуш фалакка талпинган мисол,
Мен сенга талпиниб яшайман, жоним!

Умрим ўтиб борар дарёдек шитоб,
Кўзёшга айланиб боради қоним.
Бир умр бўғзимда титрар бир хитоб:
Васлингга зор бўлиб яшайман, жоним!

Тонг ва шом

Гарчи, тонгнинг оқ варағида
Ёздирилган бўлса-да, исмим,
Алдамчи соямга эргашиб,
Нуқул шомга сапчийди жисми.

Шом, аслида, қотил ҳам эмас,
Қонларга ҳам ботмаган дасти.
Фақат малак шаклига кириб,
Мени имлаётган алвасти.

Шом алдамчи елдир, у беҳис,
Руҳимга у ишқ бахш этолмас.
Тонг покиза руҳдир, мен усиз,
У менсиз ҳеч ёққа кетолмас.

Тўхта, алдамчи соям, етар,
Шунча юрдинг қўлимдан тортиб.
Ўзим шомга кетурман, фақат,
Оппоқ тонгни елкамга ортиб.

УМРИ УЗОҚ ИЖОД

Етмишинчи йилларнинг иккинчи ярми ўтиб бораётган кезлар эди. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтига серқатновман. Мақсадим — ғанимат дамлардан фойдаланиб, Сирожиддин Махмуд Сидқий Хандақлиқий таваллудига юз йил тўлганда (1984 йилда) шоир асарлари тўпламини салмоқлироқ ҳажмда чоп эттириш. Бу ишда мазкур институт ходими Абдулла ота Носиров яқиндан ёрдам бериши мумкин эди. У хаттотлик сирларини уч йил (1916-1918) давомида Сидқийдан ўрганган, умри сўнгигача устоз иззат-ҳурматини юксак даражада ўрнига қўйиб хизматини адо этган меҳр-оқибатли шогирд эди. Абдулла Носирий устознинг чорвасини боқмади, ўтинини ёрмади, аммо оғир-енгил йилларда уни тез-тез йўқлаб, кўнглини кўтариб турди. Устоzi вафот этгач, асарларини жамлаб, Шарқшунослик институтига топширди, умр бўйи авайлаб-асради, янги топилганлари билан маънавият хазинасини мудом бойитиб келди...

Саксон ёшга борган ота билан тонгга қадар суҳбатлашиб чиққан пайтларимиз ҳам бўларди. Устоzi асарларини ўқиб, изоҳлаб, саралаб берар экан, «Мезони шарият»га гал келганда «бўлмайдиган»лар қаторига қўшиб қўйди. «Бу китобни ўқий бошлаган одам кўз узолмайди-ку, нега тўпламга кирмаслиги керак?» — деб сўради.

— Вой, афанди-ей, шундоқ қилиб кетармиди, ҳозирча вақти келмади, холос, — деган эди ўшанда Абдулла Носирий кулиб. — Даври етганда шунчалар жавлон урсинки, умр бўйи ҳавасларинг келиб юрсин!..

Дарҳақиқат, қадр-қиймати беқиёс «Мезони шарият»нинг жавлон урадиган даври келди. Бу, албатта, мустақиллигимиз шарофати туфайли рўёбга чиқди. Бироқ Абдулла ота бу кунларни кўролмади ўтиб кетдилар.

Олтин ҳар ерда, ҳар қанча вақт ўтса-да, зангламас экан. 1915-1917 йилларда кўп нусхаларда қайта-қайта чоп этилган «Мезони шарият», мана, яна 50 минг нусхада босиб чиқарилибди. Буни кўриб, ким ҳам қувонмайди, ҳаяжонланмайди дейсиз!

Шарқнинг буюк алломалари, забардаст адиблари, етук дин пешволари номларини санаб ўтганда албатта Сидқий Хандақлиқийнинг табаррук номини тушириб қолдирмаслик лозим. Зеро, ижодининг баркамол даврлари (Уктабр тўнтаршига қадар) Сидқий Хандақлиқий асарлари Қашқар, Эрон, боринги, Шарқнинг кўп ўлкаларига маълум ва машҳур бўлган, кўп жойларда қайта-қайта чоп этирилган. Ҳокимият тепасига болшавойлар келгандан кейин унинг бошига не-не маломатлар ёғилмади. Бундай қоралашлар яқин-яқинларгача давом этди. Масалан, домла Фулом Каримов томонидан яратилган «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг учинчи китобида (1966 йил, «Ўқитувчи» нашриёти) Сидқий Хандақлиқий кўп сафдошлари қаторида «халқ душмани»га чиқариб қўйилган эди. Мана, ўша китобдан бир неча сатр: «Жадидлар ватан хоинлари эди. Улар англиз-америка империалистларининг агентлари сифатида иш кўрдилар... Жадид адабиётининг кўзга кўринган намоёндаларидан Маҳмуд хўжа Бехбудий, Хожи Муин, Тавалло, Сидқий Хандақлий («Хандақлиқий» ёзилиши керак эди — А. А.) ва бошқаларни кўр-

сатиш мумкин». Шоир 1934 йил ўз ажали билан вафот этгани Оллоҳнинг ўзи уни бўлғуси ноҳақ азоблардан халос этганидир балки. Сидқий агар ҳаёт бўлганида, юқорида қайд этилган каби «айбнома»лар асосида у ҳам 37-йиллари не-не кўргуликларга дучор бўлиши аниқ эди, албатта...

Хайриятки, Ғулом Каримов домла умрининг сўнгларида бу тухмат фикрлари учун тавба қилгандай бўлади. Шоир таваллудининг юз йиллигига (1984 йилда) «Ёшлик» журналининг 9-сонида «Замон садоси» сарлавҳали мақола билан чиқди. Унда шоирнинг ҳақиқий ватанпарвар, халқпарвар ва ҳақиқатпарвар инсонлиги, юксак истеъдодли серқирра ижодкор эканлиги самимият билан эътироф этилган. Бу, албатта, давр тақозоси асосида янглиш йўл тутган ҳолда Ғулом Каримовнинг Сидқий Хандақлиқий ва сафдошлари олдида бош эгиши, уларнинг руҳи покларидан узр сўраши бўлса керак.

Тўсатдан юз берган вафотидан сўнг ҳатто Сидқийнинг энг яқин шогирдлари ҳам унинг ижоди ва ҳаётини ўрганишга, асарларини сақлаб қолишга кўп йиллар журъат эта олмаганлар. Ниҳоят, шоир ўзига энг яқин кўрган, суянган шогирди Абдулла Носирий 1946 йил Сидқийнинг ҳонадонидан 40 дан зиёд босма ва кўлэзма асарларни олиб Шарқшунослик институтига топширди. Табиийки, бу пайтга келиб адибнинг жуда кўп асарлари қўлма-қўл бўлиб кетган, аммо тошбосма китоблари ва чала-ярим кўлэзма асарларигина сақланиб қолган эди. Жумладан, «Тухфаи Шавкат», «Савғоти Шавкат» каби нашр этилган китоблари; «Ҳикояи латифа», «Базми ишрат», «Баҳром ва Гуландом», «Маслак ул-муттақийн», «Бўстон», «Алфи Лайло», «Сипари ғам», «Ажойиб ул-махлуқот» сингари қатор таржима асарлари, кўлэзма ҳолича қолган девонлари Сидқий Хандақлиқий номини элнинг дилига абадий жо этиб қўйган, иншооллоҳ.

Хуллас, Сирожддин Махдум Сидқий Хандақлиқий ўз ҳаёти ва ижоди давомида шундай бой маънавий хазина яратиб бердики, бизлар бунинг қадрига етмоғимиз, тўлиқ юзага чиқариш учун астойдил меҳнат қилмоғимиз керак.

Қадрли муштарийларимизга шоирнинг ноёб кўлэзмаларидан «Ҳолоти Сидқий»ни тақдим этмоқдамиз. Бу аслида таржимаи ҳол деб аталса-да, теран илмийлиги, кенг қамровли ва ғоят мазмундорлиги билан эътиборга сазовор.

Асад АСИЛ

ҲОЛОТИ СИДҚИЙ

Сирожддин Махдум Сидқий 1302 сана ҳижрийда Тошканднинг Шарқ ёғинда олти йиғоч йироқликда (йиғоч — аҳволи ҳозирда фарсанг ва тош бирла шухрат қозонмишдир — Сидқий изоҳи) бўлғон Хандақлиқ ўлкасида дунёга сабоқ бера бошлади. Ҳатто заҳоматли (буюк) Қуръони Каримни ҳам базўр мактабга тоқиниб борур эрди. Хати ҳам яхшигина чиқиб, ўз абнои жинси аросида саромад бўлди.

Сидқийнинг жаннатмакон падари камдастроқ ва бечораҳолроқ бўлғонликдан деҳқончилик ишининг баъзи камчиликларига боқишиб, яъни хизматкорларга ош тошиб, от ва улоғ боқиб, аларга қарашур эрди. Ушбу ҳол узра 8—9 йил кечди ва тарбиясиз қолди. Гўё уммийлар қаторида саналди.

Гавҳар алар балчиқ аро қолса ҳам,
Ҳеч маҳал бўлмағуси қадри кам.

Охир алам Сидқий ўн тўққиз ёшга борғонда таҳсили илм қилурға энг заллатлик бир ҳолда Тошкандға боруб «Кесаккўрғон» ном маҳаллада коин «Мадрасаи Раҳматия»да Мавлоно Шоҳ Муҳйиддин Охунд хизматида 1—2 йил сарф бирла наҳв ўқурға тутунди ва ҳамон фақирликқа қарши ҳаракат бирла илм ўқур эрди ва касб қилур эрди. Ва ўжо (ўжо — буюк, баланд, олий демақдир, туркийдир, — Сидқий изоҳи) ҳиммат бирла тиришур эрди ва зоҳириға боқмас эрди.

Ҳар кимсани зотан дилида бўлса ҳарорат,
Заллат совиғи қайда ани зарра совитқай.
Нодон у кишидурки бир оз чекса машаққат,
Матлуби таманносидин ўзни нори тутқай.

Сидқий зотан худойдод, зебо рақам ва хушқалам бўлса ҳам ҳусниҳат дағдағаси кўнглига ўрнашуб тошкандли Арпапоя маҳалласидаги Муҳаммад Шоҳмурод жавоҳир рақам ҳузуриға бориб, хизмат камарин жон белиға боғлаб, олти ой ичинда хат маъшуқасин бир зебо либос бирла оро бериб, хужаста фарномлиқ канориға олди. Ва кам-кам ҳусну назоратин ошурди. Тароват ва латофатлу назари рўбарў духтари моҳисиймони пажмурда ва фарсуда албиса ичра кўрмак нақадар шоён асаф бўлса, бир фикриолийни фанохат бирла ёзилмиш кўрмак тағи ул қадар сазовори талаҳхуфдир.

Ҳар кишининг зарофати фикрийян осори кўнгилларға жилобахш инбисот бўлса, фақат у осорнинг бир нафис хат бирла лавҳа оройи тазийн бўлмоқи назарларға шавқ овари нишотдур. Ақл ва фикр аҳволи хорижийя тамошосидан қанча зиёда таъсирли бўлса, гўзал хат бирла ёзилғон бир мақолани ўқуғувчи фаҳм эгаси яна у мақолани ҳусниҳатдан орий бир ёзув бирла ўқуғон ҳолдаги ҳусни таъсирини албатта топа олмай-дур.

Инсоннинг ғоят мақосиди фунуни нафиса ичра мумтоз бўлғон ҳусниҳат бирла ҳавий бўлса они фикрининг тасири бўлғон асарлари ақли назар қошида бир нақшин лавҳаи ибрат бўлуб жиљагар бўлур.

Алҳаққу Сидқий мамолики маҳрусан Туркистон ва Қошғар шаҳарларида ҳам қалам ва ҳам шоирийяти воситаси бирла шуҳрат қозонди ва барча аҳли фазлнинг тантанали мажлисида мазкур ва шакарҳои даҳанларида машкур бўлди.

Сидқийнинг ҳусниҳатдан мо адо форсийёт таржимасиға моҳирона иқтидори ва аҳамияти тўла бўлғонликдан ва форсийётни кўп ўқимоқға роғиб ва ҳаваскор ўлғонликдан 1328 санаи ҳижрийяда файласуф Шайхи Саъдийнинг «Каримо» исмли рисоласини назман туркий таржима қилиб, «Раҳимо «Таржимаи Каримо» номин берди ва матбаада рангин қилиб чиқоруб Фарғона, хусусан, Қошғарға онча ошурди.

Яна заҳоматли 2 жилдди «Алфи Лайло»ни ярмини Андижонда, ярмини Тошкандда саккиз ой ичинда ўз қалами мушкин рақами бирла туркий таржима қилиб тамом қилди. Ва пешкаш аҳли диёру амсор айлади.

Ва яна Сўфий Оллоёрхоннинг «Маслакул-муттақийн» номли китобини ҳам худ ба худ назман туркий таржима қилиб ани номининг «Шарҳи Сирождин таржимаи маслаки мутаққийн» деб ном берди ва шоён тамошо бир китоб қилди.

Ва файласуф Шайхи Саъдийнинг «Бўстон»ин ҳам туркий таржима қилиб, «Унвон таржимаи Бўстон» деб ном берғон ва ғоятда эҳтимом кўргузуб нозик иборатлар рангин ва назиф ишоратлар дард қилғон, яъни эъзоз дегулук ва сеҳри ҳалол деса бўлғулук бир ёдгор қилиб аъжубаи рўзғор жумласидан санағон эрди.

Хусусан ҳазрат Имом Воқидийнинг сабоҳаи киром сӯғушидан иборат бўлгон ва Холид ибн Валиднинг қаҳрамонлигин ва жаҳонгирлигин Шону Кунсирин ва Баҳансо ва Хисну ибил Қудсий ва Димишқ ва Баълабак ва арзи зайъа ва Ҳамо ва Растан ва Ҳимот ва Шайраз ва Ярмук ва Байтулмақаддас ва Ҳалаб ва Фароз ва Антокиёя ва Кайсорийя ва Тароблис ва Мадинаи Сур ва Миср ва Мадина ва Марюд ва Искандарийя ва Дамед ва Жазираи Тунис ва Диёри Бакр ва Алзи Рабича ва Азио ва Бақора ва Карси Машид ва Забо ва Залубийё ва Карқиса ва Максин ва Шамсония ва Мордин ва Раҳо ва Херон ва Калаи Рақсилан ва Омуд ва Маёфорқин ва Ямония ва Жабалижуди ва Хисни Лағуб ва Танзу ва Ямқард ва Асъарад ва Бадлис ва Арзаи ва Армания ва Киф ва Унзур ва Ахлот ва Жабали-мордин ва Исмоилиёт ва Ироқ ва Қасри Хаварнақ ва Хейра ва Қодсийя ва Нухишир ва Футухи Айвон ва Дуқулил муслими фиддажла Асбоиз ва Мадинаи Қусва ва Мадинаи Нишовар ва Ахнос шаҳар ва ўлкаларида кўрсатган футуғотларин араб забонида бир тарих ёзув «Футухуш-шом» деб атагон эрди. Камина Сидқий ҳам қаҳатчилик йилларида саъйи бағоя ва эҳтимом молониҳоя кўргузгон ва жон фидо қилгон эрди. Яъни туркий таржима қилиб бир нодурул вужуд асар сонига киргузгон эрди. «Шавкатул Ислому таржимаи футухуш шом» исмида чун қуёш ламъапеш қилгон эрди. Локин бечора Сидқийнинг толиъи куши паст кетти ва бу киби баландопя мисли кўрилмагон ва монанди эшитилмагон буюк инқилоб ва хараж ва мараж боиси бирлан таъкир ва таъвиқ доирасида жуйрилиб қолди. Яъни ушбу уч адад буюк асаблар хафо пардасидин шуҳрат ўлкасиға чиқиб бир кенг майдон ололмайдди. Ҳамон хафо пардасида қолди.

Сидқийнинг булардан бошқа «Сипари ғам» ва «Базми ишрат» ва «Мезони шариаат» ва туркий «Ажойиб-ул-махлуқот» каби асарлари ҳали майдон олиб шуҳрат қозонмишдир.

Сидқийнинг «Девони Сидқий» исмида мустақил девони ҳам бордир. Агарчи ғазалиёти машхури даврон бўлса ҳам, локин девони касрати машоғил мўжиби ва пароканда хотир боиси бирла ҳанузгача шуҳрат қозонмай қолди.

Сидқий фақат зуммурат рақам қалами бирла авлод ватанға 12 йил хизмат этти ва қалами самандининг шуҳрат майдонида ўйнатди. То охир таълиқ ва руқъа ва ёқутий, яънис сулус ва убайдий ва лохурий хатларин мазкур муддати маддида ичра машаққати касийро ва меҳнати тавийлаға сабри жамил бирла тахт тасарруфига олди, яъни жаннатмакон, хулди ошиён, машхури даврон Мирза Ҳошим Хўжандийнинг тарбия мушфиқонаси ва марҳамат падаронаси сояи ҳимоясида саромади рўзғор ва ягонаи абнои жино бўлуб чиқти ва ғурбат юртида шуҳрат қозонди.

Сидқийнинг муҳр қозимоқға ҳам хели маҳорати бўлуб, ҳатто асил зуҳра муҳра тошларига ҳам зебо равишда бир неча аҳбобиға, хосса тан шогирди самимаси ва дўсти қадимаси Абдуллоҳ Носирийға тулоний сурат ва неку ҳайъат бирла бир буюк ёдгор қилиб берди.

Сидқий энг заҳоматли санги мармарларни Оқтош тоғидан бир анча сарфи қувва бирла келтируб, Фарҳод каби пўлод асбоб бирла ойнавор тарошлаб, ажиб услублар бирла ҳайратбахш хатлар ва ибратангиз қийматли мақолалар ёзар эрди ва аёнлар мазорат учун олурлар эрди.

Сидқий сафир (хуштак) бирла қушлар сайдиға ва парранда шикориға машъуф ва аларни парваришиға маълуф эрди.

Сидқийнинг таъби тоза ва гул каби хандон бўлгонлиқдан ағёр ва абнон аҳл рўзғор бирла ихтилот ва ожизаш қилмади, балки ҳозирги оврапаликларни гулхонаи шоҳонадаги ранго ранг кўз кўрмагон ва қулоқ

эшитмағон, жондан суюкли қимматбаҳо гулларидаң йиғиб таъби тифлининг тамошоши бирла овутмоқдадир.

Сидқийнинг бир неча сандуқада асалариси бўлуб, ёз фаслларида булар бирла шуғуллануб, оврупалилар усулида тарбия қилмоқда ва буларнинг заҳри ожиз ишини ақли миннатнинг шаҳдомуз нўшидаң яхшироқ кўрмақдадир.

Сидқийнинг таъби айём туфулийятида шеърға мойил бўлса ҳам, лекин баъзи монийлар жиҳатидан, хусусан шуарои киромлар суҳбатларидан ва фузалои номдор хизматларидан йироқлиғидан шеърнашай (шеър нима) ва нимадан иборат эканлиғин тушунмас эрди. Қачонки илм ўқурға Тошканд ичра нузул қилди, Мавлоно Мир Аҳмад Муфтий тахаллус «Мир» хизматиға уландики («Иқд-ур-дурар»)ни назм риштасиға чекар эрди. Яна Мавлоно Абдулкаримбек тахаллус «Камий» ва Мавлавий Сайид Ҳайбатуллоҳ тахаллус «Хислат» ва Мулло «Ғазанфар» ва «Мунис» ва «Хаёлий» ва «Ифбат» ва «Боғистоний» ва «Ризоий» Андижоний ва Мавлоно Ҳожии Мухйи Хўқандий ва мударрис Мавлоно Сайид Аҳмад «Васлий» Самарқандий ва Мавлоно «Гурбатий» Туркистоний ва Мавлоно Абдулқодир Кошғарий каби фусаҳои рўзгар ва адиби балоғат шиорларға улфат бўлуб, риштаи муҳаббатларига меҳр аёғин банд этти. Ва алардан анча касб маориф қилиб, авзон саҳв, қофияларни ўрганди ва аруз мажмуаси бирла машҳур форс тилида Абу Наср Форобий тарафидан набираси Муҳаммад Каримиддин Даштбаёзий учун ёзилғон «Нисобус сибён»ни ҳам ўқиди.

Сидқийнинг устози ҳарчанд манъ қилса ҳам, локин «Ал-иксону харисун ало мо мунка» фаховосича кўпроқ шеърға сарфи авқот қилур эрди. Адабиёт ва ошиқона ғазали кўп бўлса ҳам, аксар таъби ҳажвиётға мойил бўлуб, мустабид амалдор ва ришвахўр қози рўзгор бўлуб Николай йўлиға сув сепқонларға ва хутом дунёға сотилғон муфтийи моҳинлар ва аъламларнинг «Қад кафара, қад кафара» деб мардум кўзин бўяб чиқорғон ноҳақ ҳукмлариға ва калён (чилиим) чекувчилар ҳақидаги хурофотлариға қувваси борича қарши ҳаракат ва зўр маниийят кўрсатур эрди...

* * *

Сирожибдин Махдум Сидқий Хандақлиқий ўзи ҳақида ёзиб қолдирган ушбу таржимаи ҳол 1979 йил Сидқийнинг шоғирди Абдулла Носирий ва Сидқийнинг ҳамқишлоғи Асад Асил ўғли томонидан қайта кўчирилди. 1994 йилда эса Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими, Абдулла ота Носирий ўрнида қўлёмалар бўлимида ишловчи Неъматулло Жаббор ўғли билан бирға яна бир бор аслиға солиштириб тайёрланди.

Ўктам Эминов

ШИДДАТ

Роман¹

Чоржўй

Самолётдан тушдию Ҳайитқули тўппа-тўғри уйига югурди. Онасини ўпди, Марол билан ҳазил-ҳузул қилди, апил-тапил бир пиёла чой ичди-да, ишхонасига чопди, унинг ўлдирилган йигитча Юзқулоч қўшидан келган чўлиқ бола эканлигидан, ҳозир Талъатнинг ўша ёқдалигидан хабари бор эди. Ҳали Тошкентдалигидаёқ, самолётнинг учиш вақтини аниқлагач, Бекназарга жиноят қидирув бўлимининг ҳамма ходимларини кечқурун соат тўққизга тўпланг, деб топшириқ берган эди.

Ҳамма айтилган вақтда тўпланиб, бесабрлик билан бошлиқни кутиб ўтирар эди. Усмир ўлдирилганидан бери бир ҳафта ўтган бўлса ҳам ҳали қотил топилгани йўқ. Гарчи иш бир жойда тўхтаб турганга ўхшаса-да, жиноят қидирув бўлими ҳамда тергов идораси муҳим маълумотларга эга, шунга қарамай, подполковник Жуманазаров ишнинг чўзилиб кетиш эҳтимоли борлигидан хавотирда эди.

Нима қилиш керак? Иккита муҳим вазифани ҳал этиш лозим: чўлиқнинг қотилини топиш, олтин тангаларнинг қаердан келиб қолганини аниқлаш. Агар шу вазифани уддалай олмаса — қизаришга тўғри келади. Фақат дўсту биродарларинг олдида қизарсанг майлику-я...

У аввалига тўпланганлардан ҳар бирининг ҳисоботини эшитди, ўзининг Тошкент сафари таассуротларини охирига олиб қўйди.

— Қани, ким биринчи бўлиб гапиради? Лекин бошидан келишиб олайлик: сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб гапиринглар. Энг яхши хабар учун бир пиёла қайноқ чой мукофот, — деди.

У ўрнидан туриб графиндаги сувни электр чойнакка қўйди, жавондан пиёлаларни, стол ғаладонидан Тошкентдан келтирган бир чипта халта мазорбости конфетни олиб, ўртага қўйди.

¹ Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.

— Қани, яқинроқ келинлар... Хўш, шундай қилиб, ким гапиреди?

— Биз туркманмиз, демак, ёши катта гапиреди,— деди хўппасемиз капитан ҳарсиллаб ўрнидан тураркан.— Мен илгари судланганларнинг ҳаммасини картотекадан текшириб кўрдим, ўртоқ капитан, э, кечирасиз, ўртоқ майор... Улар ичида бунақа ёвузликка қўл урадиганлари йўқ. Ҳаммаси бинойидай ишлаб юрибди, кўпчилиги оила қурган. Меҳнат жамоалари уларга ишонади, уйдаям ўзларини тутишлари яхши. Тўғри, бир-иккитаси бор, лекин гап шундаки, жиноят содир бўлган кечаси улар бу ерда бўлмаганлар: йўлда, сафарда бўлганлар. Шундай бўлса ҳам, текшириб кўрдик. Меҳмонхоналарда яшаганлар. Айтишларича, ҳеч қаёққа жилмаганлар... Мен кўпроқ дўхтирга эътибор берган бўлардим. Албатта, бу менинг шахсий фикрим. Деразаси тагида одам ўлдирилган аёл ёлғиз яшайди, эри йўқ, чиройли... Дўхтир у билан дон олишиб юрган... Иккови ҳам битта касалхонада, битта бўлимда ишлайди. Ажойиб кунларнинг бирида улар ўртасига учинчи одам суқилган. Эшак эшакдан қолса, қулоғини кесади, дегандай, дўхтирнинг ҳам пойгада ортада қолгиси келмаган. Болакай ўша аёлни деб қўшни ташлаб келган бўлиши мумкин. Дўхтир уларни ушлаб олган бўлиши мумкин. Мен дўхтир билан ҳам, аёл билан ҳам жиддийроқ қизиқиш керак, деб ўйлайман.

Бошқа бир инспектор ўрнидан турди:

— Дўхтир ҳақидаги маълумотлар қўйидагича,— деди у.— Минг тўққиз юз ўттиз олтинчи йили Қорабековулда туғилган. Отаси урушга кетиб, Москов остонасида мардларча ҳалок бўлган. Тез орада онаси ҳам ўлиб, бўлажак дўхтир болалар уйида тарбияланган. Карки, Ашхобод, Халачдаги болалар уйларида катта бўлган. Чоржўйдаги ўрта мактаб-интернатни тугатган. Худди шу ердан уни Боку тиббиёт олийгоҳига юборганлар. Уқийши 1958 йили битирган. Дастлаб уч йил Байнов, Фороб туман касалхоналарида ишлаган, кейин бизнинг вилоят касалхонамизга ишга ўтган. Бош шифокорнинг айтишича, ўз касбини аъло даражада билади, лекин ҳаётда бир оз енгилтабиатроқ. Тенги йўқ терапевт. Яқинда мижозларидан ўттиздан ортиқ миннатдорчилик мактублари олган. Бош шифокор менга хатларни кўрсатди.

Хотини ЖЭКда техник бўлиб ишлайди. Эридан нолимайди. Уч қизи бор. Каттаси турмушга чиққан. Қолганлари мактабда ўқийди. Топиш-тутишлари яхши, оилага етади. Хонадони оддий, ҳеч қандай дабдаба, ҳашамат йўқ. Қўни-қўшиллари билан муносабатлари яхши. Улар ҳам ҳаммаси дўхтир, обрўли, ҳурматли одамлар. Ҳамкасбалари ҳам, қўни-қўшиллари ҳам уни ёмонламади. Фақат бир киши: «Бу одам текин даромадга ўч, тиллани яхши кўради, яшириб қўйгани анча-мунча бўлса керак», деди. Лекин ҳеч қандай исбот-далил келтирмади, ўртоқ майор...

— Бош шифокордан хатларни олмадингизми? Кечирасиз, гапингизни бўлдим...

— Олдим...

— Урганиб чиқдингизми?

Инспектор елкасини қисди.

— Ўртоқ майор (Ҳайитқули ўзини сал ғалати сездди. «Унвонга ҳам худди кийимга кўниккандай кўникиш керак шекилли», деб ўйлади), ҳамма хатни ўқиб чиқдим, шубҳаланган жойларимни белгилаб қўйдим, лекин уларда бирор-бир муҳим факт йўқ. Касаллар ҳаммаси ҳар хил овулдан. Исму насаблари, турар жойлари бор. Баъзиларининг иш жойлари ҳам маълум. Яна бирор нарсани билиш керак бўлса, агар сиз айтсангиз...

Ҳайитқули кулиб, бош ирғади:

— Бўпти, яхши. Хатларни менга беринг... Давом этинг, эшитамиз.

— Бизни қизиқтираётган жувон кўпинча дўхтир билан бир вақтда навбатчилик қиларкан. Эрига муносабати ҳақидаги кўрсатмалар тўғри.

Текширилди. Ҳозир капитан Абдиев дўхтирга қарши гапирди, лекин бу асоссиз. Айтмоқчи, капитан биз бу аёлнинг эрини қамаганимизни эсласа керак, у ҳозир ҳам қамоқда. Бу ҳам текширилган.

— Бу маълумотларнинг ҳаммаси ўта муҳим, ўртоқ катта лейтенант,— деди Ҳайитқули.— Лекин мен сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим...

— Менинг фикрим шундайки, ўртоқ майор, на боши, на оёғи бор, қуруқ гавда. Ҳасанов чўлдан қайтса, бизга ё оёғини, ё бошини олиб келади, деб ўйлайман. Бир нарсани айтишим мумкинки,— деди катта лейтенант қўлидаги ҳамма қоғозларни яхшилаб тахлаб папкага солиб, уни майорга узатар экан.— Агар бу жиноят жувонга рашк қилиб содир этилган деб ўйласак, нотўғри йўлдан кетган бўламыз...

Бекназар қўлидаги папкасини очди:

— Мен ҳам қидирувни, терговни бошқа йўлдан олиб бориш керак, деб ҳисоблайман. Дўхтир қотиллик қиладиган кишилар сирасидан эмас, унинг феъл-атвори бунга йўл қўймайди. Таржимаи ҳоли ҳам шундан далолат бериб турибди. Чўлиқ бола жувон билан юз кўришиш учун қўшни ташлаб келган деган фикр ҳам бемаъни. Ота-онасининг гувоҳлигига қараганда, то ўша машъум кун ёки тунгача... бола шаҳарга тушмаган. Уларнинг овулида ҳам бу жувонни ҳеч ким кўрмаган. Овул аҳли ҳам, боланинг бу ерда ўқибган ўртоқлари ҳам буни яқдиллик билан тасдиқлаб туришибди. Мен бунга ишонаман. Булар бари биринчидан... Иккинчидан-чи? Иккинчидан, ёнган машина. Уни ёққанлар. Уларнинг қочиши. Эшикларимизга чизилган расмлар, таҳдидли хатлар. Буларнинг рашк туфайли қотиллик қилишга нима дахли бор? Устига устак, буни экспертиза ҳам тасдиқламаётган бўлса! Дўхтирнинг биринчи кўрсатмаси пойма-пой, ноаниқ бўлса, бу унинг ўзини йўқотиб қўйганидан. Ётган одамнинг олдига келган. Қараса, унга ёрдамнинг ҳожати йўқ. Қўрқиб кетган, менга тўнкашмасайди, деб ўйлаган, шунинг учун куракда турмайдиган гапларни айтган. Нима бўлгандаям у қоровулни огоҳлантирган, буни ҳисобга олиш керак... Назаримда, қоровулни ҳам ўз ҳолига қўйиш лозим. Кўриниб турибдики, у дўхтирни одамгарчилик юзасидан ҳимоя қилган, уни ҳурмат қиладиган, ёмаган сомсасига пул тўлашини хошламаган... Шунинг учун унинг кўрсатмасида ҳам унча-мунча чалкашликлар бор. Булар бари арзиммаган гаплар...

Ўртоқ майор, рашк туфайли қотиллик содир этилган деган фикр ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Жиноятнинг сабаби — ўч ёки мўмай таромад. Тўғри, бу ҳали исботланмаган, «оёқсиз», лекин биз шу фикрга таянсак, ўйлайманки, мақсадга эришамиз... Охирги гапим шуки, ўртоқ майор, олтин тангалар... ҳозир оёқ остида ўралашиб ётибди, лекин уларнинг бошини топиш керак. Менимча, Хонимни, унинг ўтмишини кавлаштириб кўриш лозим, бу жувоннинг таржимаи ҳоли ҳалигача бизга тўла аниқ эмас. Унинг эри билан... ёки собиқ эри билан учрашмасдан бунинг тағига етиб бўлмайди. Ҳаққосованинг энг сўнги кўрсатмаларини текшириш учун Маҳачқалага бориш керак.— Бекназар папкасини ёпди, лекин ўтиришга унча шошилмади. Ҳайитқулига узининг Хоним билан Маҳаррамнинг қўни-қўшнилари тўғрисидаги, ҳайдовчи Зулфиқоровнинг ўзининг бил, ўзгани қўй қабилидаги қилиқлари хусусидаги, Холли Саидовнинг дарғазаб бўлиб тўнини тескари кийиб олгани тўғрисидаги баъзи мулоҳазаларини айтгиси келди... Дўхтирлар кўчасидаги учрашувлар унга ҳали-ҳануз тинчлик бермасди: уйда ҳам, ишда ҳам, йўлда ҳам эслагани-эслаган эди бу учрашувларни. Мана, ҳозир ҳам бошлиғига ўз шубҳаларини айтмоқчи, Маҳаррамнинг ҳамма қўни-қўшнисини бирма-бир текшириб чиқиш учун рухсат беришини сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю...

— Қулоғим сизда, Бекназар...— деди Ҳайитқули инспекторга тикилиб қараб.— Яна бирор нима демоқчимисиз?

— Йўқ, ўртоқ майор, гапириб бўлдим!— деди у сўнги дақиқада ўз аҳдидан қайтиб. Негадир журъати етмади. «Шусиз ҳам ўзи ҳамманинг иши бошидан ошиб ётибди. Керак-нокерак гапларни гапириб, бошларини қотириб нима қилдим...», деб ўйлади у. Лекин юзида тараддуд изи бор эди.

Ҳайитқули буни илғади, лекин Бекназарни қистамади. У овоз чиқариб экспертиза баённомасини ўқиб берди. Кейин уни Ака Давроновнинг ўлдирилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар устига тикиб қўйди-да:

— Жувоннинг қаравоти тагидан топилган кулдондаги чекилган тамаки қолдиқларида қолган бармоқ излари дўхтирникиям, чўлиқникиям, аёлнинг ўзиникиям эмас,— деди.— Чўлиқ уйга кирмаганлиги аниқ. Назаримда, дўхтирнинг гапи рост, у чиндан ҳам ким чекканини билмайди. Буни фақат жувон билади. Бу аёл ё биздан дўхтирдан яна бошқа киши билан ҳам юришини яширапти, ёки мум тишлаб ўтиришига арзийдиган бошқа жиддийроқ сабаб бор. Аёлни, агар ўша чеккан одамнинг кимлигини айтса, буни қайнонасига ҳам, эрига ҳам, дўхтирга ҳам айтмаймиз, деб ишонтириш керак... Хуллас... унинг юрагига йўл топиш лозим.

Ҳайитқули Тошкентда қилган ишларини ипидан-игнасигача батафсил гапириб берди-да, мажлисга яқун ясади:

— Кўриниб турибдики, иш энди бошланяпти. Эртага эрталаб жиноятчиларнинг тошкентлик гувоҳ тасвирига кўра ишланган фотосуратини оласизлар. Жиноятчилар аллақачон Тошкентдан чиқиб кетган бўлишлари ҳам мумкин. Ушаларнинг ўзларими ёки уларнинг ҳамтовоқларими, ишқилиб, бу ерда ҳам зимдан иш олиб боряптилар. Назаримда, жамоатчиликни ҳам ёрдамга чақиришимиз керак. Бекназар Ҳайдаров эртага эрталабки рейс билан Маҳачқалага учади, махсус топшириқ бор. Бошқалар билан эрталаб яна шу ерда учрашамиз.

Бекназар билан хайрлашар экан, Ҳайитқули:

— Тайёр бўлиб тур!— деди.

Бекназар Маҳачқалага учишидан ҳам қувонди, ҳам хафа бўлди. Хурсанд бўлганики, бу фикр унинг ўзидан чиқди, бошлиғи эса уни қувватлади, демак, унга шундай муҳим, ҳатто хавфли бир ишни ишониб топширди. Хафа бўлганики, ўртоқлари бу ерда анави ярамасларни усиз кўлга олишади, у четда қолади...

Эртасига эрталаб Ҳайитқули ходимларини тўплаб, гапни қисқа қилди:

— Ҳозир бундан бир-икки кун аввал Тошкентдан келганлар билан учрашиб чиқинглар. Қатъий, лекин одоб билан муомала қилинглр. Пропискаларини, хизмат жойларини текширинглар. Агар битта-яримтаси хизмат сафарига бўлса, қачон, қайга, қанча вақтга кетганини аниқланглар. Мабодо таътилга чиққанлари бўлса, қачон кетганини, ҳозир қаердалигини билинглр. Ҳаммасининг паспортларини текширинглр, барча маълумотларни эринмай ёзиб олинглар. Жиноятчилар бегона ёки қалбаки паспортлардан фойдаланаётган бўлиши ҳам мумкин... Биласизлар-ку, уйларни урган ўрилар биринчи навбатда олтин билан паспортни ўмаради. Кейин уларни тузуккина пуллайди. Топшириқ тушунарлими? Бирор савол туғилса ёки фавқулодда ҳодиса бўлиб қолса, менга кўнғироқ қилинглр.

Юзқулоч қўши

Талъат ҳайдовчидан ёлчимабди: йигит ёш бўлса ҳам, ичимдагини топ, дейдиган хилдан экан. Узи-ку, гап бермайди, лекин гапирганини ҳам қувватламайди. Керакли гапни зўрга суғуриб олсан.

- Яна қанча юрамиз?— деди Талъат юраги тарс ёрилгудай бўлиб.
- Икки-уч.
- Нима икки-уч?
- Чақирим.

• Бор-йўқ хангома шу. Агар бу индамас билан Бекназар Ҳайдаров борса, маза қиларди. Уйда ҳам, ишда ҳам дали-ғули бўлган Бекназар машинага ўтирса, бас, ўзиям гапирмайди, бошқаниям гапиргани кўймайди, нуқул: «Жим бўлларинг... э, бас қилинглар... нима, гап халталаринг очилдими?» деявериб жонга тегади. Йўл Бекназар учун гўё югур-югурларнинг малҳами, Талъат учун бўлса, аксинча, зерикарли...

Уни қаранг, жин ургур машина ҳам бузилиб-нетиб қолмайди, физиллаб чопгани-чопган, кумтепалар лип-лип ўтгани-ўтган. Ҳайдовчи бўлса худди ҳайкалдай ўтирмбди: ияги кўтарилган, ўнг қўли суконда... Тўғри, жуда уста ҳайдовчи, лекин бир қараб қўйса-чи бунга ҳам! Овқат бер демайди, сув сўрамайди. Шу кетишда қанча юриши мумкин экан-а? Бир умр юрса керак-ов... Йўқ, ҳеч бўлмаса бир марта, бир мартагина бўлсам, улар тўхташи керак.

— Агар икки чақирим қолган бўлса, тўхтаймиз, азизим. Сал нафасингизни ростлаб оласиз... Чойга қалайсиз?.. А, лаббай?— деди Талъат хушмуомалалик билан, бироқ ундан садо чиқмади, садо чиқма-сада, машинани тўхтатди.

Атрофда ғуж-ғуж саксовул ўсиб ётарди. Агар Қорақумда турганлигингизни аниқ билмасангиз, ўрмонга кириб қолдим шекилли, деб хаёл қилишингиз мумкин. Саксовул баъзилар ўйлагандай бута эмас, у дарахт, чинакам дарахт. Ана, танасини қаранг. Қулоч етмайди! Бир-бирига суяниб ўсган бужурқомат гўзаллар, саҳронинг ҳақиқий посбонлари! У нафақат табиат зийнати, саксовул бизнинг кўмакчимиз ҳамдир. Йилнинг истаган фаслида йўлингиз саҳрога тушса, агар сиз у ерда саксовул топсангиз, агар чўнтагингизда гугурт бўлса, шох-шаббасини синдириб, гугурт чақсангиз, бас, жонингиз киради, вужудингизга ҳарорат югуради.

Талъат йўлда ўзича бир нарсани қашф этди: одам боласи қанча бекор бўлса, шунча кўп егиси келар экан. Илгарилари саксовул оловида кумфонда қайнаган чой дунёда энг ширин чой деган гапларни кўп эшитган Талъат бугун буни ўзи тажрибада синаб кўриш имконига эга бўлди. Ҳайдовчи бу ишда ҳам устаси фаранг экан: ҳаш-паш дегунча гулхан ёқиб, чой қайнатди. Агар ҳамма нарса Талъатга боғлиқ бўлганида, у нари-бери қилинган тушлигу ичилган чойдан сўнг гулхан ёнида оловга саксовул шохчаларидан ташлаб анча узоқ ўтирган бўлар эди.

Улар яна бир неча чақирим йўл босишди. Кумтепа ўрқачлари ортида, олдинда улкан ясситоғ кўринди. Машина, афтидан юқорилаб борарди, негадир кўш уларнинг кўз олдида худди кафтдагидай кўриниб турарди. Агар тўғри юрилса, толмас газик уларни ўн беш-йигирма дақиқаларда Саран чўпоннинг ўтовига олиб боради.

Бахтга қарши, ҳайдовчи суконни кескин бурди — йўл бошқа ёққа қараб кетди. «Ҳа, йўл ҳалқа-ҳалқа бўлдими, тамом, бунинг охири кўринмайди» деб ўйлади Талъат, лекин шу заҳоти кўзи бошқа бир қўшга тушди, у томонга қараб кумтепалар оралаб ингичка бир ип кетган — сўқмоқми, йўлми... У қўлини ўша томонга қараб силкитди: «Уша ёққа бур, у ерда ҳам иш бор...»

Газик кумтепага худди қўнғизга ўхшаб зўрға ўрмалаб чиқди. Ниҳоят, барханны ортда қолдириб, пастга эна бошлади. Яна йигирма қадамлар юрса, у тўппа-тўғри қора уйнинг очиқ турган эшигидан кириб кетарди...

Бу Қорақул чўпоннинг кўши эди. Орадан беш дақиқа ҳам ўтмади, улар чўпоннинг кигиз устидан кўрпачалар тўшалган ўтовиди, дастурхон атрофида чордана қуриб ўтиришарди. Дастурхонда буғи чиқиб турган оддий таомлар, кўкчой дамланган чойнақлар.

— Мен кеча, иккита меҳмон келади, деб эдим. Тайёргарлигимизни кўриб қўяйлик, деб эдим. Қўй сўямизми ё қовурманинг ўзи билан кифояланамизми, деб эдим. Мана, айтганим бўлди...— Қоракул чўпон тепасидан тер ёғилиб турса ҳам чакмонини ечмади. У ўчоқ олдида чўнқайиб, оловга ўтин ташлаб ўтирган чўлиғига қараб:— Хўш, Муротберди, қалай, Қоракул офангни гапи тўғри чиқдимми-йўқми?— деди.

Ун олти яшар Муротберди чўпонга қараб «Тўғри чиқди», дегандай бош ирғади-да, яна оловга кўз тикди.

— Мен бунга: битта меҳмонимиз узун, биттаси ўрта, деб эдим, — деди кулиб Қоракул чўпон.— Кўрпачани шунга қараб сол, деб эдим. Агар ишонмасанглар, тагларингдаги кўрпачаларга қаранглар, ҳа, бу кўрпачаларни кеча солиб қўйганмиз.

Ҳақиқатан ҳам, Талъат билан ҳайдовчи ўз бўйларига мос кўрпачаларда ёнбошлаб ётар эди. Ҳайдовчи англаб бўлмайдиган қилиб ғулдиради. Талъат тушунмади: чўпон улар билан ҳазиллашмаяптими ё жиддий гапираяптими?

— Пайғамбар бўлиш яхши. Лекин, афсуски, Аллоҳ ҳаммага ҳам пайғамбарликни беравермайди...— деди у.

— Бунинг ҳеч қийин жойи йўқ,— деди чўпон, чойли пиёлани қўлига олиб, Талъатнинг олдига қўйди.— Ана, қаранг. Пиёлада нима бор? Агар чойчўп тикка туриб сузиб юрса, албатта меҳмон келади. Буни фақат қари туркманлар эмас, бошқа халқлар ҳам билади, кўп эшитганман. Кеча эрталаб пиёлага чой қуйиб, энди ичаман, деб турсам, иккита чойчўп сузиб юрибди. Бири узун, бири қисқароқ. Қараб турдим. Секин ёнбошлади... Билдимки, сизлар тунаб кетасизлар...

Чойни ичиб бўлиб, Талъат Қоракул оға билан қўйхонани кўришга чиқди. Ҳайдовчи билан чўлиқ ичкарида гаплашиб қолишди.

Қўра эшиги олдида Талъат ўзини таништирди. Қоракул оға чўнқайиб ўтирди-да, ўтовдан то қўрагача индамай уларга эргашиб келган, қулоғи думи кесилган итнинг бошидан ушлаб, унинг оғзини очди, ҳар битта тишини бирма-бир қимирлатиб кўрди. Талъатга қарамай:

— Кимлигингиз шусиз ҳам маълум, формангиз айтиб турибди,— деди.— Агар гапингиз бўлса, айтаверинг, мен...

— Гапнинг очиги, Қоракул оға, мен сизни сиртдан бўлса ҳам танийман, шунинг учун бу ёққа бурилдим. Мен урушнинг биринчи кунидан то ғалабагача жанг қилган, учта жанговар мукофот олган, уруш ветерани, айни пайтда, яна уч бор ҳукумат мукофотига ҳам сазовор бўлган меҳнат илғори билан танишганимдан хурсандман... Хўш, шундайми?— деди у.

— Шундай.

— Мен қишлоқ совети раислигини рад этган, институтни сиртдан битириб, олий маълумотли байтар¹ сифатида чўпонлик қилаётган одам қаршисида турганимни ҳам биламан. Тўғримиз?

— Тўғри.

— Эшитганман: бурноғи йили бутун бошли ўтарни қаттиқ қишдан ҳеч бир талафотсиз олиб чиққансиз. Уша қаттиқ совуқдан беш кун аввал тўсатдан турган бўронда ҳар томонга тирқираб кетган сурувни тўплаш учун беш кун қўшга қайтмаганингиз тўғрисидаги мақолани ҳам ўқиганман... Тўғри, мақола муаллифи Юзқулочда бўлган муҳим бир воқеани ёзмаган: билишимча, бу ерда қудуқ қазиш ишлари билан шуғулланадиган катта уста шунинг охириги кун бетеб бўлиб қолган. Бир томчи сувга илҳақ бўлиб ўтирган халқ қудуқ бошига тўпланган, лекин қудуқ ичига тушиб, сув тортиб берадиган мард топилмаган. Ана шунда Қоракул оға жасорат кўрсатиб, қудуққа тушади, халққа илк бор сув улашади...

¹ Б а й т а р — ветеренария врач, мол дўхтир.

Талъат гапирар, чўпоннинг кўзлари эса намланиб борарди... У ҳеч қачон мен бошқа бировдан кўп ишляпманми ё кам ишляпманми, деб ўйлаган эмас. У ҳар доим бировларнинг ютуғидан, ҳатто арзимас ютуқ бўлса ҳам, хурсанд бўлади, ўша одамлардан ибрат олишга чақириб, мажлисларда гапиришни яхши кўради. Агар унинг ўзини мақтаб қолгудай бўлишса, йўлини қилиб, мақтовни бошқаларга ошириб юборарди. Мақтовни тез унутади. Мана шу гоҳ денгиздай қутуриб, гоҳ денгиздай сокин тортиб қоладиган сахрою биёбонда бегона бир одамдан шундай таъсирли сўзларни эшитиш эса Қорақул оғанинг етти ухлаб тушига кирмаган эди. Қўшга кўп одам келиб кетади, лекин ҳаммасининг гапи қўй-қўзи тўғрисида бўлади. Илтимос ҳам, талаб ҳам фақат сурув билан боғлиқ бўлади. Бу эса...

Талъат чўпон билан ўтовдан чиққанида у билан нимани гаплашишни ҳам билмасди. Гап ўз-ўзидан юришиб кетди. Сўзлар ўз-ўзидан қуйилиб келарди. Лекин у ноқулай аҳволга тушиб қолганини мана ҳозиргина фаҳмлади. Агар шунча яхши гаплардан кейин дарров чўпонни бошқа бир одам тўғрисида сўроққа тутса, нима деган одам бўлади? Қорақул оға шубҳаланмайдими: э, гап бу ёқда экан-ку, бу нега мени бунча мақта-япти, десам... демайди? Йўқ, қошиқлаб топилган нарсани косалаб тўкиш ярамайди...

Талъат анча пайтгача жим қолди.

— Қорақул оға,— деди у ниҳоят.— Сиз, биз суянишимиз мумкин бўлган одамлардан бирисиз. Гапнинг очиғини айтсам, вақтим зикроқ. Агар йўқ демасангиз, бир масалада маслаҳатлашмоқчи эдим. Шунча узоқ йўл босиб келишимнинг сабаби ҳам шу...

— Саран оғанинг чўлиғи масаласида эмасми?— деди Қорақул оға секин.

— Ҳа, Қорақул оға, шу масалада.— Талъат бир неча чалов бутасини синдириб ерга ташлади-да, устига ўтирди.— Саран оғани яхши биласизми?

Бир қарашда, бу жуда жўн савол эди. Ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бош ирғаб ҳам жавоб берса бўларди. Лекин Қорақул оға узоқ вақт сукут сақлади... Бу саволни эшитмасдан олдин у Саран оғани беш қўлдай билишига ишонарди. Агар сўраётган одам милиса бўлмаса, у шу заҳотиёқ: «Валлоҳи аълам, агар мен Саран оғани билмасам, мени асли останаболик деб ўйлама», дея оғзига урган бўларди. Лекин, у ҳозир гап уларнинг шунчаки таниш ё таниш эмаслиги тўғрисида кетмаётганини тушуниб турарди, шу боис, жавобни пайсалга солиб, ўйга чўмди.

Қорақул оға кафти билан юзини, соқолини силади, худди ортиқча гувоҳ бўладигандай, жимгина итини ҳайдаб юборди, саксовул шохчаси билан қумни чуқилашга тушди.

— Нима десам экан сизга... Аҳволимни кўриб, «Қийналаяпти, кимнинг ёнини олишни билмаяпти», деб ўйлаётган бўлсангиз керак. Йўқ. Агар бошқа биров сўраганда, мен: «Яхши одам, тамом-вассалом», деб гапни қисқа қилар эдим. Бордию гапимга ишонмаса, у билан ётиб ёқалашардим. Ахир у ҳам ўзимга ўхшаган бир чўпон, қандай қилиб уни ёмонлайман? А? Тўғрими?.. Сиз менга ишонибсизми, демак, ишингизга ёрдам тегадиган гап айтишим керак. Ахир сиз халқ, давлат топшириғи билан келгансиз. Қўй-қўзингизни сурувга қўшиш учун ўз нафингизни кўзлаб келганингиз йўқ... Саран оға мендан йигирма ёшлар катта бўлса керак-ов. Йили — сичқон, меники — қуён. Улар бу ерга уруш арафасида кўчиб келишган. У пайтларда: «Қаердансиз? Ким бўласиз?» деб сўраб-суриштириш расм бўлмаган. Худди ҳамма бир ота-онанинг боласидай, аҳил яшарди. Қайга борма, сени ўз туғишганидай кўрарди. Урушда шунинг учун ҳам энгиб қидик-да, иним... У пайтлари Саран оға бошқача: соқоли калта, қоп-қора эди. Эру хотин икковининг бир жуфт чойша-

бию битта кўрпаси бор эди. Хотини ҳам эрига ўхшаб эгнидаги кийимини ташламасди. Бир пайтлари чет элга қочиб кетган Мухатбойнинг хизматкори яшаган уйга жойлашдилар... Э, у маҳаллар ҳамма бир-бирига ўхшарди. Ё менга шундай туюлармиди, билмайман, ишқилиб... Хуллас, эру хотин овулимизда томир отиб қолди, сутга аралашган мойдай, овул аҳли билан қоришиб кетди, бировдан нари, бировдан бери кун кечиришди... Кейин беш йил кўринмай кетишди. Мен урушга жўнаганимда у чақириқ қоғози ҳам олмаган эди. Кимгадир: «Ҳозирча фронт орқасида керак эмишман», деган экан, шу эсимда. Урушдан келсам, у овулда йўқ экан. Кейин яна ё қирқ еттинчи, ёки қирқ саккизинчи йили қораси кўриниб қолди. Уша йиллари эркаклар эгниларида гимнастёрка, кўкраклари тўла орден билан уйга қайтар эдилар, у эса зўр бостон костюм кийиб келди. Эсимда, жигарранг, кўкиш йўл-йўл чизиқлари бор эди. Кўрганнинг ҳаваси келарди...

Эллик олти ёшни уриб қўйган Қорақул оға бир маромда, вазмин сўзлайди. Тальятнинг бутун вужуди — қулоқ. Унинг назарида, чўпон гапирётганга эмас, гўё оппоқ қумга ёзиб қўйилган ҳикояни ўқиб бераётганга ўхшар, қумдан кўз узмас, узса ҳам Тальятга эмас, гўё ҳозиргина сўйилиб, териси шилинган семиз қўй гўштини эслатувчи осмонга қараб гапирар эди. Тальят ҳамсуҳбати нега унинг юзига қарамаётганини ўзича тушунди: чўпони ўзини худди бировни ғийбат қилаётгандай ноқулай сезарди.

Тальят йўл-йўлакай колхозда бўлиб, у ерда оқ соқолу қора соқол чоллар билан ҳам, ҳали мўй чиқмаган ёш-яланг билан ҳам гаплашган эди. Улар Саран оға тўғрисида деярли ҳеч нима дейишмади, лекин у терговга асқатадиган гапларни эслаб қолди. Кўпчиликнинг фикри чоллардан бири айтган «Саран асли бойлардан бўлиши керак, унинг биз камбағал, бева-бечораларга ҳеч қандай алоқаси йўқ» деган гапи билан бир жойдан чиқди. Ҳозир Тальят шуни эслади. Лекин Қорақул оға буни тасдиқламади. Нега? Чунки у ўз ҳикоясини Саран оға умрининг иккинчи ярмидан бошлаган эди.

Қорақул оға ўрнидан туриб, этагига илашган қумни қоқди-да, қўшарга қараб юрди. Тальят буни гап тамом деб тушунди. Қорақул оға қўшарга етмай, қудуқ томон бурилди. Орқасидан бораётган Тальят унинг:

— Лекин нимагадир қўноғи кўп бўларди,— деган гапини эшитди. Демак, Тальят янглишибди: ҳали гап тугамаган экан.

— Кўрганмисиз меҳмонларини?— деди у.

— Бировини кўрганман, бировини кўрмаганман. Меҳмон келганда қўни-қўшнилари ҳам айтилади, тўғрими, овулнинг одати шунақа-ку?

— Тўғри, шунақа. Агар қўй сўйилса, калла-почасига ҳамма қудуқлардан келган чўпонларнинг оғзи тегади. Фақат сурувини узоқроққа олиб кетганлар бенасиб қолади. Меҳмонни бўлса галма-гал, бир пиёла чойга таклиф қиламиз, кирмаганига қўймаймиз, одат шу. Саран оғаям шундай қилади. Лекин кўпинча бизга меҳмонларни кўрсатмайди. Билмайман, нега?

— Қорақул оға, кейинги бир-икки ой ичида уникига битта-яримта келганини эшитганингиз борми?

— Нега эшитмас эканман? Агар қўшга битта-яримта келса, биз бехабар қолмаймиз. Юзини кўрмаслигимиз мумкин, лекин у ё қўшардан, ё қудуқдан албатта ўтади... Яқинда уникига Ашхободдан иккитаси келиб, қўйларини санаб кетди.

— Кимникига қўнди улар?

— Саран оғаникига-да.

— Саран оға қўй сўйдими?

— Сўйди.

— Сизниям чақирдимми?
— Йўқ... Кечқурун, меҳмонлар кетгандан кейин, чақирди. Каллашўрва ичдик.

— Ким экан у келганлар, айтмадимми?

— Айтди: устидан арз тушган экан, текширишга келишибди. Сизларникигаям бориб қолиши мумкин, эҳтиёт бўлинглар, яхшилаб сананглар қўйларингни, деди. Биз ундан, ким, нега келди, деб сўраб ўтирганимиз йўқ. Унинг чўлиғи менинг чўлиғимга айтибди, «Ашхободдан келди, «маҳсус одамлар» дебди.

— «Ашхободдан ким келиши мумкин? Вазирликданми?... ОБХССданми?... Халқ назоратиданми? Кимлигидан қатъи назар колхоз бундан хабардор бўлиши керак эмасми? Шунақа экан, колхоз мениям огоҳлантириб қўймасмиди?... — деди Талъат елка қисиб.

— Бу ёғини чўлиқнинг ўзидан сўрайсиз-да, энди, иним. Менга бошқа ҳеч нарса дегани йўқ. Балки бошқа гаплардан ҳам хабари бордир?

Талъат ўтовга кирди, чўлиқ билан бўладиган гапни орқага сургиси келмади. Чўпон, атай ташқарида қолди, у ҳатто чурак билан қайнатилган гўшти чайнаб, устма-уст чой ичиб ўтирган ҳайдовчини ҳам ёнига чақириб олди. Талъат кўрпачага чўкка тушди. Чўлиқ бола унга чой узатди. Талъат унга ўзинг ҳам ич деб, чой қўйиб берди. Чўлиқ кечки овқатга уннаётган эди, меҳмоннинг қўли қайтмасин, деб, қўлини тўнининг этагига артиб, пиёлани олди.

— Чўлиқлар доим шунақа ўзи билан ўзи овора бўлиб ётадимми ё бир-бирларинг билан гаплашиб туришгаям вақт бўладими? — деди Талъат кулиб қараб.

— Вақт топамиз, — деди чўлиқ. — Кўришиб турамиз...

— Менга қара, Муродберди, сен анави Саран оғанинг чўлиғи билан қандай эдинг?

Боланинг қорачадан келган думалоқ юзи тундлашди.

— Нимасини сўрайсиз, оға, жуда яхши бола эди.

— Ҳеч тушунмаяпман: шаҳарга нега бордийкин?... Ахир у ерда яхши кўрган қизи бўлмаса, ё бирор зарур иши, дегандай... қўшни ташлаб кетиши яхши эмас-ку, а, тўғрими? Билишимча, икковларинг қалин жўра экансизлар... Агар шу гап рост бўлса, сенга бирон нима дегандир?

— Э, орамиздан қил ўтмасди, жуда қалин жўра эдик. Уни биров ёмонлаганини эшитсам, қоним қайнаб кетарди, ўртоқ...

— Талъат ака деявер.

— Талъат ака, жуда яхши бола эди-да...

— Менга қара, Муродберди, агар у яхши бола бўлса, ўз жўрасига бир оғиз индамасдан қўшни ташлаб кетаверадими?

Чўлиқ қўлида пиёла, анча пайт индамай қолди.

— Қани, ўзинг айт-чи? Сен, шундай қилолармидинг?

— Йўқ.

— Ана, кўрдингми? У-чи...

— Йўқ, у ташлаб кетгани йўқ... Шундай қилишга мажбур бўлган...

— Демак, у қўшни ташлаб кетди, деган гаплар нотўғрими?

— Нотўғри...

— Мен ҳам нотўғри бўлса керак, деб ўйлайман. Боланинг номига доғ тушишини хоҳламайман. Лекин бир нарсани билиб қўй: «Нотўғри, нотўғри!» деб минг қичқирганинг билан ҳеч кимни ишонтиролмайсан. Нотўғри гапнинг нотўғрилигини исботлаш керак. Биз ҳозир унинг жонига қасд қилган одамларни ахтараяпмиз. Агар сен ёрдам бермасанг, бошқа биров хоҳламаса, яна кимдир билиб туриб яширса, хўш, биз жиноятчини қандай топамиз? Ахир биз фолбин эмасмиз-ку, тўғрими? Сен жўранг учун аллақачон ҳаммани оёққа турғазиб, «Қотилни топинг-

лар!» дейишинг керак эди. Жинойтчани топиш учун ҳаммадан кўра сен кўпроқ жон куйдиришинг керак эди!

— Сиз менга ишонасизми?

— Агар айтсанг, шахсан мен ишонаман.

— Гувоҳлар керак эмасми?

— Қанақа гувоҳлар?

— Мен айтган гапларни тасдиқлайдиган...

— Хотиринг жам бўлсин, кераги йўқ.

— Унда айтаман... — Муродберди худди қулоғи бордай бир эшикка, бир деворга қаради, кейин: — Уларникига меҳмонлар келишувди... — деди пичирлаб.

— Қўй санашгами?

— Йўқ... улардан кейин... сал ўтиб. Уша кунни эрталаб Ака юзи худди мурданикидай оқариб келди. Мен кўрқиб кетдим, пешонасини ушлаб кўрдим. У: «Кўрқма, соппа-соғман», деди. Билмадим, ҳозир худди тушимда кўргандайман, афти шунақаям бужмайган эдики, қалампир ютиб юборган бўлса керак, деб ўйладим. Кейин у «Бир амаллаб қишлоққа етиб олишим керак, фош қилишим керак,— деди.— Қулоқларимга ишонишимниям, ишонмаслигимниям билмаяпман...» Ҳа, шунақа деди, ўртоқ... Талъат ака. Кўрқиб кетганимдан мен ҳам кимни фош қилиш керак, деб сўрамабман. Мен уни ҳув анави бархангача кузатиб қўйдим,— деди чўлиқ ўтов эшиги тарафни кўрсатиб. Йўлда нуқул: «Фош қилиш керак, фош қилиш керак», деб борди. Мен билан хайрлашаётиб, қўлини мушт қилди: «Одамларни олиб келаман, тезда келаман. Ушанда ҳаммасини билиб оласан», деди. Назарида ҳозир бормаса, кеч бўладигандай эди, ҳовлиқиб, шошиб кетди...

— Балки Саран оға билан чиқишолмай қолгандир, оралари яхшимиди?

— Саран оғани отасидай ҳурмат қиларди. Доим: «Саран оға ундоқ, Саран оға бундоқ», деб оғзидан бол томарди...

— Нега энди у овулга боришим керак, деб, сенга келиб айтди? Нега сен унга, Саран оғанинг рухсатисиз бир иш қилма деб маслаҳат бермадинг?

— Рост айтасиз, нега чиндан ҳам Саран оға билан маслаҳатлашмадийкин? Йўқ, йўқ, унинг рухсатисиз Ака бир қадам ҳам босмасди, агар...

— Нима «агар»?

— Агар унинг ўзидан кўнгли қолмаган бўлса...

— Биласанми, мен ҳам худди шундай деб ўйлайман. Яхши, калланг ишлар экан.

— Бўлмасам-чи!

— Нос чекасанми?

Чўлиқ кулиб бош чайқади.

— Қорақул оға чекади. Носқовоғи ёнида бўлса керак. Опкеб берайми?

— Йўқ-э! Шунчаки сўрадим, ўзим... — деди Талъат ҳам кулиб. — Хўш, ароққа қалайсан? Ичасанми?

— Акам: «Агар ичанг, ҳайдовораман, уйга киритмайман», деган. Акам яхши...

— Тўппа-тўғри. Аканинг гапи укага қонун бўлиши керак. Эҳтиёт бўл, аканг ҳайдоворадиган иш қилма. Ичанг, одамгарчиликдан чиқасан. Агар яхши қизга ўйланаман, десанг, ичмаям, чекмаям. Одамлар сен тўғрингда «Бу бола ичмайди, чекмайди», деса, юборган совчинг қуруқ қайтмайди, ахир қайси она шундай йигитга қиз бермайди, дейсан. — Талъат жун пайпоғини ечди, товонини оловга тутди. — Совуқ одамнинг оёғидан ўтади. Мен бўлсам, худди бувимникига парвардахўрликка кета-

ётгандай, битта пайпоқ билан йўлга чиқибман. «Ҳой, шу аҳволда қаёққа бораяпсан?» дейдиган одам бўлмабди... Хўш, демак, Саран оғаникига қўй сановчилар келгани рост эканда-а?

— Нега энди ёлгон бўларкан? Рост. Битта эмас, иккита одам келди. Бир кеча ётиб ҳам кетишди. Ишлакли жа ёқиб қолибди ҳаммасини пок-покиза туширишибди. Кейин кечаси билан чой ичиб чиқишибди. Биттаси озгин, дароз; иккинчиси сизнинг ҳайдовчингиздан сал тикроқ.

— Сен кўрдингми уларни?

— Узоқдан кўрдим. Ака гапириб берди. Аввалига роса кўрқибди. Бадқовоқ, баджаҳл экан-да кўринишлари. Кейин иккови билан ҳам апоқчапоқ бўлиб кетибди. Биттасини мақтаб: «Жа яхши, адолатли одам экан», деди. Овқатга уннаётганларини кўриб, ҳалиги биттаси: «Агар давлатнинг қўйини сўядиган бўлсанглар, ҳеч кераги йўқ, кейин бўри тортиб кетди, деб баҳона қилиб юрасизлар, бизга чой-нон ҳам бўлаверадисиз», дебди. «Давлат йўлқирамизни, овқат пулимизни бериб қўйган бўлса, яна давлатнинг қўйини ҳам еймизми?» дебди. Ака уларни аллақайсиям ташкилотдан келган, деди. Қайси ташкилот эди-я? Шошманг-шошманг, ҳозир...

У шундай деб эслашга уринди, бармоғини пешонасига тиради.

Талъат бу суҳбатнинг энг муҳим нуқталаридан бири эканлигини билар, шунинг учун «Майли, эсласин! Балки Саран оға бу одамлар тўғрисида ҳеч нарса демас», деб, жимгина ўтирар эди.

Лекин чўлиқ Ака айтган ташкилот номини эслай олмади.

— Калла эмас бу, ошқовоқ! — деди бола қуюқ, ҳурпайган қора сочли бошига уриб. — Отилмаган янги милтиққа ўхшайди, панд бериб отилмай қолади... Сиз бўлсангиз, ишлайди, деб мақтаб ўтирибсиз... «—

Кейин пешонасига яна бир уриб, Талъат унга бермоқчи бўлиб ўтирган саволни бериб қолди: — Нима учун бизникига меҳмонлар кам келадими-ю, уларникидан кети узилмайди? Қорақул оғанинг нишонлари бошқаларникидан кам эмас, лекин қўйни бошқалардан яхши боқиши аниқ. Сурувлариям бизникидан кам бўлса — кам, кўп эмас. Нега бунақа дейман, қизиқаман, лекин ҳеч ақлим етмайди, тушунмайман. Акамда: сўрай дейман-у, «Нима қилиб бемаъни нарсалар билан бошингни қотириб юрибсан?» деб қолишдан кўрқаман. Билишимча, кимнинг обрўси баланд бўлса, ўшанинг таниш-билиши кўп бўлади. Биласизми, Қорақул оғанинг расми туман марказидаги бош кўчага осиб қўйилган, лекин у ерда Саран оғанинг расми йўқ. Обрўси унчалик бўлмагани учундирда-а?

— Нима қиласан меҳмоннинг кўпини? — деди Талъат чўлиқни тинчлантириб, суҳбат оқимини керакли ўзанга буриш учун. — Меҳмоннинг турган-битгани ташвиш. Қовур-пишир, чой қўй, чой дамла, ишлақли қил, дегандай... ишинг бошингдан ошиб кетади. Яна ҳар бир меҳмонга биттадан кўй сўйсанг, охири ўзинг оч қоласан.

— Меҳмон гўшт учун келмайди-ку, биз ҳам меҳмонга колхоз қўйини сўймаймиз. Ҳеч қачон! Идора бизга ҳар ойда сўйиш учун битта кўй ажратади, лекин биз униям сўймаймиз. Узимизнинг ҳам ўн-ўн бешта қўйимиз бор... Қонуний... Меҳмон келса, ана шу қўйдан сўямиз. Ана, Қорақул оға ҳозир ҳайдовчингиз билан ширвоз сўйишга кетди.

— Менга қара, Муродберди, — деди Талъат. — Қани, пешонангга яна битта тушир, зора анави келганларни исму насаблари эсингга тушса... Отини билсанг ҳам бўлди...

— Уни қаранг-а. Нега шуни боя айтмадим?! Каллаям ишлайди ўзи! Аканинг айтишича, уларнинг оти йўқ эди. Насаби бор эди фақат. Биттаси Уруссамов. Ҳа, буниси аниқ эсимда қолган. Униси — Ҳаққаев ёки Аккаевмиди... Йўқ! Ужагаев. Йўқ... Хўжакаев. Тўппа-тўғри! Уруссамов билан

Ҳужжаев! Эсимда, насаблари ғалати экан деб кулган эдик... Ака Давронов билан иккаламиз... — Чўлиқнинг юзи яна ғамгин тортди.

— Сизларнинг сурувларингдан ташқари бу кудукда яна қанча сурув бор?

— Бешта.

— Оралари узоқ-узоқми?

— Бизга энг яқини Саран оға. Агар бормоқчи бўлсангиз, кечки овқатдан кейин обораман. Хоҳланг, эшакда, хоҳланг, машинада. Лекин машинада жуда айланиш-да. Агар пиёда борилса, қумтепалар оша тўппа-тўғри юриш керак. Бошқалари жуда узоқ... Нега сизнинг юлдузчаларингиз кам? Ким узоқ ишласа, ўшанинг юлдузчаси кўп бўлса керак-а? Сиз ҳали кўп хизмат қилмагансиз-а, тўғрими?

— Ҳовва. Ҳали овқат маҳалигача анча бор. Балки бориб келармиз сен билан?

— Ҳамир қоришим керак, Талъат оға. Ишлақли қилмоқчимиз. Бўлмаса...

— Ишлақли қилиш қочмайди, бир амаллармиз, юр, кетдик!

— Э, бўпти, кетдик! — деди чўлиқ ҳам қўл силтаб.

Муродберди калта пўстинини елкасига илиб, Талъатнинг кетидан чиқди. Талъат қумтепалардан юриб ўрганмаган, бирпасда ҳалқослаб қолди. Толиққан оёқларини зўрга судраб босар, олдинда чапқиллаб кетаётган чўлиқ эса худди теп-текис йўлда бораётгандай қадамини энгил босарди. Саҳро халқи ғалати: «Кўш қани!» десанг, «Хув ана», ёки «Хув анави барханнинг орқасида» ёки «Манави тепадан ўтсангиз, етасиз», деб жавоб беради, лекин бу «хув ана» бир неча чақиримга тенг бўлади. Улар қўшдан чиққанларида ҳаво Талъатга анча ёқимли бўлиб кўринган эди, лекин улар қўшдан қўшга, ўтардан ўтарга ўтганлари сари у ўз ҳунарини кўрсатди.

Талъат тишини тишига босиб, бугун кечгача ўзини қизиқтирган ҳамма одамлар билан кўришиб чиқишга, ҳамма қийинчиликларга чидашга аҳд қилди. Кимнинг олдига борсанг, хоҳлайсанми, хоҳламайсанми, чой ичишинг керак. Бу ўзига хос танишиш одоби. Бордию формада келиб, томдан тараша тушгандай, «Сиз, фалончи, пистончи тўғрисида нима дейсиз?» — деб сўрайдиган бўлсанг, нима бало, ақлдан озганми бу одам, деб ўйлашлари мумкин. Ё бўлмаса, шартта кесиб, «Йўқ», дейди-қўяди. Қани, ана шундан сўнг ундан гап олиб кўринг-чи! Оғзига талқон солиб ўтираверади.

Саҳро одамлари ўз одоб-ахлоқлари билан, ўз расму русумлари билан ажралиб туради. Уларнинг меҳмондўстлигини бутун Шарқ биледи. Бағри кенгинг — уйи кенг, дейдилар. Шаҳардаги тўрт хонали уйга сиғмаган меҳмон уларнинг тўрт тавақали ўтовига сиғади. Улар бир сўзли, кўнгли очиқ одамлар. Бировларга кўполдай туюлишлари мумкин. Лекин ундай эмас. Соддадил, тўпори бўлишда, шумлики, қувликини билишмайди. Ташқи қиёфаларидаги дағаллиқа қарамай, улар учун меҳмоннинг кўнглини топишдан зўр хурсандчилик йўқ. Бир ҳамсухбат бўлган киши улардан ҳеч ажралгиси келмайди.

Талъат билан чўлиқ ўз қўшларига қайтганда чўлга шом чўкди. Аслида шундайми-йўқми, билмайди, лекин Талъатга кун чўлда шаҳардагига қараганда қисқа туюлди. Шом тушдию бирдан осмондан қора кигиз ёпгандай ҳаммаёқ зимистон бўлиб қолди. Агар садоқатли йўлбошловчиси бўлмаганда Талъат қайтишда биринчи бархандан кейиноқ йўлини йўқотган бўларди. «Йўлни қандай топиб юраясан?» деб сўради Талъат чўлиқдан. «Нима, сезмаяпсизми? Қий ҳиди келаяпти. Шамол буни ўзимизнинг қўшардан олиб келаяпти», деди бола.

Чўл ҳавосининг авзойи ҳам чўпон-чўлиқларнинг табиатига ўхшайди: ё хўмрайган, ё очик; жаҳли чиққанда ҳам худди уларга ўхшаб ғазаб

отига минади. Шамол гоҳ майин, гоҳ қутуриб эсади, ҳар соатда йўналишини ўзгартириб туради, гоҳ ёмғир олиб келса, гоҳ қум сочади, гоҳ қор. Тинса, ҳамма жонли нарсаларга қуёшнинг сахий нури ёғилади. Кечалари осмоннинг қоп-қора жулдур намати йиртиқларидан юлдузлар чарақлаб мўралайди.

Ҳозир осмонда юлдуз йўқ. Чўлиқ кундузи қандай юрса, шундай кетиб боради. Талъат қий ҳидини туйди. Улар бораётган сўқмоқни ҳам қий қоплаган. Талъат чўпон болалари қийни сават-сават йиғишларини эслаб кетди, дарвоқе, уни қуритиб таппи қилсанг, зўр ўтин бўлади.

Ўтовда уларга ясагиғлиқ дастурхон, аччиқ қилиб дамланган кўкчой. Қорақул оғанинг ўзи пиширган ишлақли мунтазир эди. Узиям ишлақли-мисан ишлақли бўпти. Талъат ҳеч еб тўймас, лаганга кетма-кет қўл узатарди. Ётар олдиндан кўп овқат еб бўлмайдими-ю, лекин у нафсини тийиши қийин бўлди. Ахир, халқ бекорга айтиб қўйибдими: «Дард ошдан...» деб... Фақат, энди босиб-босиб кўкчой ичиши керак. Фақат шу ёрдам берди. Кўкчой ҳар қанча бадҳазм таомни ҳам ҳазм қилдириб юборади.

Талъат жуда эрта уйғонди, вожааб, қорни очиб уйғонди! Апил-тапил кийиниб, телпаксиз, битта кителнинг ўзида ташқарига чиқди. Лекин эрталабки қаттиқ аёз бирпасда баданини жунжиктирди. Совуқдан ичичида титроқ тураётганини сезган Талъат у ёқдан-бу ёққа югура бошлади.

Худди шу пайтда ҳайдовчи ўтовдан чиқди, қўш томондан чўлиқ келди... Қорақул оға ўтовга нонушта охирлаб қолай дегандан кирди.

— Жа барвақт тураркансиз-да, ёшулли, — деди Талъат силжиб, ёнидан Қорақул оғага жой бераркан.

— Унчалик эмас. Мен сиз уйғонишингиздан сал олдинроқ чиқувдим. Сувурни қўшарга ҳайдаб, ем бердим. Энди жимгина ётиб, кавшанаверади.

Чўпон юз-кўлини ювиш учун қумғонда илиқ сув олиб, ташқарига чиқди. Қайтиб кириб, ўтов иссиқ бўлишига қарамай, на оёғини, на устбошини ечди. Талъат бўшатган жойга чордона қурди-да, катта пиёлани тўлдириб ўзига чой қуйди.

— Саран оғани кўрдим, — деб гап бошлади чойдан ҳўплаб. — Айтдим, олдинга бир одам бормоқчи, давлат одами, дедим. «Майли, келаверсин, бугун узоқ кетиб қолмайман», деди.

Чўпоннинг шу гапидан кейин, туриш тараддудиде бўлган Талъат яна бир пиёла чой қуйиб, бамайлихотир ича бошлади.

Талъат секин туриб, ўтов керагасига қоқилган миҳга илинган фуражқасини олди, шинелини кийди. Қорақул оғанинг ҳам ўрнидан тураётганини кўриб:

— Сиз ўтираверинг, мен ўзим бораман, — деди.

— Тополасизми?

— Топаман.

Ташқарида, эшик тагида ётган бузоқдай келадиган думи кесик кўпак йўғон панжалари устидаги тумшугини кўтармай, қулоқларини динг қилди. Талъат чўпон итлар одамга тегмаслигини билгани учун унинг ёнидан бемалол ўтди. Ён-верига қарамай, тўппа-тўғри қудуқ томон юрди. Орқасидан аллакимнинг «Эҳтиёт бўлинг», деганини эшитди. Ким бўлдийкин? Нимадан эҳтиёт бўлиши керак: об-ҳаводанми, Саран оғанданми?

Талъат Саран оғага қўшдан анча берида, пасқам, ува жойда дуч келди; у Талъат келаётган томонга елка ўгириб, эшак устида ўтирганча, тиззасига транзисторни қўйиб олиб, сўнги ахборотни эшитаётган эди. Қўйлар кўзлари тушган қовжирок ўтни чимтиб, қор тагида онда-сонда учрайдиган ниш урган майсаларни қимтиб, қумдан чиқиб турган оқ акас идлизларини кемириб, бутун чўлдара бўйлаб ёйилиб юрарди. Қўриқчи

кўппаклардан биттаси Саран оғадан сал нарида қулоқларини диккайтириб ўтирар, иккинчиси эса ўтлаб кетиб, сурувдан ажраб қолган қўй-қўзиларни қувлаб, сурувга қўшиб юрар эди.

Саран оға Тальятнинг қадам товушини эшитиб, кескин ўгирилди. Тальят уни кўриб ажабланди: юзи худди абадий соя тушиб тургандай, ботқолдоқ бир тусда эди. Шунданми, ҳар қалай, аксарият чўпонларнинг паст қовоғи кўкариб туради, бу уларнинг қушуйқулигидан, — кўзининг тагидаги кўкариб турган жой ҳам билинмайди.

Саран оға бир қўли билан транзисторни, иккинчиси билан елкасидаги милтиқ тасмасини ушлаб турарди. Милисаннинг қўли бўшлигини кўриб, тўқимдан ирғиб тушди-да, милтиқни елкасидан олиб, хуржунга солди. Кейин Тальят билан қўш қўллашиб кўришди, юзи яшнаб, жилмайди.

— Яхшимисиз, милиса иним? Соғ-омонмисиз? Хотин-бола-чақалар соғ-саломатми? Молу жон, қозон-товоқ дегандай... Хуш келибсиз!...

Тальят қисқа-қисқа жавоб бериб, кейин у ҳам чўпоннинг уй ичини, бола-чақасини, молу жонини сўраб чиқди.

Тальят сўрашаётганда Саран оға унинг ҳар бир сўровига «Худога шукр, худога шукр», деб турди. Кейин тўқимдан хуржунни тушириб, унинг бир кўзидан юпқагина кўрпача олди-да шамолдан тўсиб турган кичик тепача тагига тўшади. Яна хуржунга қўл тиқиб, ундан сочиққа ўралган қовурма билан нон олди, термоснинг оғзини очди.

— Қорақул менга: «Бир давлат одами сен билан кўришмоқчи», деб қолди, лекин унвонингизни айтмади. Умрим бано бўлиб, сутгаям, қатиққаям¹ ишим тушмаган... — деди у илжайиб.

— Нега кўрқасиз мендан? Мен сизга етти ёт одам эмасман. Милиса-ям ўзимизники, халқники. Суд ҳам... Мен Чоржўйдан келдим, шаҳар ички ишлар бўлимидан. Биз чўлифингизнинг қотилини излаяпмиз. Мен бу ерга сиздан бирор-бир маълумот оларман, деган ўйда келдим...

— Маълумот?... «Маълумот» деганингни тушунмадим-у, лекин милисаям ўзимизники деганингиизга қўшиламан... Бизда ҳеч нарса бировники эмас. Ҳаммаси ўзимизники... Жин урсин, бу йил менга жуда беҳосият келди. Ака— қўшнимнинг ўғли. Ота-онаси жуда яхши одамлар. Уларнинг олдида юзи қора бўлдим. Шунақа қилишини билсам, қўярмидим, бошлаб сўкардим, бир қадам ҳам жилдирмасдим. Шайтон йўлдан урди болани. Балки биров опкетгандир? Нима деб ўйлашимниям билмайман... Лекин ўзи зўр бола эди: виждонли, ишчан... Уни йўқотгандан кўра бир қўлимни кесиб ташлаганим афзал эди... Шарманда бўлдим, юзиқора бўлдим...

Тальят кўрдик, чўпон чўлиғига чин дилдан куйинапти. Унинг гапларини ёлғон ёки найранг деб бўлмасди. Тальят ҳатто унинг қайғу-ҳасрати олдида ўзини ожиз сезди. Саран оға бўлса, ҳимоя чизғини қўйиб, ҳадаҳа ҳужумга ўтди:

— Мен ҳам сизга етти ёт бегона эмасман, шунинг учун тўғриси-ни айтаман; хоҳланг — хафа бўлинг, хоҳланг — йўқ. Сиз, милисалар нима, қўй боқасизларми ё жиноятчиларни излайсизларми? Елкаларинг-да пагон, белларинг-да тўппонча. Шаҳарда ҳуштак чалиб юрадиганларинг қанча? Нега ҳаммасига излатмайсизлар? Қанийди, қизифар, шу йигирма йил бурунги куч-қувватим бўлса, ўзимоқ топардим ўша қотилни! Мана шу қўлларим билан бўғардим ярамасни!... — деди жиғибийрон бўлиб. Тальят ташаббусни бой бериб қўйганини сезиб қолди; таъ-бир жоиз бўлса, қайиқ оқим бўйлаб сузаётган, фақат эшакни қўлга олиш лозим эди.

— Чўлифингиз ўтган жумада йўқолганми?

— Жумада.

¹ Саран оға ўзича сўз ўйини қилган: сут — суд, қатиқ — милиция, демоқчи...

— Бир кун аввал ким келганийди?
— Бизникигами?.. Хўш, ўзингиз ким деб ўйлайсиз?
— Мен сиздан сўраяпман.
— Худди сизга ўхшаган биттаси, «Ашхободданман, милисаданман», деди. У келдию менинг тинчим йўқолди. Сизни кўрдиму яна дилимни ит тирнади. Сездедингизми?

— Сездим. Оти нима экан келган кишининг?
— Э, милиса, иним, менда эс борми эслаб қоладиган? Қани у эс?
— Формадамиди?
— Йўқ, жўн кийимди...
— Бир ўзими?
— Менинг олдимга бир ўзи келди. Эсимда йўқ, назаримда, бошқа қўшдаям бир ўртоғим бор, дегандай бўлди. Ҳа, шундай деди, билмадим, қизифар, тўғри айтдим ё нотўғри айтдим... Мошинамиз ҳам ўша ёқда, деди. У бошқа ишни текшираяпти, мен бошқа ишни, деди. Мен аҳамият бериб ўтирмадим. Шусиз ҳам ишим бошимдан ошиб ётибди.

— Саран оға товушида яна ҳасрат эшитилди. — Э, нимасини айтасиз, жуда қийналиб кетдим. Эсласам, тепа сочим тикка туради. Нима қиласиз бекорга вақтни ўтказиб? Мендан нимани билмоқчисиз? Етмишга кириб, бир оёғи гўрда бўлиб турган мендай бир чолни соқолидан тортгандан кўра, тезроқ топинглар ўша қонхўрни!

— Сиз ҳасиз, Саран оға, лекин биз ҳам бекордан-бекор чўлма-чўл юрганимиз йўқ. Нима, бу ерда Саран оғанинг қўшидан бўлак қўш йўқми? Ё Саран оғадан бошқа чўпон йўқми бу ерда? Хўш, ўша милисанинг ўртоғи кимнинг қўшида бўлган экан? Кечирасиз-у, яна бошингизни қотиришга тўғри келади, чунки ўзингиз шундай деддингиз-ку. Сўз берман: ўша қўшга бормасдан кетмайман.

— Оббо иним-эй, мен қайдан билай! У айтмади, мен сўрамадим.

— Сиз унинг милисалигига ишондингизми?

— Ҳужжатини сўраганим йўқ. Бизда одат шу: келган одам ўтовга киради, ўзини таништиради. Биз меҳмонга ишонамиз. Агар давлат иши билан келмаса, нима қилади у, бу чўлу биёбонда? Ҳозирги замонда бекорчи одам борми? Агар бирор аблаҳнинг кўнглида ёмон нияти бўлса, бу ерга келиб нима қилади, бунинг учун бошқа жой, бошқа вақт топади. Гапим тўғрими, ё ножўя алжираяпманми, милиса иним?

— «Тўғри», дейшдан бошқа нимаям дердим, ёшулли... Мениям бировнинг формасини кийиб олган, деб ўйлашингиз мумкин. Бунга ажабланмайман...

— Э, баракалла, отангизга балли! Нима қиласиз? Чўл-да бу. Биз ҳам, қизифар, худди болага ўхшаймиз: ким нима деса, ишонаверамиз. «Танимасни — сийламас...» деган мақолга амал қилмаймиз. Ахир биздаям савод бор, худога шукр...

Тальят қўлини кителининг ён чўнтагига тикди-ю, худди чўғ ушлагандай шу заҳоти суғуриб олди; унда тўппонча борлиги эсидан чиққан экан. Бошқа чўнтагини кавлаб, хизмат гувоҳномасини олиб, Саран оғага узатди. Саран оға эринмай ҳамма ёзувни ўқиб чиқди, кейин қайтариб берди.

— Ана энди билдик: бундан кейин шундай қиламиз, — деди.

— Яна битта кичкина саволга жавоб берсангиз...

— Нега энди битта, қанча саволингиз бўлса бераверинг, менинг оғзим кира тиламайди. — Саран оға енгил хўрсиниб қўйди.

— Келиб, қўйларингизни санаб кетган одамлар ким эди?

Тальят Саран оға уларнинг кимлигини «унутиб» қўйса керак, деб қасам ичишга ҳам тайёр эди. Буни фақат Саран оғага ўзининг ҳам унча-мунча гапдан хабари борлигини сездириб қўйиш учун сўради. Лекин у янглишди.

— Уруссамов билан Хўжакаев. Тепадан! Халқ назоратидан. Катта

одамлар. Бунақаларни дарров унутиб бўлмайди. Фамилалариям камёб, дарров эсда қолади. Худди мен уларни давлат ҳамёнидан меҳмон қилаётгандай, ич-этларини еб ўтиришди. Ҳатто суриштиравериб жонимгаям тегиб кетишди. Худди биз бировга колхоз қўйини сўйиб едирадигандай, қизигар!

— Узларини қанақа тутишди?

— Яхши. Худди менга ишониш мумкин эмасдай, қўйларни икки мартадан санашди.

Гап орасида Саран оға термосдан пиёлага чой қўйиб, Талъатга уза-тиб туришни ҳам унутмади. Талъатнинг бошқа саволлар ҳам бермоқчи бўлаётганини сезиб:

— Қани овқатга қаранг, худонинг неъмاتي, шошиб қаёққа ҳам борамиз. Қўй-қўзилар ўтлаб юрибди, итлар уларни қўриқлаб турибди... Давай-давай, сўрайверинг! Қанчадан-қанча бархан ошиб, бекорга келмагандирсиз-ку, ахир. Ишингиз муҳим, иним! — деди.

— Саран оға, сиз нима деб ўйлайсиз, кейин келган меҳмонингиз чўлиғингизга бирор кор-ҳол қилиши мумкинмиди? Чўлиғингиз кетишдан олдин учрашиб... у-бу гапларни айтиб кетган экан, — Талъат бу гапларни атай ноаниқ қилиб айтиб, Саран оғанинг кўзига тик қаради, лекин у бу тузоқдан ҳам эвини толиб чиқиб кетди. Қўполроқ бир қимирлаган эди, термос ағдарилиб, чой тўкилди. Иккови ҳам ўрнидан сапчиб турди. Саран оға сочиқ-дастурхонни йиғиштира бошлади, Талъат кўмаклашди. Бу ҳодисани суҳбатнинг ниҳояси деб баҳолаш ҳам мумкин эди, лекин Талъат чекинмади: — Хўш, нима дейсиз бунга?

— Бўлмаган гап! Бир овчи ўзи йўқ бутанинг тагида ўзи йўқ қуёнини кўрганакан... Эшитганмисиз?

— Эшитганман. Лекин нега энди сиз мени ўша овчи деб ўйлаяпсиз, ёшулли?

— Биласизми, нега? Чунки биз меҳмонни чўлик иккимиз кузатиб қўйганмиз. Хайр-хўш қилиб қайтганмиз. Чўлиққа ҳеч нарса дегани йўқ у! Деб ҳам кўрсин эди! — Саран оға овозини кўтарди: — Мен тирик эканман, уни бу ерда биров чертолмасдиям!

— Ҳа... Қуёнимни одингиз...

— Қуёнларингиз бўлса, яна қўйворинг нақ кўзига ураман!

— Қўриб турибман, уста мерган экансиз... Майли, шундай бўлса ҳам яна битта қуёнимни қўйвораман. Ака қўшни ташлаб кетишдан олдин бир киши билан кўришган... уларга айтганки... — Талъат узоқ вақт қафасда ушлаб турган энг чопоғон қуёнини қўйворди. — Айтганки, «Саран оға бошқача одам экан. Буни ҳамма билиши керак», деган...

— Нотўғри! Тўхмат! Елгон! Оббо, қизигар-эй, уни қара-я, қандай ярамас одамлар бор-а... кўришолмайди, кейин... — Юзи бутунлай чуйкаб кетди; азбаройи жаҳли чиққанидан ҳозир нақ авра-астарини ағдириб сўкиб қоладиганга ўхшарди. — Ишонасизми шу мағзава гапларга! Бўпти! Юринг, ўша келган жойингизга мени олиб боринг! Қаманг, деворга тираб отинг! Мен шарти кетиб, парти қолган одамман, ошимни ошаб, ёшимни яшаб бўлдим, қўрқадиган жойим йўқ!

Вазиятни юмшатиш керак эди. Агар Талъатнинг қўлида Ака жўрасига айтиб кетган гапларни тасдиқлайдиган бирор-бир далил бўлганида, ростдан ҳам Саран оғани керакли жойга олиб кетиши мумкин эди. Лекин... тан олиш керакки, Саран оға Талъатнинг энг чопоғон қуёнини ҳам отди. Тўғри, бу гал қуённинг кўзига уролмади, уни ўлдиролмади, яралади, холос...

Талъат бошини кўтариб осмонга қаради, булутлар тарқаб кетган эди, киш қуёши тўппа-тўғри унинг юзига найза урди. У кўзларини қисди, руҳи енгил тортди.

— Бўпти, Саран оға, хайр.

У чолга елкасини ўгириб, сал нарида кўриниб турган қудуқ томон шахдам юриб кетди. Қудуққа етишига бир неча қадам қолганида, товуш эшитиб, орқасига ўгирилди. Саран оғанинг кўриқчи бўрибосари ҳуриш ўрнига аллақандай қурқураган товуш чиқариб, тўппа-тўғри устига бостириб келаётган эди. Орадаги масофа борган сари қисқарарди. Миясидан: «Одамга ташланадиган чўпон итлар ҳам бўлар экан-да», деган ўй ярқ этиб ўтди. Итдан қандай қилиб қутулишни ҳали ўйлаб улгургани ҳам йўқ эди, Саран оға милтиқда ўзи томонни нишонга олаётганини кўриб қолди...

Чўлни ларзага солиб, кетма-кет икки бор ўқ узилди.

Маҳачқала

(Бекназар Ҳайдаров кундалигидан)

197... й., 19 февраль

Майор менга: кундалик тут, энг қизиқ нарсаларни ёзиб бор, умумлаштир, вақти-соати келиб асқотиб қолади, деганида ҳақ экан. Асқотадими-йўқми, билмадим-у, лекин ёзиб боришга ҳаракат қиламан. Нимадан бошласам экан?.. Ҳа, мана бундай:

Маҳачқаланинг аэропорти Ашхободникидан кичик, Чоржўйникидан катта. Биздагига қараганда халқ ҳам кўп, машиналар ҳам. Таксилар турнақатор бўлиб туради, киракаш чапчилар бир-бирининг нонини юлқилаб: «Қайга борасиз?», «Қайга элтиб кўяй?» деб ҳоли-жонингизга кўймайди. Таксилар тўхтайдиган жойга бораётсам, тақдирни қарангки, иши ўнгидан келса, ов овчининг оёғи остидан чиқади, деганларидай бир одам шоша-пиша мени елкаси билан туртиб олдинга ўтди, қарасам, Маҳаррам! Орқасидан юрдим. Бир четда «Жигули» турган эди, уники экан. Буни ҳеч кутмаган эдим, то етиб боргунимча, жойидан жилди. «Қўлдан чиқаздим», деб ўйладим ўзимча, лекин, қарасам, сал нарида қизил чироқ ёнди, югурсам — етаман. «Энди қутулиб бўлсан», дедим-да, машинани қувлаб етдим. Эшик ойнасини тақиллатдим. У аввалига менга жаҳл билан қаради, кейин эгилиб, олдинги эшикни очди. Ёнига ўтириб, сўрашдим, қарасам, яшил чироқ ёниб турибди-ю, у юрмаяпти, ҳайрон бўлдим, у бўлса менга қараб анграйиб ўтирар, нима қилишини билмасди.

—Юринг, Маҳаррам оға, — дедим. — Бу нима туриш, орқадагиларнинг жини кўзияпти.

Юрдик. Мен унинг ўзи оғиз очишини кутиб боряпман. Миқ этмайди. Ўзим гап бошладим:

— Хўш, қалай, Маҳаррам оға, — дедим. — Ишлар яхши кетаяптими? — Шундай деб кулдим. Нега кулганимни ўзим ҳам билмайман, лекин Маҳаррам оғанинг кўзига қараб билдимки, ноўрин кулибман.

У аламини газ тепкисидан олмоқчи бўлди шекилли, жон-жаҳди билан тепкини босди, машина вариллаб кетди, икки кўзини йўлдан узмай:

— Нима, Чоржўйдан кетган одам очдан ўладими? — деди.

— Мен шунақа дедимми, Маҳаррам оға? Шунчаки сўрадим-да... Қарасам, жим ўтирибсиз, майли, ёш бўлсам ҳам мен сўрашақолай, дедим-да...

— Биз билан сиз бир-биримиздан «Аҳволинг қалай?» деб сўрашадиган пайтда учрашаётганимиз йўқ. Сиз билан танишлигим мени соғлиғимдан маҳрум этди, ҳатто мол-мулкимдан жудо қилди. Тавба! Олдинига оёғингдан чалишади-да, йиқилганингдан кейин, ҳол-аҳвол сўрашади! Ёки сиз ҳали биз билан тўла ҳисоб-китоб қилганимиз йўқ, деб ҳисоблайсизми?

— Маҳаррам оға, сиз мендан бекорга хафа бўляпсиз. Келинг, бир-биримизга кек сақламайлик. Балки ҳали яна учрашармиз, бир-биримизга ёрдамимиз тегиб қолар. Кўриб турибман, мендан жуда хафасиз. Лекин, келинг, бир кун кўришиб қолганимизда бир-биримиздан қўл сиқиб сўрашиш имконидан маҳрум қилманг. Давлат иши билан банд бўлсак ҳам, ҳаммамиз инсонмиз, одам боласимиз. Сизни кўриб хурсанд бўлиб кетдим, орқангиздан боладай югурдим. Бу ерга келишдан олдин хотинингиз билан учрашдим. «Маҳаррам оғага салом айтинг», деб қолди. «Мен соппа-соғман, ташвишланмасин», деди. Илтимосини бажараман деб ваъда берувдим. Ваъдамни бажардим. Энди тўхтатворсангиз, мен тушиб қолсам.

Маҳаррам шу заҳотиёқ тезликни пасайтирди, тормозни босди, кейин яна дарров газ берди.

— Қайга элтиб қўяй? Ҳозир марказдамиз... — деди. — Хоним ўзини кибор қилиб кўрсатишни яхши кўрсаям, заифан ожиза-да... Ҳамма иши жойида, деганингизга ишонмайман. Тўғри, соғ-саломат, деб мени хурсанд қилдингиз, раҳмат...

— Ҳибсхона, ўзингиз биласиз, дам олиш уйи эмас. Лекин Хоним опа ўрганиб қолдилар. Камерада ҳазул-ҳузул қилиб ўтирганларини ўзим кўрдим. Тергов пайти мен билан майорни чаққанлари-чаққан...

Маҳаррам менга яна илгаригидай қаҳр билан боқди: кимни лақиллатмоқчи бўлаяпсан, бўталоқ... Менга нима: хоҳласа — ишонсин, хоҳламаса — йўқ. Ишқилиб, уни кейинги учрашувга тайёрласам бўлди.

Майор Мавлонберди менга доим тўғрисини ёз деб ўргатган. Мен Маҳаррамга бор ҳақиқатни айтдим.

Учишдан олдин Ҳайитқули оғанинг ижозати билан ярим соат Ҳибсхонада бўлдим. Хоним хонага шоду хандон кириб келди. Улай агар, рост! Нозу карашма билан:

— Хўш, ҳаммол бола, нега бугун икки қўлингиз бўм-бўш, на магнитофонингиз, на ёндафтарингиз бор? — деди. — Ё бугун мени сўроққа тутмайсизми? Тайёрмасмисиз?

Мен ҳам унга ўз оҳангида:

— Тайёрмасман, Хоним Ҳаққосовна, — дедим. — Бутунлай бошқа бир мақсадда келдим. Доғистонга учаяпман. Агар саломингиз бўлса, олиб кетаман, оғир юк эмас.

Унга ҳам ўтиринг, демадим, ўзим ҳам ўтирмадим. Гапимиз бирпасда тугайди, деб ўйладим.

— Э, мен сизни яхши биламан, — деди у. — Ёш бўлсангиз ҳам, ичдан пишгансиз. Яна бирор тузоқ-пузоқ қурмоқчидирсиз-да... билмадим, нима кераги бор экан сизга... — У шундай деб рухсатсиз курсига ўтирди, оёқларини чалиштирди. — Мени эримдан айирдинглар, майли, садқаи сар! Ишимдан маҳрум этдинглар, буям садқаи сар! Озодлигимдан жудо қилдинглар — э, буям садқаи сар! Хўш, энди нимадан айирмоқчисизлар мени, ҳаммол бола?

— Биз сизга тузоқ қўяётганимиз йўқ. Сиз ўзингиз тушдингиз тўрға. Тўр ташлаган балиқчи олдиндан қанақа балиқ илинишини билмайди. Ушлаган балиғи лаққами, зоғорами ё бўлмаса олтин балиқчи, кумуш балиқчи, буни тўрни сувдан кўтаргандан кейин билади... — У билан ади-бади айтишиш менинг ҳам жонимга тегди, мен ҳам ўтирдим-да, жиддий қилиб: — Мен сизни жамият олдидаги гуноҳларингиздан бир умрга, батамом озод қилиб юборишни жуда-жуда хоҳлайман, — дедим. — Хўш, нима деб ўйлайсиз, Хоним Ҳаққосовна, терговни худди резинадай чўзиб, секин-секин озод қилган яхшими ё бирдан озод қилган яхшими?

— Бирдан озод қилган яхши-да, — деди у. — Агар юз йил яшашим билсам, чўзаверсанглар бўларди. Фақат вақтни бекорга кетказа-

япсизлар-да. Мен оппоқман, худди оқ каптарга ўхшаб оппоқман. Катта гуноҳим йўқ. Ун олти ёшимдан бери ҳусни-жамолим билан эркакларни ақлдан оздириб келяпман. Катта бўлдим ҳам шу — бирорта қиз мен билан беллашолмади. Лекин мен бу ерда, Чоржўйда расво бўлдим. Хизмат пиллапоясидан поғонама-поғона кўтариллавердим, лекин мени очкўзлимг эмас, сиз эркаклар кўтардингиз. Узларингиз амал бердингизлар, директор қилиб кўтардинглар...

Шу ерга келганда чидаёлмадим, гапини бўлдим:

— Келинг, бу гапларни қўйиб турайлик, — дедим. — Ҳозир бу гапларнинг мавриди эмас, ўрни ҳам эмас... Чоржўйда неча йилдан бери яшаяпсиз. Ун йил бўлдими?

Хоним бош ирғаб тасдиқлади, мен эса уни баттар исканжага олдим:

— Мен бу ерда ўз ихтиёрим билан кўтарилганим йўқ, деяпсиз, шундайми? Лекин, то Чоржўйга келгунингизгача ҳам катта-катта лавозимларда ишлагансиз-ку. Масалан, ҳали институтда сиртдан ўқиётиб, кинотеатрга директор бўлгансиз. Кейин катта бир меҳмонхонага мудирлик қилдингиз. Сўнгра бирдан бошқа соҳага ўтдингиз: заргарлик магазини директори бўлиб қолдингиз. Бу ерда анча ишладингиз. Кейин Чоржўйга келдингиз... Нега илгариги ишингизни ташладингиз? Жонингизга тегдими? Заргарлик магазинида ишлаш осон бўлмаса керак-да,а?

— Бу билан нима демоқчисиз?

— То Чоржўйга келгунингизга қадар ҳам, йигирма ёшларингиздан бу ёғига катта-катта амалларни эгаллаш сизнинг асл орзуингиз бўлган демоқчиман. Бу ерда ана шу орзуингизга етдингиз. Ҳа, ўзингиз етдингиз!

Қўриб турибман, ўзини йўқотиб қўйди. Аввалига гап бермай турган Хоним индамай қолди, чунки мен кайфиятини бузган эдим, шундоқ кўз олдимда қариб кетгандай бўлди, ҳусни-жамолидан асар ҳам қолмади, кўзлари атрофида, ёноқларида, пешонасида ажинлар кўпайди.

Мен гапимда давом этдим:

— Мен сизнинг таржимаи ҳолингизни сизга ёмонлик қилиш учун ўрганганим йўқ, Хоним Ҳаққосовна, — дедим. — Агар бор гапни айтсангиз, фақат ўзингизга ёрдами тегади. Олтин тангалар масаласида, ўйлайманки, ҳали ҳам фикримиз бир жойдан чиқмаяпти, лекин бу ишни охиригача ҳал қилиш керак. Охириги кўрсатмангизда сиз бу тангаларни раҳматли онангиздан мерос сифатида олганман, деб ёзгансиз. Буни нима билан исботлайсиз? Биз ҳаммасини текшираемиз. Онангиз ўлганида етмиш икки ёшда эди... Бундан олти йил олдин... ўз қишлоғида... Чоржўйга онангиз бор-йўғи бир марта келган. Меҳнат таътилингизни сиз Маҳаррам оға билан доим Маҳачқалада ўтказардингиз. Онангиз пойтахтдан узоқда яшаган бўлсалар керак-а? (Ўзимни қишлоқ номини унутганга солдим, тўғри айтиш-айтмаслигини синаб кўрмоқчи бўлдим). Қайси овулда яшаган эди онангиз?

— Цумадада.

Алдамади. Тўғри айтди.

— Раҳмат. Онангиз сизга шунча мерос қолдиришга қурби етарми-ди-йўқми, ўша қишлоққа бориб текшириб кўрмоқчимиз. Агар кўрсатмаларингиз тасдиқланса, биз фақат хурсанд бўлаемиз, чин юракдан айтаяпман бунни. Лекин очигини айтиб қўяй: бизнинг тахминларимиз сизнинг гапларингизга тўғри келмаяпти... Ҳозир тўппа-тўғри аэропортга бораман, эрингизни кўрсам, нима дей?

...Тахминан шу руҳда, шу тарзда суҳбатлашган эдик. Маҳаррам оғага хотинининг саломини етказганимни ёздим. Лекин у менинг гапимга ишондими-йўқми — ўзи билади. Муҳими, мен сўзимнинг устидан чиқдим.

Маҳаррам оға мени манзилимга элтиб қўймоқчи. Лекин қайга? Борар жойимни олдиндан ўйлаб қўймаган эканман.

— Шаҳарда қанча меҳмонхона бор, Маҳаррам оға?

— Билмайман. Лекин мабодо бизнинг денгизимизни томоша қилмоқчи бўлсангиз, «Каспий»дан бошқа қулайроқ меҳмонхона тополмайсиз.

— «Каспий?» Номи чиройли экан... Майли, бўлаверади. Лекин унда бўш жой топилармикан?

— Камтарлик қилманг, ўртоқ Ҳайдаров. Сиз учун ҳар қандай меҳмонхонада ҳам жой топилади. Бордию ҳамма жой банд бўлган тақдирда ҳам, топиб беришади... Керак бўлса, «люкс»... Наҳотки олдиндан жой банд қилиб қўймаган бўлсангиз?

— Улгурмадим. Лекин «люкс» масаласида адашдингиз. Бизда ҳам сафар пули, меҳмонхона, овқат пули худди бошқаларникидай. Тўғри, «люкс» олишим мумкин, лекин кейин хотинимга нима дейман? Милиса тўғрисида фикрларингиз жуда ғалати-да, Маҳаррам оға...

У менга бутунлай бошқача қаради: афтидан, ҳаддидан ошганини тушунган эди.

— Кечирасиз, ўртоқ Ҳайдаров, — деди. — Кайфиятим ёмонлигидан... Хоҳласангиз, меникида меҳмон бўлинг... Фақат ваннамиз йўқ-да. Овқатниям ўзимиз пиширишимизга тўғри келади...

Гапимга ишонмайсиз-у, лекин Маҳаррам оға кўз олдимда яхши одам бўлиб қолди, унинг кейинроқ айтган мана бу гапларига ўзимнинг ҳам ишонгим келмади:

— Мен шахсан сиздан хафа эмасман, — деди у. — Сиз ҳақсиз, ҳам-маям давлат ишини қилади. Қилгандаям сидқидилдан қилиш керак. Сиз бўлмасангиз, бошқа биров аралашган бўларди ҳаётимизга. Хотиним — яхши аёл, аммо ёмон иш қилиб қўйди, майли, айбини ювсин энди. Махфий ишлар билан шуғулланибди, мендан бир оғиз маслаҳат сўрамабди. Нега энди қисматидан нолиши керак? Бир кун шу кулфат бўлишини сезган эдим. Айбим шуки, вақтида кўзимни очиб қарамабман, кулфатнинг қаёқдан келганини билмай қолибман... Хўш, нима қилдик. Бизникига борамизми, ўртоқ Ҳайдаров?

Унинг нияти менга маълум эди, мақсади инспекторни инлтириш, уни нима қилади, нима қўяди, у ёғи кейин аён бўлади. Мен унинг олдида бурчли бўлиб қолишимга умид қиляпти.

— Йўқ, Маҳаррам оға, «Каспий» меҳмонхонасига бораверамиз, — дедим. Мен уни ҳуркитиб юбормоқчи эмасдим, шунинг учун иложи борича, мулойим, хушмуомала бўлишга уриндим, лекин гап орасида унда ҳам ишим борлигини қистириб ўтдим. — Биз сиз билан албатта учрашишимиз керак. Мен Маҳачқалада уч кунча бўламан. Таклиф қиляпсиз, вақт топиб, ваннасиз кулбангизга кириб ўтаман. Негаям кирмас эканман? Яхшими-ёмонми, ахир биз сиз билан ўн йил бир ҳаводан нафас олдик. Дарвоқе, мана, кўнган жойимни кўриб олдингиз, ўзингиз ҳам келиб тулинг, Маҳаррам оға...

Йўл сезилар-сезилмас торайиб, тобора юқорилаб боради. Кўз олдимизда шаҳарнинг мислсиз манзараси — ҳам қадимги, ҳам замонавий иморатлари, ҳам табиати, ҳам маданияти худди кафтдагидай намоён бўлди. Маҳачқала — ўзига хос, мафтункор, жозибали шаҳар. Менга жуда ёқади... Сўнг йўлимиз пастга энди, иккига бўлинди: биттаси чапга, биттаси ўннга бурилди. Ўннга бурилгани бизни тўппа-тўғри олти қаватли меҳмонхона бўсағасига олиб келди.

Кўришгунча хайр, Маҳаррам оға!

У қўлимни қаттиқ сиқиб хайрлашди.

Чоржўй

Кейинги пайтларда Ҳайитқули бир аҳволда бўлиб қолди, тинчини йўқотди. Нима бўляпти ўзи? Сабаби нима?

Бир куни эрталаб онасига:

— Кимга ўхшайман ҳозир мен, эна? — деди.

Рўпарасида ўтирган Марол Ҳайитқулининг саволидан ташвишланиб пешонасини тириштирди:

— Кимга ўхшардингиз, ҳаммадан қарз олиб, энди қайси биридан бошлаб узишни билмай боши қотиб қолган одамга ўхшайсиз, — деди.

Ҳайитқули хандон ташлаб кулди. Адолатли сўзларидан эрининг енгил тортганини кўриб, Марол ҳам бир хўрсиниб қўйди. У шу кунларда Ҳайитқулини ўйлаб кўп ташвиш чекди, мана, унинг гапидан кейин ҳозир ҳамма ўйнаб-қулиб ўтирган бўлса ҳам Маролнинг қўллари қалтираб, пиёласидаги чойнинг ярми дастурхонга тўкилди.

Каллаи саҳарлаб ишга борар экан, Ҳайитқули ўзидан сал олдинроқда кетаётган Қаландаровга етиб олиб, унга хотинининг гапини айтиб берди. Нишонга тегадиган гапнинг қадрини биладиган Қаландаров астойдил ҳузур қилиб кулди:

— Оббо, Маролхон-эй! Уни қаранг: нақ нишонга урибдию, а? Қарздор! Ҳақиқий баҳо, агар билсангиз, фақат мазмуни билангина эмас, ўз вақтида берилгани билан ҳам қимматли, майор. Келин кўрғур сизни нақ ойнада кўргандай гапирибди: ҳа, сиз қарздорсиз, аввало, қидирув бўли-мидан қарздорсиз. Ҳа, узинг, тезроқ узинг қарзингизни биздан! — деди у қаҳ-қаҳ уришда давом этиб, ҳазилни муайян иш билан боғлаб юборганидан яна ҳам мамнун бўлиб.

«Улар ҳақ, — деб хаёлга берилди Ҳайитқули. — Мен ростдан ҳам қарздорман... Чўлиқ боланинг ота-онасидан қарздорман, ўз ишим, касбим, виждоним, еган ноним олдида қарздорман. Қаландаровдан ҳам қарзман — жиноятчиларнинг кимлигини унга айтиб беролмаяпман, қачон айтаман, буям номаълум. Хотинимдан қарздорман — унга камдан-кам илиқ сўз айтаман, уни камдан-кам эркалайман. Қизимдан қарздорман — вақт топиб, унга оталик меҳрини беролмайман. Онамдан айниқса қарзим кўп — ёнида ўтириб, бафуржа гаплашолмайман, оиламиз тўғрисидаги гапларини, бошидан кечирган яхши-ёмон кунлари ҳақидаги ҳангомаларини эшитишга вақт тополмайман, айниқса, ёшлигим ўтган жойларга олиб бор, деб қилган илтимосларини бажаролганим йўқ. Ҳолбуки, волидан муҳтарамам мени деб ҳар куни, ҳар соатда ташвиш чекади, ғамимни ейди, балки ана шулар ҳам унинг умрини қисқартираётгандир... Йўқ, мен қарздор эмасман, мен унинг ғам-ҳасратлари учун айбдорман...»

Шундай деб ўйлар экан, Ҳайитқули ўзининг ҳозирги ҳолатини изоҳлаш учун борган сари кўпроқ сабаблар топар, қарзини узиш кун сайин қийинлашиб бораётган бошқа «судхўр»ларни эслар, борди-келди қилмай қўйган ёру биродарларини, кўпдан бери йўқламай қўйган синфдошларини, анчадан буён байрамлар билан ўзи қутламай қўйган муаллимларини ёдга олди... Қайдан ҳам келди миясига бу аламли, аччиқ хаёллар!

Хонасига кириб, жойига ўтирди-да, бошини кафтлари орасига олди. Бахтига телефон жиринглаб қолдию бостириб келаётган «судхўрлар» шарпалардай ҳар ёққа учиб кетди. Тошкентдан майор Маллаев кўнғироқ қилаётган бўлса керак, деган хаёлда Ҳайитқули чўкаётиб хасга ёпишган одамдай дастакни жон ҳолатда чангаллади. Билсаки, Ашхободдан, ўзининг илгариги бошлиғи сим қоқаётган экан. Бир-бирлари билан дўстона сўрашиб бўлишгач, Хўжа Назарович:

— Кеча вазиримиз жумҳурият газети учун ёзилган мақоласининг

кўлёмасини бир кўриб беринг, деб қолди, — дея гап бошлади. — Мақолада туркман милласининг туғилиш даврига оид жуда кўп қизиқарли гаплар бор. Унда ўша даврнинг кўп қаҳрамонлари тилга олинбди. Улар ичида Мавлонбердиев деган киши ҳам бор экан. Уша, сиз томондан. Сизнинг қариндошингиз эмасмикан, деб ўйлаб, ҳужжатларингизни кўтардим. Ҳужжатларингиз тахминимни сал-пал тасдиқлагандай бўлди-ю, лекин ўзингиздан ҳам бир сўраб кўрай, дедим... Шу баҳонада овозингизни ҳам эшитмоқчи бўлдим!

Шу сўзлардан сўнг «судхўрлар»нинг бу ерда қиладиган иши қолмади. Ҳайитқулининг кайфияти кўтарилиб кетди, вужудиға фахр туйғуси қўйилиб келди, ифтихор билан Хўжа Назаровичга айтдики, ҳа, ўша Мавлонбердиев менинг бобом бўлади. Хўжа Назарович ўқиган таржимаи ҳолида бу ҳақда ёзганми-ёзмаганми, ҳозир эсида йўқ, лекин ёзган бўлиши керак. Ҳа, Мавлонбердиев бошқа сафдошлари қатори туркман милласини оёққа қўйганлардан бири. Вилятнинг ҳамма бурчагида уни биладиган кишилар бор, ёшини яшаб, ошини ошаб қўйган айрим оқсоқоллар то ҳануз уни алқаб гапиради. Бу гапларни, турган гапки, Ҳайитқули таржимаи ҳолида ёзмаган...

Ҳайитқулининг телефондаги қисқа, лўнда ҳикоясидан руҳланиб кетган Хўжа Назарович, бу гапларнинг ҳаммасини оқизмай-томизмай генералга етказаман, деди. Ҳайрлашар экан, у менинг бўлимимда машҳур милласининг невараси ишлаганидан хурсандман, деб қўйди.

Бу гапдан Ҳайитқулининг пешонаси тиришди, лекин унинг яхши кайфиятини ҳозир ҳеч нарса бузолмасди: бобосининг хизматлари унутилмабди! Шундан сўнг ишлари ҳам юришиб кетгандай бўлди. Унлаб Хонмамедов, Жумабоев, Бегов деган кишилар тўғрисида маълумотлар кела бошлади. Булар Тошкентдан учган кишилар. Лекин, афсуски, булар ҳозирча касбдош кишилар ҳақидаги маълумотлар эди.

Ҳақиқий йўловчилар ҳам топилиб қолишига ишончи қомил бўлган Ҳайитқули янги маълумотларни мунтазир бўлиб кутарди. Ниҳоят, йўловчилардан бири — Темиров дегани топилди. Ҳайитқули навбатчи ҳайдовчига Темировнинг тураржойини айтди:

— Ҳайданг тезроқ, — деди у. — Хива кўчаси, 338.

Хива кўчаси — шаҳарнинг бир чеккасида. Кичик-кичик уйчалар... Ҳайитқули қоққан эшикдан ҳеч ким чиқмади, ҳеч ким овоз ҳам бермади, лекин эшик очик эди, тўппа-тўғри кириб бораверди.

Пойабзалини ечиб, ошхонага қадам қўйди. Ҳеч ким йўқ. Кейинги, шифти пастак хонадаги каравотда бир одам ётарди. Дераза пардаси суриб қўйилгани учун Ҳайитқули бу одамнинг юзини аниқ кўрди: афти оғриқдан буришган, боши сочиқ билан танғилган. Бир тирсагиға суяниб туриб, Ҳайитқулига жой кўрсатди:

— Утиринг. Турмаганим учун узр, бошим қаттиқ оғриятти, — деди ётган одам. — Ҳозир сал қўйворди... Кечирасиз, сизни танимай турибман...

— Мен жиноят қидирув бўлиמידан майор Мавлонбердиевман. Сиз Шариф Темиров бўласиз, шундайми?

Бемор саросимаға тушди:

— Нима гап, тинчликми, омбулни ўғри урдими?

— Йўқ, бундан хабарим йўқ. Ўғри урса, биз билардик, Шариф ака! Сизни кечадан бери ахтарамиз. Бошқа бир сабаб билан.

— Кечадан бери? Мени? Нима қилибман мен? Ҳа, ҳа, ҳали ишга борганимда биттаси... ғалати бир йигит чопиб келиб: «Сиз яқинда Тошкентга борганимизми?» деб сўровди. Ҳа, дедим, борувдим, дедим. «Қачон қайтиб келдингиз?» деди. Айтдим қачон келганимни... Бирдан бошоғрим тутиб қолди. Биттаси ҳеч нарса демасдан сўроққа тутди...

Биттаси... Энди, мана сиз, кечадан бери излайман, дейсиз. Ё тавба, нима гап ўзи?

— Шариф ака, биз сиздан бир нарсани сўраб билмоқчимиз. Лекин излаётган одамларимиз бошқа. Улар сиз билан бирга учиб келган бўлишлари мумкин...

— Э, гап бу ёқда демайсизми? — деди у бошини ёстиққа ташлаб. — Мен бўлсам... кўрқадиган жойим бўлмасаям, ўтакам ёрилди-я. Ҳар қалай омбор мудирман — осон иш эмас, тўғрими? Ҳар нарса бўлиши мумкин-да. Қоровул бор, лекин айтсам, ишонмайсиз, ётдим дегунча, хаёлим омборга кетаверади, уйқумда ҳам ҳаловат йўқ. Ташланг шу ишингизни, деб хотиним анчадан бери худонинг зорини қилади. Қандай қилиб ташлайман? Қанча йил ишладим. Ўртаниб қолганман. Кетса, Шариф ака тамом, деяверинг, бу дунёда у қиладиган бошқа нима иш бор?..

У дийдиёсини яна анча давом эттириши мумкин эди-ю, лекин Ҳайитқули маъноли йўталди. Темиров жим бўлди.

— Кечирасиз, Шариф ака... Тошкентдан сиз билан бирга яна тўрт туркман учиб келган. Танаймасизми уларни?

Темиров аввалига шартта кесиб «Йўқ» деди, кейин эсига тушиб:

— Самолётда иккита студент билан танишувдим, — деди.

— Отлари нима экан? Қаерда туришаркан?

Темиров, худди Ҳайитқулини қизиқтираётган кишиларнинг номлари ёзиб қўйилгандай деворга ўгирилди. Чамаси, у чарчаган эди.

— Биттасининг оти Умарқули эди, иккинчисиники... эсимда йўқ, ё Оллоқули, ёки Оллоберди. Ё униси, ё буниси... Кам гаплашдим-да у билан.

— Шаҳарлик болаларми?

— Ҳа. Биттаси аниқ шаҳарлик. Умарқули. Назаримда, автопарк рўпарасида турамиз, дегандай бўлди...

— Қайси автопарк рўпарасида, айтмадимми?

— Йўқ. Балки таксопарк рўпарасидадир?... Тоғам таксичи дегандай ҳам бўлди.

Ҳайитқулига шу узук-юлуқ маълумотларнинг ўзи ҳам етиб ортарди.

Майор тақиллатган эшикни Умарқулининг ўзи очди. Ҳайитқули мақсадга кўчиб қўяқолди.

— Тезроқ уйга қайтайлик, деб охирги имтиҳонимизни уч кун илгари топширдик. Аэропортга бориб кўрайлик, патта бўлса, учамиз, бўлмаса, кечки поездга чиқамиз, деб келишдик. Борсак, патта йўқ, бахтимизга икки киши паттасини сотадиган бўлиб қолибди, қўлдан олдик. Омадимиз бор экан, мана, уйдамыз, — деди йигит.

— Ўша патта сотган кишиларни илгари ҳам кўрганмисиз?

— Йўқ, кўрмаганмиз.

— Икковиниям кўрдингизми?

— Бўлмасам-чи.

— Қани, кўринишларини айтиб беринг-чи?

Умарқули иягини тепага кўтариб, кўзини шифтга тикди.

— Биттаси ўртабўй, миқти, қари. Иккинчиси ёшроқ, дароз...

— Қарисининг қўлида тамакиси йўқмиди? Менимча, у тез-тез йўталиб туради... Бир эслаб кўринг-а! Дарози Фантомасга ўхшайдими? — Ҳайитқули жиноятчиларнинг «алоҳида белгиларини» бир-бир санай бошлади.

Умарқули иягини яна ҳам баландроқ кўтарди.

— Хўш... ўшанда... Паттани бизга ёшроғи сотди. Бошида телпаги борийди, шунинг учун у Фантомасга ўхшайдими-йўқми, билмайман. Бизда иккита йигирма бешталик борийди, уларга ўттиз икки сўм беришимиз керакийди... Хўш-ш, новчада қайтим йўқ экан, йигирма бешта-

ликларни кўтариб, қарисининг олдига кетди... Ҳа, ана энди эсладим! Қариси чўнтагига қўл солаётганда йўтали тугиб қолиб, анчагача чўнтагидан пул ололмай овора бўлди. Мен уларга кечикаяпмиз, деган маънода соатни кўрсатдим: дарвоқе, самолётга чиқариш бошланган эди. Ешулли баджаҳроқ одам шекилли, биз томонга қараб қўлини силтаб, дарозга бир нима деди. Дароз ёнимизга келиб бизга пулнинг биттасини қайтиб берди-да, боринглар, бўлмаса, қоп кетасизлар, деди.

— Патталарга ёзилган насаблар эсингизда йўқми?

— Нега? Бор. Менинг паттамга Оташгиров, оғайнимнинг паттасига ... эсимда йўқ, Бегов бўлса керак, ҳа, Бегов деб ёзилган эди...

Ҳайитқули эртага албатта ёзма тушунтириш хати элтиб беринг, деб тайинлаб, Умарқули билан хайрлашди-да, рассомлар жамғармаси устaxonаси жойлашган собиқ ўт ўчирувчилар биносига йўл олди.

Уни устaxона раҳбари — озғин, рангпар бир йигит қаршилади. Ҳайитқули ўзининг ҳамда бошқа ҳамкасбаларининг эшикларини «безаган» таҳдидли расмларнинг бир даста фотонусхасини унга кўрсатди. Рассом фотонусхаларга тез-тез кўз югуртириб чиқди-да, қайтариб қўлига тутқазди.

— Бизники эмас.

— Нима деб ўйлайсиз, бу расмларни битта одам чизганми ё кўпчиликми?

— Билмадим... Балки битта одам чизгандир. Болалар ҳам чизаверадди буни.

Рассом Ҳайитқулига қарамас, унинг кўзлари аллақандай чексизликка қадалган эди. Фотонусхаларни кўраётганда унинг пастки лаблари жирканганнамо чўччайган эди, ҳозир ҳам, сиз билан гаплашадиган бошқа гапимиз йўқ, деган маънода ўша ҳолида қолди...

Бу нописанд муносабат, Ҳайитқулига оғир ботди, лекин у сир бой бермади, бошқача йўл тутди:

— Бу расмлар оғир жиноятга алоқадор бўлиши мумкин, шунинг учун биз ҳалиги сиз айтган «болаларни» топишимиз керак.

У яна фотонусхаларни рассомга узатди. Рассом нафақат лоқайд, ўзига яраша инжиқ ҳам экан. Фотонусхаларни истар-истамас олиши, уларни тахтага битта-битта ёйиб чиқиши, пастки лабини жирканганнамо чўччайтирганча, бошини гоҳ ўннга, гоҳ чапга қийшайтириб ҳар бирига тўхтаб-тўхтаб назар солганча, сўз ўрнига тушуниб бўлмас овозлар чиқариши назарида милисанинг ташвиқи уни унчалик қизиқтирмаслигини билдириши керак эди, ҳатто милиса ходимининг мана шу расмдай майда-чуйда нарсаларни ҳам ҳисобга олишига ҳайронлигини англатиши лозим эди.

Ҳайитқули қони қайнаса ҳам тишини-тишига босиб чидади. «Рассомлар жамоасига раҳбарликдай масъулиятли вазифаларни кимларга ишони топиришадиган ўзи! — дея ўйлади у. — Нимасига учиб, унга бу мартабани беришдйкин? Раҳбарлик истеъдодигами ё рассомлик истеъдодигами? Чоржўйдами ё Ашхободдами тагида мана шу одамнинг имзоси турган бирор кўргазма бўлганини эслолмайман. Балки у истеъдодли рассом ёки юмшоқсупурги бўлгани учун бу ерга қўйилгандир? Балки...» Дарвоқе, бу саволлар ҳозир майор банд бўлган иш доирасидан ташқаридаги гаплар эди, шунинг учун у ҳозир фақат бир нарсани — бу одамда хайрихоҳлик туйғусини уйғотишни, уни хавфли расмлар муаллифини топишга жалб этишни ўйлади.

— Мен рассомлар меҳнатини жуда қадрлайман, бир шаҳарда яшаб туриб сиз билан таниш бўлмаганимга уялаяпман, — деди Ҳайитқули тилёғламалик қилиб. — Бу камчиликни тuzатиб, сизнинг ижодингиз билан танишмоқчиман. Рассомларни ҳаммаям тушунавермайди. Буям ўшанақалардан бўлса керак, деб ўйламанг, сизларнинг ҳунарларингиз-

дан менинг ҳам сал-пал хабарим бор. Мактабда мен ҳам расм чизардим. Мойбўёқда ўзимнинг сувратимни ишлаганим ҳалиям эсимда. Кўпроқ табиатни чизишни яхши кўрардим, Амударёни, қирғоқларини, қамишзорларни чизардим. Сизларнинг тилинғиз билан айтганда, табиат — менинг мавзуим эди!.. Деворий газета чиқарсак, сарлавҳасини албатта менга ёздиришарди. Байрамларда шиор ёздириш учун бутун туман мени излаб қоларди. Ҳатто райком ходимлари ҳам уйимга алвон кўтариб келиб, ёзиб бўлишимни кутиб ўтиришарди... Назаримда, мен сизнинг олдингизга ҳоқимият вакили сифатида эмас, ҳаваскор рассом сифатида келсам, бошқача кутиб оладигандайсиз...

Рассомнинг чеҳраси сал очилди. У тахта устига ёйиб ташланган суратларни авайлаб йиғиштириб, уларга бошқача бир нигоҳ ташлаб:

— Наҳотки сиз, собиқ рассом, бу суратлар қандай чизилганини билмаган бўлсангиз, — деди. — Ахир булар андазадан олинган-ку!

Ҳайитқули буни аллақачон фаҳмлаган эди-ю, лекин тахминини текшириб кўрмоқчи бўлувди.

— Бу андазани ким қилиши мумкин? Бу ишнинг ҳавосини олган кишими ёки... сиз айтгандай дуч келган «бола»ми?

— Истаган уқувли бола қилиши мумкин... — деди рассом. — Лекин биласизми, ҳар бир муаллифнинг, ҳатто андаза муаллифининг ҳам ўз услуби бўлади... Агар ишонсангиз, менга битта расмни қолдилинг. Эртага кўришамиз. Ё мен сизнинг олдингизга бораман, ё сиз келарсиз... Менинг отим Ермамад...

Ҳайитқули унга уйининг телефон рақамини бериб, истаган вақтингизда кўнғироқ қилаверинг, деди. Улар илиқ хайрлашдилар.

Охири келгуси сонда

Ўзбекистон Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» 75458
 (нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

ойномасига обуна

обуна сонин

1995 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(манвил)

Кимга

(исми-шарифи, фамилияси)

ОЙНОМАНИ ЕТҚАЗИШ ВАРАҚАЧАСИ

п.в.	жойи

75458

(нашр кўрсаткичи)

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

(нашр номи)

обуна	баҳоси	сўм	обуна сонин
янги ман- вилга			
юбориш	баҳоси	сўм	

1995 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(манвил)

Кимга

(исми-шарифи, фамилияси)

Мундарижа

НАСР

Одил Ғқубов. Адолат манзили. Роман	3
Улмас Умарбеков. Фотима ва Зухра. Роман	83

НАЗМ

Тўра Сулаймон. Кўнглумнинг доғлари гуллара тушгай	71
Матназар Абдулҳаким. Ботаётган куёш руҳга муштарак	77
Сирожддин Саййид. Кўкдан юлдуз учса елканг куйгайдир	80
Ҳамидулло Юсуф. Сулаймоннома. Достон	107
Мақсуда Эгамбердиева. Япроқлар учида жаранглар кеча	166
Маҳмуд Тоиров. Юрагимни тонгда уйғотдим	169
Қашқадарё оҳанглари	186

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 3 ЙИЛЛИГИГА

Абдуғафур Расулов. Қатранинг имкониятлари	158
---	-----

МЕРОС ВА ҚАДРИЯТ

Турғун Файзиев. Ҳусайн Бойқаро. Фожей шахс қисмати	171
--	-----

СИДҚИЙ ХАНДАҚЛИҚИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 110 ЙИЛЛИГИГА

Асад Асил. Умри узоқ ижод	193
-------------------------------------	-----

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Уктам Эминов. Шиддат. Роман	198
---------------------------------------	-----

Техник муҳаррир Ю. Абдуллаев

Мусаҳҳиҳ М. Насриддинова

Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент-П, Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Обунага монелик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирида Тошкент — 700000, Амир Темур, 1-тор кўчаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 04.07.94 й. Босишга рухсат этилди 17.08.94 й. Қоғоз формати 84×108¹/₃₂. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 7. Нашриёт ҳисоб табоғи 16. Адади 26.640. нусха. Буюртма № 2884. Чакана савдода баҳоси келишилган нарҳда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси.
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.**